

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини
мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматларини ривожлантириш
агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни
тайёрлаш институти

“Ёшларга ойда давлат сиёсатини амалга оширишда
маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ўрни” мавзусидаги
Республика илмий-амалий конференция

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент - 2022

Маъсул муҳаррирлар: Қ.Қуранбаев, А.Саъдуллаев, О.Ҳасанов, А.Жалилов

“Ёшларга оида давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами / Тузувчилар жамоаси. – Т.: 2022, – 385 б.

Таҳрир ҳайъати: Д.Каттаханова, А.Юнусов, Б.Алимов, Н.Умарова, З.Рахмонов, К.Қодиров, А.Каххоров, М.Исабаев, З.Лухманова, А.Нуруллаев, И.Таджиддинов, Т.Шодиев, Т.Сирожидинов.

Мазкур тўплам Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакилининг фаолиятини йўлга қўйишда ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган вазирлик, идоралар, ижро ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа манфаатдор тузилмалар ҳамда олимларнинг Ўзбекистон Республикасида 2022 йил 15-апрелда ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси материалларини ўз ичига олган. Бу конференция давлат раҳбари топшириғи асосида амалга оширилаётганлиги туфайли Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатаси, Республика Бош прокуратураси ҳамда бошқа юқори турувчи органлар раҳбариятининг ҳам шу йўналишдаги фаолият борасидаги маърузалари киритилган.

Ушбу конференцияда кўтарилган маърузалар ҳамда мазкур тўплам маҳалладаги етакчилар тизимини йўлга қўйишда турли идоралар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд масалалар ҳамда истиқболдаги режалар борасида янги билим, кўникмаларни ривожлантириш, тажриба алмашишга хизмат қилади. Тўпламда келтирилган статистик маълумотлар ва кўрсаткичларнинг тўғрилигига муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

Тақризчилар:

с.ф.д. Ф.Жўрақулов

с.ф.ф.д. (PhD) А.Холмахматов

© Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, 2022 й.



“Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!” деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнак ва намуна бўлишдир”.

Ш. М. Мирзиёев

МУНДАРИЖА

КИРИШ

Ёшларга оид давлат сиёсатида янги ташаббуслар

Қ.Куранбаев – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор.....12

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли қарорининг аҳамияти

А.Саъдуллаев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ёшлар ишлари агентлиги директори.....17

Ёшлар етакчилари – миллий кадрлар тизимини яратишнинг муҳим бўғини

О.Хасанов – Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари.....24

ЯЛПИ МАЖЛИС

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллада ёшлар етакчилари фаолиятини йўлга қўйиш

Қ.Сариев – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси.....29

Маҳаллада ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини самарали йўлга қўйиш борасидаги вазифалар

А.Муртазаев – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими.....36

Ўзбекистонда ёшларни давлат хизматига жалб этишнинг устувор йўналишлари

А.Бекмуродов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.....48

Ёшларга оид ислоҳотлар – маҳалла даражасида

С.Артикова – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари.....56

Маҳалладаги ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари

Ҳ.Қаршиев – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосари.....61

Маҳалла ёшлари орасида оммавий спорт мусобақаларини оммалаштириш истиқболлари

А.Икромов – Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазири.71

Маҳаллада маданий тадбирларни ташкил этиш хусусиятлари

О.Назарбеков – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири.....77

Олий таълим муассасаси ва маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида маънавий-маърифий ҳамкорликни мустаҳкамлаш механизмлари

Ю.Абсоатов – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари.....82

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда касбий йўналтиришга кўмаклашиш

В.Ражапов – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари.....91

Маҳалла – ёшлар учун энг катта тарбия майдони

М.Хожиматов – Республика Маънавият ва маърифат маркази директори.....98

Маҳалладаги ёшларни IT технологияларга кенг жалб қилиш механизмларини жорий этиш

Д.Рустамов – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари.....106

1-ШЎЪБА: ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ МАҲАЛЛАБАЙ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг янги механизмлари, усул ва воситалари

Ж.Ходжаев – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари.....116

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш доирасида амалга оширилган ишларнинг ОАВда ёритилиши ҳолати

М.Сафаров – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари.....121

Ёшлар ўртасида ижтимоий – маънавий яқдилликни таъминлашнинг ижтимоий жиҳатлари

М.Бекмурадов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, социология фанлари доктори...126

Маҳаллада ёшлар етакчилари тизимини жорий этиш – давлат ёшлар сиёсатининг муҳим йўналиши

М.Қирғизбоев – Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори, сиёсий фанлар доктори.....137

Ёшлар етакчилари фаолиятини йўлга қўйиш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши

А.Холмахматов – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Бошқарма бошлиғи.....146

Қорақалпоғистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар

И.Абдикаликов – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи.....154

Маҳалладаги етакчилар фаолиятини самарали ташкил этиш механизмлари

У.Мамбетярова – Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани "Мингжарған" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.....161

2-ШЎЪБА: “БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС”НИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**“Беш муҳим ташаббус” лойиҳаларини маҳаллаларда ташкил этиш
хусусиятлари**

Д.Каттаханова – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари.....166

**Маҳалла ёшлари орасида маданият ва китобхонликни тарғиб қилиш,
болаларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган
чораларни ташкил этиш**

С.Саидов – Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси.....173

**Маҳаллада ёш оилалар ва хотин-қизлар билан ишлашда ёшлар
етакчиларининг ўрни**

З.Маҳкамова – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат
қўмитаси раиси.....180

**Маҳаллаларда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш
имкониятлари**

М.Тошхўжаев – Ўзбекистон Паралимпия қўмитаси раиси.....186

Маҳалла – маърифат ва илму урфон бешиги

А.Абдуллаев – “Заковат” интеллектуал клуби” нодавлат нотижорат
ташкilotи раҳбари.....192

Маҳаллаларда тўғарак ва тадбирларни ташкил этиш хусусиятлари

Г.Фозилова – Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил
этиш илмий-методик маркази бўлим бошлиғи.....196

**Янги Ўзбекистон келажаги ёшлар ўртасида ижтимоий – маънавий
яқдилликни таъминлаш**

З.Мирзаев – Тошкент вилояти ҳокими.....204

**Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш – ёшлар маънавий-мафкуравий
салоҳиятини юксалтиришнинг самарали воситаси**

С.Абдуназаров – Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси.....210

Беш ташаббус: олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба-ёшларининг ҳаётий формуласидаги ўрни

А.Исломов – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавий ахлоқий тарбия бошқармаси бош мутахассиси.....215

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш (“Алишер Навоий” МФЙ мисолида)

Ш.Маликов – Жиззах вилояти Дўстлик тумани “Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.....221

3-ШЎЪБА: “ЁШЛАР ДАФТАРИ” ВА “ЁШЛАР БАЛАНСИ” БИЛАН ИШЛАШ

Маҳалла етакчилари фаолиятини йўлга қўйишда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган ишлар

А.Данияров – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари.....228

Ёшлар таълим-тарбиясида нуронийларнинг ўрни ва роли

С.Турдиев – Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, “Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси.....235

Маҳалла етакчиларининг шахсий-касбий ва бошқарув компетенциялари психодиагностикаси

К.Қодиров – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти профессори, психология фанлари доктори (DSc).....241

Маҳалла етакчилари фаолиятини йўлга қўйишда Наманган тажрибаси

Ш.Абдуразаков – Наманган вилояти ҳокими.....250

“Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар баланси” билан ишлашда маҳалла ёшлар етакчиларининг иштироки

М.Ғаниев – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи.....259

Маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар намунаси

А.Назирова – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи.....264

Маҳалладаги ёшлар етакчиси фаолияти (“Нукус” МФЙ мисолида)

Б.Йўлдашев – Хоразм вилояти Гурлан тумани “Нукус” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.....268

Ёшлар етакчиларининг маҳаллалардаги ўрни

И.Умурзаков – Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани “Олимлар” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.....273

4-ШЎБА: ЁШ ЛИДЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МИЛЛИЙ КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тараққиётнинг ҳал қилувчи кучи

Э.Салиев – Жиззах вилояти ҳокими.....277

Маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини ташкил этиш муаммолари

А.Жалилов – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, сиёсий фанлар доктори, профессор.....284

Маҳалладаги ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва ташаббусларини рағбатлантириш

Х.Эшов – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.....292

Янги Ўзбекистон ёшлари – келажакимиз пойдевори

Д.Худайшукуров – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи.....304

Ёшлар етакчилари томонидан маҳаллаларда ёшлар сиёсатини самарали амалга ошириш

Х.Тўхтаев – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи.....310

Ёшлар етакчилари тўғрисида маҳалладаги жамоатчилик фикрининг аҳамияти

Н.Мингбаева – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти.....315

Маҳалладаги ёшлар етакчиси фаолияти (“Ҳикматли” МФЙ тажрибаси)

Т.Хусанов – Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “Ҳикматли” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.....320

5-ШЎЪБА: ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил қилиш тартиби

А.Икромов – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари.....324

Ёшлар – уйғониш даврининг яратувчилари

Ш.Қудратхўжаев – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси.....334

Маҳаллаларда ёшларни ватанга садоқат, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари

С.Мамаюсупов – Миллий гвардия қўмондони ўринбосари, полковник.....343

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ижтимоий қиёфасини аниқлаш усуллари

А.Юнусов – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори ўринбосари, социология фанлари номзоди, доцент.....352

Маҳалладаги ёшлар етакчисининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш борасидаги ҳамкорлик алоқалари

Ф.Жўрақулов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари.....357

Маҳаллаларда ёшлар жинойтчилигини олдини олишда етакчиларнинг ўрни

А.Алимов – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи.....364

Маҳаллада ёшлар етакчилари фаолиятини ташкил этишнинг муҳим жиҳатлари

Ф.Ражабова – Бухоро вилояти Гиждувон тумани “Саидкент” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.....370

Маҳаллаларда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш

О.Юлдашев – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи.....375

Маҳалладаги ёшлар билан ишлашда етакчи фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари

Г.Умарова – Андижон вилояти Жалақудуқ тумани “Дўнгқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси.....382

КИРИШ



Қуранбаев Қаҳрамон Қўчқорович
*Ўзбекистон Республикаси Президенти
маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари,
Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини
мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси
раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор*

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, оҳирги беш йилда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштирилишига сабаб бўлди.

Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилинди.

2017 йилда Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сифатида қайта ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “30 июнь Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни” этиб белгиланиб, бу бўйича алоҳида қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилиб, мақоми вазирлик даражасига тенглаштирилди.

Шу билан бирга, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаларининг ташкил этилганлиги бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш имконини яратиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2022 йил 19 январда имзоланган “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарор ёшлар сиёсати бўйича устувор йўналишларнинг янги босқичини белгилаб берди.

2021 йилда бу борада бошланган ишлар давомийлигини таъминлаб, маҳаллагача тушадиган вертикал тизим яратилди. Бунда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Ёшлар сиёсати энг муҳим масалалардан бири экани инобатга олиниб, бу сиёсатни амалга оширишда ушбу етакчилар энг қўйи поғонадаги давлат хизматчиси сифатида фаолият юрита бошлади.

Ушбу тизим асосида энг биринчи ўринда ёшлар етакчилари томонидан уйма-уй юриб, “Ёшлар баланси”ни тўлиқ шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни “Ёшлар дафтари”га киритиш ҳамда маҳаллаларда уюлмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

Қарорда белгиланган вазифалар юзасидан республика комиссияси томонидан жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Республика комиссияси

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларини комплекс ўрганиб, 42 мингга яқин ёшлар етакчилари, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори ва мактаб директорлари билан очиқ мулоқотлар ташкил этилди.

Мулоқотларда ҳар бир туманда 1 тадан, жами 207 та маҳалла намунали қилиб олинди ва уларда туман бўйича семинарлар ташкил этилди. Етакчиларнинг маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва профилактика инспектори билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ёшлар билан ишлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун Етакчининг ҳафталик, ойлик ва чораклик режалари ишлаб чиқилди.

Етакчилар учун яратиб берилган шароитлар (хона, компьютер, мебель жиҳозлар ва бошқ.) танқидий ўрганилиб, Қорақалпоғистонда 87 та, Хоразмда 164 та, Тошкент вилоятида 332 та, Сирдарёда 41 та, Фарғонада 218 та, Андижонда 159 та, Наманганда 135 та, Сурхондарёда 116 та, Қашқадарёда 198 та, Бухорода 71 та, Навоийда 38 та, Самарқандда 42 та ва Жиззахда 31 та маҳалла етакчилари муаммолари жойида бартараф этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Ёшлар дафтари” жамғармаларида 136 млрд сўм маблағ шакллантирилиб, ишсиз ва эҳтиёжманд ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилди. Мисол учун, Шеробод туманида “Ёшлар анорчилик кластери”, Олот ва Қоровулбозор туманларида “Паррандачилик кооперацияси”, Нурота туманида деҳқончиликка ихтисослашган “Ёшлар кооперацияси”, Шаҳрисабз туманида “Балиқчилик кооперацияси” йўлга қўйилиб, жами 286 нафар ёшлар бандлиги таъминланди.

Республикада жами 399 868 нафар ишсиз ёшлар бўлиб, йил бошидан 80 850 нафарига 15 319 гектар экин майдони ажратилди. Биргина, Қашқадарё вилоятида 19 та чегарадош маҳаллаларда деҳқончилик қилиш истагидаги 13 мингга яқин ёшларга дуккакли экинлар (мош, нўхат, ловия) ва “Гелон” навли картошка етиштириш учун жами 1 240 гектар ер майдонлари ажратиб берилди.

Бундан ташқари, 1 159 та мактабларда ҳарбий ватанпарварлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хоналари, 9 348 та маҳаллада 23 мингга яқин фаол ёшлардан иборат “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ёшлар орасида спортни оммалаштириш бўйича республикадаги 279 та спорт мактабининг 10,7 минг нафар тренер ва мураббийлари ҳамда мактаблардаги 32 минг нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари маҳалла етакчилари билан кўчалар кесимида индивидуал бириктирилди.

Шунингдек, ҳудудларда 8 та паралимпия спорт турлари билан шуғулланувчи 1 минг 520 нафар ёшлар ўртасида маҳаллаларда намунали паралимпия мусобақалари ташкил этилди.

“Бир нуроний ун ёшга” тамойили остида 150 мингдан зиёд тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ва ишсиз ёшлар фахрий нуронийларга бириктирилиб, улар томонидан 1 750 мартаба “Нуроний ва ёшлар”, “Икки авлод учрашуви” тадбирлари ўтказилди.

Тадбирларда нуроний отахон, онахонларнинг хаёти ва тажрибалари, уларнинг доно ўғитлари ёшларга алоҳида завқ берди ва улар томонидан самимий миннатдорчиликлар билдирилди.

Шунингдек, фаол нуронийларимизнинг туғилган кунларини мактабларда нишонлаш ва уларга эсдалик совғалар бериш тизими йўлга қўйилди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан маҳаллалардаги масъуллар (маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори)нинг контакт маълумотлари жамланган “Ақлли маҳалла” онлайн платформаси ишлаб чиқилиб, республика миқёсида ишга туширилди.

Бугунги кунда маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Республика комиссияси ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати томонидан 9 348 та маҳаллада очиқ танлов асосида ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, фидойи ва ватанпарвар етакчилар саралаб олиниб, улар билан кунлик мулоқот қилиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Давлат хавфсизлик хизмати, Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан бирга маҳалладаги ёшлар етакчисининг хизмат йўриқномаси ишлаб чиқилди, ва унда етакчи фаолиятини тизимли ташкил этиб, унинг аниқ функция ва вазифалари белгилаб берилди. Етакчилар малакасини доимий ошириб бориш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси томонидан махсус услубий қўлланма яратилиб, етакчиларга ҳафталик, ойлик ва чораклик режалар тузиш ўргатилди ҳамда ilm.argos.uz платформаси орқали ўқув-семинарлар йўлга қўйилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш комиссияси томонидан жорий йилда натижавий ишларни амалга ошириш белгиланган.

Биринчидан, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этилади, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилади.

Иккинчидан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларга кредит, субсидия ҳамда ер ажратиш чоралари қўрилади.

Учинчидан, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга кўмаклашилади.

Умуман олганда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг дунёқарашини ўзгартиришга ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топишига алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур конференция давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган янги тизимни илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

Ушбу республика конференцияси тўплами ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга жалб этилган барча мутасадди ташкилотлар, тизимга алоқадор мутахассислар ва қолаверса, ёшлар етакчилари учун муҳим қўлланма бўлишига ишонамиз.



Саъдуллаев Алишер Зафарович
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати аъзоси, Ёшлар ишлари агентлиги
директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 19 ЯНВАРДАГИ ПҚ-92-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар қилиб тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканлиги ҳозирги пайтда ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши

учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ёшлар ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда. Жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган янги бир тизимнинг жорий этилишига катта эҳтиёж борлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик сиёсати ҳар бир ёшнинг хоҳиш-истагини ўрганишга қаратилган. Ёшларга оид барча маълумотларни қамраб олган рақамли тизим – “Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” каби электрон платформаларнинг яратилиши, уларнинг ижтимоий ҳолатидан тортиб бандлиги, таълим ва ҳоказо кўрсаткичлари бўйича аниқ тасаввур берадиган улкан ва бетакрор тизим ҳисобланади. Шунини алоҳида айтиш керакки бугун нафақат ёшлар ишлари агентлиги тизими раҳбарлари ва мутасаддилари ўртасида бевосита алоқа йўлга қўйилди. Бу мулоқот тизимни мувофиқлаштириш билан бир вақтда республикамизда истиқомат қилаётган ҳар қандай ёш билан агентлик ва бошқа идоралар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Жумладан, “Ёшлар баланси” доирасида 16-30 ёшдаги 7,4 млн. нафар ёшларнинг баланси шакллантирилди. Бугунга қадар режалаштирилган ёшларга оид 43 та маълумот турларидан 19 таси интеграция қилинди.

Шунингдек, Давлат раҳбарининг топшириғига асосан мактаблар ва олий таълим тизимида ҳам “Ёшлар баланси”ни худди маҳалладаги каби ишлаб чиқиш вазифаси юклатилиб, мамлакатимиздаги 10 051 та (99,4 фоиз) мактабда “Ёшлар баланси” ишлаб чиқилган бўлсада, бироқ академик лицейларнинг 29 тасида (42,1 фоиз), профессионал таълим муассасаларининг 100 тасида (13,8 фоиз), олий таълим

муассасаларининг 36 тасида (26,1 фоиз) мазкур ишлар ҳалигача якунига етказилмаган.

Бундан ташқари, Ташқи ишлар, Бандлик, Ахборот технологиялари вазирликлари ва Умумжаҳон ёшлар ассоциацияси билан биргаликда хорижда меҳнат қилаётган ва таълим олаётган ёшларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида “Хориждаги ёшлар баланси”ни шакллантириш режалаштирилган. Бу орқали жорижий давлатлардаги ёш-ватандошларимиз балансини шакллантириш ва чет элда сайёр қабулларни ўтказиш вақтида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича зарур чораларни кўришга эришилади.

“Ёшлар баланси” асосида аниқланган ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишнинг доимий тизими ҳисобланган “Ёшлар дафтари”га 138 минг 747 нафар ёшлар киритилиб, 47 минг 434 нафарининг (34,2 фоиз) ижтимоий муаммолари ҳал этилди. Бунинг учун “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан қарийб 101 млрд. сўм маблағ ажратилди.

“Ёшлар дафтари”ни юритиш бўйича республика ўртача кўрсаткичидан (45,8 фоиз) паст бўлган Қорақалпоғистон (32,7 фоиз), Самарқанд (36,8 фоиз) вилояти “қизил” ҳудудда, Тошкент (40,8 фоиз), Наманган (40,9 фоиз), Сурхондарё (42,7 фоиз), Хоразм (43,2 фоиз), Қашқадарё (43,4 фоиз) вилоятлари “сарик” ҳудудда қолмоқда.

Шунингдек, “Ёшлар дафтари” платформаси орқали 165 минг 562 та онлайн мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 113 минг 454 таси (68,5 фоиз) секторлар томонидан тасдиқланган ҳамда 47 минг 986 таси (29,0 фоиз) рад этилган.

Бошқа тизимларда аналогича бўлмаган бу рақамли тизим инновацион янгилик бўлиши билан бир қаторда, жуда халқчил ва амалий характерга эгаллиги билан ажратиб туради.

Ўзбекистон ёшлари тўғрисида ҳар қандай маълумотни ана шу рақамли тизим воситасида олиш, ёшларнинг ўзлари бу тизимда ўзи тўғрисида барча маълумотларни олиши, мавжуд ҳолатига баҳо бериши, бирор бир масала юзасидан ариза қолдириши ва амалий

натижага қаратилган жавоб олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда ёшларга оид давлат сиёсатининг янги босқичи бўлган маҳалладаги ёшлар етакчилари ҳам бугунги кунда ёшлар балансини тузиш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишни ўрганмоқда. Иккинчи тарафдан эса, инновацион технологиялар воситасида ёшлар билан мулоқот қилиш, бошқа идоралар ёрдамида муаммоларини ҳал қилиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш йўналишида амалга оширилган бир қатор ижобий ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

2021 йил давомида 93 та ёшлар делегацияларининг 8 та хорижий давлатларга ташрифи амалга оширилди, йил давомида мамлакатимизга 231 нафар хорижлик ёшлар делегациялари қабул қилинди. 7 та мамлакат (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия Федерацияси, Беларус, Озарбайжон ва Туркия) билан ёшлар сиёсати соасида ҳамкорлик ўрнатилди.

2021-йилда Ўзбекистон илк маротаба рейтингга киритилди ва 150 давлат ичида 82-ўринда кўрсатилган. “Global Youth Development Index”нинг 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистон 98-ўринда белгиланган. 2021-йилнинг 18-феврал куни “Терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда ёшларнинг ўрни” мавзусидаги халқаро конференцияси ўтказилди. Мазкур конференцияда 200 нафардан ортиқ давлат органлари вакиллари, ShHT, MDH, BMTTD, YXHT, UNODC, GIZ ва Осиёда ўзаро ишонч чоралари бўйича Кенгаши халқаро ташкилотлари раҳбарлари, миллий ва халқаро даражадаги экспертлар, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминловчи органлар, ёшлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги БМТ Бош қароргоҳида ўтказилган ECOSOC (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши) ёшлар форумида илк маротаба Ўзбекистон Республикаси ёшлар делегацияси иштирок етди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДХ) аъзо мамлакатларнинг Ёшлар ишлари бўйича Кенгаши 28-йиғилиши Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси делегация Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказилган “One Young World Summit-2021” саммитида 197 та

мамлакат ичида илк маротаба Ўзбекистон Республикасининг байроғи кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи “Ёш тадбиркорлар форуми” ўтказилди. Туркий давлатлар ташкилотининг Ёшлар ва спорт ишлари бўйича вазирлари йиғилиши илк маротаба Ўзбекистон Республикаси мезбонлик қилди.

Арманистон Республикасида ўтказилган “МДХ учун 100 ғоя” халқаро танловининг финал босқичининг ғолиблари қаторига Ўзбекистон Республикаси делегацияси киритилди.

Россия Федерациясининг Фан ва олий таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Самара шаҳрида “Россия-Ўзбекистон ёшлар форуми” ўтказилди.

Бундан ташқари икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 50дан ортиқ учрашувлар ўтказилди.

Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари билан ҳамкорликда “Фарғона водийси ёшларининг ижтимоий уйғунлиги” лойиҳаси” самарали ташкил этилди.

“JustStart” ҳудудий стартаплар учун акселерация дастурида иштирок етган 10 та лойиҳага 5000 АҚШ долларида грант маблағлари ажратилди.

Ёшларнинг ИТ кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида Ёшлар марказларида “Youth Hub” (Ахборот-технологиялари маркази)лар ташкил этилди ва моддий-техник базасини яхшиланди.

Фарғонада Media Hub очиш ва ёшларни медиа, SMM, График дизайн, фото ва видеомонтаж қилишларига шарт-шароит мақсадида қиймати 55,380 АҚШ доллари миқдоридан грант маблағлари жалб қилинди.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Ёшлар оромгоҳида Фарғона водийсининг 100 нафар фаол ёшлари учун Етакчи ёшлар-ёзги мактаби ташкил этилди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил

19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори билан ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий, ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этувчи мазкур жараёнда маҳаллаларда ёшлар етакчиларининг билими ва касбий лаёқати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан улар томонидан қабул қилинадиган оқилона қарорлар маҳаллаларда ёшларнинг қатор муаммоларини ижобий ҳал қилиш имконини беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда мазкур агентлик ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамкорлигида маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли, ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни шакллантириб олиш масалаларини тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокама қилиш ўта муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир.

2022 йил январь ойидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида Республиканинг барча туманлари маҳаллаларидаги ёшлар етакчилари томонидан амалга оширилган фаолият натижалари таҳлили шуни

кўрсатдики, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини аниқлаштириш учун масъул вазирлик ва идоралар билан илмий мулоқот майдонини ташкил этиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Шу муносабат билан “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ўрни” мавзусидаги Республика конференцияси махсус ташкил этилиб, унда ёшларга оид давлат сиёсатини маҳаллабай жорий этиш механизмлари, “Беш муҳим ташаббус”ни амалга ошириш масалалари, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар баланси” билан ишлаш, ёш лидерларни тайёрлаш ва миллий кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда “маҳаллабай” ишлаш тизимининг ўрнини белгилаш билан боғлиқ кўплаб муаммолар ва уларнинг ечимларини ҳар томонлама, атрофлича муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ўрни” мавзусидаги Республика конференцияси иштирокчиларини самимий табриклайман, шунингдек, унда иштирок этувчи барча мутасадди раҳбарлар ва профессионал мутахассисларнинг ушбу муҳим илмий-амалий анжуман доирасидаги фаолиятларида улкан зафарлар ва ижодий баркамоллик тилаб қоламан!



Хасанов Отабек Абдурашидович
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги
директори биринчи ўринбосари

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ – МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТИЗИМИНИ ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини ташкил этаётган ёш авлод – Ватанимизнинг энг катта бойлиги ва ресурсидир. Ёш авлоднинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Зеро, ҳар бир давлатнинг истиқболи, равнақи ва ривожини, халқаро майдондаги рақобатбардошлигини ёшларнинг таълим-тарбияси ҳамда келажагига қаратиладиган эътиборга чамбарчас боғлиқдир.

Бу борада Президентимизнинг жорий йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори энг қуйи бўғин – маҳалла ва хонадонгача кириб бориш ва бошқарувнинг янгича вертикал тизимини яратишга замин яратди.

Мазкур Қарор ёшлар билан ишлаш соҳасида яхлит институционал тизим яратилишига мустаҳкам пойдевор яратди. Қарорга биноан,

юртимиздаги ҳар бир маҳаллада “ёшлар етакчиси” лавозими жорий этилди. Эндиликда миллий, республика, ҳудуд, туман (шаҳар) даражаси билан чекланибгина қолмай, балки маҳалла даражасида ҳам ёшлар масалалари бўйича масъуллар пайдо бўлди. Бундан кўзланган пировард мақсад – ёшларнинг билим олишлари, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашлари, ўз истеъдоди ва қобилиятларини рўёбга чиқаришлари, меҳнат билан банд бўлишларида маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада ошириш ҳамда ёшларнинг муаммоларини маҳалладан чиқмай ҳал қилишдир.

Маҳаллаларда ёшлар етакчилари лавозимининг жорий этилиши давлат фуқаролик хизмати олдида турган бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Биринчидан, давлат фуқаролик хизматига қарийб 10 мингга яқин садоқатли ва шижоатли, ҳар бир масалага ностандарт ечим топишга қодир янги авлод кадрлари кириб келмоқда. Иккинчидан, Миллий кадрлар захираси пастни кўрган, муаммоларни ўрганган, бевосита фуқаролар билан ишлаган кадрлар билан таъминланади. Учинчидан, “тенгдош – тенгдошга” тамойили асосида ёшлар орасида юзага келадиган масалаларни тизимли ҳал қилишда бевосита ёшларнинг иштироки таъминланади. Тўртинчидан, ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаоли давлат бошқарувининг бевосита энг қуйи бўғинига қадар кириб боришига ва айнан маҳалла даражасида давлат сиёсатини янада кучайтиришга эришилади.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини тизими ходимлари ўз хизмат лавозимиغا кирмайдиган топшириқ ва ортиқча юкламалардан халос қилиниб, уларнинг бор эътибори ўзларининг асосий фаолият йўналишларига қаратилади.

Қарорга мувофиқ ёшлар етакчиси зиммасига қатор жиддий вазибалар юкланмоқда. Хусусан, ёшлар етакчиси маҳаллада “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали ишлаш, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ижтимоий фаоллигини ошириш,

иқтидори, истеъдоди ва ташаббусини рағбатлантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашишга масъул бўлади.

Албатта, мазкур йўналишдаги фаолият ёшлар етакчиси учун ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган, ноёб ҳаётий ва касбий тажрибага айланади. Ушбу лавозимдаги самарали фаолият ёш кадрларимизнинг кейинги карьераси учун муҳим замин яратади. Вақти келиб маҳаллада самарали фаолият кўрсатган ёшлар ҳоким ўринбосари, ҳоким, вазир ўринбосари, вазир даражасига етишади.

Ёшлар етакчисининг фидойи хизматини муносиб рағбатлантириш масаласи ҳам Қарорда алоҳида кўрсатиб ўтилган. Жумладан, маҳаллада ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, жиноятчиликни камайтириш, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда ўрناق бўлган, ёшлар бандлигини таъминлашда ҳоким ёрдамчиси билан намунали ҳамкорликни йўлга қўйган етакчилар “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланади. Яна бир муҳим жиҳат: мана шундай намунали етакчилар меҳнат фаолияти натижасига қараб Миллий кадрлар захирасига киритилади. Бу уларнинг келгусида ўз йўналиши бўйича раҳбарлик лавозимларига тайинланишида ўзига хос пиллапоя вазифасини ўтайди.

Шу ўринда, Президентимизнинг қуйидаги гапларини келтириб ўтиш жоиз: “Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янгича ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз”.

Миллий кадрлар захираси давлат секторида раҳбар кадрлар таркибини барқарор таъминлаш ва унинг сифатини яхшилаш, давлат хизматчисининг касбий билимини ошириш ҳамда хизмат лавозими бўйича кўтариш мақсадида шакллантирилади. Бугунги кунда ушбу йўналишда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан илғор хорижий тажриба ва миллий амалиёт уйғунлиги асосида қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Жанубий Корея, Япония каби давлатларнинг тажрибасидан келиб

чиқиб, “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплекси ишлаб чиқилиб, кадрларни саралаб олишнинг замонавий усуллари амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Юқорида қайд қилинган электрон тизим орқали Миллий кадрлар захираси юритилади ва бошқарилади. Захирага олинган шахс ҳақида тўлиқ маълумотлар, унинг досъесидан тортиб, баҳолаш натижаларигача ушбу электрон тизимдан ўрин олган.

Қайд қилиш керакки, ёшлар етакчилари Миллий кадрлар захираси тизимини яратишнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Шу сабабдан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ёшлар етакчисининг касбий ривожланиш траекторияси ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ, ёшлар етакчисининг меҳнат фаолияти Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 6 та энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ва 5 та шахсий сифатларни баҳолаш кўрсаткичлари асосида ҳар чорақда баҳоланади ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига тақдим этиб борилади.

Шунингдек, ёшлар етакчисининг билими, психологик хусусияти ва раҳбарлик кўникмасини аниқлаш мақсадида уларнинг салоҳияти ўрганилади. Номзоднинг салоҳиятини баҳолаш тест синовлари, психометрик тестлар, “360 даража” ва ассесмент усулларини ўз ичига олади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат бошқаруви академияси томонидан ёшлар етакчилари учун махсус ўқишлар ташкил этиш режалаштирилган. Ўқишлар вебинар (маъруза), амалий машғулот ва семинар-тренинг шаклида ташкил этилади. Иштирокчилар ҳудуддаги раҳбарларга бириктирилади ва дублёрлик асосида стажировка ўтайди.

Бундан ташқари, юқори салоҳиятга эга ёшлар учун “Келажак лидерлари” ва “Президент захира кадрлари” ўқув дастури ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Унга мувофиқ иштирокчилар бошқарувнинг замонавий усуллари, иқтисодиёт ва қонунчилик асосларини чуқур ўзлаштиради ҳамда янги амалий кўникмаларни эгаллаш ва замонавий ютуқлар билан танишиш мақсадида чет элга стажировка ўташга юборилади.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган чоралар давлат фуқаролик хизматида инсон ресурсларини том маънода ўз касбининг ҳақиқий иқтидорлари билан бойитишга хизмат қилади ва яқин келажакда ўзининг самарасини бера бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон Қарори // <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4880189>.

5. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O'zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.



Сариев Қахраман Раматуллаевич
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши раиси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛАДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Муҳтарам Президентимизнинг “Жорий йилда ёшлар билан ўтказилган форумлар, сайловолди учрашувларида ёшлар сиёсати бўйича устувор йўналишлар ва жуда катта марраларни белгиладик. Ёшлар бўйича маҳаллагача тушадиган вертикал тизим яратамиз” – деган гаплари барчамиз учун бугунги кун шиорига айланди.

Мамлакатимиз ёшлари ҳаётида жуда катта янгилинишлар, ҳайратланарли воқеалар, изчил ислоҳотларга замин яратадиган муҳим ташаббуслар амалга оширилаётгани барчамизни қувонтирмоқда. Бунда ёшларнинг имкониятлари тобора ортмоқда. Ёшларимиз учун яратилган имкониятлар ҳар бир соҳада яққол кўзга ташланади. Хусусан, бугунги кунда Қорақалпоғистонда аҳоли сонининг 56,3 фоизини ёшлар ташкил этади. Худудда ёшлар учун амалга оширилаётган ислоҳотлар, имконият ва имтиёзлар қорақалпоғистонлик ёшларни руҳлантириб, янги марралар сари чорламоқда.

Президентимиз томонидан ёшлар ҳаётига оид қандайдир Фармон ёки қарор имзоланса, аввало юртимизда яшаб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ҳар битта ўғил-қизларимизнинг тақдирини белгилайди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, имкониятларини ошириб, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида камол топишларида замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарорига мувофиқ ёшлар билан ишлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва туман (шаҳар)ларида қарор ижросини таъминлаш бўйича Республика ва маҳаллий штаблар фаолияти йўлга қўйилиб, тегишли вазирлик ва идоралардан масъуллар бириктирилди.

Ёшлар муаммоларини маҳаллаларнинг ўзида ҳал этиш, барча бўғинлардаги ёшларнинг истеъдод ва иқтидорларини кенг намоён қилиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида тасдиқланган қарор чекка ҳудуд ёшлари учун айни муддао бўлмоқда.

Қарорга мувофиқ маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 424 та маҳалла фуқаролар йиғинларига муносиб номзодлар масъулиятли фаолият учун саралаб олинди. Рағбат бор жойда иш унумдорлиги ортади, ҳар қандай интилишлар марраларга, баланд чўққиларга элтади. Шу боис, қарорга мувофиқ маҳаллардаги ёшлар етакчиларининг фаолиятини келгусида юксак қадрлаш ва рағбатлантириш мақсадида имтиёзлар яратилган.

Маҳалладаги Ёшлар етакчиси ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар етакчилар бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади. Фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий

фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган маҳалладаги Ёшлар етакчиси “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланади. Шунингдек, фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Етакчилар ҳар чорак якуни бўйича ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда мукофотланади. Бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган маҳалладаги ёшлар етакчиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қоплаб берилади.

Маҳалла етакчилари учун хизмат хоналари ва мебель жиҳозлари ажратилди, шунингдек улар фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида компьютер жамланмалари ва планшетлар билан таъминланди.

Шунингдек, ёшлар етакчиларини янги жорий этилаётган тизимнинг туб моҳияти ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича ҳар ойда ҳар бир тумандан (шаҳар) 4 нафар етакчиларга ўқув семинарлари ташкил этиш ва уларнинг иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар ой якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги жами 424 маҳалла етакчиларининг топ йигирматалагини жорий этиш орқали мукофотлаб бориш тизими жорий этилди.

Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш мақсадида етакчиларга “Ёшлар жамғармаси” ва маҳаллий бюджет ҳисобидан шу кунга қадар етакчиларга тадбир ва лойиҳаларни амалга ошириш учун салкам 200 млн. сўм пул маблағлари ажратиб берилди.

Барча маҳаллаларда “Ёшлар баланси”ни шакллантириш ва рейтинг кўрсаткичларини белгилаш ишлари олиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд 424 та маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, 324 минг 507 та хонадонларда 421 минг 103 нафар ёшлар томонидан анкета сўровномалари тўлдирилиб, барча маълумотлар Ёшлар баланси платформасига киритилди.

2022 йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича маҳалла-туман/шаҳар-Қорақалпоғистон Республикаси кесимида “Ёшлар дастурлари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Дастурга асосан, 424 та маҳалла дастурлари ижроси учун 31 млрд 327 млн сўм, 17 та туман/шаҳар дастурлари ижроси учун 196 млрд 701 млн сўм, Қорақалпоғистон Республикаси дастури ижроси учун жами 117 млрд 840 млн сўм сарф этилиши режалаштирилган.

“Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” орқали ёшлар муаммоларини “маҳаллабай” ҳал этиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, йил бошидан “Ёшлар дафтари”га 8 минг 124 нафар ёшлар киритилиб, “Ёшлар баланси” яқунлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар дафтарга тўлиқ қамраб олинади.

Маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлигида 2022 йил 1-чораги давомида 8 минг 277 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.

“Ёшларининг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳалла ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилан 12 минг 857 та тадбирлар ўтказилиб, 498 минг нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Етакчиларнинг асосий вазифалардан келиб чиқиб, hafta кунлари ўтказиладиган лойиҳа ва тадбирлар режаси асосида, ёшлар муаммоларини ўрганиш, китобхонлик, ахборот технологиялари, тадбиркорлик куни, профилактика куни, ҳарбий ватанпарварлик куни, маданий тадбирлар, спорт ва туристик тадбирлар тизимли амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 22 февраль куни Республика миқёсида Беруний тумани “Тинчлик” маҳалласида “Ёшларнинг бўш вақти, етакчининг иш вақти” тамойили асосида намунали тадбирлар ташкил этилиб, 7 мингдан зиёд ёшлар иштирокида 25та лойиҳа ва тадбирлар ўтказилди.

Бу каби намунали тадбирлар барча шаҳар ва туманларда режа график асосида, 280 тан зиёд намунали тадбир, танлов ва мусобақалар ташкил қилиниб, 32 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Жорий йилнинг февраль ойида “Оқ кема” оромгоҳида ҳарбий ватанпарварлик ва профилактик оромгоҳида 2 навбат ташкил этилиб, жами 200 нафар профилактик ҳисобда турувчи ва жиноятчиликка мойил ёшлар жалб қилинди. Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда ёшлар учун қулай жойларда 1-типдаги 128 та, 2-типдаги 3 та Ёшлар комплекслари барпо этилди.

Ёшларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини “маҳаллабай” ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича ташкилот ва идоралар, секторлар раҳбарлари томонидан 607 маротаба очиқ мулоқотлар ўтказилиб, 10 578 мингга яқин ёшлар томонидан кўтарилган 984 та муаммо ва таклифлар кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Келгусида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, “Ёшлар овози” ёки ёшлар ўртасида брендга айланган “Бўзатов ФЕСТ” мега лойиҳасининг финал босқичи ўтказиш бўйича ҳозирги кунда қизғин тайёргарликлар олиб борилмоқда.

Ёшларининг маданият ва санъат, спорт билан мунтазам шуғулланиши, китоб ўқишига шароит яратиш мақсадида маҳаллаларда 20 та Ёшлар комплекслари, Амударё, Қонликўл, Шўманай ва Нукус туманларида суъний қопламали спорт майдончалари, Қўнғирот, Кегейли, Чимбой ва Қораўзак туманларида “Ёшлар маркази” барпо этилади.

Мазкур ишлар билан бир қаторда:

- етакчининг тавсияси асосида бериладиган 13 та тавсия асосида йил охиригача 54 минг нафар ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорларни ривожлантириш ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва камбағаллигини қисқартириш;

- йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган 10 нафар етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдорида, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги

ПФ–33-сон Фармонига мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш;

- ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган республика бўйича энг илғор 20 нафар Етакчилар бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш;

- фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларға намуна бўлаётган ва уларға етакчилик қилаётган Етакчиларни “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш;

- ёшларнинг муаммоларини ҳал этишға қаратилган учрашувлар ва очик мулоқотлар ўтказилиб, кўтарилган масалалар бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг ижроси мониторинги юритилади;

- ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбға чиқаришға кўмаклашилади.

Бугунги республика илмий-амалий конференция мамлакатимизда ёшларға оид давлат сиёсатини амалга оширишда ўзаро тажриба алмашиш майдони бўлиб хизмат қилишиға шубҳа йўқ.

Шу боис, мазкур конференция ёшлар дунё қарашларини бойитиб, илғор замонавий кашфиётларни кашф этишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблайман ва унинг иштирокчиларига каттадан катта зафарлар тилайман.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил, 3 май. ПҚ-4307-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларға мўлжалланган янги

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада янги тизим яратиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш бўйича Республика экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2021 йил. 4 март. №АФ-213.

4. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти.



Муртазаев Асилбек Мақсудович
*Президент Администрацияси
масъул ходими*

МАҲАЛЛАДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИЧА ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

*“Сайёрамизнинг эртанги кун
фаровонлиги фарзандларимиз қандай
инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.
Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз
салоҳиятини намоён қилиши учун зарур
шароитлар яратишдан иборат”*

Ш. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Охирги ўтган олти йилда барча соҳалар, хусусан, ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилишлар, жиддий ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги мамлакатимизнинг униб-ўсаётган 58 фоиз (0-30 ёш оралиғидаги ёшлар 17,9 млн нафар) қатламини ташкил қилувчи ёшларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан истиқболда давлатимизнинг салоҳияти қандай даражаларга юксалишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз Раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори тасдиқланиб, унга кўра, барча шаҳарча, қишлоқ, шунингдек, шаҳарлар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий қилинди. Бу мамлакатимиз ёшлари ҳаётидаги тарихий қарор бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга, маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг вертикал бошқарув тизимини яратишга хизмат қилмоқда.

Қарор асосида маҳалладаги ёшлар етакчисининг ваколатлари, лавозим мажбуриятлари, мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Етакчига жуда кенг имтиёзлар берилди. Галдаги энг муҳим вазифа ушбу механизмни ишга тушириш, лавозимдан кўзланган натижаларга эришишни таъминлашдан иборат.

Шу мақсадда, маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси томонидан жорий йилнинг февраль – март ойлари давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, юқоридаги қарор ижросини таъминлаш юзасидан манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда 18 та вазирлик ва идоралар раҳбар ходимлари иштирокида маҳаллаларда 42 мингга яқин ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси, мактаб директорлари, маҳалла раиси, профилактика инспектори ва сектор раҳбарлари билан очиқ мулоқотлар ўтказилди, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва яқдил ҳаракати йўлга қўйилди. Натижада 9 349 та маҳалла, 10 130 та мактаб, 721 та профессионал таълим ва 159 та олий таълим муассасасида “Ёшлар баланси” тўлиқ шакллантирилди.

Шакллантирилган “Ёшлар баланси” асосида 16–30 ёшдаги жами 7 миллион 446 минг 730 нафар ёшлар билан маҳаллаларда ишлаш ҳолати баҳоланиб, 2 364 та маҳалла қизил (25,4 фоиз), 5 474 таси (58,8 фоиз) сариқ, 1 471 таси яшил (15,8 фоиз) тоифага ажратилди ва маҳаллаларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, ресурсларни сарфлаш тизими йўлга қўйилди.

Республика ишчи гуруҳига ҳар бир ҳудуддан биттадан туманлар бириктирилган ҳолда, шунингдек 14 та ҳудудлардаги туман (шаҳар)лардан 1 тадан жами 207 та қизил ёки сариқ тоифадаги маҳалла танлаб олиниб, инфратузилмалари, етакчиларни фаолиятини ташкил этилиши бўйича намунали маҳаллага айлантириш чоралари кўрилди. Мазкур бириктирилган Республика ишчи гуруҳи вакиллари бир маротаба эмас, балки йил давомида тумандаги ёшлар масалалари бўйича бажарилаётган ишларни назорат қилиб бориши белгиланиб, вазирлик, идораларнинг ўзаро ижтимоий шерикликда фаолияти механизми йўлга қўйилди.

Республика комиссияси барча етакчиларни алоҳида хона, мебель жиҳозлари, компьютер жамланмаси ва планшет билан таъминлаш ишларини тўлиқ якунига етказди.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан ҳар бир етакчи билан психологик тест ва суҳбатлар ўтказилиб, шахсий хусусият ва касбий малакасига кўра гуруҳларга ажратилди ва улар учун систематик тренинглар олиб борилди.

Маҳаллаларда 630 минг нафар ёшлар билан “Ёшлар дафтари” тизими орқали ишлаш, ёшлар инфратузилмаларини ташкил этиш бўйича маҳаллалар кўрсаткичларини яхшилаш учун 3 та асосий йўналишда жами 232 мингта банддан иборат “Ёшлар дастури” ишлаб чиқилиб, ижроси йўлга қўйилди.

Ўрганишлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш долзарб масала сифатида кўтарилиб, ўтган вақт давомида 131 минг 510 нафар ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 32 350 нафарини (24,5 фоиз) касб-ҳунарга ўқитиш, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчат харид қилишга субсидия ажратиш, контракт тўловини тўлаш учун 65,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Бу тоифадаги ёшларни деҳқончилик қилиши учун ер майдонлари билан таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу йилнинг ўзида 61 мингдан зиёд ёшларга ел майдонлари ажратилган бўлса, шундан 22 мингдан зиёди “Ёшлар дафтари”даги йигит-қизлардир. Биргина

Сурхондарё вилоятида 13 минг 302 нафар ишсиз ёшга 2 751 гектар экин майдони ажратилди. Шеробод туманида 180 гектар экин майдонида “Ёшлар анорчилик кластери” йўлга қўйилди ва 200 нафар ёш ўз ишига эга бўлди.

Тадбиркорликка қизиқувчи ёшларнинг таклифларидан келиб чиқиб, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида 2021 йил 2 гектар майдонда ташкил этилган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасига қўшимча 3,5 гектар ер майдони ажратилди. Худудда 25 та лойиҳага 7,2 миллиард сўм йўналтирилиб, 120 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Таълим муассасалари баланси асосида, олий таълимдаги 4 649 нафар кам таъминланган, 995 нафар чин етим, 133 минг 385 нафар ижарада, 91 минг 374 нафар талабалар турар жойида яшовчи, 80 минг 712 нафар ишлайдиган талабалар бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, биринчи проректорлар ва ёшлар етакчиларининг ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди.

Илк бора Жиззах вилояти тажрибасига кўра, Бахмал, Зомин, Мирзачўл, Фориш ва Янгиобод туманларида 24 та чегарадош маҳалладаги 44 минг 693 нафар ёшлар билан манзилли ишлаш учун 4 та олий таълим муассасаси бириктирилди.

Шунингдек, “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида ҳар бир маҳаллада намунали тадбирлар ташкил этилиб, 6 та йўналишда ҳар куни тадбир ва лойиҳалар, танлов ва мусобақалар ўтказилиши тизимли йўлга қўйилди. Айни пайтда 9 348 та маҳаллада ҳар куни ўртача 300 минг нафар ёшлар иштирокида 8,5 мингга яқин тадбирлар ўтказилмоқда.

Бундай тадбирларни мунтазам ва тизимли амалга ошириш учун Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 4 миллиард сўм, “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан 11,4 миллиард сўм, ҳокимликлар, сектор раҳбарлари томонидан 3,4 миллиард сўм ажратилди.

Мактаблардаги 7 885 та спорт зали, 10 130 та кутубхона, 15 906 та компьютер хоналари моддий-техник базаси (138,5 мингта компьютер, 18,5 миллион дона китоб) мустаҳкамланиб, ҳар куни соат 16:00 дан – 23:00 га қадар маҳалла ёшлари улардан фойдаланиши учун шароит яратилди.

Республикадаги 279 та спорт мактабининг 10,7 минг нафар мураббийи, 32 минг нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари маҳаллаларга бириктирилиб, етакчи билан ҳамкорлик тизими ишлаб чиқилди.

Имконияти чекланган ёшлар ўртасида параолимпия спорт турларини оммалаштиришнинг “маҳаллабай” тизими татбиқ этилиб, 8 та параспорт туридан спорт мусобақалари дастури тайёрланди.

Яна бир муҳим жиҳат. “Бир нурунийга 10 нафар ёш” лойиҳаси доирасида вилоятларда 146 минг 106 нафар тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ёшлар 29 минг 565 нафар фахрий нурунийларга бириктирилди. Маҳаллаларда 23 минг 170 нафар кўнгиллилардан иборат “Қалқон” ёшлар гуруҳлари ташкил қилинди. Ҳарбий қисмларда “Очиқ эшиклар куни” ўтказилиб, 4 025 нафар тарбияси оғир ёшлар билан индивидуал тартибда ишланди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг маҳаллаларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган “Жасорат дарслари” режаси ишлаб чиқилиб, камондан ўқ отиш бўйича 322 та, от спорти бўйича 110 та тадбирлар намунали ташкил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги “Оқ кема оромгоҳи”, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи” ҳамда Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани Олмачи қўرғонидаги 25931-сонли ҳарбий қисмда “Ёш ватанпарварлар йиғини” лойиҳаси йўлга қўйилди. Шу асосда 4 100 нафар профилактик ҳисобида турувчи ёшлар билан 10 кунлик дастур асосида индивидуал шуғулланиб, ҳисобдан чиқариш тизими амалга татбиқ этилди.

Давлат раҳбарининг топшириғига асосан, шу кунларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича “Беш ташаббус олимпиадаси” ўтказилмоқда.

Олимпиада доирасида маҳалладаги кўчалар ва кўп қаватли уйлар кесимида (ҳар бир хонадондан камида бир нафар ёш) якка иштирокчи ва жамоаларнинг электрон рўйхати шакллантирилди. Ёшлар жуда катта қизиқиш билан қараётган олимпиадага республика бўйича 8 миллионга яқин ёшларни қамраб олиш режалаштирилган.

Бугунги кунда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш жараёнида бажарилган ишлар билан бир қаторда бир қанча муаммоларимиз ҳам мавжуд эканлиги кузатилди.

Сўнгги вақтларда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан, кўрсаткичлар ҳолати ижобий эмаслиги кузатилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 3 ойи якуни бўйича республикада жиноят содир этган жами 16 744 нафар шахсларнинг 5 667 нафари ёки 33,8 фоизи ёшларни ташкил этади.

Республика бўйича 4 448 та ёшлар жиноятчилиги содир этилган бўлиб, ўтган йилнинг 1-чорагига нисбатан 30,8 фоизга ошган бўлиб, умумий жиноятчиликнинг 19 фоизи (23 297 тадан 4 448 таси) ёки деярли ҳар бешинчи жиноят ёшлар ҳиссасига тўғри келган.

Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан жорий йилнинг 3 ойида жами 402 та жиноятлар содир этилиб, ўтган йилга нисбатан 139 тага (65,4 фоиз) ошган.

Бунинг учун олдимизда бир қатор вазифалар турибди:

– биринчидан, “Ёшлар баланси”ни тўлиқ шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига мунтазам киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

– иккинчидан, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишни тизимли йўлга қўйиш;

– учинчидан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

– тўртинчидан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

– бешинчидан, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувиغا кўмаклашишда самарали механизмларни жорий қилиш.

Юқорида санаб ўтилган ютуқлар билан бирга ёшлар етакчиларининг фаолиятини ташкил этиш, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг ҳуқуқий ва молиявий саводхонлик даражаси, шахсий-касбий ва бошқарув компетенциялари билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланмоқда. Хусусан, маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ҳар тўрттинчисидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди.

Бундан ташқари, маҳаллада ташкил этилаётган турли маданий-маърифий, спорт, интеллектуал ва бошқа тадбир (танлов, мусобақа, турнир)лар иштирокчиларини рағбатлантириб боришнинг аниқ механизмлари ва молиявий маблағлари ҳамда тавсияси асосида ёшларга бериладиган (13 та) ёрдам турлари бўйича талабгор-ёшларни саралашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги иш фаолиятда ташкилий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш заруратини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ёшлар етакчилари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини тушуниши, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимлари ҳамда ўз функционал вазифаларини билиш даражасини ўлчашга қаратилган ўрганишлар (тест натижалари), бу борадаги қатор муаммолар мамлакат бўйича ўртача ҳар тўрттинчи етакчи фаолиятида мавжудлигини кўрсатмоқда.

Худудлар кесимидаги таҳлилларга қараганда, Жиззах вилоятида фаолият олиб бораётган ёшлар етакчиларининг – 17,2 фоизининг билим даражаси қониқарсиз – “қизил”.

Айниқса, бу вазият Арнасой туманида – 30,8 фоизни, Жиззах шаҳрида – 29,4 фоизни, Ш.Рашидов туманида эса - 25,5 фоизни ташкил этиб, мазкур ҳудуд етакчилари амалга оширилаётган ишларнинг

мазмун-моҳиятини, ҳуқуқий асосларини ҳамда ўзининг фаолият йўриқномаси бўйича етарлича билимларга эга эмас.

Ушбу кўрсаткич Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган ёшлар етакчиларида – 15,1 фоизни (Кўшрабодда – 23,8%; Каттакўрғон ва Пахтачи тумани, Самарқанд шаҳрида – 21%); Бухоро вилоятида – 12,7 фоизни (Ромитанда – 26,1%; Олотда – 17,1%; Ғиждувонда – 15,5%) ҳамда Навоий вилоятида – 9,3 фоизи (Зарафшонда – 33,3%; Учқудуқда – 23,0%) ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир маҳалла етакчисининг шахсий-касбий ва бошқарув компетенцияларининг таҳлили туманлар ёки вилоятлар ўртасида кескин тафовутлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Жумладан, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида фаолият олиб бораётган маҳалла ёшлар етакчиларининг компетентлик даражалари бошқа вилоятларга нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Наманган ва Сурхондарё вилоятларида фаолият олиб бораётган маҳалла ёшлар етакчиларининг шахсий-касбий ва бошқарув компетенцияларини ўрганиш натижалари

Психологик тест ўтказилган вилоятлар		Жами МФЙлар сони	Сўровда иштирок этган МФЙ етакчилари	Яшил	Сариқ	Қизил
Наманган вилояти	Сони	780	727	218	488	21
	Фоизи	100,0%	93,2%	30,0%	67,1%	2,9%
Сурхондарё вилояти	Сони	721	670	87	560	23
	Фоизи	100,0%	92,9%	13,0%	83,6%	3,4%

Жадвалдан кўришиб турганидек, Наманган вилоятидан жами 727 нафар маҳалла ёшлар етакчилари тадқиқотда иштирок этганлар ва шундан 21 нафари (2,9%) юмшоқ кўникмалари (soft skills)га кўра етакчи лавозимига нолайиқ деб топилган. Сурхондарё вилоятида ҳам ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин, яъни иштирок этган 670 нафар маҳалла етакчисидан 23 нафари (3,4%) ушбу лавозимда фаолият олиб бориш учун етарлича салоҳиятга эга эмас.

Бироқ, айрим вилоятларда фаолият олиб бораётган маҳалла етакчиларининг шахсий-касбий ва бошқарув компетенциялари, айниқса, Бухоро ва Навоий вилоятларида талаб даражасида эмас (2-жадвал). Ушбу жадвалдан кўриниб турганидек, Бухоро вилоятидан жами 544 нафар маҳалла ёшлар етакчилари тадқиқотда иштирок этганлар ва шундан 66 нафари (12,7%) юмшоқ кўникмаларига (soft skills) кўра етакчи лавозимига нолойиқ деб топилган. Навоий вилоятида эса жами 330 нафар маҳалла етакчисидан 29 нафарининг (9,3%) ушбу лавозимда фаолият олиб бориш учун етарли салоҳиятга эга эмаслиги аниқланган.

2-жадвал

Бухоро ва Навоий вилоятларида фаолият олиб бораётган маҳалла ёшлар етакчиларининг шахсий-касбий ва бошқарув компетенцияларини ўрганиш натижалари

Психологик тест ўтказилган вилоятлар		Жами МФЙлар сони	Сўровда иштирок этган МФЙ етакчилари	Яшил	Сариқ	Қизил
Бухоро вилояти	Сони	544	519	67	386	66
	Фоиизи	100,0%	95,4%	12,9%	74,4%	12,7%
Навоий вилояти	Сони	330	313	58	226	29
	Фоиизи	100,0%	94,8%	18,5%	72,2%	9,3%

Маҳалла етакчиларининг шахсий-касбий ва бошқарув компетенциялари бўйича аниқланган юқоридаги камчилик ва нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш мақсадида тадқиқотда иштирок этган ёшлар етакчиларининг натижалари тест шкалалари кесимида таҳлил қилинди. Дастлаб, тестнинг ҳар бир шкаласи бўйича паст (“қизил”), ўрта (“сариқ”) ва юқори (“яшил”) балларга эга бўлган маҳалла етакчилари сони аниқланди. Сўнгра, ушбу тест шкалалари етакчиларнинг паст даражадаги компетенцияларига бўйича аниқланган (“қизил”) кўрсаткичларнинг умумий сонига кўра тартиблаб чиқилди (1-расм).

Ушбу расмдаги диаграммадан кўриниб турганидек, маҳалла етакчиларининг аксарияти “Раҳбарлик қобилияти” (68,1%), “Таълим-тарбия бериш қобилияти” (55,0%), “Шахсий қадриятларнинг аниқлиги”

(52,8%), “Бошқарув фаолиятининг хусусиятларини тушуниш” (46,8%) ҳамда “Гуруҳий фаолиятни ташкил этиш” (36,5%) шкалалари бўйича сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга. “Ўзини ўзи бошқариш” (62,7%) шкаласи бўйича эса, аксинча, юқори кўрсаткичлар кўпроқ кузатилган бўлиб, бундай етакчилар ўзларини бошқаришга йўналганликлари сабабли, бошқаларни бошқаришда қийинчиликларга дуч келадилар.



1-расм. Республика миқёсида маҳалла етакчиларининг шахсий-касбий ва бошқарув компетенциялари таҳлили

Бироқ, тан олиб айтиш зарурки, маҳалла етакчиларида “Ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш” (53,0%), “Муаммоларни ҳал қилишга йўналганлик” (49,4%), “Самимийлик” (41,2%) хислатлари юқори даражада намоён бўлган. “Шахсий мақсадларнинг аниқлиги” (52,2%) шкаласи бўйича аксарият етакчиларнинг паст кўрсаткичларни намоён қилишлари уларда шахсий мақсадлардан кўра касбий мақсадларнинг

устунлик қилишидан гувоҳлик беради ва буни ҳам ижобий натижа сифатида эътироф этиш мумкин.

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда қуйидаги чораларни амалга ошириш лозим:

- ёшлар етакчилари фаолияти ҳисобдорлиги бўйича чоралар (кунлик маълумот, номенклатура юритилиши)ни электрон платформа тизимига ўтказиш;

- Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлимларига “Ёшлар дафтари” жамғармасида мавжуд маблағларнинг жорий ҳолатини онлайн кузатиб бориш имконини яратиш чораларини кўриш;

- ташкил қилинган Ресублика штаби вазирлик, идора ва ташкилотларининг йўналишидан келиб чиққан ҳолда фаолиятини интеграция қилиш, яъни вазифаларига кўра Ички ишлар, Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардиянинг ҳамкорликдаги ишлаш тизимини жорий этиш;

- ёшлар етакчиларининг шахсий имконият ва кўникмаларини баҳолаш бўйича ўтказилган психодиагностик таҳлил натижалари кўра, уларда жамоани шакллантириш, мулоқот кўникмаси ва нотиклик, бошқарув қарорларини қабул қилиш, креативлик ва ижодий фикрлаш бўйича тренинг машғулотларини ташкил этиш;

- Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини тушуниши, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимлари ҳамда ўз функционал вазифаларини ўзлаштириш бўйича ёшларга оид давлат сиёсати, замонавий бошқарув усуллари, стратегик таҳлил, ҳуқуқий ва молиявий саводхонлик, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳамда иш фаолиятига оид бўлган йўналишларда малакасини ошириш;

- ёшлар масалалари, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳоким ўринбосари лавозимига захира кадрларини ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларда уч йилдан ортиқ самарали фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимлар орасидан шакллантириш ҳамда лавозимга тайинлаш амалиётини йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур амалга ошириб келинаётган ва бажарилиши белгиланган чора-тадбирларнинг пировард мақсади аҳоли, айниқса ёшларнинг давлатдан, Ҳукуматдан розилигини таъминлаш, ёшларни чин маънода билимли, салоҳиятли ва ватанпарвар шахслар бўлиб етишишлари натижасида Қудратли Давлат барпо этиш ва бунинг учун барча имкониятларни ишга солишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 132-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 2017 йил 20 сентябрь //https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017.

4. <https://lex.uz/docs/5831865>.



Бекмуродов Адхам Шарипович
*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
ректори, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор*

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда либераллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлай оладиган, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлайдиган ҳамда самарали ҳал қиладиган давлат бошқаруви тизимининг йўлга қўйилиши ушбу ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бунда, давлат фуқаролик хизматини ҳар томонлама ривожлантириш, инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришга доир илғор механизмларни жорий этиш, қолаверса, унда ёшларнинг иштирокини

таъминлаш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини натижадорликка йўналтириш ҳамда самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Умуман, давлат хизмати, моҳиятига кўра, оммавий-сиёсий аҳамият касб этиб, фуқароларнинг ундаги иштироки уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқларини амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистонда 2022 йилни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши мамлакат аҳолисини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишни таъминлаш, уларнинг ўзлигини англаши учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилганлигидан далолат беради.

Бугун мамлакатимизда янги Ренессанс даври пойдеворини давлат бошқаруви тизимига сўнгги ёндашувларни жорий қилмасдан туриб шакллантириш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлари мамлакатимиз раҳбари қўяётган топшириқларни бажариш ҳамда давлатнинг мақсад ва вазифаларига эришишга оид ташаббусларни ишлаб чиқишни белгиловчи асосий кучлардан биридир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ва хорижий тажрибалар асосида юксак салоҳиятли давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматини ўташ жараёнини тизимли ва самарали ташкил этиш тубдан янги босқичга кўтарилди.

Жумладан, давлат фуқаролик хизмати қонунчилигини такомиллаштириш ва тизимлаштириш, жамиятда профессионал давлат фуқаролик хизматининг нуфузи ва рақобатбардошлигини ошириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш, давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлаш йўналишларида эришилган натижалар эътиборга молик. Зеро, давлат хизматини ривожлантириш кўпгина давлатларда давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Шу сабабли, бугунги кунда АҚШ, Германия, Россия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларда

кадрлар сиёсати ва давлат хизмати самарадорлигини ошириш билан махсус ваколатли давлат органлари шуғулланиб келмоқда.

Ҳозирги рақамлаштириш даврида давлат идоралари кўпроқ янги ва замонавий қарашлар, ижодий ғояларга муҳтож. Уларнинг бугунги кундаги вазифаси ёш ташаббускор кадрларни мамлакатни ижтимоий-сиёсий ривожлантириш жараёнларига кенг жалб қилишга қаратилган. Бироқ, мантиқий бир савол туғилади: давлат муассасалари иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат хизматига киришга қизиқтира оладими?

Ёшларни иш билан таъминлашнинг ҳозирги замон тенденцияси шуни кўрсатадики, ёш авлод лавозим поғоналарида тез ўсишга ва тезроқ молиявий мустақилликка эришишга қараб ёки “юрак амри”га қулоқ солиб касб танлашни афзал кўришмоқда. Доимий иш ўрнига эга бўлиш ёки пенсия таъминотига эришиш каби омиллар ёшларни кўп қизиқтирмай қуйган.

2020 йилда “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан давлат хизмати тўғрисида ёшларнинг тасаввурларини ва уларнинг истиқболда иш жойини танлашдаги муаммоларини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқот ўтказилди. Сўровда мамлакатнинг барча минтақаларидаги 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган аҳолиси, жумладан, 56,7% – эркаklar ва 43,3% – хотин-қизлар иштирок этишган. Тадқиқотнинг асосий вазифаси:

– ёшларнинг давлат хизмати тўғрисидаги хабардорлик даражасини ўрганиш;

– ёш мутахассисларнинг давлат хизматига кириши ҳамда уларнинг давлат ҳокимияти органларида ишлашга қизиқиши сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– ёшларнинг давлат хизматига ишга жойлашишга интилишини баҳолашдан иборат эди.

Сўров натижаларига мувофиқ 62,8% сўровда иштирок этган ёшлар давлат хизматининг нима эканлигини аниқ билишларини билдиришган. Хусусан, “Сиз давлат хизматида ишлашни хоҳлармидингиз?” деган саволга сўров иштирокчиларининг кўпчилиги ижобий жавоб беришган бўлиб, жумладан, 78,3% респондентлар давлат хизматида мамлакатга хизмат қилиш истагини билдиришган.

Сўровда иштирок этган ёшларнинг бешдан бир қисми (20,2%) шахсий сабаблар ва қарашлар туфайли давлат хизматида ишлашни хоҳламасликларини ва касбий фаолиятда ўзларини намоён қилишнинг бошқа муқобил кўринишларини қайд этишган. Шунингдек, давлат хизматида ишлашнинг энг мақбул шарти деб, ҳар иккинчи респондент (50,5%) муҳим бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, мамлакат ва умуман жамиятни ривожлантиришга ўз улушини қўшиш имкониятини қайд этишган. Бунинг тасдиғи сифатида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда давлат хизматида ёшларнинг улуши 25 фоизни ташкил этиб, шундан 15 фоизи раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келишмоқда.

Ёшларни давлат хизматига қандай жалб қилиш мумкин?

“Ижтимоий фикр” марказининг сўров натижаларига кўра давлат органлари ва ташкилотларига ёш кадрлар билан ишлаш форматини, бошқарув ёндашувларини ўзгартириш, ходимнинг ижодий салоҳиятини очиб беришга қаратилган вазифаларни белгилаш усулларини қўллаш, қулай меҳнат шароитларини ташкил этиш, муносиб иш учун моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ёш кадрлар учун тажрибали раҳбарлар томонидан мураббийлик (устозлик) институтини жорий этиш, битирувчиларнинг касбий мослашуви ва ёш мутахассисларнинг лавозим поғоналарида ўсиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, давлат хизматини имкон қадар тезроқ рақамлаштириш муҳим саналади.

Ёш кадрларнинг давлат хизматига кириш мотивациясини ошириш учун давлат органлари ва ёшлар ўртасида ўзаро алоқаларни янада кучайтириш зарур. Мисол учун, БААда давлат идораларининг юқори лавозимли амалдорларининг мунтазам равишда ёшлар билан “вазир соати”ни ўтказиш амалиёти мавжуд. Унда идора раҳбарлари ўзларининг мансаб поғоналаридан кўтарилиш тажрибаси, давлат хизматида ишлашнинг хусусиятлари ва истиқболлари ҳақида гапиришади, қизиқарли саволлар ва ёшларнинг ташаббусларини тинглашади. Ўзбекистонда ҳам ушбу амалиётни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу амалиёт ёшларда давлат фуқаролик хизматига бўлган қизиқишини ортиришга хизмат қилади.

Шунингдек, “Ижтимоий фикр” маркази сўровида қатнашганларнинг 27,9 фоизининг фикрига кўра, иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида интеллектуал танловларни мунтазам ўтказиб бориш олий ўқув юртлари ва давлат идоралари ўртасида яқин алоқаларнинг ўрнатилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, мавжуд ёш мутахассисларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Давлат бошқаруви академияси томонидан “Келажак лидерлари” ўқув курсларининг йўлга қўйилганлиги бу борадаги ишларни яна бир карра юқори поғонага кўтарилганидан дарак беради.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ касбий тайёргарлик бўйича давлат идоралари ва таълим муассасалари ўртасида яқин ҳамкорликни, бўш иш ўринлари ярмаркаларида PR кампанияларни ҳам ташкил этишни назарда тутди.

Масалан, Европа мамлакатларида, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни давлат хизматига жалб қилиш мақсадида, университет битирувчиларини давлат органлари ва ташкилотларида пулик амалиёт ўташлари (internships) ва кўнгилли дастурларда иштирок этишлари имконияти яратиб берилади. Ушбу амалиёт АҚШда ҳам мавжуд бўлиб, кўплаб федерал идоралар ва органлар, шу жумладан, АҚШ Меҳнат вазирлиги, AmeriCorps, АҚШ Мудофаа вазирлиги ва АҚШ Ички ишлар вазирлиги ёшларни лавозим поғоналаридан кўтарилиш имкониятлари, кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларни ишга ўтишларини таъминлашга кўмаклашади.

Сингапурда давлат хизматига жалб этишнинг ўзига хос тизими яратилган бўлиб, иқтидорли ёшларни давлат хизматига жалб қилиш учун энг яхши мактаб битирувчиларига давлат грантлари берилади. Стипендиантлар “Бошқарув мутахассисларини ривожлантириш бўйича тўрт йиллик дастур” доирасида тегишли таълим олишади. Бироқ, 35 ёшга тўлган ёш мутахассис, вазир ўринбосари бўлиш қобилиятини намойиш қила олмаса, унга давлат хизматидан чиқиш тавсия этилади.

Қозоғистонда “Президентнинг ёш кадрлар захираси” лойиҳаси ишга туширилган бўлиб, у давлат аппаратининг юқори бошқарув лавозимларига ўқитиш ва тайинлаш учун турли соҳалардан истиқболли кадрларни жалб қилишга қаратилган. Ёшларни давлат хизматига тайёрлаш, уларни лавозим поғоналаридан кўтарилиб боришини таъминлаш ҳар бир давлатнинг давлат хизмати тизимининг асосий мақсади ҳисобланади.

Давлат органларига қандай кадрлар керак?

Ушбу йўналишда юқори касбий маҳорат, интеллектуал ва ижодий салоҳиятга эга, юқори даражадаги билим ва кўникмаларга эга, замонавий технологияларни ўзлаштирган, юқори ахлоқий фазилатларга эга, жамоада ишлаш ва ностандарт ҳолатларда қарорлар қабул қилишга қодир ёш кадрлар талаб этилади.

Ўзбекистонда давлат хизматига кадрлар танлаш тизими ҳақида

– давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат фуқаролик хизмати талабларини тўғри қўллаш мақсадида уларга ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан кўмак берадиган ҳамда давлат фуқаролик хизмати талабларининг тўғри татбиқ этилишини назорат қиладиган ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди;

– давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплекси ишга туширилиб, давлат фуқаролик хизматчилари тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилди;

– давлат фуқаролик хизматига муносиб кадрларни очиқ мустақил танлов асосида қабул қилиш тизими жорий қилинди. Танловларнинг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали” (vacancy.argos.uz) ахборот тизими ишга туширилди;

– давлат хизматида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш,

шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди;

– давлат фуқаролик хизматчиларининг билимларини аниқлайдиган ҳамда уларнинг психологик портретини яратиш учун хизмат қиладиган “Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули” (test.argos.uz) электрон ахборот тизими ишга туширилди. Синов натижаларидан келиб чиқиб малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тизими жорий этилди;

– давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш мақсадида, илм-фан, спорт, ахборот технологиялар ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришаётган, фаол ва ташаббускор ёшлар орасида “Лидерлар клуби” ташкил этилди, “Келажак лидерлари” ўқув курслари йўлга қўйилди;

– хорижда яшаётган ва профессионал фаолиятини юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъдодли ёшлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур, жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистонда тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали кадрлар билан таъминлаш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилди;

– давлат томонидан давлат хизматчилари ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этишга кўмаклашишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди.

Давлат раҳбари “Ҳалоллик вакцинаси” ва коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилиши ҳақида илк бор Парламентга йўллаган мурожаатномасида қайд этган эди. Кейинчалик ушбу фикрлар, 2020 йилги Давлат дастурида ҳам акс этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Истеъдодли ёшларни маҳаллий даражада давлат фуқаролик хизматига жалб қилиш, давлатимизнинг ўз олдига қўйган энг муҳим вазифалардан биридир. Ёшларга ўз фикрини билдириш, ўз ташаббусларини дадил илгари суриш ва уларни амалга оширишда бевосита иштирок этиш имкониятини бериш орқали ёшларни мамлакатни ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнига жалб этишга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.

2. “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон.

3. Давлат хизмати: миллий ва хорижий тажриба. Рисола// Х.Азизов ва бошқ.- Тошкент: Tafakkur qanoti, 2019.

4. Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматини такомиллаштириш[Матн]: монография / Х.Азизов [ва бошқ.] – Тошкент: Shafoat Nur Fayz, 2020.

5. [Электрон манбаа]: <https://youth.gov/youth-topics/youth-employment/federal-programs-support-transitioning-employment>.

6. [Электрон манбаа]: <https://ijtimoiyfikr.uz/tadqiqotlar/zhamiyat/eshlar-davlat-hizmatida-ishlash-trisida.htm>.



Артикова Светлана Баймирзаевна
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари

ЁШЛАРГА ОИД ИСЛОҲОТЛАР – МАҲАЛЛА ДАРАЖАСИДА

Ўзбекистонда ёшлар доимо давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб келган. Бунинг яққол мисолини бу борада сўнги йилларда амалга оширилаётган ишлар, чора-тадбирларни тобора кучайиб бораётганини, ёшлар масалаларида янгича ёндашув ва механизмлар жорий этилаётганида кўриш мумкин.

Ёшларга берилаётган бу каби эътибор, уларга Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асоси сифатида қараш билан таърифланади.

Бугунги кунда ҳар бир жамиятда ёшлар – ишлаб чиқариш жараёни ва иқтисодий тараққиётни белгилаш, жамиятни бошқариш, ҳокимият тизими, сиёсий ва ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиш, жамиятда маънавий-руҳий вазиятни шакллантирувчи ижтимоий-демографик куч ҳисобланади.

Бироқ жамиятда ёшлар бу каби аҳамиятли ижтимоий вазифаларни уддалай оладиган кучга айланиши учун, аввало, улар билан яқиндан ишлашнинг самарали тизими бўлиши керак.

Бу борада, давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Қарори бугунги кунда долзарб ва ўринли эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Ушбу ҳужжатда тўртта асосий мақсад назарда тутилган:

– ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш;

– улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш;

– ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш;

– таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун ҳозирда Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш тизимининг энг муаммоли нуқтаси, маҳаллага диққат қаратилиб, ёшларни қамраб олишнинг янги, ўзига хос механизми шакллантирилмоқда. Маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилишига шу каби таъриф бериш мумкин.

Мазкур ислохотнинг бош нуқтаси сифатида “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу борада жорий йилнинг бошидан ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун ҳудудларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредитлар, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Аёллар дафтари” жамғармаси, “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш учун ажратиладиган субсидиялар бериш ишлари амалга ошаётганини кўриш мумкин.

Ҳоким ёрдамчилари тизимининг жорий қилиниши, мамлакатимизда камбағалликка қарши курашишга қаратилган сиёсатда кескин бурилиш ясаши аниқ. Марказий даражада қабул қилинган ислоҳотлар ҳоким ёрдамчилари ёрдамида аввало, вилоятлар, туманлар қолаверса, маҳаллалар даражасида амалга ошмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳоким ёрдамчилари бу Президентнинг маҳаллалардаги вакили бўлиб, улар ҳар куни аҳоли билан ишлаб, одамларга давлат томонидан яратилаётган молиявий имкониятларни етказиши, қолаверса, тадбиркорлик ва деҳқончиликка ўргатиш орқали камбағалликдан чиқишига хизмат қилувчи инсондир.

Шу боис мамлакатимиз раҳбари томонидан ҳар бир ҳокимга ҳар куни камида битта янги иш ўрни яратиш вазифаси белгилаб берилган. Бунинг натижасида бир ойда камида 30 та янги иш ўрни яратилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиш нияти мавжуд бўлган аҳолига ушбу соҳада фаолият юритиш учун зарур маълумотлар ва йўл-йўриқ берилиши назарда тутилган.

Қисқача қилиб айтганда, ҳар бир маҳаллада иш ўринлари, бандлик даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган – “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тўғрисида”ги Қарори билан ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмлари жорий этилмоқда.

Ҳужжатда ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Етакчилар ўз фаолиятини ўзига бириктирилган маҳаллаларда маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, маънавият ҳамда китобхонликни тарғиб қилиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш,

тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш каби асосий функцияларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳар чорақда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижа кўрсатган мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар етакчи бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан, шунингдек, фаолиятини самарали ташкил этган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларға намуна бўлган етакчилар “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланиши назарда тутилган.

Бугунги кунда, маҳаллаларда ёшлар етакчиларининг фаолияти доирасида – маданият ва санъат тарғиботи, соғлом турмуш тарзи ҳамда спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳамда тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни бажариш орқали уларнинг саъй-ҳаракатлари аниқ мазмун билан бойитилмоқда.

Шунингдек, етакчиларнинг ҳоким ёрдамчилари, фахрийлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаётганлиги мамлакатимиздаги ёшлар билан ишлаш бўйича ижтимоий механизмға яхлитлик ва тизимлилик бағишламоқда.

Ушбу жараённинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, амалиётға электрон рейтинг тизимини жорий этилишидир. Қувонарлиси шундаки, ушбу тизимда маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини кунлик амалга ошириш ҳолати, тадбирларда маҳалладаги ёшларни тўлиқ қамраб олинганлик даражаси, “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларини рақамлаштириш даражаси, хорижда юрган маҳалла ёшлари билан яқиндан алоқанинг йўлга қўйилиши назарда тутилган.

Масалаға бундай ёндашув маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини аниқ мезонлар асосида баҳолаб бориш, мавжуд муаммоларни жадал аниқлаш ва бартараф этиш, етакчилар фаолияти самарадорлигини мунтазам такомиллаштириш имконини яратади.

Умуман олганда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида асосий урғу берилаётгани, давлатимиз раҳбари ўз нутқларида ёшлар муаммоларига қайта-қайта тўхталаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки, ёшлар – Ўзбекистоннинг асосий таянчи ва суянчи ҳисобланади.

Ёшлар пухта билим ҳамда даромад манбаига эга бўлса, юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади ва жамият ривожини учун хизмат қилади. Маҳалладаги ёшлар етакчилари эса ушбу мақсадларга эришишда мустаҳкам, таъсирчан механизм сифатида жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, ўзининг самарали натижасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон Қарори // <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4880189>.



Қаршиев Ҳамдам Алиқуллович
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазири ўринбосари

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Барчамизга аёнки, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси умумий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, ёшларда Ватанни фидокорона ҳимоя қилишга тайёрлик ва бунга қодирликни шакллантиришга йўналтирилган. Унинг маънавий-маърифий ва назарий асоси Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги замонавий тегишли илм-фан соҳаларининг хулосалари, халқимизнинг Ватан ва уни ҳимоя қилиш ҳақидаги тарихий ва замонавий амалий тажрибаси, илмий мероси ҳамда мазкур масала билан боғлиқ умуминсоний қадриятлар ва замонавий талаблар ҳисобланади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича мамлакатимизда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январь кундаги “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёшлар масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-92-сон Қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан

ҳамкорликда 2022 йилга мўлжалланган “Миллий армиямиз ёшлар нигоҳида” шиори остида маҳаллаларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, алоҳида уюшган ва уюшмаган ёшлар билан манзилли ўтказиладиган 4 та йўналишдаги – ватанпарварлик, маънавият, маданият ва ҳуқуқий саводхонлик тадбирларини ўтказиш белгилаб берилди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири кубоги учун умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаларининг биринчи (туман, шаҳар) босқичи ўтказилди. Мусобақаларда республикамизнинг 9 000дан ортиқ умумтаълим мактабларидан 100 минг нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этди ва ғолиблар кейинги иккинчи (вилоят) босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири кубоги учун маҳаллалардаги уюшмаган ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлашга қаратилган “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаларининг биринчи (маҳалла) сектор босқичига старт берилди. Барча маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ўртасида “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилиши давом этмоқда.

Профилактик ҳисобда турган, уюшмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, бандлигига кўмаклашиш мақсадида Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятларида “Ёш ватанпарварлар йиғини” ташкил этилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар

Буюк саркардаларимизнинг жасорати, улуғ аجدодларимизнинг бой маънавий мероси, яқин ва узоқ ўтмишда халқимиз кўрсатган матонат ва фидойилик, янги Ўзбекистонимиз ва миллий армиямиздаги изчил ислохотларни ёшларнинг кенг қатламларга етказиш мақсадида маҳаллаларда кўплаб маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари ташкил этилди, машғулотларда ёшлар иштирок этди.

Давлат байрамлари арафасида маҳаллаларда ёшларда жасурлик ва мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини оширишга йўналтирилган “Мардлик ва жасорат”, “Тинчлик”, “Мустақиллик” дарслари ўтказилди, дарсларда кўплаб ёшлар иштирок этди.

Маҳаллаларда ёшлар учун “Мард аскар ёшларга намуна” шиори остида ҳарбий-техника ва қурол-аслаҳалар намоёиши, ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги чиқишларини, ҳарбий оркестр ва бадий ҳаваскорлик гуруҳлари иштирокида ҳамда МК “Ватанпарвар” ташкилотининг кўргазмали намоёишларини ўз ичига қамраб олган ҳарбий-ватанпарварлик карвонлари ташкил этилди.

Ёшларда ватанпарварлик, юрт тинчлиги ва тараққиётга дахлдорлик туйғуларини юксалтириш мақсадида “Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” шиори остида учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Умумтаълим мактаблари 10-11 синф ўқувчилари ва маҳаллардаги ёшлар ўртасида ҳудудлар кесимида “Кўпкураш” бўйича округ кўмондони, “Пневматик милтиқдан отиш” бўйича Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, “Дуатлон” бўйича Миллий гвардия бошқармаси бошлиғи, “Биатлон” бўйича ДХХ бошқармаси бошлиғи кубоклари учун спорт мусобақалари ўтказилди, спорт мусобақаларида кўплаб ёшлар иштирок этди.

Миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида маҳаллаларда 48 марта “Кўмондон ва ёшлар”, “Раҳбар ва ёшлар” учрашувлари ва давра суҳбатлари ташкил этилди, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни тантанали кузатиш ва кутиб олишга бағишлаб “Оқ йўл сенга, юрт ҳимоячиси!”, “Маҳалламиз ғурури” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Ёшларнинг ҳарбий касбга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида барча тоифадаги контракт асосидаги ҳарбий хизматчилар, ходимлар ҳамда ОҲТМ курсантлари, “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг навбатдаги таътили (каникул) вақтида ўзи яшаётган маҳалласидаги ёшлар билан учрашувлар ҳамда тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Туман ва шаҳарлар ҳамда чегараолди ҳудудларида ёшлар учун ҳарбий ансамбль ва ҳарбий оркестр жамоаларининг чиқишлари, кўчалар бўйлаб ҳарбий хизматчиларнинг саф қўшиқларини ижро этиб ўтишлари ташкил қилинди.

Ёшларнинг маънавий тарбиясига йўналтирилган тадбирлар

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим муассасаларининг ўрни ниҳоятда катта бўлиб, таълим муассасасида таълим бериш билан бирга тарбиявий ишлар ҳам амалга оширилади. Олий таълим муассасалари талабаларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим муассасасида ўтказиладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар, ҳарбий хизматчилар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган тадбирлар орқали олиб борилади. Ёшларнинг маънавий саводхонлигини ошириш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллаларда, таълим муассасаларида маънавият соатлари ташкил этилмоқда.

Туман (шаҳар) ва вилоятлар кесимида ёшлар ўртасида “Амир Темур издошлари”, “Жалолiddин Мангуберди ворислари” деб номланган ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди.

Давлат мукофотлари билан тақдирланган, Халқаро армия ўйинлари ҳамда турли спорт мусобақалари, ҳарбий йўналишдаги танловлар ва фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёш ҳарбий хизматчилар томонидан “Ибратли тенгдошим” мавзусида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди.

Ёшларнинг кенг қатламларини жалб этган ҳолда жамиятга ёт бўлган ғоялар, ахлоқий бузуқлик ва салбий иллатларга иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида “Ҳар бир ёшнинг қалби ва онги учун курашамиз!” шиори остида маънавият фестиваллари ўтказилди.

Ёшларда ватанпарварлик (ҳарбий ватанпарварлик) ҳиссини ошириш мақсадида маҳаллаларда бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди ҳамда уларнинг муҳокамаси ўтказилди.

Ёшларнинг маданий савиясини ошириш ҳамда спортга кенг жалб этиш Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч

ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат. Ёшлар билан ҳарбий қисм, таълим муассасалар маданият марказларида “Ўзбекистон фарзандлари ботир бўлур” шиори остида маданий тадбирлар (концерт дастурлари, ҳарбийлар билан ёшларнинг биргаликда сахна ва кўргазмали чиқишлари, ҚВЗ ўйинлари ва бошқалар) ташкил этилди.

Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси остида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, туман (шаҳар)лар ва чегара олди ҳудудларига, истироҳат боғларига ёшлар учун ҳарбий оркестр ва ансамбль жамоалари, бадий ҳаваскорлик гуруҳлари иштирокида маънавият карвонлари ташкил этилди.

Ёшлар билан ўтказиладиган ҳуқуқий саводхонлик ва профилактик тадбирлар

Тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ёшлар билан “Экстремизм ва терроризм – жаҳолатга етакловчи иллат” мавзусида учрашувлар ўтказилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокида ёшлар билан “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тегишли идора ва ташкилот ходимларини таклиф этиб ёшлар билан “Коррупция – тараққиёт кушандаси” мавзусида коррупциянинг олдини олиш тадбирлари ташкил этилди.

Маҳаллаларда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалардаги ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Эзгу амал” саховат карвонлари ташкил этилди.

Ҳарбий қисмларда “Мард аскар – ёшларга намуна!” шиори остида очиқ эшиклар кунини ҳамда қўшинлар ҳаётидаги асосий байрамлар (“Ватанга қасамёд” тадбирлари, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, имтиёзли тавсияномалар топшириш маросимлари, ҳарбий қисм ташкил топган ва мутахассислар кунлари) ташкил этилди.

Ёшларнинг полигонларга, ўқув марказларига ташрифлари ташкил этилди ҳамда уларга жанговар тайёргарлик машғулотлари ва кўргазмали ўқувлар намойиш этилди.

МК “Ватанпарвар” ташкилоти фаолиятига ёшларнинг қизиқиши ва хайрихоҳлигини ошириш мақсадида ташкилотнинг ҳудудий бўлинмаларида “Ватанпарвар” ташкилоти – менинг танловим!” шиори остида очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Ҳудудларда ёшларнинг ташаббусларини, истеъдод ва иқтидорларни рўёбга чиқариш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ёшлар томонидан ҳарбий-техник йўналишда яратилган ишланмалар “Techno Discovery” кўргазмаси ташкил этилди. “Эр йигитнинг, эр йигитга айтган гапи таъсирли бўлади!” шиори остида ёшларнинг полигонларга ҳамда ҳарбий қисмларга ташрифлари ташкил этилди ва уларга жанговар тайёргарлик машғулотлари ҳамда кўргазмали ўқувлар намойиш этилди.

Ёшларни ватанпарварлик, юрт равнақига ҳисса қўшиш туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” мавзусида ёшлар билан 159 марта ҳарбий психологларнинг мотивацион учрашувлари (тренинглар) ташкил этилди, учрашувларда жами 1820 нафар ёшлар қамраб олинди.

Уюшмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан 43 марта “Ҳарбий қисмда бир куним!” шиори остида махсус дастур бўйича ҳарбий – ватанпарварлик тадбирлари ташкил этилди, тадбирларга 1541 нафар ёшлар жалб қилинди.

Ҳарбийлар, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ёшлар иштирокида ҳарбий қисмлар базасида 58 марта “Миллий армиямиз чинакам мардлик, фидойилик ва ватанпарварлик мактаби” мавзусида учрашувлар ўтказилди, учрашувларда 1784 нафар ёшлар иштирок этди.

Ёшлар ўртасида 14 марта “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиб жамоаларга “Ватанпарвар” ташкилотининг кубоги топширилди, мусобақаларга 666 нафар ёшлар жалб қилинди.

Ҳарбий қисм жойлашган ҳудуд маҳаллаларидаги уюшмаган ёшлар ўртасида ҳарбий қисм командирининг соврини учун 36 марта

“Маҳалламиз ўғлонлари” шиори остида спорт мусобақалари (тош кўтариш, арқон тортиш, турникда тортилиш, армрестлинг ва бошқ.) ўтказилди, мусобақаларга 2407 нафар ёшлар жалб қилинди.

Ҳарбий қисм ва муассасалардаги “Амир Темур” ва “Жалолиддин Мангуберди” тематик синфларида яқин маҳаллалардаги ёшлар билан буюк аждодларимиз қаҳрамонликларини ўрганишга қаратилган 60 марта маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди, тадбирларда 3061 нафар ёшлар иштирок этди.

Ҳарбий қисм ва муассасалардаги маданият марказлари, кутубхоналар ҳамда маънавият ва маърифат хоналарида “Маънавият ўчоғига саёҳат” шиори остида ҳудуддаги маҳаллалар ёшлари учун 60 марта китобхонлик кечалари, концерт дастурлари, адабий-бадий кечалар ташкил этилди, тадбирларга 2765 нафар ёшлар жалб қилинди.

Ёшларда қатъий ҳаётий позицияни ҳамда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида 54 марта бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди ва уларнинг муҳокамаси ўтказилди, тадбирларга 1965 нафар ёшлар жалб қилинди.

Таниқли ҳарбий спортчилар ва спорт усталари иштирокида ёшлар билан 38 марта “Маҳорат дарслари” ташкил этилди, тадбирларга 1 560 нафар ёшлар жалб қилинди.

Ҳарбий қисм ва муассасалардаги “Амир Темур” ва “Жалолиддин Мангуберди” тематик синфларида яқин маҳаллалардаги ёшлар билан 46 марта буюк аждодларимиз қаҳрамонликларини ўрганишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди, тадбирларда 1 905 нафар ёшлар иштирок этди.

Ҳарбий қисм ва муассасалардаги маданият марказлари, кутубхоналар ҳамда маънавият ва маърифат хоналарида “Маънавият ўчоғига саёҳат” шиори остида ҳудуддаги маҳаллалар ёшлари учун 34 марта китобхонлик кечалари, концерт дастурлари, адабий-бадий кечалар ташкил этилди, тадбирларга 1 199 нафар ёшлар жалб қилинди.

Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида таниқли шоир ва ёзувчиларни жалб этган ҳолда “Бир асар тарихи” мавзусида 34 марта бадий-адабий кечалар ва

ижодий учрашувлар ўтказилди, тадбирларда 1 199 нафар ёшлар иштирок этди.

Ёшларнинг маданий савиясини ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган тадбирлар

Дарҳақиқат, ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодини, касбий маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир. Бундан унумли фойдаланган ҳолда ёшларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Она-юрт тақдирини учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишимизни тақозо қилмоқда. “Ватан – ёшлар нигоҳида” шиори остида ёшлар ўртасида ҳарбий қисм ва муассасалар маданият марказларида, гарнизон маънавият ва маърифат марказларида иждоий танловлар ташкил этилмоқда.

Ҳарбий қисм ва муассасалар жойлашган маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилувчи ҳамда уюшмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил тоифаларга кирувчи ёшлар (ИИБ ҳамда ДХХ ҳудудий бошқармалари, бўлимлари билан келишилган ҳолда) ҳарбий қисмлар базасида фаолият юритувчи тўғараклар ва спорт секцияларига жалб этилди.

Маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилувчи, уюшмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил тоифаларга кирувчи ёшлар, муддатли ҳарбий хизматчилар ва сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари ўртасида интеллектуал ўйинлар, викториналар ва иждоий танловлар ўтказилди. Маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилувчи ҳамда уюшмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил тоифаларга кирувчи ёшлар ўртасида ҳарбий қисм спорт базасида спорт мусобақалари (тош кўтариш, арқон тортиш, турникда тортилиш, армрестлинг ва бошқ.) ўтказилди.

Ёшлар билан ўтказиладиган ҳуқуқий саводхонлик ва профилактик тадбирлар

Ёшлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари иштирокида “Коррупцияга қарши курашишга ўз ҳиссамни қўшаман”

мавзусида суҳбатлар ўтказилди, суҳбатларда кўплаб ёшлар иштирок этдилар.

Мамлакатимиз келажагини белгилашда шижоатли, қатъий, мақсадни аниқ қўйиб, шу асосда ҳаракат қилаётган ёшларнинг ўрни катта. Келажак эгаларининг баркамол бўлиб вояга етиши, илму фан, замонавий техника ва технологияларни пухта эгаллаши, давр талаблари асосида таълим ва тарбия олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун етарлича шароитлар муҳайё этиляпти. Маҳаллалардаги умумтаълим мактаблар ўқувчилари билан ҳарбийлар иштирокида “Мен ғолиб!” шиори остида ҳарбийлаштирилган эстафеталар ўтказилди.

Зеро, бугунги глобалашув шароитда инсон онги ва қалбини забт этиш учун курашлар кескин тус олаётган бир даврда халқаро майдонда ёшларни ҳар қандай хавф ва таҳдидлардан асраш, уларнинг мустақил фикри, эътиқоди ва қатъий ҳаётий позициясини шакллантириш энг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифалардан бири бўлмоқда. Тегишли идора ва ташкилотларнинг ходимлари иштирокида ёшлар билан “Диний экстремизм ва терроризм тараққиёт ва барқарорликка таҳдид” мавзусида учрашувлар ўтказилди. Ёшлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокида “Қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларда иштирок этиш – жиноятга етакловчи иллат” мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди.

Ёшларнинг руҳий барқарорлиги ва турли оғир вазиятларга мослашувчанлигини мустаҳкамлаш мақсадида тегишли мутахассис-психолог ва социологлар иштирокида психотренинг тадбирлари амалга оширилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фақат тизимли ёндашув асосидагина ёшларни тўлиқ қамраб олиш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этишда юксак натижаларга эришиш, ёшларнинг шахс сифатида шаклланиши ва ҳар томонлама камол топишига кўмаклашиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил, 3 май. ПҚ-4307-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2021 йил. 26 март. № ПҚ-5040.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада янги тизим яратиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш бўйича Республика экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2021 йил. 4 март. № АФ-213.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил, 18 феврал. ПФ-5938.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар етакчилари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори.



Икромов Адхам Ильхамович
Ўзбекистон Республикаси
Спортни ривожлантириш вазири

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ ОРАСИДА ОММАВИЙ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сир эмаски, бугун мамлакатимизда юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида оммавий спортни ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар орасида жисмоний маданиятни шакллантириш ва юксалтириш, шу орқали уларнинг саломатлик даражасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу бежизга эмас албатта, чунки аҳоли ўртасида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган таомлар, шунингдек нон маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилиш оқибатида ортиқча вазн йиғиш ва натижада турли хил қон-томир, юрак касалликларига чалинишлар сони ортиб бормоқда.

Яна бир масала – ҳалигача дунёни саросимага солаётган коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият шуни кўрсатмоқдаки, агар инсон ҳар томонлама соғлом, иммунитетини кучли бўлса, бундай инсонларга ушбу касалликнинг юқиш эҳтимоли жуда кам ёки юқадиган тақдирда ҳам асоратлари у қадар оғир кечмайди.

Шу боис, юртбошимиз аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳар қачонгидан-да жиддий эътибор қаратган ҳолда бу жараёнда асосий

восита сифатида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спорт эканлигини бот-бот такрорламоқда ва бунинг учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқдалар.

2022 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори имзоланди. Хужжатга мувофиқ, янги ташкил этилган вазирликнинг асосий вазифаларидан бири сифатида ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турлари ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш, уларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга ундаш, спорт таълими тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, спорт турлари бўйича юқори натижадор спортчилар захирасини яратиш, спорт инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектларини кўпайтириш белгиланган.

Жорий йилнинг 1 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантиришга қаратилган йиғилиш ўтказилиб, бу борада энг муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб берганликлари ҳам сўзимиз далилидир.

Яқинда, аниқроғи 2022 йил 11 апрелда имзоланган “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори эса вазирлигимиз олдига қўйилган бирламчи вазифаларни амалга оширишда биз учун дастуруламал, қўлланма бўлиб хизмат қилади ва бемалол айтиш мумкинки, мазкур қарор мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқади.

Маҳалла ёшлари ўртасида ташкил этиладиган мусобақалар спортнинг футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат-шашка, стол тенниси, стритбол ҳамда “workout” турлари бўйича ўтиши режалаштирилган бўлиб, беллашувлар 5 босқичда ўтказилади.

1-босқич: жорий йилнинг 10-25 апрел кунлари маҳаллалардаги кўчалараро ўтказилади. Унда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар

саралаш босқичи ғолиблиги учун мусобақалашади. Кўчалараро мусобақалар якунида эса спорт турлари бўйича ҳар бир маҳалланинг терма жамоалари шакллантирилиб, кейинги босқичда ўз иштирокини давом эттиради.

2-босқич: маҳалла терма жамоалари ўртасида 1-10 май кунлари ҳудудлардаги маҳаллалар ўртасида сектор мусобақалари ташкил этилади.

3-босқич: секторлар босқичида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар) босқичи жорий йилнинг 15-25 май кунлари бўлиб ўтади.

4-босқич: 1-10 июнь кунлари ҳудудий босқич ўтказилади. Унда туман миқёсида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари чемпионлик ҳамда Республика босқичи йўлланмаси учун кураш олиб боради.

Ва ниҳоят 5-босқич 15-25 июнь кунлари ўтказилиб, унда ҳар бир ҳудудда ғолиб ва совриндор бўлган маҳалла жамоалари ўзаро мусобақалашади.

Шунингдек, «5 ташаббус олимпиадаси» нинг спорт мусобақалари доирасида 7-10 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида “Қувноқ стартлар” мусобақаси ҳамда шахмат-шашка бўйича ҳам баҳслар ташкил этилади. Ушбу ёш тоифасидаги мусобақалар маҳалла босқичида якунланади.

10-15 ёшлилар ўртасидаги спорт мусобақалари эса спортнинг енгил атлетика, мини-футбол, шахмат-шашка, стол тенниси турлари бўйича ўтказилиб, туман босқичи билан якунига етади.

16-21 ёшгача бўлган ёшлар эса енгил атлетика, “workout”, шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол, стритбол каби спорт турлари бўйича ўзаро мусобақалашади. Ушбу ёш тоифасидаги баҳслар эса Республика босқичи билан интиҳо топади.

22-26 ёшлилар ўртасида енгил атлетика, стритбол, стол тенниси, волейбол, “workout”, шахмат-шашка бўйича ғолиблар Республика босқичига йўл олади.

Ниҳоят 27-30 ёшгача бўлган ёшлар орасида енгил атлетика, стритбол, стол тенниси, “workout”, шахмат-шашка бўйича мусобақалар Республика босқичида якунланади.

Мусобақаларга маҳалла жамоаларининг иштирокини таъминлаш маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва шу ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари зиммасига юклатилган.

Оммавий спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндорларни аниқлаш тегишли спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур оммавий мусобақаларда спорт таълим муассасаларида спорт билан мунтазам шуғулланаётган юқори кўрсаткичга эга, спорт унвони ва разрядли спортчиларнинг иштирок этиши таъқиқланади. Бу ҳам маҳалладаги иқтидорли ёшларни саралаб олишга катта йўл очади.

Шу ўринда қуйидаги рақамларга эътибор қаратиш лозим: Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра юртимизда 0–30 ёшдаги жами доимий аҳоли сони 19 902 427 нафарни ташкил этган.

2021 йилнинг 1 январида республикамиздаги жами аҳоли 34 558 891 нафар бўлганлигини инобатга олсак, ёшлар умумий аҳолининг қарийб 58 фоизини ташкил этиши маълум бўлади.

Табиийки, ёшларимизни ҳар бир туман ва шаҳарда мавжуд бўлган спорт-таълим муассасаларида бир вақтнинг ўзида қамраб олиш имконияти мавжуд эмас. Таъбир жоиз бўлса, айтиб ўтиш лозимки спорт мактабларининг ҳар бири ўртача 1 000-1 500 нафар спортчи ёшларга хизмат кўрсатиши мумкин, холос.

Мавжуд 279 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бугунги кунда 10,7 минг нафар тренерлар ёшларга сабоқ бериб келади. Шунингдек, юртимиздаги 10 130 та умумтаълим мактабларида 32 минг нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчилари фаолият олиб боришмоқдаки, улар маҳалла ёшлари орасида оммавий спортни кенг тарғиб этишда зарбдор кучга айланишади.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган янги тизим – ёшларни спорт билан қамраб олишни маҳаллалардан бошлашнинг замирида катта маъно мужассам. Тан олиш керак, бугун юртимизда спорт таълим муассасалари етарли эмас. Айниқса, баъзи туманларда ёшларимиз спорт

билан шуғулланишлари учун туман марказида жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига келиши учун 30-40 км, ҳаттоки 50 км масофадан қатнашига тўғри келади. Бундай вазиятда, спортни севадиган, таъбир жоиз бўлса юксак иқтидорга эга ўғил бола ёки қиз мунтазам бориб шуғуллана оладими? Албатта йўқ.

Шу боисдан муҳтарам Президентимиз маҳаллаларда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун уларга етарли шароит, инфратузилма яратиб беришга жиддий эътибор қаратмоқда.

Янги тизимга кўра, оммавий спортни фаол тарғиб этишга ҳисса қўшган намунали маҳаллалар ҳудудига Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳисобидан Workout майдонлари куриб берилади. Бу эса ўз навбатида ўша ҳудуд ёшларининг спорт билан янада яқинроқ бўлишига хизмат қилиб, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришда муҳим мезонга айланади.

Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев айтганларидек, “Олий спортда эришилган ютуқлар билан чегараланмасдан, оммавий спортга ҳам катта эътибор беришимиз” – жамиятимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдаги катта қадамлардан бири бўлади.

Оммавий спортни ривожлантиришнинг пировард натижалари қандай омиллар билан баҳоланади деганимизда, албатта бу тиббий статистикада акс этади, яъни аҳолининг юқорида биз айтиб ўтган касалликларга чалинишлари миқдори маълум бир коэффициентга камайишида ўз ифодасини топади.

Бунинг учун мамлакатимизда барча шароитлар етарли. Шубҳа йўқки, бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка ёшларимиз, ўғил-қизларимиз “лаббай” деб жавоб беришган ҳолда Янги Ўзбекистон байроғини янада юқorigа кўтаришади ва юртимиз, миллатимиз шаъни-шавкатини улуғлашади. Шу кунларда бутун республикамиз бўйлаб бўлиб ўтаётган маҳалла ёшлари ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларидан сўнг Ўзбекистон ўзи учун янги чемпионларни кашф этишига ҳам ишонаман.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.

2. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарори.



Назарбеков Озодбек Ахмадович
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири

МАҲАЛЛАДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Янги Ўзбекистоннинг тараққий этиши, инсон қадрининг улуғланиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришида ёшларнинг билими, дунёқараши ва таълим-тарбияси алоҳида ўрин тутади. Амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, давлатимизнинг дунёда ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши ва эътироф этилиши энг аввало, миллий маданият тараққиёти ривожини билан боғлиқдир.

2022 йил 19 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги маҳаллаларда маданий тадбирларни ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси, Ёшлар иттифоқи, Ёшлар ишлари агентлиги, Миллий гвардия билан ҳамкорлигида манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Жумладан, “Санъат ғунчалари” кўрик-танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада йўналиши бўйича “Ёшлар овози”,

“Ёш мусаввирлар” танловлари, “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалини ўтказиш ҳамда ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этишдан иборат.

Тадбир – маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш, ишлар деган тушунчани билдиради.

Тадбирлар турли шакл ва ҳар хил мазмунда бўлиб, уларни ташкил этиш жараёнлари бир неча босқичда амалга оширилади. Уларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий каби тадбир турларига бўлиш мумкин.

Маданий тадбирлар асосан 2 турга бўлинади: биринчиси; оммавий тадбирлар; иккинчиси; маданий-маърифий йўналишга асосланган тадбирлар.

Оммавий тадбирлар байрам, сайллар, фестиваллар тарзида кенг омма иштирокида ташкил этилади. Маданий тадбирлар – бу маданий фаолият соҳасидаги маданий-томоша тадбирлари, маданий-маърифий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирлар мажмуидир.

Маданий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишдан мақсад аҳолини бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари орқали ёшларни ижтимоийлашувига, ногиронлиги бор шахсларнинг жамиятга қўшилишига ва ўзларини керакли шахс сифатида ҳис этишларига ундашдан иборат.

Маданият вазирлиги томонидан маҳалладаги турли тоифа ёшларни, маданий-маърифий тадбирларга, маданият ва санъат соҳаси йўналишларига ёшларни қизиқтириш ва жалб қилиш доирасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, маҳалладаги ёшлар ўртасида маданий тадбирларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, бу борада аниқ вазифалар белгиланди.

Биринчидан, ушбу чораларнинг амалга оширилиши, ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда маданий ҳордиқ олишига имкон яратади.

Иккинчидан, миллий қадриятларимизнинг нодир дурдоналари бўлган мақом, бахшичилик, халқ оғзаки ижоди намуналари, ҳаваскор

театр санъати бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади ҳамда бадиий ва эстетик салоҳияти юксалади.

Учинчидан, маданият марказлари, болалар музика ва санъат мактабларидан узоқда бўлган қишлоқ ва овулларда яшовчи аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ёшларнинг чекка ҳудудлардан қатнаш имкони йўқ, иқтидорли, ҳаваскор, ижодга қизиқадиган ёшларни маданий тадбирларга қамраб олиш имконини беради.

Тўртинчидан, миллий қадриятларимизга содиқликни, ватанга муҳаббатни ошириб, бўш вақтда юзага келадиган турли хил можаролардан ҳоли ҳаётга эришилади.

Бешинчидан, ёшларнинг маданият ва санъат соҳасига қизиқишларини оширади ва қобилиятини намойиш қилишга замин яратади.

Албатта ҳар қандай халқни уйғотувчи, ўзлигини танитувчи куч бу маданият ва санъатдир.

Маданият оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида тизимли фаолият юритиш орқали шакллантирилади.

Бу борадаги ишлар кўламини ошириш мақсадида Маданият вазирлиги, ҳудудлардаги маданият ва санъат муассасаларининг ижодий ишларидан фойдаланган ҳолда жойларда миллий маданиятимизни тарғиб қилувчи кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси доирасида ёшларнинг бахшичилик, опера, анъанавий ижро ҳамда эстрада йўналишдаги иқтидорли ёшларни кашф этиш ва иқтидорларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида “Ёшлар овози” танлови ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 1-5 апрель кунлари Республикаimizдаги 9 348 та маҳаллаларда 3 ёш (10-15 ёш, 16-22 ёш, 23-30 ёш) тоифаси ва тўрт (бахшичилик, опера, анъанавий ижро, эстрада) йўналишларида ташкил этилди.

Ўз иқтидорларини намойиш этиш мақсадидаги 222 мингдан ортиқ ёшлар “YoshlarOvozi_bot” орқали электрон рўйхатдан ўтган бўлса 16 минг ёшлар танлов ташкил этиладиган жойдан рўйхатдан ўтди.

Жиззах вилоятидан маҳаллалар кесимида ҳар бир маҳаллага 45 нафар ёшдан тўғри келган бўлса, энг кўп ёшлар яъни 31 291 нафари Самарқанд вилоятидан рўйхатдан ўтган.

Танловнинг маҳалла босқичида 238 403 нафар ёшлар иштирок этди. Жумладан 10-15 ёш тоифасида 93 940 нафар, 16-22-ёш 76 865 нафар, 23-30 ёш 67 598 нафар, бахшичилик йўналишида 25 758 нафар, анъанавий ижро йўналишида 73 262 нафар, опера йўналишида 21 691 нафар эстрада йўналишида 117 692 нафар ёшлар иштирок этди.

Ёшлар овози танловининг ҳудудий маҳалла босқичида жами 476 806 нафар ёшлар иштироки таъминланди.

Танловнинг маҳалла босқичлари республикамизнинг ҳудудий ҳамда республика телеканаллари (МУ5, Yoshlar, O'zbekiston 24), Ёшлар ишлари агентлигининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ҳамда босма нашрларда кенг ёритилди.

Маҳаллаларда маданий тадбирларни ташкил этишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда қуйидаги омиллар олдинга чиқади:

1. Маҳаллаларда маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш ва тадбирларни ўтказиш учун МФЙларда махсус жиҳозланган хона ва уларнинг тасарруфида анжуманлар зали ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

2. Ушбу соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш.

3. Ногиронлар ва кўзи ожизлар жамиятлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг иштирокида анъанавий тарзда маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.

4. Ҳар бир туман ва вилоят миқёсидаги маҳаллалар ўша ҳудуддаги маданият марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари керак.

5. Маҳаллардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг иқтидорли фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Иқтидор хайрия фонди”ни ташкил қилиш учун ҳар бир ҳудуддаги тадбиркорлар ва таниқли санъаткорларни ҳамкорликка чорлаш лозим.

Бугунги кунда маҳалладаги уюлмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда уларнинг жамиятда фаоллигини ошириш учун республикамизда кўплаб ижодий тўғараклар фаолият олиб бормоқда. Бироқ, узоқда жойлашган ҳудудлар аҳолиси ўртасида маданият ва санъатга қизиқувчи ёшларни қамраб олиш аввалдан муаммо бўлиб келган. Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакилининг фаолияти юқоридаги муаммоларни ечими бўлишга хизмат қилади. Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакили лавозимида тайинланган ходимлар ушбу мавзунини ўрганиб чуқур билимга эга бўлиши ва фаолияти давомида қўллаши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони.

3. 2021 йил 20 январдаги “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги ЎРҚ-668-сон.



Абсоатов Юсуф Қодирович
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
Вазири ўринбосари

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ ЎРТАСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори Янги Ўзбекистонни қуриш шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади.

Айниқса, “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ҳам бу қарорнинг моҳияти муҳимдир.

Шу аснода қарор билан маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг лавозим вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан,

– “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

– маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

– ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Бундан ташқари, фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган Етакчилар “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланиши ёшлар учун ўзига хос мотивация ва фаолият унумдорлигини оширишга куч-қудрат беришига аминмиз.

Маҳалла ва олий таълим муассасаси ҳамкорлигининг ижтимоий зарурати Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Маҳаллаларда уюшган ёшлар қатлами билан ишлаш, уларнинг дард-у ташвишлари, муаммоларини эшитиш ва уларни ечишга амалий ёрдам бериш, мустақил ҳаётга кираётган ёш йигит-қизлар, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун ҳаммамиз давлат, жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак” - деган таъкидида яққол ифодаланган.

Шу маънода, олий таълим муассасаси ва маҳалла ҳамкорлигининг асосий мақсади – ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг маданий ҳаётини янгиликлар билан бойитиш, ҳудудларда миллий ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ҳамда “ҳар бир инсон давлат

эътиборидан четда эмас”лигини халқ орасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси ва маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда қуйидагилар устувор вазифалар ҳисобланади:

– маҳаллага маданият, маърифат ва маънавиятнинг таълим ва тарбиявий асосларини олиб кириш;

– маҳаллада маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишга методик ёрдам кўрсатиш;

– фуқаролар билан индивидуал ва жамоавий ишлаш орқали маънавий муаммоларни аниқлаш ва уни бартараф этишга амалий ёрдам бериш;

– маҳалла ёшлари ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни тушунтириш ва тарғиб қилиш;

– маҳаллада ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш;

– маҳалла институтига маънавий тарбияга доир илғор тажрибаларнинг илмий асосларини ўргатиш;

– маҳаллада Ўзбекистон Президенти илгари сурган 5 муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни тизимли ташкил этишнинг ўқув-методик ишланмаларини яратиш.

Таъкидлаш зарурки, олий таълим муассасаси ва маҳалла ўртасида ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида гап кетганда, аввало маҳалланинг жамият маънавий ҳаёти ва мафкуравий оламига муносабати, ушбу ижтимоий жараёндан тўлиқ хабардор бўлиши, уни англаши муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, олий таълим муассасаси маҳалла фаолияти билан яқиндан танишиши, маҳалла тизимининг асосий вазифаларини пухта ўзлаштириши ҳамда маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг иш фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Олий таълим муассасасининг маҳалла билан ҳамкорлиги айниқса, ёшларни баркамол шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Бунинг учун аввало, олий таълим муассасасининг маҳалла билан фан, таълим ва тарбия соҳасидаги ҳамкорлигини мувофиқлаштириш,

тартибга солиш ва самарали амалга оширишда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган вазифаларни назарда тутиши лозим. Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори.

Ушбу ҳужжатлар олий таълим муассасаси билан маҳалла фуқаролар йиғини ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш - маҳалла, оилаларда ота-оналар ва болалар маънавий тарбиявий муносабатларини таҳлил этиш асосий вазифа қилиб белгиланганлиги олий таълим муассасасининг маҳалла билан ҳамкорлигида профессор-ўқитувчига ижтимоий-маънавий масъулият юклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунда олий таълим муассасаси билан маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш тобора ижтимоий-маънавий заруриятга айланиб бормоқда.

Сабаби: ҳозирда ёшлар ўртасида:

а) Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатларнинг ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетаётганлиги;

б) ушбу фазилатлар ёшларнинг табиатида амалий одатларга айланмаётганлиги;

в) ёшларнинг фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут ва зиддиятнинг кенгайиши;

г) мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишидаги маърифий дунёқарашнинг торлиги;

д) айрим ёшларда юксак мақсадларни шаклланмаганлиги;

е) ўзини ўзи ўқишга сафарбар қилиш, ирода, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги билан боғлиқ маънавий тарбия йўналишидаги муаммолар тарбия жараёнини таълим, илм ва билим асосида ташкил этиш ва мустаҳкамлашни талаб этади.

Ушбу муаммоларнинг ечими узлуксиз маънавий тарбия тизимини мустаҳкамлаш орқали амалга ошади. Бу бевосита ва билвосита маҳалла ва олий таълим муассасаси ҳамкорлиги тарбияга янгича ва тизимли ёндашувни, ёшларда таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда олий таълим муассасалари маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади.

Бу борада таълим омили устувор аҳамиятга эга. Яъни, маҳаллада маънавий тарбияни олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиси ёрдамида амалга ошириш учун:

а) ота-оналар ва маҳалла мутахассислари учун маънавий тарбия индикаторлари ва тарбиялаш усуллари билан бойитилган илмий-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

б) оилада ота-оналарнинг фарзанд тарбиялаш усул ва услубларига оид маданий-маърифий билимларини мунтазам оширишга кўмаклашувчи ижтимоий тарғибот воситаларини яратиш;

в) ота-оналар билан балоғатга етган фарзандларининг ёшига мос ижтимоий компетенцияларни тарбиялаш ва фазилатларни ўргатишга қаратилган маърифий тренинглари ўтказиш;

г) ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ва тарбия ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга қаратилган маданий тадбирларни ўтказиш тавсия этилади.

Яна бир муҳим жиҳат – бу олий таълим муассасаси ва маҳалла ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш механизмлари билан боғлиқ масаладир.

Чунончи, маҳаллада амалга ошириладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга олий таълим муассасаси ўқитувчисининг жалб этилиши қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

– ОТМ профессор-ўқитувчисининг зиёли мақомига муносиб жиҳатлари кўп;

– ОТМ профессор-ўқитувчиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва аҳамиятини илмий асосда тушунтириш салоҳиятига эга;

– ОТМ профессор-ўқитувчиси маънавий ва тарбиявий соҳадаги муаммонинг келиб чиқиш сабаби, оқибати ва ечими бўйича тизимли ёндашиш кўникмасига эга;

– ОТМ профессор-ўқитувчиси тўғри маълумотдан нотўғри маълумотни ажрата олиш кўникмасига эга;

– фикрини, гапини, ишини ва вазифасини онгли тарзда тушунади, оқибатини билади, буни билими ва тажрибаси билан тўғри амалга ошира олади;

– ОТМ профессор-ўқитувчисининг асосий фаолиятини 18 ёшдан катта бўлган муайян мақсад ва ниятга эга бўлганлар билан амалга оширади;

– дунёқараши тор, ишонувчан, мақсади ноаниқ, ўзгага қарам, енгил ҳаётга мойил бўлганларнинг аксарияти 18 ёшдан юқоридагиларга тўғри келади. Айнан шу тоифадагиларни зиёли ўзининг билими, тажрибаси, маданияти, хулқи, дунёқараши билан ўзгартира олади, таъсир кўрсата олади.

Шуни таъкидлаш зарурки, маҳалладаги маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолият профессор-ўқитувчини ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига эмас, балки МФЙга зиё, маърифат ва маънавиятни қандай олиб кириш ва одамлар маънавиятини қандай қилиб юксалтиришнинг методикаси, амалиёти ва механизмига эътибор қаратишдан иборат ёндашув асосида амалга ошириши зарур: Акс ҳолда профессор-ўқитувчи аҳолининг иқтисодий, молиявий муаммоларнинг ичида қолиб кетиб, асл мақсад йўқолади.

Профессор-ўқитувчи маҳаллада амалга оширадиган ишларни қуйидаги 10 та босқич асосида тартибга солиши лозим:

1-босқич – маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва аъзолари билан шахсан танишади, уларга мақсадини айтади, координатларни алмашади.

2-босқич – маҳалла фуқаролар йиғини паспортини олади ва уни синчиклаб ўрганади.

3-босқич – ижтимоий объектлар, хизмат кўрсатиш шахобчаларини бориб кўради.

4-босқич – маҳалла фуқаролар йиғинидаги зиёлилар, спортчилар, фахрийлар, намунали оилаларнинг улуғлари ва эътиборли киши (кайвони)лар билан танишади, суҳбатлашади.

5-босқич – китобхон ва китобсеварлар, санъат ва маданиятга ихлосманд оилаларни аниқлайди ва уларнинг хонадонига ташриф буюради.

6-босқич – ташаббускор, яратувчан ва интилувчан ёшларни аниқлайди ва улар билан суҳбатлашади.

7-босқич – тадбиркорларнинг маҳаллага кўрсатаётган ёрдамини ўрганади.

8-босқич – маҳалла ёшлари орасидаги истеъдодлиларни рўёбга чиқариш чораларини кўради.

9-босқич – амалга оширадиган ишларини режалаштиради.

10-босқич – 1 ва 2 босқичда белгиланган ишларни амалга оширишни бошлайди.

Мазкур ишларни қуйидаги механизм асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

- ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- индивидуал тартибда ишланадиганлар режасини тузиш;
- жамоа тартибида ишлаш режасини тузиш;
- тарғибот материалларини тўплаш;
- тарғибот технологияларини ишлаб чиқиш;
- тарғибот методикасини ишлаб чиқиш.

Ўқитувчининг маҳалла билан ҳамкорлиги муайян вақтни талаб этадиган ижтимоий-маънавий жараён ҳисобланади. Шу боис, ўқитувчининг маҳаллага ташрифи ва бу вақт доирасида қандай ишларни амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. ОТМ ҳамда маҳалла билан ҳамкорликда йиллик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

2. Ўқитувчи маҳаллага 1 ҳафтада ёки 10 кунда 1 марта боради, борадиган кунини ўзи танлайди ва бундан маҳалла фуқаролар йиғини раисини хабардор қилади.

3. Ўқитувчи маҳаллага маънавий жиҳатдан “қуролланиб” бориши зарур.

4. Ўқитувчи Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, Ўзбекистон Президенти нутқлари, давлат сиёсати ва йил номи билан боғлиқ давлат дастурини мукамал билиши керак.

5. Учрашув, мулоқот, суҳбатларда МФЙда амалга оширилаётган яхши ишлар, яхши хабарлардан кўпроқ гапириш лозим.

6. Маънавиятни тарғиб қилишда ҳалол ва яхши “ҳийла”лардан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Одамларнинг турмуш тарзи ва муаммолари билан қизиққанда ва ўзини улар билан бирга эканлигини ҳис қилгандагина халқ ўша тарғиботчини ҳурмат қилади, унинг айтганини бажаради.

8. Китоб ўқиш ва китобхонлик ҳақида кўпроқ суҳбатлашиш, “Ёш китобхон” танловларини биргаликда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

9. ОТМларга бириктирилган маҳаллаларда тадбирларни ташкил қилишда ҳамкорлик ҳамда талаба-ёшларни жалб этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил, 3 май. ПҚ-4307-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил, 18 феврал. ПФ-5938.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2020 йил 10 июн, 367-сон.

4. Раҳимов С., Хусанов Б., Ташметов Т. Маҳалла – тарбия маскани. – Тошкент: ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси, 2021. –Б. 80.

5. Мусурманова О., Қуронов М., Абдужаббарова М. Маҳалла – ҳаёт кўзгуси. –Тошкент: YOSHLAR MEDIAPRINT, 2021. -Б. 97.

6. Сатторий Ҳаким. Тарбия – комиллик йўли. –Тошкент: MUMTOZ SO‘Z. 2020, -Б. 33.



Ражапов Воҳобжон Тўражанович
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири ўринбосари

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ИҚТИДОРИ, ИСТЕЪДОДИ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ҲАМДА КАСБИЙ ЙЎНАЛТИРИШГА КўМАКЛАШИШ

2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-92-сон Қарори ижросини таъминлаш юзасидан барча вазирлик ва идораларга вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Халқ таълими вазирилиги томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, Республика бўйича мавжуд 10 130 та умумий ўрта таълим мактабларида маҳаллалардаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида соат 18-00дан 23-00гача маҳалла ҳудудида жойлашган мактабларда спорт ва фаоллар заллари, компьютер хоналари ва кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ёшлар етакчиларига мактаблардаги ушбу инфратузилмалардан фойдаланишлари учун Халқ таълими вазирилиги ташаббуси билан Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда йўриқнома ишлаб чиқилди ҳамда бутун Республика бўйича оммалаштирилди.

Иккинчидан, мактаб директори ҳамда маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича таълим муассасалари

ва ёшлар етакчилари билан биргаликда уч ойга мўлжалланган кўшма дастур тасдиқланди. Ушбу дастурда маҳалладаги ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида чора-тадбирлар режаси мавжуд.

Учинчидан, умумтаълим мактабларида директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари томонидан ёшлар масалаларида идоралараро ҳамкорликни амалга ошириш ва етакчилар фаолиятига кўмаклашиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Тўртинчидан, Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармаси тажрибаси сифатида, умумий ўрта таълим мактабларининг кириш қисмларига маҳаллалардаги ёшлар учун махсус эълонлар жойлаштирилган бўлиб, ушбу эълонда ёшларга соат 18.00дан бошлаб мактабдаги спорт ва фаоллар заллари, компьютер хоналари ва кутубхоналардан фойдаланиш мумкинлиги ҳамда масъуллар билан боғланиш учун телефон рақамлари келтирилган. Шунингдек, мактаб директори ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини билан маҳалладаги уюлмаган ёшларни мактабдаги инфратузилмадан фойдаланиш бўйича икки томонлама шартнома имзолаш тизим жорий этилган.

Бешинчидан, Мактаблардаги ўқувчилар тўғрисида аниқ маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари учун “Мактаб баланси” шакллантирилди. Ушбу баланс 7 бўлимдан иборат сўровнома анкета асосида шакллантирилди.

Олтинчидан, Спортни ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида спорт турлари бўйича оммавий мусобақаларни ўтказиш бўйича кўшма Низом имзоланди. Ушбу Низомга мувофиқ мактаблардаги спорт объектларида жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб этган ҳолда спортнинг футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, стритбол ва workout турлари бўйича тўгараклар ташкил этиш белгиланган.

Еттинчидан, Республикадаги умумий ўрта таълим мактабларида 10 008 нафар ёшлар етакчиларидан 9 102 нафари фаолият юритиб келмоқда. Шундан 906 нафар ёшлар етакчилари лавозими вакант,

5 434 нафари педагог, 3 368 нафари номутахассис ҳамда ўрта махсус маълумотга эга.

Барча штат бирликлари мақбуллаштирилаётган ёшлар етакчиларига дарс соатлари ажратиш, огоҳлантириш хати ҳамда пуллик компенсациялар тўлаб бериш режалаштирилди. Шунингдек, номутахассис ва ўрта махсус маълумотга эга ёшлар етакчиларини иш билан таъминлаш чораларини кўриш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда иш ташкил этилиб, барча ёшлар етакчиларининг бандлиги таъминланди.

Саккизинчидан, Халқ таълими томонидан маҳалларда янги жорий этилган ёшлар етакчилари учун “Маҳалладаги иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ишлашда таълим муассасалари билан ҳамкорлик механизми” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Мазкур ўқув-семинарда “Камалак юлдузлари”, “Йил сардори”, “Интеллектуал ўйинлар”, “Заковат”, “Мунозара”, “Нотиқлик маҳорати” каби танлов ва лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар берилди.

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ҳукуматнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-11-синф ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 792-сонли Қарори тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларининг 9–11-синфлари ўқувчиларини 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб 9–10-синфларда, 2023 – 2024 ўқув йилидан – 11-синфларда касб-ҳунарга тайёрлаш тизимини ташкил этиши белгиланган.

Умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича Андижон, Навоий ва Самарқанд вилоятлари тажрибаси амалга оширилди. Натижада, Андижон вилоятида 9 803 нафари (27%) олий ўқув юртларига, 2 935 нафари (8%) коллеж ва техникумларга ўқишга кирди. 3 999 нафар (11%) битирувчи ишга

жойлашди ва 14 129 нафар (39%) битирувчи ўзини ўзи банд қилиш тартиби бўйича касб-ҳунар билан шуғулланмоқда. 7 828 нафар битирувчиларга ҳунарини ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 114,2 млрд сўм кредит маблағлари ажратилди.

Навоий вилоятида битирувчиларнинг 7 925 нафари (62%) олий ўқув юртларига, 806 нафари (6%) коллеж ва техникумларга ўқишга кирди, 415 нафар (3%) битирувчи ишга жойлашди, 2 740 нафар (21%) битирувчи ўзини ўзи банд қилиш тартиби бўйича касб-ҳунар билан шуғулланиб келмоқда.

Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, ўқувчиларда деҳқончилик кўникмаларини шакллантириш бўйича амалий дарслар ўтиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мактаблар ҳудудида иссиқхоналар ташкил этилиб, ўқувчилар полиз экинлари ва гул етиштириш бўйича амалий машғулотларда иштирок этмоқдалар.

Ўқувчиларда касбга оид тушунчаларни кенгайтириш мақсадида Миллий ўқув дастури доирасида 1-11-синфлар учун яратилаётган замонавий дарсликларга 213 та касбга оид мавзулар киритилди.

Ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш, уларнинг келажакда муносиб касб эгаси бўлишларига кўмаклашиш мақсадида profnavigator.uz ва prof.maktab.uz онлайн платформалари яратилди.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, 9-11-синф ўқувчиларини саноат, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва агротехнология йўналишидаги корхона ва ташкилотларга экскурсияларини ташкил этиш тизими йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар 25 933 та, жумладан, Наманган “МЕХМАШ”, Қорақалпоғистон “SHOMANAY ECOTEX”, Қашқадарё “GREEN AGRO HOUSE” каби корхона ва ташкилотларга экскурсиялар ташкил этилди.

2022 йил февраль ойида 514 518 нафар (99,7%) 9-синф ўқувчилари ўртасида ўқишнинг кейинги босқичини қаерда давом эттириши бўйича сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижаларига кўра ўқувчилардан 43 809 нафари (8,5%) академик лицейларда, 63 335 нафари (12,3%) касб-ҳунар мактабларида, 407 374 нафари (79,2%) умумтаълим мактабларида ўқишни давом эттиришни маълум қилишган.

Сўровномада ўқувчиларнинг 25,3 фоизи қишлоқ хўжалиги, 17,8 фоизи АКТ, 5,4 фоизи педагогика, 13,5 фоизи саноат, 9,2 фоизи ишлаб чиқариш, 8,9 фоизи тадбиркорлик, 8,2 фоизи хизмат кўрсатиш, 7,3 фоизи транспорт, 4,4 фоизи санъат соҳаларида фаолият юритиш истагини билдирди.

ЮНИСЕФ ташкилоти билан биргаликда мактаб ўқувчилари ўртасида ихтирочилик ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш бўйича “ImkonLab” ҳамда Ўзбекистондаги Гёте институти билан ҳамкорликда “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш жараёнида немис тилининг аҳамияти” лойиҳалари амалга оширилди.

Шунингдек, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш дастурини амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа учун USAID томонидан 10 млн доллар миқдоридаги грант маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ўнинчидан, Халқ таълими вазирлиги томонидан 2022 йилда ёшлар билан манзилли ишлаш тизимини яратиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш (5 муҳим ташаббус) бўйича Қўшма дастур доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади.

Жумладан:

1. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини;

2. Ўқувчи-қизларни касб-хунарга йўналтиришга қаратилган “Қизларжон” саммити;

3. Ёшларнинг экологик онги ва маданиятини шакллантириш бўйича маҳаллаларда “Экопатрул” тарғибот лойиҳаси;

4. Ёзги таътилда ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида “Ёзги оромгоҳлар” лойиҳаси;

5. Ўқувчи-ёшлар ўртасида “Қувноқ стартлар” мусобақаси;

6. “Мустақил Ўзбекистон келажagini ёшлар бунёд этади” шиори остида иншолар танлови ўтказилади.

7. “Менинг қахрамоним” мавзусида иншолар танлови ўтказилади.

Тадбирларда ёшлар қамрови:

Тадбир ва лойиҳалар орқали жами 6,2 млн нафардан ортиқ умумтаълим мактаблари ўқувчилари қамраб олиниши белгиланган.

Хусусан, 3,5 млн нафари 7-13 ёшдагилар, 2,7 млн нафари 14-17 ёшдагилардир.

Тадбирлар маблағи:

Белгилаб олинган лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш бўйича дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жами 10,6 млрд сўм маблағ сарф этилиши режалаштирилмоқда. Шундан, “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан 9,6 млрд сўм, ижрочилар маблағлари ҳисобидан 1 млрд сўм.

Тадбирларни амалга оширишда ҳамкорлар:

– маҳалла ва сектор босқичларида – Сектор раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакиллари;

– маҳаллий ва ҳудудий босқичларда – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

– республика босқичида – Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси иштирокида ўтказилиши режалаштирилган.

Кутилаётган натижа:

1. Маҳаллаларда интеллектуал салоҳиятли маҳаллада ўртача 600 минг нафар ҳамда табиатни асрашда ташаббускор маҳаллада ўртача 800 минг нафар ёшлар қатламлари яратилади.

2. Саломатлик, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали мактаб ўқувчиларининг қарийб 51 фоизи 3,6 млн нафарини спорт билан қамраб олишга, ёзги таътил даврида ташкил этиладиган ёзги оромгоҳлар орқали 1 млн нафардан ортиқ ўқувчилар қамраб олишга эришилади.

3. Барча маҳаллалардаги 400 минг нафардан ортиғи ўқувчи-қизларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга эришилади.

4. 1,2 млн нафар ўқувчи-ёшларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини оширишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-96-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги “Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “улуғбек” жамғармаси фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ВМ-30-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 132-сонли Қарори.



**Хожиматов Минҳожиддин
Мирзажонович**

*Республика Маънавият ва маърифат
маркази директори*

МАҲАЛЛА – ЁШЛАР УЧУН ЭНГ КАТТА ТАРБИЯ МАЙДОНИ

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ва маънавий ислохотларнинг туб негизида, энг аввало, ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати, ақл-заковати, маънавий салоҳияти ва ўзига хос ижтимоий комиллик тараққиётига хизмат қилувчи омиллар ётади. Бугунги глобаллашув замони ёшлар билан ишлашнинг самарали усуллари излаб топиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга янгича ёндашиш талабини қўймоқда. Ёшларнинг барча қатламлари билан бирдек ишлаш, уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини рўёбга чиқаришнинг янгидан янги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти ортиб бормоқда.

Ёшлар ўз-ўзини турли хил муваффақиятсизликдан, турли хил салбий ҳолатларга тушиб қолишдан ҳимояланишида, уларни турли маънавий таҳдидлар таъсиридан асрашда миллий-ахлоқий тарбия, маънавий-маърифий ишларни самарали ва таъсирчан ташкил этиш муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак бўлади.

Кейинги йилларда мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида ҳам бунёдкорлик ҳам қурилиш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётганини кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда 35 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган халқимизнинг 17 миллионидан ортигини ёшлар ташкил этаётганлиги, ёшларга оид давлат сиёсати ва ёшларнинг маънавий-ижтимоий фаоллигини янада ошириш вазифасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа бўлиб қолганлигидан далолат бермоқда. Албатта, бу жараёнларда ёш авлод вакилларини қамраб олиш бизнинг олдимизга қўйган энг муҳим мақсадимиздир. Ёшлар – мамлакатимизнинг келажаги, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўладиган эгаларидир. Уларни ҳар томонлама билимли, замонавий касб-хунарларга эга, соғлом, маънавий етук, ўз ватанига нисбатан садоқатли, одил қилиб тарбиялаш бугунги кун тартибида турган энг долзарб масала ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”, – деган гаплари бугун ҳар биримиз учун дастуруламал бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда тараққий этган кўпгина давлатлар, халқлар тарихи, ривожланиш йўлини ўрганадиган бўлсак, бир-бирига ўхшаш битта жиҳатни кузатиш мумкин. Яъни, ёш авлод таълим-тарбиясига жуда катта эътибор қаратиш, сармоя киритиш, уларни ҳар томонлама комил шахслар сифатида вояга етказиш ҳамда тараққиёт йўлида уларга суяниш барча ривожланган давлатлар, халқлар ҳаётида устувор жиҳат бўлган. Ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб олган, кундан кунга олға одимлаб, тобора янгиланиб бораётган Ўзбекистон ёшларни юксак салоҳият эгалари қилиб тарбиялаш орқали Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек стратегик мақсадни амалга оширишга киришган.

Ёшлар камолоти, уларнинг етук кадрлар бўлиб шаклланишига давлат ва жамият ҳар қандай даврдагидан-да муҳим – устувор масала сифатида қарамоқда. Жумладан мухтарам Президентимиз ўз нутқларида таъкидлаб ўтканларидек, кейинги беш йилда олий

таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий қамров 28 фоизга етди, деганидир. Қиёсий тарзда таъкидлаш жоизки, 4 йил аввал бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этган. Бу борада давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, ўтган йилги тажрибамизни янги босқичга кўтариб, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга бу йил олийгоҳларга кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани ёшларимиз келажагини таъминлашга қаратилган амалий эътиборимиз намунасидир.

Ўзбекистонда 2030 йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказиш режа қилинди ва бу йўлда қатъий чоралар кўрилмоқда.

Бу йил Тошкент шаҳрида энг юксак халқаро талабларга жавоб берадиган “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилди. Ушбу университет мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари учун намуна бўлади.

Мамлакатимизда узлуксиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичларини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Охирги тўрт йилда болаларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси илгариги 27,7 фоиздан 2 баробар ортиб, 60 фоизга етгани, боғчалар сони эса 3 марта кўпайиб, 14 мингдан ошгани ана шундай ислоҳотлар натижасидир.

Бу эътибор, ғамхўрлик ва ёшларга оид давлат сиёсатидаги изчил ислоҳотлар ташаббусқори бўлган Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистонни билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз”, деган даъвати юқори давлат амалдорларидан тортиб, энг қуйи бўғиндаги давлат хизматчиси онгига сингиб, бу фикрнинг нечоғлик ҳақлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бормоқда. Ёшлар – халқимизнинг асосий таянчи ва суянчи. Бугун улар ислоҳотларимизни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий

тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиради.

Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши муносиб шароит яратишга устувор аҳамият берилмоқда.

Имом Бухорий бобомиз тўплаган муборак ҳадислардан бирида: “Ёшлиқда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир”, деб айтилади.

Давлатнинг ёшлар сиёсати кенг кўламда, турли йўналиш ва жабҳаларда олиб борилмоқда. Ундаги муҳим йўналишлардан бири – ёшлар тарбияси ва маънавий камолоти саналади. Ёшлар сиёсати, аввало, тарбиядан бошланади, десак ҳам муболаға бўлмайди. Негаки, барча даврларда болалар ва ёшларга биринчи навбатда “тарбияланадиган қатлам” сифатида қараб келинган.

Таниқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикри неча йиллардан буён ўз қадрини йўқотмай келмоқда. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, “Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, эзгу қадриятларга садоқат каби фазилатлар азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак”.

Маънавиятнинг асосида турадиган яна бир муҳим қадриятлардан бири – бу аждодлар руҳига садоқат, ворисийлик туйғусидир. Негаки, ўз аждодларининг кимлигини яхши билмайдиган, уларнинг меросидан беҳабар бўлган одам руҳан ғариб бўлади. Уни хоҳлаган кўйга солиш, йўлдан оғдириш, турли нотўғри ва ёмон йўлларга бошлаш осон бўлади. Ўз ота-боболарининг шонли анъаналарини яхши билган, уларнинг

инсоний моҳиятини чуқур тушуниб етган инсонлар эса, бошқалар етаклайдиган йўлдан эмас, балки ана шу аждодларининг изидан бориш, уларнинг ишини давом эттириш ҳақида ўйлайди, ўз ҳаётини ҳам ана шу асосга қуради. Шунинг учун ҳам халқимиз қадим-қадимдан фарзанд тарбиясига, оила мустақамлигига катта аҳамият бериб келади. Инсоннинг туғилиши, вояга етиши ва камол топишида оилавий муҳит, аждодлар ўғити, кексалар насиҳати, ота-боболардан қолган маънавий мерос, туйғу ва тушунчалар, урф-одат ва анъаналар бениҳоя муҳим ўрин тутади. Ҳаётнинг қанчадан-қанча синов ва тўфонларидан ўтган ана шу интилишлар ҳам миллий маънавиятимизнинг негизини белгилайдиган тамал тошларидан биридир.

Тарбия, маънавий баркамоллик каби тушунчалар ёшлар ҳаётида муҳим ҳодиса саналиб, асосан оила, таълим муассасалари, маҳаллалар ва меҳнат жамоалари орқали амалга оширилади. Ушбу тузилмаларнинг ҳар бири инсон тарбияси ва маънавий камолотида бир-биридан кам бўлмаган даражадаги вазифани бажаради. Оилада ота-она, бобо-буви, ака-опалар тарбиячи саналса, таълим муассасаларида устозлар – тарбиячилар, ўқитувчилар бу вазифани амалга оширади.

Маҳалла эса ёшлар учун энг катта тарбия майдони ҳисобланади. Айнан шу бўғинда ёшлар ижтимоий ҳаётга адаптация бўлади (мослашади). Халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақл бежиз айтилмаган. Тарихан ёшлар тарбияси учун маҳалладаги ҳар бир шахс масъул ва жавобгар бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам ушбу қадрият кўпгина маҳаллаларимизда сақланиб қолган. Аммо маҳалла кишилари қалбида ушбу қадриятни тиклаш, уйғотиш ва ҳаммани ёшлар тарбияси йўлида бирлаштириб, саъй-ҳаракатларни битта тизимга солиш учун бир етакчига эҳтиёж мавжуд эди.

Ушбу Етакчи ёшларнинг орасидан танланиб, уларни тушунадиган, фидойи, ватанпарвар, билимли, ташаббускор, чаққон ва ғайратли бўлса, ишлар самарали, мақсадга эришиш янада осон кечади. Айнан ушбу хулоса сабаб, Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан маҳаллаларда Ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Энди Ёшлар етакчиси маҳалла ёшларига нафақат сардор, кўмакчи, балки маънавий йўлбошчи бўлиши ҳам лозим.

У ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишнинг турли усулларидан фойдаланар экан, маънавиятга йўл китобдан бошланишини ёдда тутмоғи лозим. Зеро, Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди”.

Айни дамда 2019 йилда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётимизга жорий этилган 5 муҳим ташаббус асосида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида маънавият ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари “маҳаллабай” ўтказилмоқда.

Жумладан, маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий қилингандан буён бугунги ўтган уч ой вақт давомида 124 минган ортиқ бундай тадбирлар ўтказилиб, 3,5 миллионга яқин ёшлар қамраб олинганлиги, Президентимизнинг “Маҳаллада ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нақадар ўринли бўлганлигидан далолат беради.

Глобаллашув шарт ва шароитлари ҳаётимизга шиддатли кириб келаётган бу даврда ёшларни келажак ҳаёт талабларига жавоб берадиган, етук, соғлом ва албатта маънавиятли қилиб тарбиялашда бундай ташаббуслар дастуриламал бўлиб хизмат қилиши керак. Ёшларга ижтимоий адолат таъмоиллари остида маънавий қадриятларимизни сингдириш, уларни инсон қадри ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишига замин яратиш, уларни ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда беш муҳим ташаббус дастурлари доирасида таълимий, бизнес грантлари, “ёшлар дафтари” лойиҳаси асосидаги ижтимоий кўмаклар ажратилмоқда.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш борасида бажарилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар турибди:

– ёшлар орасида ташаббускорликни кучайтириш, жамиятда ижодий муҳитни яратиш, ҳар бир ходимда теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, бефарқлик, сансоларлик каби салбий ҳолатларга барҳам бериш;

– ёшлар етакчиларининг сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият олдида турган буюк ва муқаддас вазифаларни англаб етиш даражасини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила олиш салоҳиятини шакллантириш;

– ёшларда маънавий таҳдидлар, “оммавий маданият”нинг мазмун-моҳиятини англаб етишига, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга ёрдам бериш;

– маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини самарали ва унумли тарзда ташкил этиш, уларнинг бадий ҳаваскорлик, ҳунармандчилик, техникавий ва бошқа қизиқишларини ўрганиш, ташкил этиш, иқтидорларни топиш, тарбиялаш.

Мана шу вазифаларни амалга оширишда энг кераклиги тарғибот ва ташвиқотни замонавий ва тизимли тарзда йўлга қўйиш. Бунда айниқса, ёшлар бугунги кунда кенг фойдаланадиган интернет тизимидан фойдаланиш, “Рақамли тарғибот”га алоҳида эътибор қаратиш, мобил иловалар, электрон китоблар яратиш, ижтимоий тармоқларда ёшларни миллий маънавият ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган турли танлов ва викториналар ташкил этишга эътибор қаратиш талаб этилади.

Ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда манзилли ишлаш, уларда маҳаллада маънавий-маърифий ишларни олиб бориш кўникмасини шакллантириш мақсадида ёшлар етакчиларининг ўқув курслари ташкил этилмоқда.

Албатта, маҳаллада ёшлар тарбияси биргина Ёшлар етакчисига ташлаб қўйилмайди, бу борада ҳамма ўз масъулиятини чуқур англаб, биргаликда ҳаракат қилиши орқали мақсадга эришилади. Етакчидан эса янги, интерфаол, инновацион ташаббуслар, фаолликлар кутилади. Янгича фикрлайдиган, ўз ишини пухта билган кадр орқали юксак марраларни эгаллаш осон кечади. Ёшлар етакчиси шундай қимматли кадрлар қаторига чиқишига, биз барча таълим-тарбия, маънавий-

маърифий йўналишда фаолият олиб бораётган ташкилотлар вакиллари бу йўлда Ёшлар етакчисига энг яқин кўмакчи бўлишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент-2022 “Ўзбекистон” нашриёти.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил, 3 май. ПҚ-4307-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2021 йил. 26 март. № ПҚ-5040.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил, 18 феврал. ПФ-5938.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар етакчилари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил 19 январь. ПҚ-92.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 31 декабр, 820-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2019 йил, 31 декабр. 1059-сон.

8. Абдулла Авлоний, Танланган асарлар. 2002 йил. “Ўзбекистон” нашриёти. 324 б.



Рустамов Дониёр Тухтасинович
Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш
вазири ўринбосари

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАРНИ ИТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Мамлакатимизда маҳаллалардаги ёшларни ИТ–технологияларга кенг жалб қилиш механизмларини жорий этиш борасида Ахборот технологиялари вазирлиги олдида белгилаб берилган вазифалар ижросини юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда ёшларга қулайликлар яратиш мақсадида жорий йилнинг 1 чораги давомида қўшимча 10 минг км. оптик-толали алоқа линияларини қуриш (жами 128 минг км.) ҳисобига ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан 10 218 та (100 фоиз) халқ таълими объектлари, 6 279 та (100 фоиз) мактабгача таълим объектлари, 3 456 та (100 фоиз) соғлиқни сақлаш муассасалари, 9 316 та (100 фоиз) маҳалла фуқаролар йиғинлари ва 3 567 та (56 фоиз) милиция таянч пунктлари юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиш имкони яратилган.

Республика аҳолисининг Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 27,5 млн.дан ортди, шундан мобил Интернет фойдаланувчилари сони 25,5 млн.ни ташкил этади.

Рақамли индустрия ҳажмини кенгайтириш йўналишида IT-Парк резиденти сифатида рўйхатдан ўтган корхоналар сони жорий йилнинг биринчи чорагида 589 тага етказилди (ўтган даврга нисбатан ўсиш 132 фоиз). Шундан 18 таси ҳорижий капитал иштирокидаги корхоналар ҳисобланади. Жорий йилда республика бўйлаб 320 дан ортиқ дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчи ва компьютер хизматларини кўрсатувчи янги корхоналар ташкил қилинди.

Республиканинг барча ҳудудларида IT-соҳасидаги хизматлар ва уларнинг экспорти ҳажмини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, аҳолини барча қатламларини иш билан таъминлаш мақсадида Масофавий хизматларни кўрсатиш марказлари (BPO) ташкил этилмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Фарғона вилоятларида жами 5 та Масофавий хизматларни кўрсатиш марказлари (BPO) ташкил қилинди. Ушбу марказлар орқали бугунги кунда 40 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган.

Рақамли таълимни ривожлантириш йўналишида 2021/2022 ўқув йилида рақамли технологияларнинг ривожланиш тенденциясидан келиб чиқиб, жорий ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)да сунъий интеллект, мехатроника ва робототехника, киберхавфсизлик инжиниринги каби жами 10 дан ортиқ янги йўналишлар ташкил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси бўйича 2022 йилда 700 дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Республиканинг 14 та ҳудудида IT техникумлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда дастурий инжиниринг, компьютер инжиниринг,

ахборот хавфсизлиги, телекоммуникация технологиялари каби йўналишлар бўйича 4 минг нафарга яқин ўқувчилар ўқитилмоқда.

Ҳозирги кунда республиканинг 14 та ҳудудида 1 тадан жами 14 та таянч IT-мактаблар ташкил этилди. 2020-2021 ўқув йилида ушбу

IT-мактабларига 18 та олий таълим муассасалари бириктирилди, 18 та ҳомий ташкилотлар томонидан 6,5 млрд.сўмдан ортиқ маблағлар ажратилиб, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, 840 нафар иқтидорли ўқувчилар сараланиб, қабул қилинди.

Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, IT-Парк билан биргаликда 14 та таянч IT-мактаблар орасида 4 та йўналиш бўйича илк маротаба IT-олимпиада ташкил этилди ва 770 нафар номзод-ўқувчилар иштирок этишди. Олимпиада натижаларига кўра 1, 2 ,3-ўрин ғолиблари муносиб тақдирланишди. Мазкур IT-олимпиада жорий йилда ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Шунингдек, 2021 йилда 85 та ташкил этилган IT-мактабларига 10 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди ва замонавий компьютер техникаси ва бошқа мебеллар билан таъминланди. Мазкур 85 та IT-мактабларига 3 150 нафар иқтидорли ёшлар танлов асосида қабул қилинди.

Республика бўйлаб IT-Паркнинг 7 та ҳудудий филиали (Андижон, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Хоразим вилоятлари ва Тошкент шаҳри) ҳамда 2 та вақтинчалик филиаллари (Бухоро ва Навоий вилоятларида), шунингдек, АҚШнинг Делавер штатида IT-парк ваколатхонаси ташкил этилган.

Кенг жамоатчиликни рақамли билимларни ўзлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасидаги янги мутахассисликларни ўзлаштиришга жалб қилиш, айниқса пандемия шароитида ёшларни бўш вақтларидан самара фойдаланиш мақсадида рақамли технологиялар соҳасидаги масофавий таълим – “Бир миллион дастурчилар” лойиҳасида ёшлар иштирокини кенгайтириш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда, хусусан:

– аҳоли ўртасида лойиҳани ёритиш ва рақамли кўникмаларни тарғиб қилиш мақсадида доимий равишда реклама кампанияси амалга оширилмоқда;

– uzbekcoders.uz веб-сайтида 2,5 миллион нафардан ортиқ фойдаланувчилар рўйхатдан ўтган, 1,15 миллион нафардан ортиқ фойдаланувчилар битирувчи сертификатларига эга бўлдилар;

– уларнинг фаолият тури бўйича таҳлил натижаларига кўра, умумтаълим мактаб ўқувчилари жами лойиҳа иштирокчилари орасида 89% (2 239 761 нафар) билан етакчи ҳисобланади. Кейинги ўринларда олий таълим муассасалари талабалари – 5%, ишловчилар – 3% ва бошқалар – 2% ни ташкил этади.

– республиканинг барча умумтаълим мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси бўйича ўқитиш жорий қилинди;

– “Бир миллион дастурчилар” лойиҳасининг ахборот ресурслари “ZiyoNET” тармоғининг ахборот ресурслари ягона реестрига киритилди;

– Рақамли технологиялар ўқув марказларида ушбу лойиҳа доирасида дастурлаш кўникмаларига ўқитиш жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев илгари сурган 5 та муҳим ташаббус доирасида республика бўйича 205 та рақамли технологиялар ўқув марказларида 400 га яқин янги иш ўринлари яратилган бўлиб уларда дастурлаш асослари, компьютер саводхонлиги, робототехника, веб ва мобил иловалар яратиш, ахборот технологиялари соҳасида инновацион тадбиркорлик асослари йўналишлари бўйича 65 минг нафардан ортиқ тингловчилар малакасини оширди.

Жорий йил давомида ҳудудларда ҳокимлар, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларнинг 100 мингдан ортиқ ходимлар ҳамда ёшларнинг рақамли саводхонлиги ва малакаси мунтазам равишда оширилишини белгиланган.

Шунингдек, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган Рақамли технологиялари ўқув марказлари билан ҳамкорликда Ахборот технологиялари йўналишларида ўқиш истагини билдирган ёшлар ижтимоий қатлам доирасида (“Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”) бепул

ўқитилиб келинмоқда. Жумладан: 2022 йил бошидан бугунги кунга қадар “Ёшлар дафтари” 140 нафар, “Темир дафтар” 29 нафар, “Аёллар дафтари” 39 нафар тингловчилар таҳсил олди.

Шу билан бирга, 2022 йил бошидан шу кунга қадар “Дастурлашга бўлган биринчи қадам”, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси, “Киберспорт турнирлари” ҳамда “Ахборот технологиялари билимдони” мавзулари ва Ахборот технологиялари йўналишлари бўйича жами 20 986 та тадбирлар ташкил этилиб, ушбу тадбирларга 527 689 нафар ёшлар жалб этилди.

Хусусан, қуйидаги келтирилган вилоятлар кесимида “Дастурлашга бўлган биринчи қадам”, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси, “Киберспорт турнирлари” ҳамда “Ахборот технологиялари билимдони” мавзулари ва Ахборот технологиялари йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларни таҳлил қиламиз:

Қорақалпоғистон Республикаси

– “Алоқабанк” АТ тамонидан “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини тугатган 47 нафар ёшларга компьютер техникасини ҳарид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратилиб, фоиз тўловлари компенсация қилинди;

– жорий йилнинг 7-9 февраль кунлари Қўнғирот ва Тахтақўпир туманларида киберспорт мусобақа бўлиб ўтди, мусобақада 500 дан ортиқ ёшлар иштирок этиб, ғолибларга қиммат баҳо совғалар берилди;

– 7 февраль санасида Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот технологиялари техникуми очилиш маросими бўлиб ўтди ва унда 150 дан ортиқ ёшлар иштирок этди;

– 8 февралда “mGovAward” мавзусида ёшлар билан онлайн вебинар ташкил қилинди ва унда 150 дан ортиқ ёшлар иштирок этди;

– 13 февралда “Мобил ўйинлар қандай яратилади?” мавзусида маҳорат дарси ташкил қилинди ва унда 100 дан ортиқ ёшлар иштирок этди;

– 23 февраль санасида Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида “BPO school” ташкил қилинди ва унда 20 дан ортиқ ёшлар инглиз тили ва логистика бўйича бепул таълим олиши белгилаб қўйилди;

– 2 мартда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети Нукус филиали қошидаги Инкубация марказида стартап лойиҳалари тасъсисчилари учун Инкубация дастури доирасида “Demo day” тадбири ташкил қилинди, унда 8 нафар стартап лойиҳа эгалари ўз лойиҳаларини намойиш қилишди.

Қашқадарё вилояти

Жорий йилнинг 5-9 февраль кунлари “Karshi IT-TechNOPark”да Олий таълим муассасаларининг ёшлари учун “Стартап лойиҳалари” бўйича семинар-тренинг ташкил этилди. 10 февраль куни “IT-соҳасини аёллар учун ўрганиш қанчалик муҳим” ва “Ахборот ва киберхавфсизлик” мавзуларида вебинарлар ўтказилиб, унда 350 нафарга яқин ёшларимиз қамраб олинди.

15 февраль куни Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиалининг ўқитувчи ва талабалар учун “IT-Park” Қашқадарё филиали мутахассислари томонидан “Karshi IT-TechNOPark”да “Стартап” лойиҳалари бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди. 22 февраль куни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида “IT startup of the year” танловида 25 нафар талабалардан 16 нафари финал босқичида иштирок этиб, “Йилнинг энг яхши стартап лойиҳаси” номинацияси бўйича 3 та инновацион лойиҳалар ғолибларига қимматбаҳо совғалар ва сертификат билан тақдирланди.

1 март куни “Karshi IT-TechNOPark”да 300 нафардан ортиқ ёшлар “MgovAward-roadshow” семинар-тренингида қамраб олинди. 12 март куни Чироқчи тумани рақамли технологиялар ўқув марказида “Киберспорт” мусобақаси (CS GO, DOTA2 ва PES2022) йўналишлари бўйича 100 нафардан ортиқ маҳалла ёшлари жалб қилиниб, ғолибларга қимматбаҳо совға ва сертификатлар топширилди.

28 мартда Касби туманида “Yosh dasturchi marafoni-2022” кўрик-танловига старт берилди, ҳамда танловда 14-30 ёш бўлган 50 нафар ёшлар ўз лойиҳалари билан иштирок этди. Танлов ғолиблари масъул ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди. 30 март куни Шаҳрисабз тумани Қарши давлат университетининг

Педогогика институтида “IT va Yoshlar uchrashuvi” бўлиб ўтди. Учрашув жараёнида “Ёш дастурчи марафони-2022” доирасида ёшларга “Бир миллион дастурчи”, “Hack4region”, “Ideaton”, “mGOV Kashkadarya”, “Perspective it projects”, “Demo day”, “Startup projects of the year” кўрик-танловлар ва дастурий махсулотларни яратиш тўғрисида тушунчалар бериб ўтилди.

Навоий вилоятида 2022 йил I-чорада амалга оширилган ишлар:

3-7 март куни “НДКИ” ва “НДПИ” да Олий таълим муассасаларининг ёшлари учун “Стартап лойиҳалари” бўйича семинар-тренинг ташкил этилди;

23 февраль куни “IT-паркка резидентлик ва уларга яратилаётган имкониятлар” мавзуларида вебинарлар ўтказилиб, унда 100 нафарга яқин ёшларимиз қамраб олинди. 16 февраль куни Навоий IT техникуми ўқитувчи ва талабалари учун “IT-Park” Навоий филиали мутахассислари томонидан “Дастурлаш ҳозирда қанчалик муҳим” ва “Стартап” лойиҳалари бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди;

4 март кунидан бошлаб “Мирзо Улуғбек ворислари” Республика танловининг туман-шаҳар босқичлари ўтказилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 5 та (Навоий шаҳри, Кармана, Навбаҳор, Конимех ва Нурота туманлари) шаҳар-туманларда ўтказилди. 5 та туман-шаҳарлардан жами 100 нафар талабалардан 25 нафари вилоят босқичига йўл олишди. 2 март куни “Ёшлар агентлиги”да 200 нафардан ортиқ ёшлар “MgovAward-roadshow” семинар-тренингиде қамраб олинди;

26 февраль кунидан бошлаб вилоятнинг барча шаҳар-туманларида рақамли технологиялар ўқув марказида “Киберспорт” мусобақаси (ФИФА 2022) йўналиши бўйича 100 нафардан ортиқ маҳалла ёшлари жалб қилиниб, ғолибларга қимматбаҳо совға ва сертификатлар топширилди.

Наманган вилояти

– жорий йилнинг 21 январь санасида “Фрилансерлик фаолияти ва истиболлари, стартапларни шакллантириш талаблари” мавзусида Google компанияси вакиллари Нодир Назаров, Шерали Обидовлар иштирокида вебинар ташкил этилди ва унда 90 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди;

– жорий йилнинг 29 январь санасида “РауМЕ” вакили У.Самигжонов билан ҳамкорликда “Веб дастурлар яратишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар” мавзусида вебинар ташкил қилинди ва унда 60 дан ортиқ ёшлар иштирок этди. 26 февраль санасида “Дизайнерлик ва графика сирлари” мавзусида “Нажот таълим” компанияси вакили Мақсад Олимжонов иштирокида мастер-класс ташкил этилди ва унда 60 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Шунингдек, вилоятда мазкур йўналишларда 3 маротаба “IDEATON”, 1 маротаба “Hackaton”, 18 маротаба стартап лойиҳалар мавзусида вебинар, 2 маротаба “Стартап лойиҳалар” танлови ва “mGovAward” мобил иловалар ишлаб чиқариш танловлари ташкил этилди.

Самарқанд вилояти

Жорий йилнинг 16 мартида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ва “Дастурчилар клуби” МЧЖ томонидан ташкил қилинган Game Jam мусобақаси ташкил этилди. 28 соат давом этган мусобақада жами 31 нафар иштирокчи, 10 та жамоа қатнашишди.

1 март куни Самарқанд вилояти ёшлари учун “mGovAward” танлови тарғиботи ташкил этилиб, жами 300 нафар ёшлар қатнашишди. 2 март куни ТАТУ Самарқанд филиали ўқувчилари учун “IT-Park” Самарқанд филиали мутахассислари томонидан “Дастурлаш ҳозирда қанчалик муҳим” ва “Стартап” лойиҳалари бўйича семинар-тренинг ташкил этилиб, жами 100 нафар ёшлар жалб этилди.

17 март куни “IT-Park” Самарқанд ва Халқаро ипак йўли ва маданий мерос университетида “ITechART” компанияси иштирокида семинар тренинг ташкил этилди унда профессор ўқитувчилар ва 150 дан ортиқ талабалар иштирок этишди. 18 март куни “IT-Park” Самарқанд филиали ва ТАТУ Самарқанд филилида “EPAM Systems” компаниясининг Ўзбекистондаги вакиллари иштирокида семинар тренинг ташкил этилди унда профессор ўқитувчилар ва 150 дан ортиқ талабалар иштирок этишди.

24 март куни Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида “ROBOT SHOU 2022” робототехника кўрик-танлови ташкил этилди. Ушбу кўрик танлоқга 1 700 нафар ёшлар қатнашишди.

26 февраль кунидан бошлаб Вилоятнинг Нуробод тумани Улус МФЙ, Каттакўрғон тумани Мундиён МФЙ, Пайариқ, Булунғур, Пахтачи, Иштихон ва Самарқанд туманларидаги рақамли технологиялар ўқув марказларида “Киберспорт” мусобақаси (Counter-Strike ва FIFA – 2022) йўналиши бўйича 1 500 нафардан ортиқ маҳалла ёшлари жалб қилиниб, ғолибларга қимматбаҳо совға ва сертификатлар топширилди.

Тошкент шаҳри

2022 йил 11 февраль куни, Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда “Тошкент Радиотелеузатиш маркази” ДУК ҳамкорлигида Яшнобод туманидаги Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги 30-сонли “Меҳрибонлик” уйининг 20 нафар тарбияланувчиларини Тошкент телеминорасига саёҳат ташкил этилди.

2022 йил 23 февраль куни Мирзо Улуғбек тумани 121-сонли умумтаълим мактаби “Рақамли технологиялар” ўқув марказида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув семинари ташкил этилди ва 60 дан ортиқ ёшлар ўртасида “Ахборот технологиялари билимдони” бўйича танлов ўтказилди.

2022 йил 4 март куни, Вазирликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда “IT-парк” Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорлигида Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги 21 ва 14-сонли (Тошкент вилояти) Меҳрибонлик уйларида 60 нафар тарбияланувчилари учун “IT-парк” Тошкент шаҳар филиалида семинар ташкил этилди ҳамда “Android ilovalar yaratish” курси учун ойлик ваучерлар тақдим этди.

Шу билан бирга, республиканинг шаҳар ва туманларида ёшларни дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишга қизиқтириш, стартап лойиҳалар экотизимини ривожлантириш йўналишида бар қатор тадбирлар ўтказилди (жумладан “IT va Yoshlar uchrashuvi”, “Ёш дастурчи марафони-2022”, “Hack4region”, “Ideaton”, “mGovAward”, “Perspective it projects”, “Demo day”, “Startup projects of the year”, “Customer development” каби

учрашув, вебинар ва бошқа турдаги танлов ҳамда мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4851-сон Қарори.

1-ШЎЪБА: ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ МАҲАЛЛАБАЙ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ



*Ходжаев Жамшид Бахтиярович
Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари*

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАРИ, УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор – инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли умумий сонининг салкам 60 фоиздан ортиғини 19 миллион кучли, шижоатга эга, ғайрати ичига сиғмаган ёш фуқаролар ташкил этмоқда.

Мамлакат аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур қатлам ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш ва кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартибидаги муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ёшларга оид давлат сиёсатини “маҳаллабай” амалга ошириш орқали ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизими амалиётга жорий этилди. Бу орқали республика бўйича жами 9 349 та маҳаллада Ёшлар етакчиси штат бирлиги жорий этилди. Мазкур тизим орқали ёшлар билан мулоқот қилишнинг янгича янги механизмлари, усул ва воситалари ишлаб чиқилди.

Энг асосий мақсад – “Жамиятда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмайди” тамойили асосида, ёшларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истаклари, уларнинг таклиф ва ташаббуслари устувор аҳамиятга эга бўлиши белгилаб олинди.

Етакчи – бу жамоанинг манфаатларини бирлаштира олган, бошқаларни маълум мақсадга етаклай билган ҳамда бунинг натижасида жамоа ишончига муваффақ бўлган шахс.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши, маҳаллада ёшлар билан ишлаш бўйича аналогий йўқ тизим ҳисобланмоқда. Зеро, доно халқимиз томонидан “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақол бежизга айтилмаган. Айнан маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда ёшлар етакчиси ўзаро ҳамкорлиги натижасида ёшлар тарбияси, таълим олиш сифати ошиб, янги имконият йўллари кенгаяди.

Ҳозирги кунда бу ташаббус барча ёшларни бир маёқ атрофида бирлаштириб, аниқ маслак сари ундайди. Шунинг учун ҳар қандай мушкулот ва таҳдидларни илм, маърифат, мутолаа, шижоат, жисмоний бақувватлик, сабр-бардош билан енгиш мумкин, деган қатъиятнинг ёшларимизнинг онгига сингдиради.

Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида “маҳаллабай” механизм асосида ҳал этилмоқда. Маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга бериладиган 13 та ёрдам турлари белгилаб берилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишининг молиялаштириш манбаси сифатида маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағларни ҳар чоракда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиш белгилаб берилди.

Шу ўринда ёшларнинг жамиятдаги энг фаол қатлам экани, уларнинг ижтимоий сафарбарлиги юксаклиги ҳам Давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаган омиллардан бири бўлмоқда. Ёшлар онгини эгаллаш ҳар доим ҳам долзарб бўлган.

Етакчилар малакасини доимий ошириб бориш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси томонидан махсус услубий қўлланма яратилиб, етакчиларга ҳафталик, ойлик ва чораклик режалар тузиш ўргатилди ҳамда ilm.argos.uz платформаси орқали ўқув-семинарлар йўлга қўйилди.

Етакчилар томонидан биринчи босқичда таълим ва меҳнат билан қамраб олинмаган (уюлмаган) 16-30 ёш оралиғидаги ёшлар хатловдан ўтказилиб, 5 муҳим тоифа (бандлик, таълим, оилавий, ижтимоий ва саломатлик ҳолатлари) асосида “Ёшлар баланси” шакллантирилмоқда.

Бунинг натижасида, маҳаллаларнинг ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш тоифалари (қизил, сариқ, яшил), ёшларнинг ижтимоий ҳолати ва муаммоларини аниқ белгилаш орқали ёшлар етакчилари томонидан маҳалла кўрсаткичини яхшилашга қаратилган алоҳида “маҳаллабай” Ёшлар дастурлари ишлаб чиқилади.

Йил бошидан “Ёшлар дафтари”га 83 минг 446 нафар ёшлар киритилиб, “Ёшлар баланси” яқунлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар дафтарга тўлиқ қамраб олинади.

Бугунга қадар, дафтардаги 2 минг 673 нафар ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, талабаларнинг контракт тўловлари ва муддатли сафарбарлик чақируви резерви бадалини қоплаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиб, субсидия ажратиш орқали меҳнат қуроллари билан таъминлаш учун жамғармалар ҳисобидан қарийб 30 млрд. сўм маблағлар йўналтирилди.

“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган 234 мингта кунлик тадбирлар ўтказилиб, 7,4 млн нафар ёшлар қамраб олинмоқда. Шунингдек, мактабларнинг спорт ва фаоллар залида ҳар куни соат 16:00 дан 23:00 гача тўғарак ва машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилиб, ҳар куни ўртача 300 мингга яқин ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилмоқда.

Бугунги кунга келиб янгича фикрлайдиган, фуқаролик жамиятини қуришда мамлакат равнақига ҳисса қўша оладиган, ўз касбининг сир-асрорларини пухта эгаллаган мутахассис кадрларни етказиб бериш бошқарув тизими олдида турган энг муҳим масалалардан биридир.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, барча масалалар маҳаллада ҳал этилиши вазифа сифатида белгилаб берилган.

Аммо, мазкур ютуқлар билан бир қаторда, ёшлар етакчилари фаолиятида ҳам маълум камчиликлар кўзга ташланмоқда. Биринчи навбатда, мазкур лавозимга танлаб олган ёшларимизда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ёшларга оид давлат сиёсатининг туб мағзини тушина олмасликлари, маҳалладаги ёшлар билан тизимли ишларни ташкил этиш ва ёшлар мурожаатлари билан ишлашда кўзга ташланмоқда. Бу борада, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳалладаги ёшлар етакчилари учун уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш, фаолият соҳаси бўйича ишларни ташкил этиш йўриқномаларини ўзида мужассамлаштирган ўқув-услубий мажмуа ва тарқатма материаллар тайёрланиб, етакчилар эътиборига ҳавола қилинди. Бундан ташқари, Агентлик, ёшлар сиёсатига масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда ёшлар

муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамкорлигида ҳудудлардаги ёшлар етакчилари учун ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, сиёсий, ҳуқуқий ва молиявий билимлари, мурожаатлар билан ишлаш, шунингдек, самарали мулоқот олиб бориш, ётакчилик маҳоратини ривожлантириш, жамоани шакллантириш бўйича қисқа муддатли ўқувларни ташкил этиш режалаштирмоқда.

Айнан мана шунинг учун, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларида намоён бўлади.

Ишончим комилки, бугунги ўтказилаётган “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалага ошириш механизмлари ва нормаларининг имплементациясини янада самарали татбиқ этиш бўйича илгари сурилган янгича қараш ва таклифлар, шунингдек, маҳаллабай ишлаш йўналишидаги тажрибанинг ўрни ёшлар манфаатларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. 2016 йил, 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. 2022 йил 28 февраль, ПФ-60-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.



*Сафаров Мамадамин Абдуғанпарович
Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
раисининг ўринбосари*

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИНГ ОАВДА ЁРИТИЛИШИ ҲОЛАТИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2022 йил 19 январда қабул қилинган ПҚ-92-сонли “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш бўйича йўлга қўйилган янги тизим самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнаб, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш ва юртимизда ёшлар билан ишлашда янгича тизимни янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи мутлақо янги, вертикал тизимни яратиб берди.

Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

Хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш борасидаги ишларга бугунги кунда барча вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг асосий мақсад ҳамда вазифаларига айланди десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, ўз навбатида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳам бевосита бу жараёнлар ичида собитқадамлик билан давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори билан тасдиқланган топшириқлар ижроси юзасидан кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон МТРК томонидан “Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш доирасида амалга оширилган ишлар” бўйича қуйидаги тартибда кенг ёритиш ишлари ташкил этиб борилди.

Аввало, қарор ижроси бўйича вазифаларни тизимли ёритиш мақсадида алоҳида Медиа-режа ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.

Қарор ижроси юзасидан марказий ва ҳудудий телерадио каналлар орқали Ёшлар ишлари агентлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича мутлақо янги форматда, асосан ёш журналистларни жалб қилиб, бир қатор кўрсатув, эшиттиришлар ва рукнларни ташкил этган ҳолда тарғибот ишлар олиб борилди.

Республикамизнинг энг чекка туманлари ва овулларида ўтказилган ёшлар билан боғлиқ турли тадбирлар ҳам ҳудудий ва марказий телерадиоканаллар орқали эфирга узатилиши таъминлаб борилди.

Мавзу бўйича информацион-таҳлилий телерадио дастурлардан “Ахборот 24”, “Янгиликлар 24”, “Факт 24”, “Новости 24”, “Янги давр”,

“Roʻyxat”, “Хабарлар” шунингдек, барча худудий телерадиокомпаниялар теле ва радио дастурларида жойлардан жонли репортажлар, узатиб борилди.

Бундан ташқари, “Махсус репортаж”, “Интервью 24”, “Студия 24”, “Тафсилот”, “Келажакка йўл”, “Жараён”, “Ўзбекистон ёшлари”, “Ёшлар учун имкониятлар-мамлакат ютуғи”, “Биз томонларда...”, “Ёшлар билан”, “Спорт вақти”, “Янги ренессанс ёшлари”, “Маҳаллабай – самарали тизим”, “Маҳаллабай тизими – инсонлар тақдирида”, “Бешинчи фасл”, “Ислохотлар амалда”, “Ёшлар минбари”, “Шижоат фасли”, “Ёшлар вақти”, “Менга сўз беринг”, “Бугуннинг ёшлари”, “Тараққиёт драйверлари”, “Ёшлар студияси тақдим этади”, “Бунёдкор ёшлар”, “Ёшлар келажакимиз”, “Давр – менинг тақдиримда”, “Ташаббускор ёшлар”, “Маҳалламиз ёшлари”, “Давр ва ёшлар”, “Биз танлаган йўл” каби 30 га яқин кўрсатув ва эшиттиришлар орқали эфирга узатилиб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш юзасидан 15 га яқин рукнлар ташкил этилди жумладан:

“Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасидаги чоратадбирлар”;

“Ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда”;

“Маҳалла ёшлари учун ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари”;

“Маҳалла ёшлари спорт билан!” шиори остидаги мусобақалар”;

“Ёшлар ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда”;

“Ёш санъаткорлар иштирокидаги мақом кечаси”;

“Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақаси”;

“Спорт – соғлом ҳаёт гарови”;

“Келажак бизники – марра бизники” фестивали;

“Ёшлар фестивали: Ватанпарварликка чорлов”;

“Беш ташаббус олимпиадаси”;

“Беш ташаббус – маҳаллада” шиори остидаги тадбирлар” рукнлари билан ҳар куни республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилган тадбирлар бевосита жойлардан репортажлар, интервьюлар, видеороликлар, инфографикалар, махсус репортажларда очиб берилди.

Шу ўринда ёшларнинг бўш вақтини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш учун ташкил этилган анжуманлар, фестиваллар, маданий

тадбирлар ёки ҳудудларда ўтказилган “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси” орқали ёшларни иш билан таъминлаш, фойдали хунар ёки касбга ўргатиш борасидаги амалий ишларни тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг Ахборот хизматлари билан ўрнатилган ҳамкорлик доирасида олиб борилган ёритиш ишлари ҳар томонлама фойдали бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Чунки биргина ОАВнинг ташаббуси бу йўналишдаги тадбирларни тўлиқ ёритилишини қамраб олиш жуда мушкул.

Ахборот хизматларининг бу борадаги ҳамкорлиги айтилиб кетса бўлганлиги, мақсад фақат тадбирни ёритишдан иборат бўлиб қолмай, балки йўналишда учраган муаммоларни йўл-йўлакай бартараф этишда зарур тажриба орттирилганлиги ва бундай ҳаётий тажрибалар ҳамини қўл келишидадир.

Ўтган давр мобайнида Компания тизимидаги телерадиоканаллар орқали ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш юзасидан:

– информацион телерадио дастурлар орқали – 750 дан ортиқ репортажлар ва телерадиолавҳалар;

– 85 та – кўрсатувлар;

– 59 та – эшиттиришлар;

– 350 дан ортиқ – видеороликлар эфирга узатилди;

– МТРК тизимида жами – 1 244 марта телерадио маҳсулотлар эфирда намойиш этилди.

Бугунги кунда Компания тизимида телерадиоканаллар орқали белгиланган вазифалар ижроси изчил давом эттирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан

ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-92-сонли Қарори.

4. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.



Бекмурадов Мансур Бобомурадович
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
кафедра мудири, социология фанлари
доктори

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИЖТИМОЙ – МАЪНАВИЙ ЯҚДИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китоби моҳият эътиборига кўра ватанимизда Учинчи ренессанс пойдеворини барпо этиш, халқ манфаатларини ҳимоялаш, тинчлигини асраш, одамларни ижтимоий яқдиллиги, ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларни фаол, билимдон ва янада ҳаракатчан қилиш орқали бой, фаровон ва бахтли миллатга айлантириш мақсадининг ёрқин ифодасидир. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишдек улуғ мақсадларга ҳар бир фуқарони фаоллаштирмасдан ва замонавий билимларга эга бўлмасдан туриб эришиш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам Президентимиз қуйидаги фикрни алоҳида таъкидладилар: “Халқимиз шунини яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.

Президентимизнинг мазкур фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, юксак тараққиётга эришишнинг тўрт муҳим талаби, яъни жамиятимизнинг барча қатламлари вакилларининг улуғ мақсадлар йўлида бирлашиб, жипслашуви, ишни сифатли ва самарали бажаришга бўлган масъулият, замонавий билимлар ва технологияларни пухта ўзлаштириб олиш ҳамда ватан тараққиёти йўлидаги фидойилик тақозо этилади. Эътибор қиладиган бўлсак, Президентимиз юксак тараққиётга эришиш учун моддий имкониятлар, молиявий ресурслар кераклиги, ер ости ва ер усти бойликлари, ташқи сиёсат ёки хавфсизлик заруратидан ҳам кўра кўпроқ инсон салоҳиятини юксалтириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ омилларга урғу бердилар. Бундай ёндошув бежиз эмаслиги Ўзбекистонимизни жадал ривожлантирувчи Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш мобайнида бажарилиши режалаштирилган бунёдкорлик ишларининг барчаси айнан инсон қадрини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантириш, инсонни рози қилишга, унинг учун зарур ҳаёт шароитларни яратишга йўналтирилаётганлиги билан асосланади. Ана шу йўналишда ёшларга жадал юксалиш жараёнларининг асосий субъекти сифатида ёндашилаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ижтимоий-маънавий омил яқдиллик асоси

Янги Ўзбекистонни яратиш йўлида қилинган ишларнинг пировард мақсади миллатимизнинг бугуни ва эртаси кунини обод ва фаровон қилишга масъул бўлган ёшларимизни метиндек мустаҳкам қилиб бирлаштириш, уларни ҳам ижтимоий ҳам маънавий яқдиллигини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз ёшларимизнинг ҳаётга қарашлари ислохотлар натижасида нафақат кундалик маиший, иқтисодий эҳтиёжларини қондиришни ўйловчи талабларни бажаришгина эмас, балки юқори интеллектуал ва ижтимоий эҳтиёжларни ҳам қондиришга қараб ўзгариб бораётганлигига алоҳида тўхталдилар. "Бугун халқимизнинг тафаккури ҳам дунёқараши ҳам талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Халқимиз ҳаммадан зийрак ва улуғдир".

Шу боисдан ҳам Президентимиз иқтисодий янгиланишларни ҳам инвестициядан тортиб завод-фабрикалар қуришгача, ташқи

сиёсатгача бўлган барча янгиликлар ва тараққиёт жараёнларини инсонни такомиллаштириш, яъни ижтимоий ривожланишдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар. "Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-фан, маърифат ва инновация билан эриша оламиз".

Президентимизнинг фикрларига кўра, ёшларимиз учун инновация, маърифат, илм-фандан самарали фойдаланиш, инсон капиталини фаоллаштириш қисқа давр ичида тараққиётга энг тез эришишнинг ягона йўли ва айнан шу йўл рақамли фаолиятга ўтиш ва ишлаш йўли ҳамдир. Рақамлаштириш нафақат ишлаб чиқариш ва саноат соҳаларида, балки, ижтимоий ва маънавий-мафкуравий йўналишдаги ишларда ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ижтимоий-маънавий соҳалардаги ишларнинг самарадорлиги ёшларнинг фаолиятдаги бирдамлиги ва яқдиллигини таъминлашда намоён бўлади. Шу боисдан ҳам Президентимиз ёшлар йўналишида яқин беш ичида амалга оширишимиз зарур бўлган устувор вазифаларимиздан бири сифатида айнан рақамли билимлар ва барча соҳаларда рақамли фаолиятни йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифаларни белгиладилар. Бу ишларни амалга ошириш, кўп қиррали фаолиятларни мувофиқлаштириш, ёшларнинг бошини катта мақсадлар йўлида қовуштира олиш масъулияти эса кўп жиҳатларга кўра лидер ёшларнинг маънавияти ва интегратив хусусиятига боғлиқдир.

Замонавий лидер ёшлар маънавий яқдиллигининг ҳаракатлантирувчи кучи

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган инсон қадрини юксалтириш йўлидаги ислоҳотлар, туб янгиликлар ва ўзгаришлар негизида миллий бирлик ва маънавий яқдилликка эришиш ғояси мужассамдир. Ана шу буюк мақсадларни амалга оширишда ҳар томонлама етук, замонамиз кутаётган лидер ёшлар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Бунинг учун эса фаол ёшлар фаолиятида қуйидаги касбий ва маънавий вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- буюк мақсадларни амалга ошириш йўлида ёшларнинг ижтимоий яқдиллиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлай олиш;
- инсон қадрини оширишда ёшларнинг маънавий бирлигини кучайтириш;
- ҳар бир ишни тизимли, рақамли билимлар ва илм-фан асосида ташкил қила олувчи;
- ўз касби, халқи, ватани ва Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегиясида белгиланган вазифалар ижросига юксак масъулият билан ёндаша олувчи, садоқатли, фидойи ва ватанпарвар бўлиши;
- ҳар бир ишни бошқа соҳалар билан уйғунлаштирган ҳолда, яъни кластерлаштириш негизида бажара олиши;
- ҳар бир ишни чуқур ўйлаб, танқидий таҳлил қилувчи, стратегик фикр юритувчи, бошқарув фаолиятини инновацион ғоялар асосида уюштира олиши;
- халқ билан мулоқот қилиш маданиятини ўзида шакллантирганлиги, ёшларни яхшилик ва яратувчанликка йўналтира олиш салоҳиятига эгаллиги, одамларни рози қилиш эпламасини пухта ўзлаштирганлиги;
- ёшлар турмушини жўшқин, фаровон қилиш орқали халқ ва давлатни бой қилиш мақсадини ўзининг ҳаётий маслағига айлантирган бўлиши;
- фаолиятни яхшилаш жараёнларини, энг аввало, ўзидан бошлай олиши, ўзи намуна бўлиши, ўзига берилган топшириқлар ҳамда масъулиятидаги фаолиятни ижобий ўзгартириш ва такомиллаштиришга ҳамisha интилиши;
- доимий равишда ўқиш, ўрганиш билан шуғулланиши ҳамда билганини бошқаларга ўргатиб, маърифат улашувчилик хусусиятига эга бўлиши;
- раҳбарлик фаолиятида давлат ва жамият мақсадларига одамларни ишонтира олиши ҳамда уларни инонтириб, ҳар бирини мустақил ҳаётга йўналтира олиш салоҳиятига эга бўлиши;
- ватан озодлиги ва миллий мустақиллик йўлига фидойи бўлиши, ватанпарварликни ўзининг бош қадрияти ва ҳаётий эҳтиёжига айлантирган бўлиши;

– ўзбек тили, ватан тарихи, халқ миллий маънавий меросини қадрлаши, асраши ва уни доимий тарғиб этиши;

– ривожланган давлатлар қаторидан жой олишдек буюк мақсадни амалга оширишда ўзининг ҳиссасини қўшишга интилиши ва бошқаларни ҳам шу мақсад атрофида бирлаштира олиши;

– одамларни бунёдкорлик, яратувчанлик ҳаракатига йўналтира олиши, уларнинг инновацион ғоялари ва ташаббусларини фаол қўллаш ва рағбатлантириш орқали халқ руҳини юксалтира олиши салоҳиятига эга бўлиши;

– фаол ижтимоий сиёсат олиб бора олиши ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана олиши.

Шу боисдан ҳам Президентимиз айтганларидек, “Биз бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”.

Ижтимоий ривожланиш деганда янги ижтимоий муносабатлар, ўзгарган қадриятлар ва янги талаблар ҳамда мейёрларни ўзида ифода этувчи жамиятнинг мазмунан ўзгариши тушунилади. Ижтимоий ривожланиш тушунчаси реал тараққиёт жараёни сифатида ўз мазмунида уч хусусият, яъни орқага қайтмас ҳаракат, мақсад сари йўналганлик ва янги қонуниятларга таяниш тенденцияларини намоён этади.

Якдилликка эришишнинг ҳуқуқий асоси

Ватанимизда амалга оширилган Ҳаракатлар Стратегияси ҳамда Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 100 мақсадини рўёбга чиқариш асосидаги ислохотлар моҳият эътиборига кўра, мамлакат ривожини инсон салоҳиятини юксалтириш негизида амалга оширишни назарда тутди. Шу боисдан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “ инсон ўзгарса жамият ўзгаради, жамият ўзгарганда давлат ҳам ўзгаради”, деган методологик концепцияни алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмасдир. Ижтимоий ривожланиш жароёнларини янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2019 йилда уч муҳим ҳужжати, яъни “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатлар мамлакатимизда инсонни маънавий, иқтисодий ва сиёсий юксалтириш орқали уни ижтимоийлашув имкониятларини янада кенгайтиришнинг ҳуқуқий асослари вазифасини бажаради. Президентимиз аҳолининг жадал юксалаётган инеллектуал салоҳиятини ҳам ҳисобга олиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Зеро, инсонни ўзгартириш борасида дунёдаги амалиёт унга киритилаётган инвестиция самарадорлигига боғлиқдир. Агар дунёда инсоннинг 3 ёшидан 22 ёшигача бўлган даврида унга киритилган инвестиция 19-22 марта фойда келтирса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 4 марта фойда бериши кузатилмоқда. Президентимиз илк дафъа ижтимоий тадбиркорлик атамасини тилга олдилар. Бу ибора ҳақли равишда янги давримизнинг энг халқчил сўзларига айланиб бормоқда. Президентимиз ана шу янги йўналишларни ўз ҳуқуқий асосига эга қилдириш орқали инсонни фаоллаштиришга, унга ўз салоҳиятини ишга солиб, давлат ва хусусий шерикчилик асосида жадал фаровонлашишга эришиш концепциясини илгари сурдилар ва Вазирлар маҳкамасига икки ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини юкладилар. Шунингдек, қисқа муддат ичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқишнинг устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаш юклатилди.

5 муҳим ташаббус ижтимоий фаоллашув кластери

Мамлакатимизда кластер асосида ривожланиш кўлами тез суръатларда кенгайиб бормоқда. Кластер тизими дастлаб саноат ва қишлоқ хўжалигида бошланиб, эндиликда барча соҳаларга ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда. 2019 йилда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётимизга жорий этилган 5 муҳим ташаббус моҳият эътиборига кўра, ёшларни фаол ижтимоийлаштириш ва уларнинг

иқтидорини рўёбга чиқариш бўйича дунёда аналоги бўлмаган ижтимоий кластердир.

Ижтимоий соҳани, демакки инсонни ривожлантиришга қаратилган мазкур кластер қишлоқ хўжалиги ёки саноат соҳасидаги кластерларга хос бўлган барча хусусиятлар, яъни бирор бир маҳсулотни бошидан охиригача ишлаш, етиштириш, йиғиб-олиш, бузилишдан асраш, қайта ишлаш, янги сифат шаклига келтириш, шу маҳсулотнинг барқарор ички ва ташқи бозорини таркиб топтириш, яратилган маҳсулот имиджи ва брендини яратиш жиҳатлари айнан мос келади.

Ижтимоий кластернинг хом ашёси, иш жараёни ва етиштирадиган маҳсулоти – инсон ҳисобланади. 5 муҳим ташаббус кластер қонуниятлари асосида инсонни ҳаётга сифатли, бозорбоп ва рақобатбардош қилиб тайёрлашни назарда тутлади. Таълим ва тарбия негизида кластерлашнинг дастлабки бўғини сифатида ёшлар танланганлиги ҳам бежиз эмасдир. Ҳолбуки 5 муҳим ташаббусни нафақат 30 ёшгача бўлган ёшлар, балки ўрта ва кекса авлод ҳаётига ҳам аҳолининг барча ёш, касб, жинслар кесимидаги бўғинларига ҳам жорий этилиши шубҳасиз катта самаралар беради. Бу жараён ҳозирги кунда таркибий ўзгаришлар негизидаги ислохотларда намоён бўлмоқда.

Ҳозир амалда бўлган ёшлар ҳаётида кенг синовдан ўтаётган ижтимоий кластерлар йигит-қизларни чуқур билимлар соҳиби, касб-ҳунарлар устаси, мустаҳкам саломатликка эга бўлган, муайян спорт тури билан доимий шуғулланувчи, замонавий ахборот технологияларни ўзлаштирган, хорижий тилларни пухта билган инсонлар қилиб етиштирмоқда.

5 муҳим ташаббуснинг кластер тарзида жорий бўлиши инсон омилини бугунги кун талаблари даражасида фаоллаштириш ва ёшлар томонидан ўзлаштирилаётган билимлар ҳамда касб-ҳунарлар сифатининг юқори даражасида эмаслиги ҳолатини бартараф этиш борасида самарали иш олиб бориш имкониятини ҳам юзага келтиради.

Ҳалоллик вакцинаси – миллий яқдиллик кафолати

Ҳалоллик ўз маъносига кўра тўғрилиқ, адолат, софдиллик, самимийлик, иймон сўзлари билан уйғундир. Тўғрилиқ, ҳалолликни

сингдириш инсоният тарихида энг қийин ишлардан бўлган. Мусо алайҳиссалом ўз қавмини Мисрдан олиб чиққач, уларни рост сўзлаш, тўғри яшаш, ҳалол бўлишга ўргатиш ва одамларни асрлар мобайнида қул бўлиб, мутелик маслагига ўрганиб қолганлик ҳолатидан халос этиш учун 40 йил мобайнида Синай ярим ороли саҳроларида муқим яшашга йўл бермасдан кўчманчи ҳолида олиб юрганлар (Муҳаммад Сиддиқ Руштий “Авлиёлар султони туронлик валийлар” Т. Камалак, 1995, 127-бет).

Амир Темур ҳазратлари ҳам ҳалоллик, ростликни ички ва ташқи сиёсатни юргизишда, оила тарбиясида, дину-диёнатга риоя этишда бош қадрият деб билганлар. У кишининг узукларида битилган “Рости русти” деган ёзув ҳам “Куч тўғрилиқдадир” деган маъно ифода этган.

Адолат сўзи ҳам луғавий илдизига кўра “ҳалол, тўғри, рост, ҳаққоний” маъноларини ифода этиб, дунёдаги барча катта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришлар айнан адолат, ҳалолликни ўрнатишга даъватдан бошланган. Ҳалоллик ва адолатнинг рўёбга чиқиши ҳукмдорнинг иродаси билан бирга жамият ҳамда шахсларнинг маънавиятига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, тўғрилиқни ҳаётнинг бош тамойили деб билган бошқарув тизимларида юксалиш ва қонун устуворлиги барқарор ўрнатилган. Хусусан, уч минг йиллик тарихимизга олтин ҳарфлар билан битилгучи Тўмарис, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳукумронлигидаги давлатларда илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, бунёдкорлик ривожига айнан ҳалоллик ва адолат омиллари кенг йўл очган.

Зеро, ростлик, тўғрилиқ - ҳар бир ишда мантиқли ёндаша олиш, ҳақиқатни ўз фаолиятининг асосий кўрсаткичи ва мезони деб билиш, ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўтиш (Ш. Мирзиёев) механизмни ифода этади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз фазилатларидаги ҳалоллик, тўғрилиқ ҳақида сўзлаб шундай деганлар: “Мен рост гапни яхши кўраман” (Расуллоҳ алайҳиссалом сийратлари Нурул яқин. Т. Ғ.Ғулом номидаги матбаа нашриёт уйи, 2017 йил 261-бет)

“Президентимиз Янги Ўзбекистон фуқаролари маънавиятида ҳалоллик, тўғрилиқ тамойили ҳаётимизнинг бош қадриятига айланиши, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий иллатларга, хусусан коррупцияга қарши курашда бу қудратли омилга таяниш учун жамоатчилик родини ошириш, керак бўлса уларни тўғрилиқ, ҳалолликка барча воситалар ва ҳатто тиббий йўл билан бўлса ҳам ўргатиш масаласига алоҳида тўхталдилар. Жамиятда ҳалоллик, ростлик, тўғрилиқ фазилатига эга бўлишга интилиш ялпи ижтимоий ҳаракатга айланиши ижтимоий заруратдир. “Коррупцияга қарши курашишда, - деб таъкиладилар Президентимиз, - аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцина”си билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”.

Дарҳақиқат, жонажон Ўзбекистонимизда ҳозирги пайтда олиб борилаётган кенг кўламлардаги ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ҳалоллик, ростлик, тўғрилиқ билан ёндашиш орқали юзага келаётганлигини барчамиз теран англамоғимиз лозим.

Ҳалоллик ҳар соҳада ўзига хос намоён бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимида икки йўналишда, яъни биринчидан, қонун чизиғидан чиқмасликда ва инсон тақдири бўйича қарор қабул қилишда Президентимиз айтганларидек, айбдорнинг ўрнига ўзини қўйиб иш тутишда, ўқитувчи тимсолида эса талаба ва ўқувчига реал билим ва тарбия беришда, давлат хизматчиси ҳалоллиги халққа хизмат қилиб, рози қилиш, давлат ва жамият манфаатни бош қадрият деб билишда, тиббиёт ходимидаги ҳалоллик беморга таъмагирлик билан қарамасликда, уни даволашни касб ва виждон амри деб билишда, ота-она ҳалоллиги эса фарзандни мустақил ҳаёт кечиришга тайёр, тўғрисўз, виждонли, чуқур масъулиятли инсон ва муайян касб-ҳунар соҳиби қилиб шакллантиришда ўзи намуна бўлишида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ва маънавий яқдилликка эришиш ва унинг пировардида инсон қадрини юксалтириш ва ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишнинг

ҳаракатлантирувчи кучи бўлишга қодир қуйидаги ахлоқий-руҳий фазилатлар ҳамда интеллектуал асослар мавжуддир:

1. Ёшларимизнинг меҳнатсеварлиги, турмуш фаровонлигининг узлуксиз яхшиланаётгани, ёш авлоддаги шукроналик ҳамда умрдан розиликнинг миллий тараққиётимизнинг маънавий асосига айланаётганлиги;

2. Бугунги ёшларимиз юқори интеллектуал-маънавий салоҳиятга эгали, инсон капиталини ривожлантириш бўйича дунё эътирофига сазовор натижаларга эришилаётганлиги;

5. Янги Ўзбекистон ёшларининг бағрикенг миллий менталитетга эгалиги, фаолиятда намуна, ибрат бўлиш туйғусининг кучлилиги, яхши ишларда етакчи бўлиш фазилати ва иймон-эътиқоди мустаҳкамлиги, ҳамкорлик ва дўстликка садоқати, эртанги кунга бўлган ишончининг кучлилиги;

6. Ёшларимиз ўзларини буюк аجدодларимиз илмий даҳоси, илмий ҳамда маънавий жасоратининг ҳақли вориси сифатида намоён этишга интилаётганлиги, дунё интеллектуал-маърифий майдонида юксак иқтидор эгаси, барчага мақбул бўладиган оқилона ечимлар тавсия эта олувчи, узоқни кўзлаб иш тутувчи, юксак маънавиятли миллат ёшлари сифатида намоён этаётганлиги;

7. Мамлакатимизда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ёшларимиз тўла қўллаб қувватлаётганлиги, ёшларнинг бу жараёнларнинг пассив кузатувчиси эмас, балки фаол ва онгли иштирокчисига айланиб бораётганлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.

3. Муҳаммад Сиддиқ Руштий “Авлиёлар султони туронлик валийлар” Т. Камалак, 1995. – 127 б.

4. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси (Сўз боши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Бўрибой Аҳмедовники). Ўзбек, француз, инглиз тилларда. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 344 б.

5. Расуллоҳ алайҳисалом сийратлари Нурул яқин. Т. Ғ. Ғулом номидаги матбаа нашриёт уйи, 2017. – 261 б.



Муқимжон Қирғизбоев

*Журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети профессори, сиёсий фанлар
доктори*

МАҲАЛЛАДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – ДАВЛАТ ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Ҳозирги даврга келиб ер юзида пайдо бўлган ёшлар муаммоларини бартараф этиш энг долзарб умумсайёравий вазифалар сирасига кўтарилди. Ҳозир жаҳонда 15 дан 24 ёшгача бўлган ёш инсонлар жаҳон аҳолисининг 16 фоизини ташкил этиб, 1,2 млрд. дан ошиб кетди. Шунинг учун ҳам сўнгги ўн йилликларда БМТнинг бу соҳадаги фаолияти анча кучайди.

XXI аср бошларига келиб ёшлар ўзлари учун адолатли, тенг ҳуқуқлиликка асосланган имкониятлар яратилиш талабларини илгари сурадиган йирик ижтимоий қатламга айланди. Кўпинча ёшлар таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва гендер тенглиги соҳаларида ўткир муаммоларга дуч келмоқда. Шу билан бир вақтда, ёшлар яхши билим ва ривожланиш имкониятларига эга бўлсалар, жамият ва давлатни ривожланишида муҳим рол ўйнашлари мумкин эканлиги ҳам ойдинлашди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши 2015 йилда бир овоздан 2250-резолюциясини қабул қилиб, унда барча давлатларнинг ёшларини

зўравонликка барҳам бериш ва жаҳонда тинчликни ўрнатишда иштирок этишга имконият яратадиган механизмларни яратиш масаласини ҳал этишга чақирди. Бу резолюция ёшларни халқаро барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнашига оид муҳим жиҳатларига эътибор қаратиб, ёшларни тинчликни мустаҳкамлаш ва экстремизмга қарши туришга оид глобал хатти-ҳаракатларда муҳим шерикчилик қилишини эътироф этди. Кейинроқ, 2018 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2419-резолюциясида ёшларни тинчликка оид келишувлар ва музокараларда иштирокларини ошириш йўлларини кўриб чиқиш масаласи илгари сурилди [1].

2017 йилдан бошлаб БМТ фаолиятида Ўзбекистон тарихида илк бор халқаро муносабатлар субъекти сифатида фаоллашди. Мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашида долзарб халқаро муносабатлар, жумладан ёшлар муаммолари билан бир неча маротаба янги ташаббуслар билан чиқди. Юртбошимиз 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳонда терроризм таҳдидлари кучайиб бораётгани, уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганини қайд этиб, уларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганлиги, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этаётганлигини очиб берди.

Шу билан бирга, мазкур сессияда Президент Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқиб, бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат эканлигини эълон қилди. Кейинчалик, Бош Ассамблея барча аъзолари томонидан маъқулланган мазкур резолюция бағрикенглик, ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя

қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишдан иборат эканлиги халқаро майдонда ўз исботини топди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини замонавий, халқаро тамойиллар, миллий манфаатлар ва ривожланган давлатларга хос тарзда ишлаб чиқишнинг дастлабки давридаёқ Президент Шавкат Мирзиёевнинг бир вақтнинг ўзида БМТ фаолияти доирасида дунё ёшларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни ривожланиши учун имкониятлар яратиш, ёшлар онгини бағрикенглик руҳида шакллантиришга оид инсон қадриятларини ёйиш ташаббусларини илгари сурди, уларнинг барчасини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишига эришди [2].

Худди шу даврда – 2017 йилдан бошлаб Президент ташаббуси ва бошчилигида Ўзбекистонда ҳақиқий, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳи билан суғорилган, ривожланган мамлакатларга хос бўлган ёшлар сиёсатини шакллантиришга киришилди. Дастлаб 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Унда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, бу давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар белгиланди: очиқлик ва шаффофлик; ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши; ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги; ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги [3].

Бу даврга келиб ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, улар бандлиги муаммоларини ҳал этиш, уларга замонавий таълим ва имкониятлар яратишга оид қатор ҳуқуқий асослар, концептуал ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман олганда, Ўзбекистон давлатининг ёшларга оид сиёсатининг ҳуқуқий асослари қуйидаги меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топди: “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори; 2021 йил 18 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси”.

Ва ниҳоят, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг 70-мақсади махсус равишда Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш соҳасидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб берди. Унда асосан қуйидаги истиқболдаги туб ўзгаришлар белгилаб берилди: ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, улар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш; ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш; ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш; ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш; ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар

учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш; ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш [4].

Кўриниб турибдики, бу мақсадлар қисқа давр ичида нафақат Янги Ўзбекистон учун муносиб бўлган, балки уни пойдеворини яратишда фаол иштирок этадиган, замонавий таълим ва технологияларни ўзлаштирган эркин-эмин, мустақил фикрлашга қобил бўлган, ижтимоий ҳимояланган ёшлар ижтимоий қатламини шакллантириш, уларни фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари иштирокчилари сифатида ўзларини намоён қила олишга қобил бўлган жиҳатларини ривожлантириш эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилган “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонини амалга ошириш асносида мамлакатда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олиши учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг янги тартиботи шакллантирилди. Мазкур фармонни амалга ошириш натижасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган, ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимояланмаган, иш билан банд бўлмаган ёшларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизими шакллана бошлади. Унда тадбиркорлик ёки хусусий хўжалик ишлари билан шуғулланиш истагини билдирган ҳар қандай ёшга банклардан кредитлар олиш, уларнинг фоизлари ва тўланадиган солиқларини камайтириш имтиёзларини бериш, олий таълим муассалари талабаларини ётоқхоналарини қуриш ва уларни ижарада яшаши учун давлат томонидан йирик миқдорда маблағлар ажратиш белгиланди. Шу билан бирга, деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан патронажга олиш тизими жорий қилиниши белгиланди [5].

2022 йилни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ёшлар сиёсатини ҳаётда амалга оширишнинг янги босқичи бошланди. Энди давлатнинг эътибори аҳолининг асосий қисми яшайдиган маҳаллаларни ижтимоий жиҳатдан ривожантиришга қаратилди. Албатта, бунинг миллийлик ва тарихийликка мансублик жиҳатлари мавжуд эди.

Шунинг учун ҳам 2022 йилни номлашда Ватанимиз тарихини қадимги даврларидан бошлаб ўзини ўзи бошқаришнинг маҳалла институти яшаб келаётганлиги, унда яшаётган аҳолининг ўзига хос миллий ва маҳаллий қадриятларини шаклланганлиги, маҳаллани ёшлар тарбияси ва ижтимоий ҳимоясида асосий ўрин тутганлиги эътиборга олинди. Шунингдек, ёшлар асосан маҳаллаларда истиқомат қилади, вояга етади, уларнинг хулқи шу жойда шаклланади. Дарҳақиқат, Давлат раҳбари ўтган беш йил ичида маҳаллаларни фуқаролик жамияти институти ва давлат бошқарувининг асосий объекти сифатидаги муҳим ўрнини ҳисобга олиб, уларни жадаллик билан ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқда.

Етакчи ёшларга тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилиш функциясини бажариш ҳуқуқини берилиши уни маҳаллада ҳақиқий ёшлар етакчиси бўлишига кенг имкониятлар яратади. Етакчи лавозимига номзодларни ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган, ёшларни эргаштира оладиган, ўз шахсий фазилатлари билан намуна бўлган, ўз юртига фидойи, садоқатли ва ватанпарварлик каби фазилатларга эга бўлиши уни маҳалладаги иш самарасини оширади.

Юртимизда ёшлар сиёсатини амалга ошириш жараёнини бошқа давлатлар билан муқояса қилиб кўрайлик. АҚШда ёшлар сиёсатини олиб бориш асосан таълимга оид давлат идоралари вазибалари сирасига киради. Ёшларни тарбиялашнинг асосий қуроли – бу уларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш (Youth Service) ва ёшларга намунали тажрибалар воситасида фаол равишда таълим бериш (Service Learning)

ҳисобланади. Таълимни ривожлантириш ва ёшларни ижтимоий ишларга жалб этиш стратегиясини ривожлантириш алоҳида олинган штатлар даражасида шакллантирилади (АҚШ федерациядан иборат бўлганлиги учун штатлар муайян марказий давлат ваколатлари билан таъминланган). Лекин, АҚШда давлат томонидан ёшларнинг ўзини ўзи бошқаришни мувофиқлаштириш асосан таълим тизими доирасида амалга оширилади.

Шунингдек, АҚШда ёшлар сиёсатини амалга оширишда яна бир йўналиш – тижорат сектори ва хусусий хайрия ташкилотлари лойиҳаларида иштирок этиш механизмлари ишлаб чиқилган. АҚШда ёшлар сиёсати концепциясига биноан давлатнинг ижтимоий ёрдами асосан ижтимоий ҳимоя, ҳимояга муҳтож ёшларга қаратилади. Лекин, маҳаллий ҳокимият органлари ёшларни дам олиш, таълим, санъат, маданият соҳаларидан яхши баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилади. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият спорт клублари, соғломлаштириш марказлари, мактаблар, коллежлар, санъат галереялари, музейлар, концерт заллари, кутубхоналар хизматларини сифатли бўлишини таъминлашга муҳим аҳамият беради.

Албатта, бошқа ғарб мамлакатларида ҳам давлатнинг ёшларга оид сиёсатининг шакллари турлича бўлсада, уларнинг объектлари деярли бир-бирига ўхшаб кетади. Лекин, ғарб мамлакатларида аҳолининг ўсиш суръатлари паст бўлганлиги учун ҳам ёшлар сиёсатини амалга оширишда унчалик ижтимоий қийинчиликлар сезилмайди.

Ўтган 30 йил ичида аҳолининг ўсиш суръатлари АҚШда 30, Финляндияда 11,4, Германиядада 5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 62 фоизни ташкил этади. Кўриниб турибдики, бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқланишлар нисбати жуда ҳам юқори эканлиги ёшлар сиёсатини амалга ошириш ресурсларини шакллантиришдаги фарқланишларга таъсир этиши табиий бир ҳолдир [6].

Шунингдек, БМТда кўпинча ёшлар тушунчасига 15-24 ёшдагиларни киритишини эътиборга олиб ғарб мамлакатларида бу ёшдагилар мамлакат аҳолисини қанча қисмини ташкил этишига оид маълумотларга назар солсак, у ҳолда қуйидаги манзара пайдо бўлади:

бу кўрсаткич Европа Иттифоқида – 10,39, Финляндияда – 10,95, Германияда – 9,81, Россияда – 9,54, АҚШда (бу қатламни кўпайишига миграциявий жараёнлар сабаб бўлганлиги кўрсатилмоқда) – 12,91, Ўзбекистонда эса 16,63 фоизни ташкил этади [7].

Далиллардан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январда қабул қилган “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан бир томондан, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишда ривожланган мамлакатлар даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиз аҳолисининг болалар ва 30 ёшгача бўлган қатламининг ҳиссаси 54 фоизни ташкил этишига қарамасдан ёшлар қатламини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб қувватлаш учун катта маблағ ажратилмоқда [8].

Биргина ўтган йилнинг етти ойи ичида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари” асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш учун 300 млрд. сўм маблағ йўналтирилди, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 трл. сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилди. Ўтган уч йил мобайнида мамлакат бўйича 5 минг 100 тадан ортиқ намунали ёш оилага арзон уй-жойлар қурилиб, қарийб 200 млрд. сўм миқдорида бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди.

Кўришиб турибдики, мамлакатимиз шиддат билан ривожланиш сари интилмоқда. Ўтган беш йил ичида биз нафақат улуғ ниятлар ва мақсадларни бир нуқтага мужассамлаштирдик, балки уларнинг самарасини ҳаётимиздаги ўзгаришлар, янги Ўзбекистон пойдеворини яратишга доир янги қиёфаларда кўрмоқдамиз. Шу давр ичида давлат томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни фозил жамиятга муносиб тарзда яшашларига имкониятлар яратиш давлатимизнинг ёшлар сиёсатини мазмун-моҳиятига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Молодежь. Глобальные вопросы повестки дня//<https://www.un.org/ru/global-issues/youth>.

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи// <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни. 2016 й. 14 сентябрь// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022й., 03/22/747/0064-сон).

4. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси//<https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 2021 йил 20 апрель // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 06/21/6208/0357-сон; 06.05.2021 й., 06/21/6221/0428-сон).

6. Население Земли//<https://countrymeters.info/ru/World>.

7. Возрастная структура населения стран мира// https://www.yestravel.ru/world/people/age_structure/.

8. Как будут решаться проблемы молодежи в Узбекистане. 25.01.2021.// <https://uz.sputniknews.ru/20210125/Kak-budut-reshatsya-problemy-molodezhi-v-Uzbekistane-15858930.html>.



*Холмахматов Азимшер Хазраткулович
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Бошқарма бошлиғи*

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли Қарори билан маҳаллаларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда ёшлар сиёсатининг вертикал тизимини йўлга қўйишда мутлақо янгича ёндашув вужудга келди. Жумладан, ёшлар масалаларига оид сиёсат давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги фаолиятида алоҳида аҳамият касб этди. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг бугунги ва эртанги тараққиёти ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан ва маънан етуклигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли умумий сони 35 млндан ошиқ бўлса, шундан, 60 фоизга яқин қисмини 18,5 млн. кучли, шижоатга эга, ғайрати ичига сиғмаган ёш фуқаролар ташкил этади. Айнан мана шунинг учун, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларида намоён бўлади. Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётини мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда таълим, спорт каби бир қатор соҳаларда ёшларнинг ўз имкониятларини намойиш этиши учун босқичма-босқич, тизимли равишда шароитлар яратиб берилмоқда.

Ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши жаҳонда кечаётган глобаллашув, интеграциялашув, ахборотлашув ва универсаллашув жараёнларининг жадаллашуви, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муносабатлар динамикасига узвий боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Мазкур ўзгаришлар умуминсоний манфаатларни таъминлашнинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш асосида миллий манфаатларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш ҳамда бу жараённи янги босқичга олиб чиқишни долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўймоқда. Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли Қарорида ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топган [1; 70]. Жумладан, мазкур ҳужжат билан Маҳаллада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш учун Ёшлар етакчиларига қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

биринчидан, “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

иккинчидан, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

тўртинчидан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

бешинчидан, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Шунингдек, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллаларда ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга қаратилган дастурлар тасдиқланиб, дастурларда ҳар бир ёш билан манзилли ишлаш ва уларнинг муаммолари бартараф этишга қаратилган тизим асосида ижрога йўналтирилган.

Шу билан биргаликда, Президентимизнинг 96-сонли Қарорлари [2; 70]. билан Ёшлар етакчилари томонидан “Заковат” интеллектуал ўйинини оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу тизим асосида бугунги кунга қадар 10 130 та умумтаълим мактаблари, 26 та Президент таълим муассасалари, 715 та профессионал таълим ва академик лицейлар ҳамда 159 та олий таълим муассасаларида “Заковат” клублари координаторлари ва тўғараклари фаолияти йўлга қўйилди.

Интеллектуал ўйинларда ғолиб бўлган ўқувчи-ёшлар ва талабалар учун “Заковат” стипендиясини бериш йўлга қўйилди.

Шунингдек, ҳудудларда “Заковат” мусобақаларида ғолиб бўлган ёшлар учун “Интеллектуал мактаб” мавсумий оромгоҳлари ташкил этиш белгиланди.

Жумладан, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги маҳаллаларда ўтказилган турнирларда ғолиб бўлган 250 нафар ёшлар учун Бўстонлик

туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да бир ҳафта давомида тренинглари ташкил этилди.

Шунингдек, ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалалари бўйича илғор халқаро тажрибалар асосида барча ҳудудларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди.

Бу масканларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилмоқда, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилмоқда, “стартап” лойиҳаларга ёрдам кўрсатилди. Асосий эътибор, 2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, босқичма босқич амалга оширишга қаратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар халқаро миқёсда мухтарам Президентимиз томонидан муҳокама қилинмоқда.

Жумладан, юртбошимизнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция қабул қилиш зарурлиги борасида билдирган ташаббуси, давлатларнинг

ёшларнинг тақдири ва келажаги борасида масъулиятни ўз зиммаларига олиш борасидаги ўзига хос чақириқ бўлди.

Айни даврда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда БМТ минбарида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қаршиланди. Ўзбекистон раҳбари бунга асос қилиб, бугун дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб кетгани, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омиллар сифатида асослаб берди.

Шу маънода, Жорий йилнинг 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеянинг етмиш бешинчи сессияси ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур сессияси коронавирус пандемияси туфайли тарихда биринчи марта бутунлай янги форматда –онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтди.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу сессияси шаклан ва мазмунан аввалги сессиялардан фарқ қиладиган бир қатор хусусиятларга эга.

Жумладан, муҳтарам Президентимиз томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида билдирилган: “Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақираман”, - дея билдирган таклифини мамлакатимиз ёшларининг эртанги кунга ишончини янада оширди десак муболаға бўлмайди [3; 1].

Ваҳоланки, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикамизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари юртимиздада ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни замон

талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилаётганлиги ёшларга давлат даражасида тегишли шарт-шароит яратилаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунга қадар ёшларга оид 50 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинганлиги фикримизнинг яна бир далилидир.

Умуман олганда юртбошимиз ёшлар тарбияси бутун миллат олдидаги улкан масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлаб: “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас” [5; 2].

Бу борада Президентимиз ёшлар дунёқарашини шакиллантиришда мафкура масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зотан, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафкуралар, ҳуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши кўникмаларни шакиллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан топа олмаса, бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излай бошлайди” [5; 3], - дея таъкидлайди. Бу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар, ёшларимиз ҳаётининг барча жабҳаларини, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳатлар униб-ўсиб келаётган ёшларга давлатимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик намунаси дир. Ўз навбатида давлатимиз раҳбарияти томонидан яратиб берилаётган имкониятлар эса, эртанги кунимизни ўз қўлларимиз билан қурамыз деган мустақил фикрга эга бўлган баркамол ёшларни шакллантиришга туртки бўлмоқда. Албатта, эртанги кунимиз, порлоқ келажакимиз ана шундай ёшлар қўлида.

Зеро, ёшлар таълим-тарбиясига тикилган сармоя келажакка тикилган сармоядир. Янги давлатни барпо қилиш осон бўлмагани сингари, унинг порлоқ келажagini шакиллантириш ҳам енгил бўлмайди. Бунинг учун куч, ғайрат, шижоатимизни аямаган ҳолда илм ва маърифатли ёшларни тарбиялашимиз керак.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, бугун Янги Ўзбекистон ёшлари билим заковатлари, интилишлари, меҳнат шижоатлари билан бутун дунёни ҳайратга сола бошладилар. Бунинг замирида давлатимиз раҳнамолигида ёшларга оила, таълим муассасалари, маҳалла ва кенг жамоатчилик томонидан бериладиган таълим-тарбия ётади. “Нимани эксанг шуни ўрасан” дейди доно халқимиз. Шундай экан бугунги кунда ёшларимизга яратилаётган имкониятлар, эртанги кунимиз порлоқ келажаги учун қўйилаётган тамал тошидир. Ёшлар тарбиясига эътибор, ўзимизнинг келажагимизга бўлган эътибор эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз ва бу йўлда барчамиз бирдай ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 20 январдаги ПҚ-96-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5834314>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 30 июнь 2020 йил. ПФ-6017 сонли. <https://lex.uz/docs/4880189>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ 75 ассамблеясидаги нутқи. – Халқ сўзи, 2020 йил, 24 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”га қарори. <https://lex.uz/docs/4880129>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи 2017 йил 15 июнь <http://uza.uz/>.



*Абдикаликов Икрам Ережепбаевич
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси
бошқармаси бошлиғи*

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимизда ёшларимиз учун яратилган имкониятлар ҳар бир соҳада яққол кўзга ташланади. Хусусан, бугунги кунда Қорақалпоғистонда аҳоли сонининг 56,3 фоизини ёшлар ташкил этади. Худудда ёшлар учун амалга оширилаётган ислоҳотлар, имконият ва имтиёзлар қорақалпоғистонлик ёшларни руҳлантириб, янги марралар сари чорламоқда.

Президентимиз томонидан ёшлар ҳаётига оид қандайдир фармон ёки қарор имзоланса, аввало юртимизда яшаб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ўғил-қизларимизнинг тақдирини белгилайди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, имкониятларини ошириб, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида камол топишларида замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 23-25 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи

давомида ёшларга оид бир қатор топшириқларга мувофиқ ёшлар билан ишлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида мутлақо янгича тизим асосида ишлар йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон Республиканинг туман (шаҳар)ларида Қарор ижросини таъминлаш бўйича Республика ва маҳаллий штаблар фаолияти йўлга қўйилиб, тегишли вазирлик ва идоралардан масъуллар бириктирилди. Ёшлар муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш, барча бўғинлардаги ёшларнинг истеъдод ва иқтидорларини кенг намоён қилиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида тасдиқланган Қарор чекка ҳудуд ёшлари учун айти муддао бўлмоқда.

Маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасидаги 424 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги Ёшлар етакчиси лавозимига танлов орқали 3 138 нафар номзодлар орасидан 424 нафар муносиб номзодлар масъулиятли фаолият учун саралаб олинди. Мазкур етакчиларнинг ўртача ёши 26-30 ёшни, ўртача иш тажрибаси 1 йилдан 5 йилгачани ташкил этади. Уларнинг 330 нафари (77,8 фоиз) олий, 271 нафари (63,9 фоиз) ҳарбий хизматни ўтаган, 45 нафари (10,6%) хотин-қизлар бўлиб, 147 нафар (34,7 фоиз) номзоднинг меҳнат фаолияти ёшлар соҳасига боғлиқ бўлса, 158 нафари (37,2 фоиз) бевосита ўрта умумтаълим мактабларидаги ёшлар етакчиларидан иборат.

Маҳалла етакчилари учун хизмат хоналари ва мебель жиҳозлари ажратилди, шунингдек, улар фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида компьютер жамланмалари ва планшетлар топширилди, интернет тармоғига уланди.

Барча маҳаллаларда “Ёшлар баланси”ни шакллантириш ва рейтинг кўрсаткичларини белгилаш ишлари бошланди. Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд 424 та маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, 324 507 та хонадонда 421 103 нафар ёшлар томонидан анкета сўровномалари тўлдирилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 17 та шаҳар ва туманларда ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича маҳаллаларнинг

рейтинг кўрчаткичлари ишлаб чиқилди ва белгиланган йўналишлар бўйича кўрсаткичлардан келиб чиқиб, 35 та (8,3 фоиз) маҳалла қизил, 310 та (73,1 фоиз) маҳалла сариқ ва 79 та (18,6 фоиз) маҳалла яшил маҳаллаларга ажратиб олинди.

Ёшларнинг таклиф ва ташаббусларини ўрганиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда сўровномалар (25 минг) ўтказилиб, натижасида 2,1 мингдан ортиқ ёшлар ўз маҳалласида мини футбол майдончасини барпо этилишини, 3 мингга яқин ёшлар “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этишни, 2,1 мингдан ортиқ ёшлар “Заковат” интеллектуал ўйинлари, футбол мусобақалари ташкил этилишини таклиф сифатида билдирган.

Маҳаллаларнинг рейтинг кўрсаткичлари ва сўровнома натижаларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича маҳалла – туман/шаҳар – Қорақалпоғистон Республикаси кесимида “Ёшлар дастурлари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Дастурга асосан, 424 та маҳалла дастурлари ижроси учун 31 млрд 327 млн сўм, 17 та туман/шаҳар дастурлари ижроси учун 196 млрд 701 млн сўм, Қорақалпоғистон Республикаси дастури ижроси учун жами 117 млрд 840 млн сўм сарф этилиши режалаштирилган.

“Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” орқали ёшлар муаммоларини “маҳаллабай” ҳал этиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, йил бошидан “Ёшлар дафтари”га 8 минг 124 нафар ёшлар киритилиб, “Ёшлар баланси” яқунлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар дафтарга тўлиқ қамраб олинади.

Жорий йилда “Ёшлар дафтари” жамғармаларида 1 млрд 370 млн сўм миқдорида маблағлар шакллантирилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан, “Ёшлар дафтари”даги 12 минг 345 нафар ёшларга 1 млрд 370 млн сўм миқдорида амалий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлигида 2022 йил 1-чораги давомида 8 минг 277 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.

Хусусан, 2 минг 273 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Жумладан, бўш иш ўринларига жойлаштириш ҳисобига 1 минг 3 нафар, янги лойиҳалар ташкил этиш ҳисобига 11 нафар, вақтинчалик жамоат ишларига 937 нафар ёш жалб қилинди. 17 нафар ёшнинг бандлиги ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси орқали таъминланди. 335 нафар ёшга 792,4 млн сўм миқдордаги субсидиялар ажратиш орқали бандлигига кўмаклашилди.

Тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка қизиқувчи ёшлар учун кредитлар ажратиш орқали амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 186 нафар ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти учун 30 млрд. 200 млн. сўм кредитлар ажратилди. Натижада 1 232 та иш ўрини яратилди. Қишлоқ хўжалигида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 3 256 нафар ёшга 1 047,9 га ер майдони ажратиб берилди. Бундан ташқари, касб-ҳунар ва тадбиркорлик асослари бўйича 1 176 нафар ёшлар ўқитилди. Ёшлар "1+1" дастури асосида тадбиркор ва ҳунарманд бўлиш истагидаги ёшлар 11 нафар тадбиркорларга, 23 нафар ҳунармандларга бириктирилди.

Ёшлар етакчисининг кунлик, ҳафталик ва ойлик иш режалари ишлаб чиқилиб, ижрога киритилди. Ҳар бир маҳаллада кунига камида 1 тадан тадбир ўтказиш тажрибаси жорий этилди.

“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳалла ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган 12 минг 857 та тадбир ўтказилиб, 498 минг нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Етакчиларнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, ҳафта кунлари ўтказиладиган лойиҳа ва тадбирлар режаси асосида, ёшлар муаммоларини ўрганиш, китобхонлик, ахборот технологиялари, тадбиркорлик куни, профилактика куни, ҳарбий ватанпарварлик куни, маданий тадбирлар, спорт ва туристик тадбирлар тизимли амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мактабларнинг спорт ва фаоллар зали ҳамда компьютер ва кутубхоналарида ҳар куни соат 16:00 дан 23:00 гача тўғарак ва машғулотлари йўлга қўйилиб, ҳар куни ўртача 12 мингдан ортиқ ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан Нукус шаҳри “Ёшлар маркази”да ҳар ҳафтада “Motivationtime” психологлар билан учрашуви, “Jaslartime” ва “Fanclub” эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастурлари, “Билим ринг” интеллектуал ўйинлари, турли соҳадаги тажрибали мутахассислар иштирокида “Маҳорат дарслари”ни ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 22 февраль куни Республика миқёсида Беруний тумани “Тинчлик” маҳалласида “Ёшларнинг бўш вақти, етакчининг иш вақти” тамойили асосида намунали тадбирлар ташкил этилиб, 7 мингдан зиёд ёшлар иштирокида 25 та лойиҳа ва тадбирлар ўтказилди.

Бу каби намунали тадбирлар барча шаҳар ва туманларда режа график асосида, 280 тадан зиёд намунали тадбир, танлов ва мусобақалар ташкил қилиниб, 32 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Лаққылар лигаси” танлови, интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида “Билим ринг” интеллектуал ўйинлари Қорақалпоғистон биринчилигига старт берилди.

“Билим ринг” интеллектуал ўйинларида иштирок этиш учун 220 та жамоа (1 320 нафар ёшлар) рўйхатдан ўтди ва 27 март куни саралаш ўйинлари ўтказилиб, энг кучли 29 та жамоа саралаб олинди. Биринчилик ҳар ойда бир тур ўтказилиб, йил якунида энг кўп балл тўплаган жамоалар рағбатлантирилади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида жорий йилнинг февраль-март ойлари давомида умумтаълим мактаблари ва касб-хунар таълим муассасаларидаги ўқувчи-ёшлар ўртасида “Ватанпарварлар”, “Ёш чегарачилар”, “Ёш қутқарувчи”, “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақаларининг маҳаллий босқичлари ўтказилиб, 10,8 мингга яқин ёшлар қамраб олинди.

Жорий йилнинг февраль-март ойлари давомида умумтаълим мактаблари ўртасида “Энг намунали мактаб/ синф/ туман Сардорлар Кенгаши”, “Камалак билимдонлари”, “Болалар лигаси”, “Урф-одат, қадрият ва ёшлар” лойиҳаларининг мактаб ва маҳаллий босқичлари ўтказилиб, 72 мингга яқин мактаб ўқувчилари қамраб олинди.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 8-14 февраль, 15-22 февраль кунлари Ички ишлар вазирлиги томонидан Мўйноқ туманидаги “Оқ кема” оромгоҳида ҳарбий ватанпарварлик ва профилактик оромгоҳи, 28 февраль 3 март кунлари Миллий гвардия томонидан Нукус шаҳрида ҳарбий ватанпарварлик ва профилактик ўқув курси ташкил этилиб, жами 300 нафар профилактик ҳисобда турувчи ва жиноятчиликка мойил ёшлар жалб қилинди.

Жорий йилнинг март ойида Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва туман (шаҳар) бўлимлари қошида давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, нуронийлар, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролардан “Фахрийлар Кенгаши” ташкил этилди.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Бир нуронийга ўн нафар ёш” лойиҳаси доирасида 515 нафар нуронийга (аёллар 171 нафар) 4794 нафар ёшлар (қизлар 1023 нафар) бириктирилди.

Жорий йилнинг февраль-март ойлари давомида барча шаҳар ва туманларида “Яшил макон” ёшлар акцияси доирасида 1 100 мингдан ортиқ Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда туман, шаҳар бўлим ходимлари, ёшлар етакчилари ва волонтерлар иштирокида 5 700 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқизилишига эришилди.

2022 йил 1-чораги давомида маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда ёшлар учун қулай жойларда Ёшлар комплекслари барпо этилди. Жумладан, 1-типдаги 102 та, 2-типдаги 3 та Ёшлар комплекслари мавжуд.

Ёшларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини “маҳаллабай” ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича ташкилот ва идоралар, секторлар раҳбарлари томонидан 607 маротаба очиқ мулоқотлар ўтказилиб, 10 578 мингга яқин ёшлар томонидан кўтарилган 984 та муаммо ва таклифлар кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Ёшларнинг маданият ва санъат, спорт билан мунтазам шуғулланиши, китоб ўқишига шароит яратиш мақсадида маҳаллаларда

20 та Ёшлар комплекслари, Амударё, Қонликўл, Шўманай ва Нукус туманларида сунъий қопламали спорт майдончалари, Қўнғирот, Кегейли, Чимбой ва Қораўзак туманларида “Ёшлар маркази” барпо этилиши режалаштирилмоқда.

Бугунги илмий-амалий конференция мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Халқаро тажриба алмашинуви майдони бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Шу боис, мазкур конференция ёшларнинг дунё қарашларини бойитиб, илғор замонавий кашфиётларни яратиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6208-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 132-сонли Қарори.



*Мамбетярова Улбосин Мусатдин қизи
Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот
тумани “Мингжарған” маҳалла фуқаролар
йиғини ёшлар етакчиси*

МАҲАЛЛАДАГИ ЕТАКЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли Қарори қабул қилинди. Маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш етакчиларнинг асосий вазифаларига киради.

Муҳтарам Президентимизнинг қарорлари билан маҳалладаги ёшлар етакчилар институтининг жорий этилиши ёшларга қаратилган

имконият ва амалий ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Юртимизда ёшлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда ва маҳалла ёшлари орасида ёшлар етакчиси эканлигимдан фахрланаман. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган “маҳалла–туман–вилоят–республика” даражасида ҳал этиладиган яхлит вертикал бошқарув тизими барча ёшлар учун имкониятлар калити бўлмоқда. Мамлакатимизда ёшлар учун уларни тинглайдиган ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган тизим яратилди.

"Мингжарған" маҳалла фуқаролар йиғинида 508 нафар ёшлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири билан танишиш мақсадида хонадонларга ташриф буюриб, улар билан самимий мулоқот қилар эканман, биз етакчиларнинг ўрнимиз мактабда эмас, маҳалла ёшлар орасида эканлигини англадим.

Ўз фаолиятимни бошлаганимга кўп муддат бўлмаган бўлсада, ҳозирда ёшлар янги ғоя ва таклифлар билан мурожаат қилмоқда. "Мингжарған" маҳалласида ёшлар ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. “Ёшларнинг бўш вақти - етакчининг иш вақти” шиори остида кун давомида маҳалла ёшларинининг муаммоларини ўрганиш, улар билан бир қатор ғояларни амалиётга татбиқ этиш, маҳаллада ёш тадбиркорлар сонини кўпайтириш, ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган фаолият тадбирлари ўз самарасини бермоқда. Хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратилмоқда, хусусан, уларни турли малакали устозларга бириктириш орқали “Устоз-шогирд” анъанасини давом эттириш амалиёти маҳалламизда жорий этилмоқда. Маҳалладаги ёш йигитларнинг таклиф ва ташаббуслари билан миллий халқ ўйинлари ёшлар иштирокида мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Турли даражадаги спорт мусобақалари, китобхонлик маданиятини ошириш ва “Заковат” интеллектуал ўйинлари доимий равишда ташкил этилмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиб келинаётган маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик

ҳолатлари ҳам содир бўлмайди, шу сабабли кун давомида "Мингжарған" маҳалламдаги ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг қизиқиш ва истакларини инобатга олган ҳолда фаолиятимни олиб бормоқдаман.

Бугунги кунда маҳалладаги ҳар бир ёшнинг ишончини оқлаш учун тинмай меҳнат қилмоқдаман, йигит-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг касб-ҳунар ўрганишига имкониятлар яратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан боғлиқ тадбирларни мунтазам равишда амалга оширишга ҳаракат қилмоқдаман. Маҳалладаги ёшлар етакчиси муҳтарам Президентимизнинг маҳалладаги вакили эканини ёдда тутиши лозим. Маҳалладаги ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашда ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Ёшлар баланси"ни шакллантириш борасида маҳаллалар Ёшлар етакчилари томонидан онлайн ҳамда анкета асосида хатловлар ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра 2 750 нафар аҳоли мавжуд бўлиб, 0-30 ёш 1 151 нафар, шунингдек 0-6 ёш 211 нафар, 7-15 ёш 452 нафар ҳамда 16-30 ёш 488 нафарни ташкил қилди. Шулардан давлат секторида 102 нафар ҳамда хусусий секторда 3 нафар банд бўлган ёшлар мавжуд. Маҳаллада ЖИЭМдаги ёшлар мавжуд эмас, миграцияга кетганлар 7 нафар ёшларни ташкил қилади. Таълимда бандлар 151 нафар, бошқа расмий тармоқларда 5 нафар, норасмий бандлар 65 нафар ва ишлаш истаги йўқлар 54 нафарни ташкил этади.

Ёшларнинг тадбиркорлик ғоялари, уларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда етакчининг ўрни ва аҳамияти ғоят муҳимдир. Мени ўз эзгу мақсадимга эришиш ундайдиган асосий омил ёшларнинг ишончи бўлиб, ҳар бир ўтган вақтимни қадрлаган ҳолда фақат олдинга ҳаракат қилмоқдаман. "Мингжарған" маҳалласида ёш бўлишига қарамай ўз тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлар олиш орқали бошлаган Жасурбек ҳам ушбу тоифадаги ёшлар бандлигини таъминламоқда. Маҳалладаги кўчалар тизимида маҳалла сардорлари билан хатлов жараёнида ёшларнинг менга нисбатан билдираётган ишончи мени ғоят мамнун қилди. "Мингжарған" маҳалла фуқаролар йиғинида кам таъминланган оила фарзандлари ва "Темир дафтар"даги оилалар фарзандлари, уй-жойга эҳтиёжи борлар мавжуд

эмас, боқувчисини йўқотганлар 1 нафар ва ногиронлиги бор ёшлар 4 нафарни ташкил этади.

Президентимизнинг 2020 йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқ ҳамда кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнида белгиланган вазифалар ижроси асосида ташкил этилган “Ёшлар овози” танлови ёшлар орасида тез фурсат ичида ўз ўрнини топди. Маҳаллада “Қувноқлар ва зукколар”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила” каби танлов ва мусобақалар истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз келажагини ўзлари яратишига, ҳар томонлама баркамол ва етук бўлишида замин яратади. Эндиликда энг қуйи бўғин маҳалладан бошланадиган ҳар бир ишимиз ўз самарасини бериши учун маҳалла сардорларимиз билан ҳамкорликда тинимсиз ишлаш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозими ғоят юксак ишонч ва эътироф бўлиб, маҳалла ривожига улкан ҳисса қўшишда ёшлар етакчисининг ўрни муҳим ҳисобланади. Ёшлар билан бевосита мулоқотлар олиб бориш, уларда мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва ечимини масъул вакиллар иштирокида ҳал этиш лозим. Айнан шу сабабли ҳам мазкур лавозим жорий этилди. Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишда ёшлар етакчисининг роли ғоят муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2021 йил, 20 апрель, ПФ-6208-сон.

3. “Ёшлар овози” танловига старт берилди <https://kun.uz/news/2022/03/24/yoshlarovozi-tanloviga-start-berildi>.

2-ШЎЪБА: “БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС”НИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ



***Каттаханова Дилнозахон Собир қизи**
Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги директори
ўринбосари, сиёсий фанлар бўйича фалсафа
доктори, (PhD)*

“БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС” ЛОЙИҲАЛАРИНИ МАҲАЛЛАДАРДА ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ёшларни фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий янгиланишларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳамда барча соҳалардаги ислоҳотлар жараёнига фаол жалб қилиш, ёшларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш давлат органлари ва ташкилотлари олдидаги муҳим вазифага айланмоқда.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасидаги ёндашув тўртта асосий принципни ўз ичига олади:

1. Ёшларнинг келиб чиқиши, эҳтиёжлари, маданий, жисмоний, маънавий ва бошқа омилларини инобатга олган ва уларни ҳурмат қилган ҳолда ёшлар маъқул кўрадиган жойларда улар билан мулоқотларни ташкил этиш;

2. Таълимнинг экспериментал турлари ёрдамида ёшларнинг билимлари, амалий ва юмшоқ кўникмалари, сиёсий фаоллигини оширишга сармоя киритиш;

3. Муаммолар ечимига қаратилган ёшларнинг жамоавий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг сиёсий иштирокини оширишга мотивация бериш;

4. Ёшларга ўзларини турли сиёсий ролларда синаб кўришлари учун етарли шароит яратиш орқали уларнинг сиёсий жараёнларга жалб қилинишини таъминлаш.

Юқоридаги принципларнинг ҳар бири, биринчи навбатда, ёшларнинг бўлғуси лидерлар (қарор қабул қиладиган шахслар) ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчилари сифатида шаклланишларига хизмат қилади.

Ёшлар инновацияларнинг динамик манбаи, ижодий кучи бўлиши мумкин. Тарихан улар ҳокимият кучи ва иқтисодий имкониятларни тўғри тақсимлаш борасидаги салоҳияти ёрдамида кўп бора сиёсий тузилмалардаги муҳим ислоҳотларнинг катализатори бўлган.

Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади. Улар Республиканинг 9349 та маҳаллаларида истиқомат қиладилар.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини маҳаллабай жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан барча маҳаллаларда ёшлар етакчилари лавозими жорий этилди.

Ёшлар етакчиларига мазкур Қарор билан юкланган асосий вазифалар қаторида қуйидагиларни қайд этиш лозим:

– маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, “Беш муҳим ташаббус” лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш;

– ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда жойларда ҳар бир маҳалла кесимида “Ёшлар баланси” шакллантирилиши, шунингдек, давлатнинг кўмаги ва эътиборига алоҳида эҳтиёжи бор ёшлар билан индивидуал ишлаш тизимини ташкил этиш мақсадида “Ёшлар дафтари”га киритилиши, натижада ҳар бир маҳалланинг ёшлари билан манзилли ишлар дастури шакллантирилиши белгиланган.

Маҳалладаги “Ёшлар дастури” учта асосий бўлимдан иборат:

1) “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан манзилли ишлаш (кредит, субсидия, моддий ёрдам олишига кўмаклашиш, 13 турдаги ёрдам олишга тавсиянома бериш, тўлов-шартнома маблағлари қоплаб берилишини таъминлаш ва б.);

2) “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

3) Ёшларга оид инфратузилмани яхшилаш борасидаги тақлифларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

“Ёшлар дастури”нинг иккинчи бўлимидаги тадбир ва лойиҳалар икки йўналишда ташкил этилади: биринчиси – анъанавий йилда икки маротаба ўтказиладиган беш босқичли “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг биринчи – маҳалла босқичини ташкил этиш, иккинчиси – ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб турли маданий

тадбирлар, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ва бошқа тадбирларни тизимли ҳар ҳафтанинг маълум кунлари доимий равишда турнир шаклида ўтказиб бориш.

Мазкур механизм ёшлар етакчиларининг “Беш муҳим ташаббус” доирасидаги тадбир ва лойиҳаларни амалга оширишда амалий тажрибасини оширишга, ёшларда бу тадбир, мусобақа, турнир ва лойиҳаларда иштирок этиш кўникмаларини шакллантириш, улар орасида энг иқтидорлиларини рағбатлантириш ва истеъдодини юзага чиқаришга, касбий маҳоратини оширишга ёрдам беради.

Беш босқичли “Беш ташаббус олимпиадаси” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилмоқда.

“Беш ташаббус олимпиадаси” ўз ичига қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1-босқич: маҳалла босқичи – унда маҳалладаги мавжуд барча кўчаларда яшовчи ёшлар ўртасида кўчалараро мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар аниқланади ва маҳалла номидан кейинги босқичга йўл олади;

2-босқич: сектор босқичи – унда ҳар бир сектор кесимида маҳаллаларнинг ғолиблари (ғолиб жамоалари), яъни ҳар бир секторда жойлашган барча маҳаллалардан ғолибликни қўлга киритган ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этилади, ғолиблар кейинги босқичга йўлланма олади;

3-босқич: туман (шаҳар) босқичи – унда тўртта секторда ғолиб бўлган ёшлар (ёшлар жамоалари) туман (шаҳар) кесимида беллашади ва ғолиблар кейинги босқичга йўлланма олади;

4-босқич: ҳудудий босқич – унда туман (шаҳар) босқичида ғолибликни қўлга киритган ёшлар беллашадилар ва ғолиблар кейинги босқичга йўлланма олади;

5-босқич: республика босқичи – унда ҳудудий босқичда ғолибликни қўлга киритган ёшлар иштирок этади ва якуний босқич ғолиблари аниқланади.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, АКТ, китобхонлик ва интеллектуал ўйинлар йўналишида қатор йирик танлов ва мусобақалар ўтказилиши кўзда тутилган. Хусусан:

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида апрель-май ойларида ташкил этиладиган анъанавий Бўзатов туманидаги “Республика ёшлар овози” фестивалида 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган 223 мингдан зиёд ёшлар бахшичилик, анъанавий ижро, эстрада ва опера йўналишлари бўйича 3 та ёш тоифасида иштирок этадилар. Танловнинг маҳалла босқичлари жорий йилнинг 4-5 апрель кунлари, сектор босқичи 8-9 апрель кунлари кастинг кўринишида ташкил этилди. Танловнинг Республика босқичи май ойида Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани ҳамда Нукус шаҳрида ўтказилади. Фестивалнинг мукофот жамғармаси қарийб 2 млрд. сўмни ташкил этади. Танлов ғолиблари ҳар бир ёш тоифа ва танлов йўналиши бўйича қуйидагича рағбатлантириладилар:

- Биринчи ўрин совриндорлари 50 млн.сўм;
- Иккинчи ўрин совриндорлари 30 млн. сўм;
- Учинчи ўрин совриндорлари 20 млн. сўм.

Республика босқичида иштирок этган қолган барча иштирокчилар 10 млн. сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Танловнинг 2021 йилдаги босқичлари янги иқтидорларни кашф қилишга хизмат қилган, хусусан, танловнинг Республика босқичи иштирокчилари, ғолиб ва совриндорлари қаторидан ўрин олган Мияссар Даулетбаева “Таҳсин” ёшлар мукофоти, Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри хор артисти Гўзал Абдуллаева “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирландилар.

Биринчи ташаббус доирасида апрель-июнь ойларида маҳаллалар ва олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида анъанавий

“Кувноқлар ва зукколар” танлови ўтказилади. Танлов ғолиблари пул мукофотлари билан рағбатлантириладилар.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш, ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш мақсадида маҳалладаги ёшлар ўртасида спортнинг 9 та тури: футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, стритбол, шахмат ва шашка, стол тенниси ва “Street workout” турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилади.

Мусобақалар 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида беш босқичда, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёшлар орасида эса икки босқичда (маҳалла ва туман (шаҳар) босқичида) ўтказилади.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ёшлардан келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда “Киберспорт” мусобақаси ташкил этилади.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш бўйича “Зукко китобхон” интеллектуал ўйини, “Ёш китобхон оила” ҳамда “Мушоира” танловлари ўтказилади.

“Ёш китобхон оила” танловида 2021 йилда 10 мингга яқин оила иштирок этиб, Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидан республика босқичига чиқиб келган Абдуллажон Ниёзметовлар оиласи ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси – “Спарк” автомашинасини қўлга киритган эди. Бу йилги танлов ғолиблари ҳам Президент совғаси билан тақдирланадилар.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда ёшлар орасида оммалашиб бораётган “Заковат” интеллектуал ўйини илк бор ҳар бир маҳалладан бошланиб, беш босқичли олимпиада лойиҳалари қаторидан ўрин олган. “Заковат”нинг финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 14 та жамоа (98 нафар билимдонлар) ўртасида ташкил этилиб, ғолиблар пул мукофоти ва Президент совғаси билан тақдирланадилар.

“Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этиш учун @beshtashabbusbot телеграм мессенжердаги бот, танловнинг www.beshtashabbus.uz расмий веб-сайтидан рўйхатдан ўтиш ёки маҳалладаги ёшлар етакчисига мурожаат қилиш лозим. Маҳалладаги ёшлар етакчиси республиканинг чекка ҳудуд ва овулларида истиқомат қилаётган ёшлар орасида лойиҳа тарғиботини амалга оширади.

Беш босқичли “Беш ташаббус олимпиадаси” ғолиблари 30 июнь – Ёшлар куни арафасида тақдирланади.

Мазкур ишларнинг тизимли ва сифатли амалга оширилиши Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги расмий веб-сайти www.yoshlar.gov.uz.
2. Ўзбекистон ёшлари портали www.yoshlarportali.uz.
3. “Беш ташаббус олимпиадаси” веб-сайти www.beshtashabbus.uz.
4. Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти www.stat.uz.
5. Youth, political participation and decision-making. UN Youth Report. <https://www.un.org/esa/socdev/documents/youth/fact-sheets/youth-political-participation.pdf>.



Саïдов Сирожиддин Салохович
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ ОРАСИДА МАДАНИЯТ ВА КИТОБХОНЛИКНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус бунда катта ўрин тутмоқда. Унинг доирасида ташкил этилаётган қатор тадбирлар ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар каби салбий оқибатларнинг олдини олишга ва жамиятнинг муҳим қисми ва келажаги бўлган авлоднинг баркамол шаклланишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, жойларда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими ва механизмларини инobatга олган тизим Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Чекка-чекка ҳудудларда мана шу лавозим вакиллари турли адабий тўғараклар

ташқил қилиб ёш, бўлғуси ижодкорларимизни адабиётга олиб киришга хизмат қилмоқда.

Унга кўра, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан маҳалладаги турли тоифа ёшларни ҳозирги ўзбек адабиёти, узоқ даврлардан буён шаклланиб келаётган шеърят, суҳандонлик ва ижодкорлик кабиларга жалб қилиш доирасида қатор амалий чоралар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Хусусан, маҳалладаги ёшлар ўртасида мушоиралар ташқил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, бу борада аниқ вазибалар белгиланди.

Биринчидан, ушбу чораларнинг амалга оширилиши, ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда маданий ҳордиқ олишига имкон яратади.

Иккинчидан, мумтоз ҳамда замонавий адабиёт, қолаверса, китобхонлик бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳудудий бўлимлари фақатгина вилоят марказларида жойлашгани боис, чекка ҳудудлардан қатнашиш имкони йўқ.

Тўртинчидан, миллий қадриятларимизга содиқликни, ватанга муҳаббатни ошириб, бўш вақтда юзага келадиган турли хил можаролардан ҳоли ҳаётга эришилади.

Бешинчидан, ёшларнинг шеър ёд олиш қобилиятини оширади, китобхонликка бўлган қизиқишларини шакллантиради.

Адабиёт – халқнинг юраги

Ҳурматли Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиз марказидаги “Адиблар хиёбони”нинг барпо этилиши чинакам адабиёт байрамига айланиб кетди. 2020 йил 20 май куни “Адиблар хиёбони”га мамлакат раҳбарининг ташрифи чоғида Президентимиз “Адабиёт – халқнинг юраги” дея адабиётга, маърифатга берган буюк тарифлари замирида аввалги ва ҳозирги реннесанслар пойдевори мужассам эди.

Албатта ҳар қандай халқни уйғотувчи, ўзлигини танитувчи куч бу адабиётдир. Шундай экан юртимиз ёшларини, болаларимизни китобда дўст қилишимиз зарур. Шу муносабат билан маҳалла ёшлари

иштирокида ўтказилаётган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида “Мушоира” ижодий танловининг борлиги қувонарли ҳол албатта, мазкур танлов мамлакатимиз ёшлари қалбида адабиёт ва ижодга бўлган муносабатни ривожлантириш, янги ижодкорларни кашф қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилади. Шеърӣ айтишувлар, мушоиралар орқали адабиётга ёшларимизнинг қизиқишини оширади.

Китобхонлик оиладан бошланади

Мамлакатимизнинг тараққий этиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришида ёшларнинг билими, дунёқараши ва тарбияси алоҳида ўрин тутади. Негаки, ислохотларнинг муваффақияти, давлатимизнинг дунёда ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, энг аввало, таълим тараққиёти ривожини билан боғлиқ бўлса, яна бир томондан глобал ўзгаришлар авж олган бугунги кунда тарбияга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда. Бунинг сабаби бугун имкониятлар кўламининг кенглиги билан бирга, ахборотлар маконининг ҳам кенгайганлиги, турли мақсад ва манфаатларга йўналтирилган ҳар хил ғоя, қарашлар, уни тарғибот қилиш технологиялари, ижтимоий онг ва тафаккурга таъсир кўрсатиш омиллари кучайганлигидир. Шундай экан, ёшларимиз, фарзандларимиз онги, тафаккурини ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, ички дунёсини комиллик сари йўналтириш орқали бўшлиқларни тўлдириш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. “Нега деганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз”.

Бу каби илдиз отиб бораётган иллатларнинг олдини олишнинг ягона йўли эса китобхонликдир. Фарзанд қачон китобхон бўлади, албатта уйда ота-она китоб ўқисагина бола ҳам китобхон бўлади. Ҳозирги таҳликали замонда китобхонликдан, илмдан ўзга нажот йўқдир. Зеро бундан ўн йил илгари қалам қоралаб азиз ота-оналарга қарата “Биттагина китоб олинг” деган хитоб қилган эдим:

Кимлар қолар изингизда,
Тик қаролмай юзингизга?
Аввал ўғил-қизингизга
Биттагина китоб олинг.

Қолаверса, бу борадаги ишлар кўламини ошириш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Уюшма аъзолари, ҳудудлардаги аъзолар кучидан фойдаланган ҳолда жойларда китобхонликни тарғиб қилувчи маънавий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда.

Айнан ушбу мақсадларни тизимли равишда амалга ошириш борасида ўтган даврда мамлакат бўйича 306 та маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда кўрик-танловлар ташкил этилиб, уларда жами – 40 703 нафар ёшларнинг иштироки таъминланди.

Биргина, ўтган йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Адиблар хиёбонида “Хиёбон оқшомлари” шеърят кечаси бир гуруҳ ёш шоирлар таклифини қўллаб-қувватлаган ҳолда ташкил этилди. Ҳозирги кунда ҳам ижодий кечалар сабаб Ёзувчилар уюшмасидан ёш ижодкорларнинг қадами аримаяпти. Албатта халқимиз орасида китобхонлар талайгина, мушоиралар, ижодий кечалар, давра суҳбатлари ортидан ёшларнинг китобхонликка қизиқиши ортиши табиий.

Эътиборлиси шундаки, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига Давлат Раҳбари томонидан ҳам алоҳида урғу қаратилмоқда.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 25 декабрь куни ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида ҳудудлардаги истеъдодли ёшларга сўз берилиб, уларнинг таклиф ва фикрларини тингланган эди. Учрашувда Жиззах давлат педагогика институти талабаси, “Мард ўғлон” мукофоти совриндори Сайфиддин Оканов ўз таклифини билдиб, ўзи ёзган шеърини ўқиб берган эди. Шундан сўнг Президент: “Бундай сатрларни ёзиш учун ватанни севиш керак”, дея бундай қалами бор ёшларимиз давлатга жуда кераклигини айтган эди.

Бундан ташқари, Ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинарида иштирок этган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, “Биринчи китобим” лойиҳасида 37 нафар ёш ижодкорнинг 37 номдаги китоблари нашр этилгани ва уларнинг кенг жамоатчилик томонидан кўтаринки руҳда қабул қилингани айнан шу мақсадлар сўлида олиб борилаётган амалий ишларнинг исботи саналади.

Юқорида амалга оширилган қатор ишлар ва тизимли ишларга қарамасдан ёшларнинг бўш вақтини таъминлаш, жумладан улар орасида ижодкорлик ва шеърятни тарғиб қилиш ҳамда бу борада иқтидорга эга бўлган ёшларни қўллаб қувватлашда қатор ташкилий-ҳуқуқий ва институционал муаммолар кузатилмоқда.

Ташкилий-ҳуқуқий муаммо. Биринчидан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихига назар солсак кўплаб устозларимиз мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўйини кўкларга кўтарганлигига гувоҳ бўламиз. Мустақиллигимизнинг илк йилларида Республикамиздаги ижод аҳли томонидан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида миллий ғояга йўғрилган кўплаб асарлар дунё юзини кўрди.

Ўтган давр мобайнида Уюшма фолиятида кўплаб ютуқ ва камчиликлар борлиги аён бўлди. Шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда замон билан ҳамнафас юришнинг ўзи бўлмайди. Маълумки, Ёзувчилар уюшмасининг худудларда биргина вилоят бўлимлари мавжуд бўлиб, маҳалла, сектор, туман, шаҳарларда бўладиган тадбирлар, кўрик-танлов босқичларида ташкилий жиҳатдан қийинчиликлар юзага келади. Бунинг биргина сабаби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг туман, шаҳар бўлимлари мавжуд эмаслигидир.

Иккинчидан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни китобхонликка кенг жалб қилиш учун замон талабидаги вазифалар амалга оширилмаяпти. Мисол тариқасида Республикамизда фаолият юритаётган нашриётларнинг маркетинг соҳасида оқсашлари, янги китоб нашри билан бирга ушбу китобнинг аудио вариантларини нашриёт сайтига жойламаётгани соҳада учраб турган энг оғриқли нуқталардан биридир.

Учинчидан, ёшларнинг виртуал ҳаётдан реал ҳаётга қайтариш учун улар фойдаланадиган андроидларга, андроидлар орқали кирувчи сайтлар аввалидан энг сара китобларнинг рекламасини жойлаб бориш ҳам зарур.

Қолаверса, маҳаллаларда ташкил этилган ёшлар етакчилари учун энг сара юз номдаги китобларнинг ҳар биридан беш донадан жами беш юз дона бадиий адабиётлар билан таъминлаш зарур.

Хулоса

Бугунги кунда ижодкор ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун республикамизда кўплаб ижодий тўғараклар фаолият олиб бормоқда. Бироқ, узоқда жойлашган ҳудудлар аҳолиси ўртасида шеърятга қизиқувчи ёшларни қамраб олиш муаммо бўлиб келган. Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакилининг фаолияти юқоридаги муаммоларни ечими бўла олади.

Тавсиялар

1. Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакили лавозимига тайинланган ходимлар ушбу мавзуни ўрганиб чуқур билимга эга бўлиши ва фаолияти давомида қўллаши лозим.

2. Аввало ёшлар етакчиларининг ўзлари китобхон бўлмоғи шарт ва ҳар ой сўнгида янги асар муҳокамасини маҳалладаги ёшлар иштирокида ўтказмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сон Қарори.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2018.1-жилд.

3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. Тошкент: Ўзбекистон, 2021 й.

4. Адабий-бадиий босма нашрлар (“Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Жаҳон адабиёти”, “Маънавий ҳаёт”, “Тафаккур” журналлари,

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Адабиёт зиёси”, “Китоб дунёси” газеталари).

5. “Адиблар ҳиёбони”. Тошкент: Адабиёт нашриёти, 2021 й.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси сайти.



*Маҳкамова Зулайҳо Баҳриддиновна
Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
раиси*

МАҲАЛЛАДА ЁШ ОИЛАЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ

Оила – жамиятнинг ўзаги, миллатнинг давомийлигини таъминлайдиган муқаддас даргоҳ. Оиланинг жамиятда тутган ўрни беқиёс ва ҳеч нарсага алмашилмайди. Унинг таърифи ҳам мураккаб, мазмун-моҳияти эса ниҳоятда теран, сурати ранг-баранг ва бир-бирига асло ўхшамайди. Ҳаёт гашти эса турмуш тотувлигидадир. Аммо, турмуш тотувлиги ўз-ўзидан юзага келмаслигини унутмаслик лозим.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги энг муҳим йўналишларидан бири хотин-қизларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб қувватлашдир. Шу каби муҳим вазифалар ижросини тизимли тарзда ҳар бир ҳудуд кесимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан жорий йилнинг 1 мартда “Оила ва хотин қизлар давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларининг имзоланиши ва ижрога йўналтирилиши айтилган бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Айни дамда республика бўйича 8 миллион 484 мингта оила 10 мингга яқин маҳаллаларда истиқомат қилади. Шундан 18 миллионга яқинини хотин-қизлар ташкил этади. Мамалакатимизнинг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, ёш оилаларнинг салмоғи ҳам шунга яраша. 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари лавозимлари Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тизимига ўтказилди ҳамда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Бундан буён:

- ҳоким ёрдамчиси камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратишга;

- ёшлар етакчиси ёшлар сиёсати ва ёшлар балансига;

- хотин-қизлар бўйича масъул эса, аёллар масаласи ва уларнинг дарду-ташвиши билан ишлашга жавоб беради.

Ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари қандай танлов билан танланган бўлса, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ҳам шундай очиқ танлов асосида, тажрибали, обрў-эътиборли, тадбиркор аёллар орасидан лавозимга қўйилди.

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор ёшлар ва уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳисобланади.

Ёш авлод келажаги эса ҳамиша Ўзбекистон сиёсатининг марказида бўлган. Бугун ҳам юртимизда юзага келган муаммоларни бартараф этиш, ёшларнинг камолоти ва тарбиясига ижобий таъсир қилувчи шарт-шароит яратиш учун барча соҳада кенг қўламли ислохотлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон — ҳақиқий маънода ёшлар мамлакати. Бу юртда улғаяётган йигит-қизларнинг орзулари ва ўз олдига қўйган мақсадлари бисёр. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлови эса уларга бу мақсадларни амалга оширишда кўмак беради. Президентимизнинг “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни

ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”, деган сўзлари ёшлар учун катта марралар сари йўл очди. Ўтган даврда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Яъни, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарори тасдиқланган.

Қарорга мувофиқ, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳар ва шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши белгиланди.

Ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари”, “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали ишлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш етакчиларнинг асосий вазифаси сифатида қайд этилди. Навқирон авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топиши ва маънавий ривожланишини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш вазифаси юклатилди.

Ёшлар етакчилари маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасидаги йўналишлар бўйича маҳаллаларда тадбирлар ҳамда учрашувлар ташкил этиши белгиланган.

Бугунги кунда юртимиздаги маҳаллаларда 9 минг 309 та ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, Ёшлар ишлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларида маҳалла ва таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлинмалари ташкил этилган.

Энди тасаввур қилинг, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирида етакчиларнинг бўлиши мавжуд вазиятни қанчалик енгиллаштиради? Ўйлашимизча, улар ҳукумат ва ёшлар орасидаги масофани янада яқинлаштиради, ўғил-қизлар билан ишлашнинг янгича усуллари ишлаб чиққан ҳолда жамият ривожини учун улкан ҳисса қўшади.

Маълумотларга кўра, ўқишни битиргач, уйда ўтириб қолаётган ёшлар орасида хотин-қизлар салмоғи анча юқори, яъни 51 фоизни ташкил этар экан. 18 ёшдан кейин мазкур кўрсаткич янада ортиб, 74 фоизга етмоқда. Бунинг сабаби қизлар оила юмушлари билан машғуллиги ҳамда даромад топиш учун бошқа жойга кўчиб ўтиш имконияти чеклангани билан изоҳланади.

Ёш оилалар билан тизимли ва манзилли ишлашда, низоли ҳолатларни бартараф этишда ёшлар етакчиларининг ҳам маъсулияти ҳамда вазифалари бор албатта.

Жумладан, ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилаларнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб бориш, шунингдек, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самарадорлигини ошириш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўриш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш кабиларда ёшлар етакчиларининг ўрни бор.

Ёшлар етакчиси таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда турли муассасалар ҳамда ёшлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг турли жараёнларга мослашувига, шунингдек ёш оилаларга ҳам кўмаклашади. Йигит-қизларга услубий, ижтимоий

ва психологик ёрдам кўрсатган ҳолда Ватанга муҳаббат ҳиссини оширади. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш бўйича мунтазам таҳлил ишларини олиб боради. Натижада бу иш сифатини оширади. Шунингдек, уларнинг ижтимоий аҳволидан доимий хабардор бўлиб туради.

Ёшлар етакчиси, ўз навбатида, давлат билан тенгқурлари ўртасидаги воситачига айланади. У ёшларнинг манфаати ва муаммоларини таҳлил қилади. Уларнинг мавжуд қобилиятидан келиб чиқиб, тўғри мақсад сари йўналтиради. Шунингдек, салоҳиятини ривожлантиришнинг индивидуал йўналишини излаб топади.

Зеро, ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритувчи кадрлар ёшларнинг таълимга нисбатан қизиқишини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади. Уларнинг ташаббусини амалга оширишга ёрдам беради. Ёшларнинг ўқиши ва таълимдаги ютуқларини лойиҳалаштириш, таҳлил қилиш ва тақдим этишга кўмаклашади. Ёшлар билан уларнинг ютуқ ва қийинчиликларини, турли жой ва тадбирларда амалга ошириладиган фаолиятнинг қай даражада самарадорлигини, синов ҳаракатларида самарали ишлашга таъсирини таҳлил қилувчи тадбирларни ўтказди. Мисол учун, биргина Хоразм вилоятида маънавий-маърифий, спорт йўналиши бўйича, ватанпарварлик йўналишидаги, маънавият ва китобхонликни тарғиб қилишда, АКТ бўйича, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги тадбирларга 20 минг 179 нафар ёшлар қамраб олинган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида ёшларнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, ўз истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариши, меҳнат билан банд бўлиши муҳим. Янги Ўзбекистоннинг ёш оилаларига ва хотин-қизларига берилаётган имкониятларнинг салмоғи, маъсулияти албатта ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддиларига юкланган вазифа. Бунда албатта, ҳамкорликда яхлит тизимни ишлаб чиқиш ва уни ижрога йўналтириш ўта муҳим. Бу эса, ўз навбатида келгусида ёшлар ўртасида келиб чиқадиган муаммоларни олдини олиши тайин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент-2022 “Ўзбекистон” нашриёти.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил, 3 май. ПҚ-4307-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2021 йил. 26 март. № ПҚ-5040.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил, 18 феврал. ПФ-5938.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар етакчилари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил 19 январь. ПҚ-92.



Тошхўжаев Мухторхон Махсудович
Ўзбекистон Паралимпия қўмитаси
раиси

МАҲАЛЛАЛАРДА ПАРАЛИМПИА ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Юртимизда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, жамиятга мослашувчанлиги учун қулай шароитлар яратилмоқда. Хусусан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда спорт соҳаси, жумладан, паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоалар учун жуда катта имкониятлар эшиги очилди. Давлат раҳбарининг қўллаб-қувватлаши натижасида Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси негизида

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ташкил этилди. Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада ошириш, шу билан бирга, паралимпия спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг узлуксиз ягона комплекс тизими жорий қилинди.

Мазкур тизим асосида яратилган имконият ва имтиёзлар, аҳолининг барча қатламини қамраб олишга, жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиланувчилари, умумтаълим мактаблари, махсус мактаб-интернатлари ўқувчиларидан тортиб, то олий ўқув юртигача бўлган жараёнда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган барча ёшларни спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишлари йўлида ўзлигини намоён этишга тurtки бўлди. Бу борада “Паралимпия спортида таснифлаш қоидалари ва тамойиллари” ишлаб чиқилганлиги жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни паралимпия спорт турларига жалб қилинишида янада қулайликлар яратди.

Барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимлари ташкил этилди. Паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигига ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-92-сонли Қарори ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Жисмоний имконияти чекланган ёшлар ўртасида Паралимпия спорт турларини янада оммалаштириш, улар ўртасида спорт билан

шуғулланувчилар қамровини янада ошириш мақсадида илк маротаба маҳаллабай ишлаш тизими жорий қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги билан Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Маҳалла ёшлар етакчилари томонидан “Беш муҳим ташаббус” лойиҳалари асосида маҳаллалардаги уюлмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, миллий халқ ўйинлари, олимпия ва паралимпия спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшларни паралимпия спорт турларига жалб қилиш, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда фаол ҳаракат амалга оширилмоқда.

Хусусан, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш, айниқса, уларнинг муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этишга эришилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари, Тиббий ижтимоий эксперт комиссиялари ҳамда маҳалла ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг баланси шакллантирилди.

Тиббий ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга шуғулланиши мумкин бўлган параспорт турларига тавсия бериш тартиби ишлаб чиқилди.

Жумладан, жорий йилнинг февраль-март ойларида Қўқон, Қарши, Термиз, Бухоро шаҳарларида ҳамда Бўлоқбоши, Наманган, Тойлоқ, Пахтакор туманларидаги маҳалла ёшлар етакчиларининг кўмагида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида намунавий оммавий спорт тадбирлари ташкиллаштирилди.

“Паралимпия ҳаракатини маҳалладан бошлаймиз!” шиорини илгари сурган ҳолда спорт таълим муассасаларида ташкиллаштирилган оммавий спорт тадбирларида ҳар бир маҳалладан бир нафардан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшлар иштироки таъминланди. Ўтказилган спорт мусобақалари маҳаллалардаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳар томонлама қулай бўлган 8 та паралимпия спорт турлари (пара енгил атлетика, пара бадминтон, пара велоспорт, пара дзюдо, пауэрлифтинг, пара сузиш, пара стол тенниси ҳамда кўзи ожизлар учун 5x5 футбол) дан ташкиллаштирилди.

Навбатдаги вазифа сифатида намунавий тадбир асосида республикамизнинг барча туман (шаҳар)ларидаги маҳаллаларда ушбу тадбирларни давом эттирилиши белгилаб олинди. Қолаверса, бу тадбирлар 2024 йил Париж (Франция) шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги XVII ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этишлари саралаш босқичининг илк қадами вазифасини ўтайди.

Шу ўринда алоҳида такидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сон қарори муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қарорга асосан республикамиздаги мавжуд 15 та Олимпия захиралари коллежлари негизида таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос таълим муассасаси шаклидаги Олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ташкил этилди.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитасининг тавсиясига асосан коллежларнинг тегишли паралимпия спорт турлари бўлимларига юборилаётган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар учун 10 фоизгача кўшимча квоталар ажратилди.

Олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига қабул квоталари ҳар бир спорт турининг хусусиятидан (вазн тоифаси, спортчилар сони, шу жумладан спортчи-аёллар сони, жамоавий спорт

турлари бўйича тегишли спорт турида иштирок этадиган спортчилар сони ва бошқалар) келиб чиқиб, шакллантирилади. Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда Олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида ўқиш истаги бор ўқувчиларни аниқлашда ёшлар етакчилари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 10 сентябрь куни XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан ўтказилган учрашувда ёшларни спорт орқали тарбиялашга алоҳида эътибор қарата шундай фикрлар билдирилган: “Афсуски, ҳозирги вақтда ёшлар орасида ҳаётда озгина тўсиқ ёки қийинчиликка учраса, ўзини йўқотиб, умидсизликка тушиб қоладиган, ноҳўя йўлларга кириб кетадиган йигит-қизлар ҳам йўқ эмас. Ватани, ота-онаси, Президенти улардан кўп нарса кутаяпти. Улар ҳам менинг фарзандларим, яхшиси ҳам, ёмони ҳам меники. Сизлар орқали адашган ёшларни тарбиялаб олсак, бу менинг энг катта ғалабам”.

Бир сўз билан айтганда, паралимпия спорт турларини янада ривожлантирилиши яхлит умуммиллий ҳаракатни касб этди. Ўз навбатида, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳам биз билан тенг ҳуқуқли – билим олиши, спорт билан шуғулланиши, ўз имкониятини ва иқтидорини намоён этишига, асосийси жамиятда ўз ўрнига эга бўлишликка ҳақли эканликларини унутмаслигимиз даркор. Биз эса, бу йўлда бир воситачилик вазифасини ўтаймиз, холос.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5114-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-92-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш

орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармони.

5. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.

6. “Паралимпиячилар ғалабаси – катта жасорат ва қахрамонлик намунаси”. Халқ сўзи, 2021 йил 11 сентябрь, №196 (7976).



*Абдуллаев Абдурасул Муминович
“Заковат” интеллектуал клуби” нодавлат
нотижорат ташкилоти раҳбари*

МАҲАЛЛА – МАЪРИФАТ ВА ИЛМУ УРФОН БЕШИГИ

Маҳаллалар мамлакатимиз ҳудудида бундан минг йиллар муқаддам шакллангани кўплаб тарихий манбаларда, хусусан, Марказий Осиё халқларининг қадимий ёдгорлиги бўлган “Авесто” да ҳам ўз аксини топган. Кўплаб буюк мутафаккирларимизнинг камол топишида маҳаллалардаги маданий муҳит катта ўрин тутган. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида Ҳирот маҳаллалари олиму фозиллар маскани бўлганини ёзадилар.

Навоий бобомизнинг бир рубойиси мени ҳамиша тафаккурга чорлайди:

- Бордур эрдим Чақарга гоҳ-гоҳи
- Шахимнинг суҳбати дилга ёқардин,
- Чу Юсуф Хожа чақди, энди борсам
- Итурди бизни охир ул Чақардин....

Ҳазил ва аския услубида айтилган бу шеърда сўз Чақар деган жойдаги шоиру фозиллар суҳбати устида боради. Қизифи, Чақар номли маҳалла Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Андижонда ҳам учрайди. Бу ўринда Навоий Самарқанддаги Чақар маҳалласида ўтадиган маърифий суҳбатлардан

баҳс айтган бўлишлари мумкин. Нима бўлганда ҳам, ўзбек маҳаллалари азалдан илму ирфон маскани бўлиб келгани таърифга муҳтож эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн мингга яқин маҳаллалар мавжуд. Ўзимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳар биримизнинг ҳаётимиз маҳаллалар билан боғлиқ. Шахсан ўзим ҳам Тошкентнинг Юнусобод, Оқтепа маҳалласида туғилиб ўсганман. Болалигимда маҳалламиздаги оқсоқолларнинг чойхонада ўтириб, турли қизиқарли, ибратли воқеаларни ҳикоя қилиб беришларига, турли шеърхонлик, китобхонлик, билимдонлик баҳсларига гувоҳ бўлганман.

Бугун миллионлаб ҳамюртларимизнинг севимли дастурига айланган "Заковат" интеллектуал кўрсатуви маҳаллаларга ҳам кириб бормоқда. Кўрсатув илм-фан, заковат, ақлий мунозаралар асосига қурилганлигидан, бизнинг турмуш тарзимиз, миллий анъаналаримиз, маҳаллаларимиз билан ҳам бевосита боғлиқ.

Заковат клуби юртимизда 2001 йилда ташкил этилган бўлса-да, унинг энг порлоқ чўққиси бевосита ушбу клубимизга муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг юксак эътибори билан боғлиқ. 2021 йилнинг 12 октябрь куни Бухоро вилоятида ўтказилган Заковат турнирида муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович шахсан иштирок этиб, заковатчилар билан учрашдилар. Шунингдек, келажакда клуб фаолиятини кенгайтириш бўйича қимматли кўрсатмалар бердилар.

Муҳтарам Юртбошимиз билан кечган суҳбат ҳаётимда, шунингдек, Заковат тарихидаги энг ёрқин лаҳзаларга айланди. Ҳали бу борада қилишимиз керак бўлган ишлар кўплигини тушуниб етдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги "Заковат интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида ҳам клуб фаолиятини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбари билан учрашувда Заковат ўз фаолиятини кенгайтириши, ҳар бир мактаб, маҳаллаларга кириб бориши лозимлигини уқтирдилар.

Маълумки, ватан маҳаллалардан бошланади. Миллатнинг келажакдаги бўлган заковатли ёшлар, энг аввало, маҳаллаларда

шаклланади. Заковатнинг энг кўзга кўринган аъзолари ҳам қайсидир маҳаллада вояга етган, қайсидир маҳаллада истиқомат қилади. Шу боис, аввало, маҳаллаларда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Бу борада жойларда Заковат ўйинларини мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бизнинг клубимизга маҳалла етакчилари ёрдами жуда зарур, айниқса, уюлмаган ёшларни бирлаштиришда маҳалла етакчилари билан клуб биргаликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда дастлабки қадамларни қўйдик. Заковат нодавлат нотижорат ташкилоти ходимлари ҳафтанинг маълум кунини маҳаллаларда Заковат кунини белгилаб, маҳаллаларда координаторлар тайинланиб, уларга мантиқий, илмий, қизиқ саволлар етказиб беришни бошлаганлар.

Бугунга келиб мактабларда, олий ва ўрта махсус таълим масканларида Заковат ўйинларини ташкил этиш анча жадал йўлга қўйилган. Бироқ, маҳаллаларни қамраб олиш жуда суст бормоқда. Маҳалла етакчиларига етиб боришимиз қийин кечмоқда. Агар масалага икки томонлама одилона ёндошилса, мақсадга осон етишган бўлар эдик. Заковат фақатгина ўқувчи ва талабаларнинг эмас, етти ёшдан етмиш ёшгагача бўлган инсонларни жамлай оладиган оммабоп ўйин ҳисобланади ва буни маҳалла етакчилари билан биргаликда амалга ошира олишимизга ишонаман.

Июнь ойининг биринчи ярмида маҳаллалар ўртасида йирик совринлар билан Заковат биринчилигини ўтказишни режалаштираяпмиз. Шундай экан, ҳар бир маҳаллада турли ёшдаги Заковат жамоаларини шакллантириб борсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айтиб ўтганимдек, бу борада Заковат интеллектуал клуби аъзолари тегишли ҳудудий бошқарув идораларига, маҳаллаларга ўз ёрдамини беришга тайёр. Бизнинг мақсадимиз бутун Ўзбекистон бўйлаб илмли, заковатли инсонларни излаб топиш ва бирлаштиришдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги расмий веб-сайти www.yoshlar.gov.uz
 2. Ўзбекистон ёшлари портали www.yoshlarportali.uz
 3. “Беш ташаббус олимпиадаси” веб-сайти www.beshtashabbus.uz
 4. <https://lex.uz/uz/docs/5834314>
-



Фозилова Гулбаҳор Ҳасановна
*Республика маданият муассасалари
фаолиятини ташкил этиш илмий-методик
маркази бўлим бошлиғи*

МАҲАЛЛАЛАРДА ТЎГАРАК ВА ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугун юртимизда жамиятни ижтимоийлаштириш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Аҳолининг барча қатламлари ўртасида ўтказилаётган турли тадбирлар, масалан, ҳозир жуда кенг оммалашган “Маҳаллада дув-дув гап” лойиҳаси, қатор ёшлар форумлари, фестиваллар, танловлар, тадбирлар, шубҳасиз, ёшларимизнинг ижтимоийлашувига, жамоавийлик сифатларининг кучайтишига сабаб бўлмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада “маҳаллабай” тизимида ишлашга ўтиш, “Бир зиёли-бир маҳаллага маънавий ҳомий”, “Ҳар бир нуроний-беш нафар ёшга мураббий” каби тамойиллар, сўзсиз, ижтимоий давлатни барпо этиш, юксак маънавий маконни барпо этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Биз бугун Янги Ўзбекистонда янги маънавий маконни барпо этишга киришар эканмиз, шубҳасиз, фуқароларимизда ана шундай маконни яратишга бўлган маънавий эҳтиёжни шакллантиришимиз

муҳим. Бунинг учун, биринчидан, фуқароларимизнинг бугунги маънавий қиёфаси ҳолатини, даражасини ўрганишимиз лозим. Яъни бугунги аҳоли, айниқса, ёшларимизда ўз маънавий оламини юксалтиришга эҳтиёжи борми, бор бўлса (бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас), улар нимани ўқимоқчи, қайси кино, саҳна асарини томоша қилмоқчи, маданият, санъатнинг қандай жанрларида ўзини синаб кўрмоқчи? Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, биз бугунги фуқароларимизнинг маънавий портретини шакллантиришимиз керак.

Маънавий портретни шакллантиришда ҳамда ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шарт-шароитлар яратиш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Бу ўринда маҳаллаларда ижтимоий маданий фаолиятни шакллантириш орқали ёшларнинг руҳий ва маънавий оламини бойитиб, тизимли тарзда: болалигида миллий халқ ўйинларини ўргатиш ўйин-кулги даврини ҳам мазмунли ўтказишни таъминлаш ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.

Болалик давридан сўнг ўқиб-ўрганиш ва билим олиш жараёнида кўшимча тўғаракларга жалб қилган ҳолда уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу фикрларни амалга оширишда ижтимоий-маданий фаолиятнинг маҳаллалардаги ролини ошириш давр талабидир.

Бугунги кунда республикамызда 826 та маданият марказлари фаолият олиб бормоқда. Уларда мусиқа ва санъат тўғараклари ташкил этилиб уларнинг фаолияти тизимли йўлга қўйилмоқда. Бироқ ушбу маданият муассасаларидан узоқда жойлашган қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларни қамраб олиш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоийлашувини таъминлаш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Тўғарак сўзи айлана, доира шаклидаги, доиравий тўғарак стол ва тўғарак ойна тушунчасини англатади. Шунингдек, кишиларнинг биргаликда ишлаши, машғулотлар ўтказиши, машқ қилиши, билим-ҳунар олиши ва шу каби умумий мақсадлар билан тузилган гуруҳи ва шундай бирлашма (уюшма)нинг ўзи тўғарак деб аталади. Педагогик атамада эса тўғарак бирор соҳа ёки фан асосида олиб бориладиган

машғулот жараёни бўлиб, унда дарс ўтиш жараёни режалаштирилиб, тизимли равишда оддийдан мураккабга қараб ўтказилади.

Ўрта асрлардан бошлаб жойларда маданий-маърифий тўғараклар фаолияти икки йўналишда кенг ривожлана бошлади: маърузалар, ўқишлар, суҳбатлар ташкил этиш ва ҳаваскорлик спектаклларини сахналаштириш. Қоидага кўра, тўғараклар маҳаллаларда ёшлар томонидан маҳаллий ўқитувчилар раҳбарлигида ташкил этилган.

Бугунги кунда ҳам республикамизнинг баъзи ҳудудларида бу жараён ўқитувчиларнинг ўз хонадонларида ўқув курслари ташкил қилиш шаклида давом этмоқда. Маълум даражада уларга қатнайдиган ўқувчилар сони ҳам кам эмас. Бироқ уларнинг билим олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмаганлиги билан бир қаторда бази ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг келишилган тўлов бадалини тўлашга имкон топа олмаяптилар.

Юқоридаги асосларни инобатга олиб, ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароитга эга маҳаллада ташкил этилган тоза ва ёруғ хоналарда, ўқиш учун тўлов бадали ижтимоий келиб чиқишига қараб белгиланган ўқув-курсларга қатнаш ёшларимизнинг илмий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллаларда тўғаракларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда маданий ҳордиқ олишига имкон яратади.

2. Маданият ва санъат соҳаси бўйича билим ва кўникмаларига эга бўлади.

3. Мусиқа мактаби ва маданият марказлари мавжуд бўлмаган ёки узоқда жойлашганлиги боис қатнаш имкони йўқ, иқтидорли ҳаваскор ҳамда ногиронлиги бор ёшларни қамраб олиш имконини беради.

4. Миллий қадриятларимизга содиқликни, ватанга муҳаббатни ошириб, бўш вақтда юзага келадиган турли хил можаролардан холи ҳаётга эришилади.

5. Маънавий ва маданий дунёқараши шаклланади.

Ёшлар етакчиларининг маҳаллаларда маданий фаолият тарғиботини шакллантиришда бажариши лозим бўлган асосий вазифалари:

1. Маҳаллада тарғибот-ташвиқот кенгашини тузиб, унга тажрибали ўқитувчи, шифокор, маданият ва санъат ходими каби маҳалла фаолларини киритиш ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар режасини тузиш.

2. Ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактабларини битириб, иш билан банд бўлмаган ёшларни, маҳалла қошида тўғарақлар ташкил қилиш ва ёшлар ўртасида оммалаштириш бўйича кўмак бериш.

3. Маҳаллада ташкил этилаётган тўғарақлар фаолиятини кенг миқёсда жамоатчиликка тарғиб этиш мақсадида “Истеъдодим истиқболим”, “Китоб менинг дўстимсан”, “Жонажоним шеърият”, “Касбикорим ифтихорим”, “Мушоира” каби кўрик-танловлар маданият ва санъат намоёндалари билан учрашувлар, хунармандлар, рассомлар кўргазмаларини ташкил қилиш ва ғолиб бўлган иштирокчиларни туман, вилоят, республика миқёсидаги маҳаллараро ёш ҳаваскорлар тўғараги кўрик-танловларга иштироки таъминлаб келинмоқда.

4. Туман маданият бўлими билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

5. Ҳар ойда бажарилган ишлар юзасидан тайёрланган фото лавҳа, ёзма маълумотлардан иборат ҳисоботни Ёшлар ишлари агентлигига топшириш.

Ёшлар етакчисининг маҳаллада тўғарақ ташкил этишдан ташқари ўша ҳудудда маҳаллада яшовчи фуқаролар билан ҳамда тўғарақ аъзолари ҳамкорлигида тадбир ва фестиваллар ташкил қилади.

Маҳаллаларда вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларнинг иқтидорини шакллантириш орқали ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга ундаш мақсад қилиб қўйилган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун белгиланган вазифалар:

- Маҳалла ёшлар етакчилари мактаб ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда иқтидорли ёшларни қидириб топиш.

- Ёшларнинг иқтидорига қараб гуруҳларга ажратган ҳолда ҳар бирининг иқтидорига мос вазифалар топшириш.

- Мактаб, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида гуруҳларга ажратилган иқтидорларни алоҳида-алоҳида тарзда “Ёш мусаввирлар”, “Камолиддин Беҳзод издошдари”, “Санъат ғунчалари”, “Муסיқа, ашула, миллий эстрада, бахшичилик”ка қизиқувчи ёшлардан “Истеъдодим-иқболим”, “Бахши-элда яхши”, “Онажоним-шеърият”, “Айтишув” каби тадбирларни ташкил этиш ва сценарийлар ишлаб чиқиш.

Юқоридаги вазифаларни бажаришда асосий омилларни кўрсатиб ўтамиз:

- Туман, шаҳар миқёсида жойлашган маданият марказлари ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ўша ҳудуддаги иқтидорли ёшларни излаб топиш.

- Маданият маркази тўғарак раҳбарлари билан келишган ҳолда ёшларнинг иқтидорига қараб, гуруҳлар асосида тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

- Муддатни белгилаган ҳолда маҳаллада жойлашган мактаб билан ҳамкорликда тадбир ўтказиладиган жойни аниқлаш.

- Тадбир тўғрисида камида бир ой аввал мактаб, маҳалла фаоллари билан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, тадбир низомини эълон қилиш.

- Тадбир ўтказиладиган жой очиқ майдон ёки мактаб анжуманлар залида ўтказилиши мумкин.

- Ўтказиладиган тадбир умумхалқ байрамлари “8-март Халқаро хотин-қизлар байрами, 21-март Навруз, Ёшлар куни” санасига тўғри келиши ҳам мақсадга мувофиқ.

- Танлов ғолибларига тақдим этиладиган совринлар тўғрисида эълон қилиш мақсадида мактаб, маҳалла пештоқига афишалар чиқариш лозим.

- Тадбир ўша ҳудудда жойлашган маданият маркази билан ҳамкорликда сайл, тантана тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

- Тадбир жараёнида рассомлар, моҳир тикувчилар, китоблар савдоси каби бурчаклар ташкил қилиш тадбирни кўтаринки руҳда ўтишини таъминлайди.

Маҳалла ёшларини ижтимоийлашувига ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг

ўрни беқиёсдир. Маҳалла миқёсида болалар фольклор жамоаларини ташкил этиш орқали асосий мақсадга эришилади.

Ижодий жамоа узлуксиз тарзда ўз фаолиятини ҳудудда жойлашган мактаб, маданият маркази билан ҳамкорликда олиб боради.

Маҳаллада истиқомат қилаётган халқ ижодиёти намуналарига қизиқувчи “лапар, ялла, ўлан, тез айтиш, мақол, аския” ёшларнинг истеъдодини шаклланишига кўмаклашиш ҳамда миллий қадриятларга эътиборини ошириш, турли кўрик-танлов ва фестивалларда иштирок этиш орқали улар ижодини оммага тарғиб этиш ҳамда рағбатлантириш мақсади ҳисобланади.

Мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- Халқ оғзаки ижодиётига қизиқувчи болаларни маънавий оламини бойитиш қизиқишларини ошириш.

- Иқтидорли ёшларни танлаш ва уларни санъат оламига қадам қўйиши учун кенг имкониятлар яратиш.

- Туман ва вилоятда ўтказилаётган умумхалқ байрамлари арафасида ҳисобот концерт ўтказиш.

Ижодий жамоани ривожлантиришда жамоа раҳбари тинимсиз ижодий изланишлар билан биргаликда, ёш иштирокчиларни қизиқишига кўра халқ ижодининг турли жанрлари лапар, ўлан, аския, айтишув, тез айтиш, ким топди, ким олади, санамалар каби турли халқ ўйинларини саҳналантириш орқали ўз йўналишини топишда кўмаклашади ва шуғуллантириб боради. Ушбу жараёнда иштирокчиларни бир неча йўналишда халқ оғзаки ижоди намуналарини ижро қилишга ўргатади.

Уларни рағбатлантириш, ижодини тарғиб этиш учун Маданият ва санъат соҳасининг таниқли намоёндалари иштирокида мастер класслар ташкил қилади. Ижодий ишларни бадиий жамоа раҳбариятига тақдим этиш. Маҳалладаги ёшлар етакчисининг жамоани ташкил этишда бажариши лозим бўлган вазифаларга эътибор қаратиш муҳим.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан қатнашчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган халқ оғзаки ижодининг турли йўналишлари бўйича ўз фаолиятларини амалга оширади.

Жамоани ташкил этишда маданият марказлари ходимлари мактаб фаоллари билан ҳамкорликда халқ оғзаки ижодига қизиқувчи болаларни излаб топиб жамоа ижодий фаолиятини йўлга қўяди.

Ижодий жамоа ўз йўналишида келиб чиққан ҳолда оммавий-маданий тадбирларда ижро этиладиган репертуарларини шакллантиради.

Айтиш мумкинки жамоа ўз фаолиятини ижодий жамоа, ота-оналар, маданият марказлари, таълим муассасалари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан узвий алоқада фаолият кўрсатади.

Маҳалладаги ёшлар етакчисининг ёшларни ижтимоийлашувига юқоридаги тўғараклардан ташқари маҳаллада ёшлар ва болалар ҳаваскор театр жамоаларини ташкил этиш ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Ёшлар етакчиси жамоани ташкил қилишда қуйидаги босқичларни амалга ошириши лозим:

1. Маҳаллада ёшлар ва болалар театр жамоасини ташкил этиш учун ўз фаолиятини ҳудудда жойлашган мактаб, маданият маркази билан ҳамкорликда олиб боради.

2. Маҳаллада халқ ижодиёти намуналари: матал, масал, латифа, лоф, ривоят, ҳикоят, тез айтиш каби жанрларга қизиқувчи ёшларни жамлаган ҳолда ёшлар ва болалар ҳаваскор театр жамоасини ташкил қилади.

3. Жамоанинг ижодий фаолиятини ривожлантириш учун тизимли тарзда тренинг машқлар орқали унга қатновчи ёшларнинг сўз бойлиги, тасавури, эшитиш қобилияти, дунёқараши ҳамда воқеаларни овозсиз ҳатти-ҳаракатлар билан ифодалаш маҳоратини шакллантириб боради.

4. Маҳорати шаклланган ёшларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган воқеалар асосида сахна кўринишларини тайёрлаб бориш, ҳар ойда бир маротаба ҳисобот концерт ташкил қилади.

5. Туман ва вилоятда ўтказилаётган умумхалқ байрамлар ва фестивалларда иштирокини таъминлайди. ҳисобот концерт ўтказиш.

6. Ёшлар етакчиси маҳаллаларда фестивал ўтказиш тартиби тўғрисида билим ва малакага эга бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида бажариладиган маданий-марифий ишлардан ташқари ташкил этилган тўғарак раҳбарлари учун ўқув қўлланма, дастур, услубий қўлланмалар машғулот жараёнини тизимли йўлга қўйишда муҳим восита бўлганлиги учун уларни ишлаб чиқишни тақазо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.

3. Бекмуродов М. Ижтимоий-маданий фаолият эволюцияси. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг долзарб муаммолари. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2011. – 5-7 б.

4. Маврулов А. Ижтимоий давлат ва янги маънавий макон. Янги Ўзбекистон газетаси 263-сон. 2021.



Мирзаев Зоир Тоирович
Тошкент вилояти ҳокими

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИЖТИМОЙ – МАЪНАВИЙ ЯҚДИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Бугун Янги Ўзбекистон “Инсон қадрини устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негизда барпо этилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев белгилаб берган бу улғувор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислохотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда. Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари бошчилигида Янги Ўзбекистоннинг буюк келажалигини барпо этишда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ғайратли, шижоати баланд ёшлармизни бирлаштириш йўлида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Туб янгиланишлар жараёнини бошидан кечираётган мамлакатимизда ана шундай маънавий, ижтимоий воқелик қадриятга айланганини ва Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда дунёга ибрат бўладиган тажриба тўплаганини халқаро ҳамжамият кўриб, кузатиб турибди.

Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканини мамлакат раҳбари ва ҳукумат яхши англайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 19-январдаги ПҚ-92-сонли Қарори ёшлар сиёсатини амалга оширишда янги босқични бошлаб берди.

Президентимиз бу галги қарорида ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш масалалари энг муҳим устувор вазифа этиб белгиланди. Бевосита юқоридаги қарор билан маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг яхлит вертикал “маҳалла – туман – вилоят – республика” бошқарув тизими яратилди. “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилинди.

Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирлари амалга оширилди. Бу ўз навбатида барчамизни маҳаллардаги ёшлар етакчилари фаолиятига янгича талаб нуқтаи назаридан ёндашишга ундайди. Бу борада ёшлар билан ишлашда янги, замонавий технологиялардан кенгроқ фойдаланиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини амалга

оширишга қаратилган тадбирлар кўламини кенгайтириш талаб этилади.

Шунингдек, ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол ёшларнинг ташаббускорлигини оширишга қаратилган янгидан-янги лойиҳаларни самарали татбиқ этиш зарур.

Мақсад – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, мамлакатимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторига чиқиши учун интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшларни тарбиялашдан иборат деб ҳисоблайман. Вилоятимизда мазкур қарор ижроси юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишларни вилоят, туман, шаҳарлардаги штаблар томонидан доимий мувофиқлаштириб борилмоқда. Вилоятимиздаги 1 020 та маҳаллаларда ёшлар етакчилари танлаб олинди. Шу мақсадда барча шаҳар ва туманларда ҳар ҳафтанинг бир куни “Ёшлар масалаларини ечиш куни” ҳамда ҳар 15 кунда бир кун “Ёшлар билан ишлаш куни” этиб белгилади. Жорий йилда сектор раҳбарлари томонидан 99 197 нафар ёшлар иштирокида 3135 маротаба учрашувлар ўтказилиб, 18 465 та мурожаат ва таклифлар қабул қилинди. Шундан, 17 244 таси жойида ҳал этилиб, муддат талаб этиладиган 1221 таси йўл хариталарига киритилиб ижроси таъминланди.

Бу борадаги ишларни амалга ошириш мақсадида вилоятда ва ҳудудларда “Ёшлар штаби” фаолияти йўлга қўйилди. Ёшлар томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар ҳамда ёшлар муаммолари асосида ҳудудлар кесимида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича ёшлар дастурлари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Ёшлар етакчиларига муносиб иш шароитини яратиб бериш мақсадида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зарурий мебель жиҳозлари, компьютер техникаси, планшетлар ажратилиб, ёшлар етакчисининг хизматхонаси замон талаблари асосида жиҳозланди. Маҳалла ёшлар етакчиларининг сайи-ҳаракатлари натижасида бугунги кунга қадар қарийб 546 минг нафардан ортиқ ёшлар тўғрисидаги

маълумотлар “Ёшлар баланси” электрон платформаси киритилди. Шунингдек, ёшлар етакчиларининг тавсияси асосида бугунги кунга қадар “Ёшлар дафтари”га 11 минг 775 нафар ёш киритилиб, 1 459 нафар ёшлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали дафтардан чиқарилди.

Жумладан, 718 нафарига ижара шартнома асосида ер ажратиш орқали, 331 нафари контракт тўловини тўлаб бериш орқали, 68 нафари субсидия ажратиш орқали, Сафарбарлик чақируви резерви маблағини тўлаб бериш орқали, 31 нафари моддий-қўллаб-қувватлаш орқали, 227 нафари бошқа йўналишларда қўллаб-қувватланди.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг энг муҳим устивор йўналишларидан бири бўлган ёшлар бандлигини таъминлаш йўналишида жорий йилнинг 1-чораги давомида 2 497 нафар ёшларнинг доимий бандлиги таъминланди.

107 нафар ёшлар касб-хунарга ўқитилди. Имтиёзли кредит ажратиш орқали 557 нафар ёшларга 15 902 млн.сўм маблағ ажратилди. 2021 нафар ёшларга 527,9 гектар ер ажратилиб, доимий бандлиги таъминланди.

Шу билан бир қаторда ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш йўналишида жорий йилнинг 1-чораги давомида 1028 та тадбирлар ташкил этилиб, уларга 34 755 нафар ёшлар қамраб олинди. Хусусан, Ёшларни мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш учун қулай шароитлар яратиш ўтган давр мобайнида “Беш ташаббус маҳаллаларда” тарғибот лойиҳаси доирасида 1 458 та маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларга 160 488 нафар ёшлар қамраб олинди.

Жумладан, “Бешта муҳим ташаббус” олимпиадаси доирасида ўтказилган “Ёшлар овози” танловида вилоятдаги 1020 та маҳаллада 5 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Охирги ўн кун давомида 354 та таълим муассасаларида мусиқа, рассомчилик, адабиёт йўналишида тўгараклар ташкил этилиб, 5513 нафар ёшлар жалб этилди. Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш бўйича Вилоятнинг барча маҳаллаларида ҳамда спорт объектларида ёшлар

ўртасида жами 4563 та спорт мусобақалари ва тадбирлари ташкил этилди. Тадбирларда 173 150 нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди.

Хусусан, вилоятнинг барча маҳаллаларида ёшлар ўртасида “Соғлом ҳаёт учун 5 000 қадам”, эрталабки бадантарбия машғулоти, юриш, югуриш, мини футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол ва шу каби бошқа спорт турлар бўйича 3 785 та спорт мусобақалар ва тадбирлари ташкил этилди. Тадбирларда 123 мингдан ортиқ аҳоли иштирок этди. Ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича мақсадида вилоятда 8 та ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Оҳангарон шаҳрида “Ёшлар технопарки”, Юқори чирчиқ тумани “Asturm” академияси фаолияти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ёшларни замонавий интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилган рақамли технологиялар ўқув марказини фаолиятини жадаллаштириш бўйича Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида “Рақамли технологиялар ўқув марказлари” ташкил этилиб, уларга 1750 нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Умумтаълим мактабларида ИТ соҳасида ташкил этилган тўғарақларга 7 463 нафар ёшлар жалб этилди. Ёшларни маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича 4 181 мартаба тадбирлар ташкил этилиб, тадбирларда 33 933 нафар ёшларнинг иштироқи таъминланди.

Тошкент вилоятида ёшларнинг бандлигини таъминлаш даражасини етарлича ошириш, уларни замонавий илм-технологияларни эгаллашга ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш, маънавий-маърифий тадбирларга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган тизимли тадбирлар тасдиқланган режалар асосида давом эттирилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш зарурки, бугун ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук ва комил шахслар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, қулай, илғор ва инновацион шарт-шароитларни яратиш бериш учун бор куч-имкониятлари ишга

солинмоқда. Мақсад – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, мамлакатимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторига чиқиши учун интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшларни тарбиялашдан иборат деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда жамиятнинг энг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёш авлодга эртанги тараққиётни таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси, деб қаралмоқда. Натижада, юксак билимли, ғайрат-шижоатли, замонавий фикрлайдиган, мустақил, қатъий позицияга эга ёшлар ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунининг 1-боби, 5-моддаси

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли Фармони.

3. 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарор.



Абдуназаров Собир Ибрагимович
Ўзбекистон Миллий университети
тадқиқотчиси

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ- МАФКУРАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ

Ҳозирги даврда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини изчил амалга ошириш, уни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали йўллари ва усуллари излаб топиш, бу жараёнда фаол иштирок этадиган ёш авлодни тарбиялашга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг сайловолди дастурида “Биз янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли ва ташаббускор, илғор бошқарув усуллари пухта ўзлаштирган ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устида жиддий ишлаймиз”, деган фикри ана шу жараённинг мазмун-моҳиятини яққол ифодалайди.

Маълумки ёшлар ижтимоий гуруҳ сифатида жамият ва давлат ривожига муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги йигит-қизлар – мамлакатимиз келажагини бугундан белгилаётган, юртимиз тараққиёти йўлида янги ғоялар, куч ва имкониятларни ишга солишга

қодир улкан кучдир. Шу туфайли, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интилиш ва қобилиятларни рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиш – давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатида диалектик алоқадорлик маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарори асосида Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада (кейинги ўринларда – маҳалла) ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Қуйидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг (кейинги ўринларда – Етакчи) асосий вазифалари этиб белгиланди:

– “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

– маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

– ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Етакчилар ўзига бириктирилган маҳаллаларда маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятини амалга оширишни йўлга қўйди.

Ҳар бир маҳаллада намунали тадбирлар ташкил этилиб, “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳаллаларда ҳар куни тадбир ва лойиҳалар, танлов ва мусобақалар ўтказилмоқда. Ушбу тизим асосида 9 348 та маҳаллада ҳар куни ўртача 300 минг нафар ёшлар иштирокида 8,5 мингга яқин тадбирлар ўтказилмоқда. Биргина, “Заковат” интеллектуал ўйини бўйича таълим муассасаларида 11 мингга яқин координаторлар, маҳаллаларда 55 мингдан ортиқ жамоалар шаклланиб, 350 минг нафар ёшларни ўз атрофига бирлаштирган Интеллектуал ёшлар ҳаракатига айланмоқда. Хусусан, Сирдарё туманининг Ҳикматли ҳамда Ўрта Чирчиқ туманининг Ким Пен Хва маҳаллаларидан жами 39 та жамоаларнинг 234 нафар ёшлари Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да Заковат ўйини координаторлигига ўқитилиб, ўз ҳудудида камида 30 нафардан ёшларни заковат интеллектуал ўйинларига жалб этиш ташаббуси билан чиқди. Шунингдек, мактабларнинг спорт ва фаоллар зали ҳамда компьютер ва кутубхоналарида ҳар куни соат 16:00 дан 23:00 гача тўғарак ва машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилиб, ҳар куни ўртача 300 мингга яқин ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, янги механизм асосида “Бир нуруний ўн ёшга” тамойили остида 100 мингдан зиёд тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ва ишсиз ёшлар фахрий нурунийларга бириктирилиб, улар

томонидан 750 мартаба “Нуроний ва ёшлар”, “Икки авлод учрашуви” тадбирлари ўтказилди.

Етакчи томонидан мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши ёшлар маънавий-мафкуравий салоҳиятини юксалтиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, биз яшаётган XXI асрда эса у ҳақиқатан ҳам ё ҳаёт, ё мамот масаласига айланиб бормоқда. Тарбия мукамал бўлиши учун эса мазкур соҳада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга масала бўлиб келган. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати қандай амалга ошириляпти, бу соҳада қандай муаммолар бор, уларни қандай ҳал қилишимиз керак, деган саволлар доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Шу сабабдан ҳам маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш ва айниқса, ёшларнинг маънавий-мафкуравий салоҳиятини юксалтиришдаги муаммолар етакчилар фаолиятини янада такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Ушбу кенг қўламли вазифани ҳал қилиш, биринчи навбатда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этадиган янги авлодни тарбиялаш зарурлиги Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг моҳиятини ёшларимиз томонидан чуқур англанишига имкон яратади, бу йўлдаги омилкор фаолиятга тайёрлик ҳиссини тарбиялайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2015. 235-бет.

2. Тешабоева Г. Ёшлар ташкилотлари янги босқичда: Ҳолати, муаммолари, истиқболлари // Фуқаролик жамияти. -2019, №16/3(59). - Б.43-46.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарори
<https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

4. “Ёшлар овози” газетасининг 2022 йил 22 мартдаги 12-сони.

5. <https://xs.uz/uzkr/post/yoshlarning-bosh-vaqti-yoshlar-etakchi-sining-ish-vaqti>.

6. <https://yuz.uz/news/yoshlarning-bosh-vaqti--dushmanning-ish-vaqti>.

7. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/25/old-peoples/>.



*Исломов Алишер Мансурович
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг Маънавий
ахлоқий тарбия бошқармаси
бош мутахассиси*

БЕШ ТАШАББУС: ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБА-ЁШЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ФОРМУЛАСИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ёшлар таълим-тарбиясига оид беш ижобий ташаббусни барчамиз ўзига хос мамнуният ва хайрихоҳлик билан қарши олдик.

Таъбир жоиз бўлса, бир овоздан қўллаб-қувватладик, берилган вазифаларни бажаришга киришдик.

Муҳтарам юрт бошимизнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китоби моҳият эътиборига кўра ватанимизда Учинчи ренессанс пойдеворини барпо этиш, халқ манфаатларини ҳимоялаш, тинчлигини асраш, одамларни ижтимоий яқдиллиги, ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларни фаол, билимдон ва янада ҳаракатчан қилиш орқали бой, фаровон ва бахтли миллатга айлантириш мақсадининг ёрқин ифодасидир.

Бугун тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётган Ўзбекистоннинг имижини жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида кундан-кунга ёрқинлашмоқда.

Барча соҳада туб бурилишлар юз бераётган ана шундай бир даврда ислохотлар шиддатига мос янги авлодни, янги шахсни тарбиялаш Президентимиз томонидан энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борадаги эзгу интилишларнинг устувор йўналишлари эса беш ташаббус тимсолида аниқ белгилаб берилди.

Бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоқ ёзаётган ташаббусларни амалга оширишда, шунчаки, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишгина кўзда тутилмаган. Бунинг замирида жуда катта эзгу ғоя, ҳикмат, илмий тафаккур маҳсули бўлган улуғ мақсад-муддаолар бор.

Талаба-ёшларимизни мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатга ошно қилишга қаратилган биринчи ташаббус юксак дид, юксак фаросат соҳибларини тарбиялашга қаратилган интилишларни ўзида мужассам этган.

Биргина мусиқанинг ўзи инсон руҳиятига беқиёс ижобий таъсир этувчи қудратли кучдир. Санъат, шубҳасиз, инсонни, борлиқни англашга, унинг бор жозибadorлигини ҳис этишга ўргатади, эзгуликка чорлайди.

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спортга ошно қилиш – ҳар томонлама соғлом авлодни камолга етказиш демакдир. Чунки фақат қадди-басти тик, жисмонан бақувват ва соғлом, руҳан тетик, ақлан расо ўғил-қизларгина комилликка даъвогар бўлади.

Ёшларнинг компьютер ва интернетдан самарали фойдаланишига шароит яратишга қаратилган учинчи ташаббус эртанинг эгаларининг ҳозирги ахборот технологиялари асрида замон билан ҳамнафас яшашига имкон яратади.

Бугун компьютер – қоғоз-қалам, калькулятор, телевизор, газета даражасидаги янги восита, ўқув қуроли. замонавий билим манбаи. Интернет – бутун бошли халқаро кутубхона, чексиз имкониятлар дунёси. Жаҳонга юз тутаётган Ўзбекистон фарзандлари

тенгдошларидан ортда қолмасин, десак, улар шу воситаларни қўллаш кўникмасини эгаллаши шарт.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш тўртинчи ташаббуснинг асосини ташкил этади. Зеро, юксак дид, юксак фаросатга эга, жисмонан соғлом, замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллаган ёшларимиз, албатта, илмли, маърифатли бўлиши керак. Билим, тафаккурни шакллантириш манбаи эса – китоб. Усиз камолотга, маърифатга, маънавиятга эришиб бўлмайди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган бешинчи ташаббуснинг аҳамияти ҳам чексиз. Унинг моҳиятида жамиятда хотин-қизлар ўз ўрнига, мавқеига эга бўлсин, деган эзгу мақсадлар мужассам. Бу гендер тенглиги, муносиб меҳнат тарбияси, аёлларимизни меҳнатга ошно қилиш учун бирламчи шароит бўлган янги иш жойи дегани. Лекин ҳаётимиз гули, хонадонларимиз чароғони бўлган аёлларимизнинг мавқеини қандай кўтаришимиз мумкин? Хотин-қизларимиз ўз ҳақ-хуқуқини таниши, ҳимоя қилиши, фаровон яшаши, тўқис ҳаёт кечириши, мустақил қарор қабул қилиши, моддий ва маънавий қарамликдан халос бўлиши учун, аввало, ўз ишига, касб-корига, даромадига эга бўлиши керак. Агар аёл оила фаровонлигига турмуш ўртоғи сингари ҳисса қўшса, демак, ўз ўрни ва сўзига эга бўлади, шу оиладан тўқин-сочинлик, фаровонлик, қут-барака аримайди.

Аслида, хотин-қизларимизни иш билан таъминлаш жиддий муаммо. Чунки яратилаётган иш ўринларининг аксарияти эркаклар учун мўлжалланган. Қолаверса, иш берувчилар ҳам рўзғор ташвишларидан холироқ кучли жинс вакилларини ишга олишга интилади. Ана шу ўткир ижтимоий муаммони бартараф этиш учун бешинчи ташаббус сифатида аёллар бандлигини таъминлашдек хайрли ишга қўл урилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, беш ташаббус – нозик дид, кенг тафаккур ва дунёқарашга эга, жисмонан ва руҳан соғлом фарзандларимизнинг ўз келажагини ишонч билан қуришлари ҳамда Ватан равнақига ҳисса қўша оладиган етук инсон бўлиб етишишларига мустаҳкам заминдир. Беш ташаббус – маданият, маърифат, маънавият ва спорт, компьютер

ва ахборот технологиялари ва янги иш ўринларини ўзида бирлаштирган ягона инновацион ҳудуд, макон, муҳит демакдир.

Беш ташаббус - шахс камолоти учун зарур бўлган беш муҳим омилни, хусусият, хислат, фазилатни шакллантириш учун ягона маконда барча зарур шарт-шароитларни яратиш демакдир. Беш ташаббус – “Юртимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт!”, дея қатъий аҳд қилган, зеҳни ўткир, маданиятли, виждонли, ватанпарвар, жисмонан чиниққан, креатив фикрлайдиган, дунёдаги илғор тенгдошлари билан рақобатлаша оладиган ёшларни тарбиялаш демакдир.

Беш ташаббус – янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги авлодини шакллантиришнинг энг мақбул парадигмаси – концепциясидир. Агар ушбу ташаббусларнинг барчаси бир жойда, яъни маҳаллада мужассамлашса, билингки, шу маҳалла фарзандлари бахтиёр вояга етади. Ўз ишига, даромадига, оилавий фаровонликка эришган шу ҳудуд хотин-қизларидан бахтли аёллар бўлмайди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоянинг асл қадр-қиммати ва моҳияти ҳам шунда.

Яна бир муҳим жиҳат: Президентимиз шу ягона муҳит, макон, шарт-шароитларни айнан маҳаллада яратиш кераклигини уқтирдилар. Чунки, Ўзбекистон маҳаллалардан ташкил топган. Барчамиз маҳаллада яшаймиз. Ёшларимиз маҳаллада вояга етади, униб ўсади.

Шу боис беш ташаббусни амалга ошириш жараёнида маҳалла аҳолисининг яшаш шароити, мавжуд инфратузилма, йўллар, ичимлик суви, газ билан таъминланганлиги, электр тармоғи, кўчаларнинг ёритиш тизими ўрганилмоқда. Оилавий томорқалар, ишсизлик, одамларнинг яшаш шароити, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит таҳлил этилмоқда, муаммоларни бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилаётир.

Маҳаллаларда маданият марказлари, замонавий кутубхоналар, китоб ўқиш учун сокин жойлар, замонавий тўғараклар, компьютер ва тезкор интернет, Wi-Fi ҳудудлари, коворкинг хоналари, рақамли технологиялар ўқув марказлари, амфитеатрлар, универсал спорт майдонлари бунёд этилмоқда. Бу объектлар зарур ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар, мусиқа ва чолғу асбоблари, спорт жиҳозлари, оптик

толали алоқа линиялари билан таъминланмоқда. Хотин-қизларимиз учун муқим, муносиб иш ўринлари яратилляпти.

Албатта, буларнинг ҳаммаси бирданига бўлмайди, асосийси, эзгу ташаббус билан хайрли ишлар бошланди, улар босқичма-босқич амалга оширилади. Аслида, биргина ушбу лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Бўка туманида ўтказилган апробация, кенг қўламли амалиётлар беш ташаббуснинг илк қиёфаси, шаклу шамойили, эзгу ғоянинг асл моҳиятини яққол намоён этиб берди.

Зеро, инсон умр бўйи камолга интилади. Ақлий, руҳий, жисмоний етукликка. Давлатимиз раҳбари барчамизга ана шу камолотга эришишнинг энг оддий, энг содда, энг тўғри, моҳиятан ўта мукаммал шаклини — шахс камолотининг ҳаётий формуласини тақдим этди. Бу эзгу ғояни амалга ошириш учун эса, энг аввало, ана шу ҳақиқатни чуқур англашимиз лозим. Шунда беш ташаббус бутун Ўзбекистон узра қанот ёзади, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг жорий қилинади. Бу борадаги эзгу ишларнинг келажакдаги меваси, маҳсули эса ундан баҳра олган янги Ўзбекистоннинг янги авлоди эришган юксак марраларда намоён бўлишига шубҳа йўқ.

Бунинг учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Профессор-ўқитувчилар нафақат ўзларининг мутахассисликлари бўйича фанларни, замонавий технологияларни, шу билан бирга Ўзбекистонда амалга ошириляётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, Ўзбекистон Президент нутқлари, давлат сиёсати ва йил номи билан боғлиқ давлат дастурини мукаммал билиши керак.

2. Раҳбарларни талаба-ёшлар билан келгусидаги стратегик ислохотлар бўйича учрашув, мулоқот, суҳбатларда эркин диалогни ташкил этиш, келажакка ёшларни инонтириш, Янги Ўзбекистонни келажакига ишонтириш тўғрисида кўпроқ суҳбатларни ташкил этиш.

3. Талаба-ёшларни одамларнинг турмуш тарзи ва муаммолари билан қизиққанда ва ўзини улар билан бирга эканлигини ҳис қилгандагина келгусида ҳақиқий лидер бўлиб халқ севадиган ҳурмат қилади, унинг айтганини бажаради.

4. Китоб ўқиш ва китобхонлик ҳақида кўпроқ суҳбатлашишдан кўра аниқ мисоллар билан ўқиган китоб тўғрисида ёшларга гапириб бериб, қизиқ жойларини ўқисангиз, билиб оласиз деб, китобхон бўлишга йўналтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони.

2. Мирзиёев Ш. М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2019 йил, 31 декабр. 1059-сон.

4. Сатторий Ҳаким. Тарбия – комиллик йўли. –Тошкент: MUMTOZ SO‘Z. 2020, - Б. 33.



*Маликов Шукур Алимкул ўғли
Жиззах вилояти Дўстлик тумани “Алишер
Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини
ёшлар етакчиси*

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИЧА БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Бугунги кунда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими жойларда қай тарзда йўлга қўйилганлиги, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар қандай йўсинда ташкил этилганлигини ўрганиш ва ушбу янгича тизимни янада такомиллаштириш асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари белгиланган.

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани “А.Навоий” маҳалласида ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида уйма-уй юриб анкета сўровнома орқали “Ёшлар баланси” шакллантирилди. Жами аҳоли сони 4 147 нафар, Ёшлар сони(0-30 ёш) 1908 нафар бўлиб, шундан қизлар 1 183 нафарни, шулардан 0-2 ёш 227 нафар, 3-6 ёш 366 нафар, 7-17 ёш 680 нафар, 18-30 ёш 635 нафарни ташкил этади.

Бандлик ҳолати бўйича сўз кетганда давлат секторидида расмий бандлар 125 нафар, хусусий секторда расмий бандлар 85 нафар, Муддатли ҳарбий хизматга кетганлар 5 нафар, ЖИЭМдаги ёшлар 0 нафар, Миграцияга кетганлар 15 нафар бўлиб, Таълимда расмий бандлар сони 78 нафар, бошқа расмий тармоқларда бандлар (тадбиркор, фермер, хунарманд ва хк) 65 нафар, ишлаш истаги йўқлар (уй бекаси ва яшаш шароити яхши) 183 нафар, шундан (уй бекаси 97 нафар, таълимни кейинги босқичига тайёрланаётганлар 21 нафар, бола тарбиясидагилар 65 нафар, ўзига тўқ оила фарзанди 0 нафар), ишсиз ёшлар 69 нафар, меҳнатга лаёқатсизлар 10 нафарни ташкил этади.

Таълим маълумоти бўйича эса мактабгача таълимга қамраб олинган ёшлар сони 129 нафар, шундан (ДМТТ да 37 нафар, НМТТ (уй боғча) 92 нафар), умумий ўрта таълимда 680 нафар, профессионал таълимда 34 нафар, олий таълимда 78 нафар ва олий таълимдан кейинги таълимда 0 нафарни ташкил этади. Оилавий ҳолати бўйича ўрганиб чиқилганда турмуш қурмаган 271 нафар, (аёллар 139 нафар), турмуш қурган 361 нафар, (ажрим ёқасидагилар 0 нафар), ажрашган 3 нафар, (аёллар 3 нафар) бева 0 нафарни ташкил этади.

Ижтимоий ҳолати бўйича: кам таъминланган оила фарзанди (ЯХИР) 15 нафар, темир дафтардаги оила фарзандлари 0 нафар, миграциядан қайтган ёшлар 10 нафар, муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар 2 нафар, уй-жойга эҳтиёжи бор ёшлар (кўп оилали) 5 нафар, бошпанасиз ёшлар 0 нафар, нафақа олувчи ёшлар 12 нафар, ногиронлиги бор ёшлар 11 нафар, шундан, турлари бўйича (1-гурух 1 нафар, 2-гурух 10 нафар, 3-гурух 0 нафар), тоифалари бўйича (Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлганлар 3 нафар, таянч ҳаракати аъзолари шикастланган ёшлар 1 нафар, уйда ёлғиз таълим олувчи ногиронлиги бўлган ёшлар 5 нафар, бошқа турдаги ногиронлиги бўлганлар 2 нафар), алоҳида назоратда турувчи ёшлар йўқ, ижтимоий фаол ёшлар 56 нафар, ижтимоий кўмак кўрсатилганлар 2 нафар, эришган ютуқлари бўйича 15 нафар, иқтидори бўйича (спорт, санъат ва илм-фан иқтидорлари) 15 нафар.

Умуман олганда, ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши бир қатор муаммоларга ечим топишга хизмат қилади. Бу биринчи навбатда маҳаллаларда ёшларнинг балансини тўғри шакллантириш, муаммоли ва оғир ижтимоий шароитдаги ёшлар билан манзилли ишлаш имкониятини яратади. Бундан ташқари, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, интеллектуал жиҳатдан камол топиши, маънавий ривожланишини такомиллаштириш борасида кўплаб ташаббусларни амалга ошириш, тадбирларни ташкил этиш тизими шаклланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли амалга ошириш, ёшларнинг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саломатлик ҳолати бўйича: Касаликка чалинмаган соғлом ёшлар 1897 нафар, доимий рўйхатда турувчи ёшлар 11 нафар шундан (сурункали касалликга чалинган ёшлар 9 нафар, ўткир юрак етишмовчилиги касаллигига чалинган ёшлар 1 нафар).

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани “А.Навоий” маҳалласида ёшларга оид инфраструктура: таълим муассасалари объектлари 5 та, хусусий мактабгача таълим ташкилоти (ХМТТ)лари сони 4 та, мактаблар сони 1 та шундан, мактабдаги кутубхоналар 1 та ёпиқ спорт зали 1 та, болалар майдончаси сони 1 та, спорт майдончалари сони 1 та, шундан: мини-футбол майдончаси 1 та, стол тенниси майдончаси 1 та, машина ювиш шахобчалари сони 1 та, гўзаллик салонлари ва сартарошхоналар сони 2 та, умумий овқатланиш шохобчалари сони 1 та, “Street Work-Out” майдончалари сони 1 тани ташкил қилади.

Хатлов жараёнида маҳалладаги 18-30 ёш 635 нафар, шундан қизлар 393 нафар аниқланиб улар ичидан 15 нафарини, “Ёшлар дафтари”га тавсия қилдим. Бугунги кун ҳолатига 2 нафар ёш “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 2 нафарига амалий ёрдам кўрсатилиб “Ёшлар дафтари”дан чиқарилди. Шунингдек бугунги кун ҳолатига 2 нафари домимий иш жойига, 11 нафарига имтиёзли кредит олишга, 5 нафар тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш, 1 нафарига асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари олишда субсидия ажратишга, 59 нафарига деҳқон

хўжалиги юритиш учун 0.50 га ер майдонлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш мақсадида “Ёшлар дастури” асосида кунлик, ҳафталик, ойлик ва чораклик режалар тузиб олинди. “Ёшларнинг бўш вақти – Етакчининг иш вақти” тамойили асосида маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, маънавият ва китобхонлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларни маҳалладаги ёшларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда режа график асосида ташкил этиб келинмоқда. Шу жумладан, қисқа вақт мобайнида маҳаллада ёшлар иштиёқидан келиб чиқиб беш ташаббус доирасида 29 та тадбир ташкил этилди ва 5 267 нафар ёшлар қамраб олинди.

Жорий йилнинг 4 феврал куни “А. Навоий” МФЙ ҳудудида жойлашган 20-умумтаълим мактабида маҳалладаги ёшларни вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш” шиори остида уюшмаган ёшлар ўртасида “ЗАКОВАТ” интеллектуал ўйини ўтказилди. Ушбу ўйинда 18-30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишди.

Дўстлик тумани “А. Навоий” маҳалла ёшлар етакчиси Ш. Маликов бошчилигида маҳалла ҳудудидаги, 20-умумтаълим мактабининг сунъий қопламали стадионида маҳалланинг уюшмаган ёшларини бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спортнинг “Мини футбол” туридан кунлик машғулотлар олиб борилмоқда.

Дўстлик туман “А.Навоий” маҳалласи раиси З. Исроилова, маҳалла ёшлар етакчиси Ш. Маликов, Дўстлик туман Ахборот кутубхона маркази раҳбари Б. Каримовлар томонидан “Кўчма кутубхона хизматини кўрсатиш юзасидан ҳамкорлик” шартномасига асосан маҳаллада аҳоли ҳамда ёшларни китобхонликка қизиқтириш ва бўш вақтини китоб ўқиш орқали банд қилиш мақсадида 28 хил номдаги

китоблар маҳаллада ташкил этилган кутубхонага топширилди ва ҳозирги вақтда маҳалланинг уюшмаган ёшлари томонидан мутолаа қилинмоқда.

Дўстлик туманида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида Мудофаа вазири кубоги учун “Ватанпарварлар” ҳарбий спорт мусобақаларининг туман босқичи саралаш баҳсларида маҳалла ҳудудида жойлашган 20-умумтаълим мактаби ўқувчиларидан иборат иштирокчилар белгиланган шартлар бўйича ўзаро беллашишди.

Халқ таълими вазирлиги ва Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловнинг туман босқичини ўтказиш жорий йилнинг 4 март куни маҳалла ҳудудида жойлашган 20-умумтаълим мактаби биносида бўлиб ўтди. Дўстлик тумани халқ таълими бўлимига қаршли умумтаълим мактабларидан 79 нафар ўқувчи иштирок этди.

“А. Навоий” МФЙ ёшлар етакчиси Ш. Маликов томонидан 2022 йил 4 март куни ҳудудда жойлашган “Сурайё она” ва “Шербек-Нурбек” нодавлат мактабгача таълим ташкилотида бўлиб, ташкилотда тарбияланувчи болажонларга яратиб берилган шароит ва болаларни боғчага қамраб олишда қилиниши керак бўлган ишлар юзасидан суҳбат ўтказилди.

Дўстлик тумани, А. Навоий маҳалласидаги ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш мақсадида 59 нафар ёшларга 50 сотихдан ер майдони ажратиб берилди.

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани “А. Навоий” маҳалласи ҳудудидаги 20-умумтаълим мактабида “Биз гиёҳвандликка қаршимиз!” мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбирда туман ИИБ, Ёшлари ишлари агентлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларнинг тарқалишига қарши курашиш ойлиги” муносабати ўтказилган тадбир асосан ўқувчи ёшлар ўртасида зарарли одатлар, хусусан, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ОИТС га қарши курашиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланди.

Унда сўзга чиққанлар гиёҳвандликнинг инсон ҳаётига салбий таъсирини аниқ мисоллар орқали айтиб ўтишди.

2022 йил 15 март куни “А.Навоий” маҳалласида Дўстлик туман ҳокими 1-сектор раҳбари Ш.Дарвишев томонидан маҳалладаги уюшмаган ёшлар ва аҳоли билан сайёр қабул ўтказилди. Унда аҳоли ва ёшлар томонидан ўзларини қийнаётган масалалар ўртага ташланди.

Дўстлик туманида 21 март “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилган сайилда Спортнинг “Тош кўтариш”, “Арқон тортиш”, “Кураш” ва “Қўл кураш” турлари ўтказилди. Шу ўринда ушбу маҳалла шанини ҳимоя қилиш учун бир гуруҳ ёшлари ҳам бел боғлади.

Спортнинг “Тош кўтариш” туридан мутлоқ ғолиб маҳалламизнинг Б.Нақшбандий кўчасида яшовчи Мамасодиқов Мухаммад 1-ўринни эгаллади ва ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Спортнинг “Арқон тортиш”, туридан маҳалламиз жамоаси 3-ўринни, “Қўл кураш” тури бўйича А.Фитрат кўчасида яшовчи Абдурахмонов Музаффар 1-ўринни эгаллади ва ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға топширилди.

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани “А.Навоий” маҳалласида ёшларга оид инфраструктурани яхшилаш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 1-ТИП объектларидан шахмат ва шашка, букленд, воркоут, майдончалари ташкил этиш орқали ҳафтада 1300-1500 нафар ёшлар қамраб олинди, 2-ТИП мини футбол, баскетбол, бадмингтон, китобхонлик майдончалари ташкил этиш орқали ҳафтада 2000 нафар ёшлар қамраб олинади, 3-ТИП енгил конструкцияли комплекс барпо этиш орқали кунлик 1000 нафардан ҳафталик ёшлар қамрови 10000 нафарга етиши режалаштирилган.

Бугунги ўта таҳликали даврда, гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора турли хуружлар авж олаётган бир пайтда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларига ечим топиш, таклиф ва истакларини рўёбга чиқариш ҳар қачонгидан ҳам ўта долзарб вазифа бўлиб турибди. Шу маънода, ушбу қарорнинг қабул қилиниши, унда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг аниқ кўрсатиб берилиши бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 460 б.

2. “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 92-сон Президент қарори <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

3. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/har_bir_mahalla_da_eshlar_etakchisi_buladi.

4. <https://jizzax.uz/dstlik-tumani.html>.

3-ШЎЪБА: “ЁШЛАР ДАФТАРИ” ВА “ЁШЛАР БАЛАНСИ” БИЛАН ИШЛАШ



Абатбай Сапарбаевич Данияров
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши раисининг ўринбосари

МАҲАЛЛА ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Мамлакатимизда ёшларимиз учун яратилган имкониятлар ҳар бир соҳада яққол кўзга ташланади. Хусусан, бугунги кунда Қорақалпоғистонда аҳоли сонининг 56,3 фоизини ёшлар ташкил этади.

Худудимизда ёшлар учун амалга оширилаётган ислоҳотлар, имконият ва имтиёзлар қорақалпоғистонлик ёшларни руҳлантириб, янги марралар сари чорламоқда.

Президентимиз томонидан ёшлар ҳаётига оид қандайдир Фармон ёки қарор имзоланса, аввало юртимизда яшаб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ҳар битта ўғил-қизларимизнинг тақдирини белгилайди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, имкониятларини ошириб, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида камол топишларида замин яратади.

2022 йил 19 январ куни қабул қилинган ПҚ-92-сонли Қарорига мувофиқ ёшлар билан ишлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикасида қарор ижросини таъминлаш бўйича Республика ва маҳаллий штаблар фаолияти йўлга қўйилиб, тегишли вазирлик ва идоралардан масъуллар бириктирилди.

Қарорга мувофиқ маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, зарур шароитлар яратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 424 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги Ёшлар етакчиси лавозимига танлов орқали 3 138 нафар номзодлар орасидан 424 нафар муносиб номзодлар масъулиятли фаолият учун саралаб олинди.

Мазкур етакчиларнинг ўртача ёши 26-30 ёшни, ўртача иш тажрибаси 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатни ташкил этади. Уларнинг 330 нафари (77,8%) олий, 271 нафари (63,9%) ҳарбий хизматни ўтаган, 45 нафари (10,6%) хотин-қизлар бўлиб, 147 нафар (34,7%) номзоднинг меҳнат фаолияти ёшлар соҳасига боғлиқ бўлса, 158 нафари (37,2%) эса бевосита ўрта таълим мактабларидаги ёшлар етакчиларидан иборат.

Маҳалла етакчилари хизмат хоналари ва мебель жиҳозлари ажратилди, шунингдек улар фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида компьютер жамланмалари ва планшетлар билан таъминланиб, интернет тармоғига уланди.

Ҳар бир сектордан энг фаол бўлган ёшлар етакчилари орасидан жами 64 нафар сектор координаторлари ва 17 та намунали маҳаллалар белгиланиб, тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Барча маҳаллаларда “Ёшлар баланси”ни шакллантириш ва рейтинг кўрсаткичларини белгилаш ишлари олиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд 424 та маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, 324 минг 507 та хонадонларда 387 минг 130 нафар ёшлар томонидан анкета сўровномалари тўлдирилиб, барча маълумотлар Ёшлар баланси платформасига киритилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 17 та шаҳар ва туманларда ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича маҳаллаларнинг

рейтинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, белгиланган йўналишлар бўйича кўрсаткичлардан келиб чиқиб, 35 та (8,3 фоиз) маҳалла қизил, 310 та (73,1 фоиз) маҳалла сариқ ва 79 та (18,6 фоиз) маҳалла яшил маҳаллаларга ажратиб олинди.

Шунингдек, ёшларнинг таклиф ва ташаббусларини ўрганиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда сўровномалар (25 минг) ўтказилиб, натижасида 2,1 мингдан ортиқ ёшлар маҳалласида мини футбол майдончасини барпо этилишини, 3 минга яқин ёшлар “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этишни, 2,1 мингдан ортиқ ёшлар “Заковат” интеллектуал ўйинлари, футбол мусобақалари ташкил этилишини таклиф сифатида билдирган.

Маҳаллаларнинг рейтинг кўрсаткичлари ва сўровнома натижаларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича маҳалла-туман/шаҳар-Қорақалпоғистон Республикаси кесимида “Ёшлар дастурлари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Дастурга асосан, 424 та маҳалла дастурлари ижроси учун 31 млрд. 327 млн. сўм, 17 та туман/шаҳар дастурлари ижроси учун 196 млрд. 701 млн. сўм, Қорақалпоғистон Республикаси дастури ижроси учун жами 117 млрд. 840 млн. сўм сарф этилиши режалаштирилган.

“Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” орқали ёшлар муаммоларини “маҳаллабай” ҳал этиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, йил бошидан “Ёшлар дафтари”га 8 124 нафар ёшлар киритилиб, “Ёшлар баланси” яқунлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар дафтарга тўлиқ, қамраб олинади.

Жорий йилда “Ёшлар дафтари” жамғармаларида 6 млрд. 685 млн. сўм миқдорида маблағлар шакллантирилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан, “Ёшлар дафтари”даги 540 нафар ёшларга 1 млрд. 370 млн. сўм миқдорида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ёшлар етакчисининг кунлик, ҳафталик ва ойлик иш режалари ишлаб чиқилиб, ҳар бир маҳаллада кунига камида биттадан тадбир ўтказиш тажрибаси жорий этилди.

“Ёшларининг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида ҳафта кунлари ўтказиладиган лойиҳа ва тадбирлар режасига мувофиқ, ёшлар муаммоларини ўрганиш, китобхонлик, ахборот технологиялари, тадбиркорлик куни, профилактика куни, ҳарбий ватанпарварлик куни, маданий тадбирлар, спорт ва туристик тадбирлар тизимли амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мактабларнинг спорт ва фаоллар зали ҳамда компьютер ва кутубхоналарида ҳар куни соат 16:00 дан 23:00 гача тўғарак ва машғулотлар йўлга қўйилиб, ҳар куни ўртача 12 мингдан ортиқ ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан Нукус шаҳри “Ёшлар маркази”да ҳар ҳафтада “Motivationtime” психологлар билан учрашуви, “Jaslartime” ва “Fanclub” эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастурлари, “Билим ринг” интеллектуал ўйинлари, турли соҳадаги тажрибали мутахассислар иштирокида “Маҳорат дарслари”ни ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

“Jaslartime” ва “Fanclub” лойиҳалари ёшлар ўртасида оммалашиб бормоқда. Айниқса, “Fanclub” лойиҳаси меҳмонини ёшларнинг ўзлари сўровнома ўтказиш йўли билан аниқлайди.

Ҳар ойда ҳар бир туманда битта маҳаллада намунали тадбирлар ташкил этилиб, барча оммавий ахборот воситаларида ёритилиб борилмоқда. Шу кунга қадар барча шаҳар ва туманларда режа график асосида, 280 тан зиёд намунали тадбир, танлов ва мусобақалар ташкил қилиниб, 34 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Жорий йилнинг февраль ойида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Лаққылар лигаси” қувноқ ёшлар танлови, интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида “Билим ринг” интеллектуал ўйинлари Қорақалпоғистон биринчилигига старт берилди.

Бизни энг қувонтиргани интеллектуал ўйинларда иштирок этиш учун 260 дан ортиқ жамоалар ариза топширди. Шундан энг кучли 29 та жамоа саралаб олинди, асосий тур ўйинларига йўллама берилди.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 8-14 февраль, 15-22 февраль кунлари Ички ишлар вазирлиги

томонидан Мўйноқ туманидаги “Оқ кема” оромгоҳида ҳарбий ватанпарварлик ва профилактик оромгоҳи, 28 февраль 3 март Миллий гвардия томонидан Нукус шаҳрида ҳарбий ватанпарварлик ва профилактик ўқув курси ташкил этилиб, жами 300 нафар профилактик ҳисобда турувчи ва жиноятчиликка мойил ёшлар жалб қилинди.

Мазкур оромгоҳ учун Вазирлар Кенгаши томонидан 67 млн. сўм, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 38 млн. сўм маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг март ойида Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва туман (шаҳар) бўлимлари қошида давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, нуронийлар, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролардан “Фахрийлар Кенгаши” ташкил этилди.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Бир нуронийга ўн нафар ёш” лойиҳаси доирасида 515 нафар нуронийга (аёллар 171 нафар) 4794 нафар ёшлар (қизлар 1023 нафар) бириктирилди.

Шунингдек, Нукус шаҳри, “Тунғиш қонис” маҳалласида миллий анъаналарни ўзида жамлаган қора уй барпо этилиб, “Нуронийлар дам олиш маркази” ташкил этилди. Қора уй қошида кичик боғ мавжуд, боғ ичида нуронийлар ва ёшлар шахмат ўйнаш учун шароитлар яратилди.

Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари маҳаллаларда “Уч авлод учрашувлари” ва “Нуронийлар эътиборимизда” мавзуларида тадбирлар ташкил этиш тизими йўлга қўйилди. Шу кунга қадар ўтказилган 1 968 та учрашувларга 59 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Жорий йилнинг февраль март ойлари давомида барча шаҳар ва туманларида “Яшил макон” ёшлар акцияси доирасида 23 минг ортиқ ёшлар иштирокида 38 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқизилишига эришилди.

Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда ёшлар учун қулай жойларда 1-типдаги 102 та, 2-типдаги 3 та Ёшлар комплекслари барпо этилди. Хусусан, 1-типдаги “Ёшлар комплекси” Амударё 20 та, Беруний 3 та, Қонликўл 3 та, Қораўзак 1 та, Қўнғирот 6 та, Мўйноқ 12 та, Нукус т. 8 та, Тахиатош 13 та, Тахтақўпир

8 та, Чимбой 22 та, Эллиққалъа 6 та, шунингдек, Нукус т. 1 та, Қораўзак 1 та, Қўнғирот 1 та 2-типдаги Ёшлар комплекслари мавжуд.

Ёшларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини “маҳаллабай” ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича ташкилот ва идоралар, секторлар раҳбарлари томонидан 607 маротаба очиқ мулоқотлар ўтказилиб, 10 578 мингга яқин ёшлар томонидан кўтарилган 984 та муаммо ва таклифлар кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Келгусида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, “Беш ташаббус олимпиадаси”, “Интеллектуал ёшлар форуми”, “Таза қала” (Обод шаҳар) оммавий кўкаламзорлаштириш лойиҳаларини ташкил этиш режалаштирилган.

“Ёшлар овози” ёки ёшлар ўртасида брендга айланган “Бўзатов ФЕСТ” мега лойиҳасининг финал босқичи ўтказиш бўйича ҳозирги кунда қизғин тайёргарликлар олиб борилмоқда.

– Ёшларининг маданият ва санъат, спорт билан мунтазам шуғулланиши, китоб ўқишига шароит яратиш мақсадида маҳаллаларда 20 та Ёшлар комплекслари, Амударё, Қонликўл, Шўманай ва Нукус туманларида суъний қопламали спорт майдончалари, Қўнғирот, Кегейли, Чимбой ва Қораўзак туманларида “Ёшлар маркази” барпо этилади.

Мазкур ишлар билан бир қаторда:

– маҳалладаги ёшлар билан индивидуал тарзда ишлаш ва уларнинг муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида “Ёшлар дафтари”ни юритиш ишлари давом этади;

– шлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакилларининг иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида амалий ёрдам кўрсатилади;

– ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашилади.

Бугунги республика илмий-амалий конференция мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ўз-аро тажриба алмашинуви майдони бўлиб хизмат қилишинга шубҳа йўқ.

Шу боис, мазкур конференция ишларига омад тилайман.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. 2016 йил, 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. 2022 йил 28 февраль, ПФ-60-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.



Турдыев Содиқжон

*Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва
нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг
биринчи ўринбосари, “Нуроний” жамғармаси
Республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон
Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси*

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА НУРОНИЙЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётида ёшлар етакчи куч ҳисобланиши инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Шу боис ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати янгича мазмун-моҳият билан изчил ва самарали амалга ошириб келинмоқда.

Ёшларимизни жисмонан ва руҳан, маънавий баркамол қилиб тарбиялашда азал-азалдан кексаларимизнинг ўрни ва роли алоҳида аҳамият касб этиши қадим миллий қадриятимиздир. Ушбу халқона анъана бугунги кунда ҳам замон талабларига ҳамоҳанг равишда янги босқичда давом эттирилиб, ёшларимизни юрт тараққиётига дахлдорлик ва ватанпарварлик руҳида, ўз мустақил фикрига эга, юксак билимли ва маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, мард, жасур, олижаноб, қатъиятли шахслар сифатида вояга етказиш устувор мақсадга эга.

Шу маънода, миллий ғояларимизга таянган ҳолда ёшларимизни гўзал инсоний қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз руҳида

тарбиялашда ёши улуғ инсонларимизнинг бой ҳаётий ва амалий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида ҳам эндиликда фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарлари, “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва “Бувижонлар мактаби” кенгашлари аъзолари “Бир нуруний – ўн нафар ёшга мураббий” тамойили асосида тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюлмаган, ишсиз ёшларга бириктирилиши, маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этишда кексаларимиз бош-қош бўлишлари лозимлиги таъкидлангани бежиз эмас. Мухтасар айтганда, мазкур қарорда ёшлар тарбияси ва маънавиятини оширишда нурунийларнинг ўрни алоҳида белгилаб берилган.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги кунга қадар республикамиз ҳудудларида 325 366 нафар ишсиз ҳамда “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 25 739 нафар ёшлар рўйхати шакллантирилиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган нурунийларга бириктириб қўйилди.

Ёшлар тарбиясида самарадорликка эришиш мақсадида ҳар бир маҳаллада кекса авлод вакиллари ва ёшлар иштирокидаги учрашувларни ўтказиш орқали фарзандларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтармоқдамиз.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, нурунийларимизнинг бошини қовуштириш, уларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадида 14 та ҳудуд ва 207 та туман, шаҳарларнинг ҳар бирида 15 нафардан, жами 3 315 нафар, замонавий фикрлайдиган, одамлар орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган фахрийлардан иборат Нурунийлар жамоатчилиги кенгашлари, 9 349 та маҳаллада 15 нафардан жами 140 235 нафар фахрийларни ўз таркибига бирлаштирган “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва “Бувижонлар мактаби” кенгашлари ташкил этилди. Нурунийларга ҳордиқ чиқаришлари, ўзаро мулоқотда

бўлиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда “Нуронийлар масканлари” барпо этилди. Мазкур чораларнинг барчаси, энг аввало, кексаларимизнинг ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиб туришлари, улар билан тез-тез учрашиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини, пурмаъно панд-насиҳатлари ва ҳаётий ўғитларини бериб боришларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшган, бу борада муайян ютуқларни қўлга киритган нуронийлар “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари билан тақдирланиб бориши баробарида, “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилини ҳаётга жорий этишда ташаббускорликни қўлга олиб, ёшларга шахсий намуна кўрсатиб келаётган ижтимоий фаол нуронийлар моддий-маънавий рағбатлантириб борилади.

Зеро, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигининг юксалишида, эртанги келажагимиз бўлган ёш авлод тарбиясида кайвони отахон-онахонларимизнинг ўрни ва роли беқиёс экани барчага аён ҳақиқат.

Шу боис, бевосита Давлат раҳбарининг ташаббуси билан нуронийларнинг чуқур билими ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини янада мустаҳкамлаш, нуронийлар ва ёшларнинг узвий ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида “Уч авлод учрашуви” тадбирларини ўтказиб бориш ўзига хос анъана тусини олди.

Фаол нуронийлар томонидан уюлмаган ёшларни тўғри йўлга солиш, иш билан таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш, ўқишларига тикланишида ёрдам бериш мақсадида ана шундай ёшларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили остида ҳар бирига энг тажрибали ва обрў-эътиборли, фаол кексаларимиз бириктирилди. Кексаларимиз ушбу масалага масъулият билан ёндашиб, уларнинг муаммоларига биргаликда ечим топишга астойдил ҳаракат қилишмоқда;

Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уларнинг онгига сингдиришда кекса

авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида “Нуроний” жамғармасининг Мудофаа вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлиги тизими ўрнатилди;

Республиканинг барча мактабларида ҳар ойнинг биринчи жумаси 6-11 синф ўқувчилари учун “Нуронийлар тарбиявий соати” этиб белгиланди;

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш мақсадида вилоятлар ва туманларда ташкил этилган Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари томонидан 4 721 маротаба, маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва “Бувижонлар мактаби” кенгашлари томонидан йил давомида 102 023 маротаба жамоатчилик тадбирлари ва тарғибот тадбирлари ўтказилди.

67 503 маротаба ёш оилалар ўртасидаги ажрашишларнинг олдини олиш бўйича “Онахонлар ўғитлари” мавзуида учрашувлар ташкил этилди.

Ажрашиш ёқасига келиб қолган 23 782 та оилага 13 962 нафар нуроний бириктирилиб, олиб борилган мулоқотлар натижасида 19 589 та оила яраштирилишига муваффақ бўлинди.

Ичкиликка ружу қўйган 45 618 нафар шахсга эса 15 022 нафар фахрий бириктирилиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 10 минг нафардан ортиқ инсон зарарли иллатдан халос бўлишига эришилди.

2 067 та маҳаллада кекса фахрийлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” шиори остида ўтказилган давра суҳбатларига 18 649 нафар кексалар, 30 551 нафар уюшмаган ва тарбияси оғир ёшлар жалб этилди.

Кекса авлод вакиллари томонидан 150 нафар афв этилган шахс билан 4 879 маротаба мулоқот ўтказилди.

Ўтган йили амалга оширилган “Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида 29 562 нафар нуроний 146 106 нафар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва уюшмаган ёшга бириктирилган эди. Улар билан жами 42 712 та маънавий-маърифий, 19 175 та касбга йўналтириш бўйича тадбирлар ҳамда суҳбатлар ташкил этилиб, натижада 124 840 нафар ёш рўйхатдан чиқарилди. 1 214 нафарининг ўқиши тикланган бўлса, 2 148 нафар ёш

“Устоз-шогирд” анъанаси асосида хунарманд усталарга бириктириб қўйилди.

Ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган нуронийларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида тўрт босқичли “Ёшлар мураббийси” кўрик-танлови ташкил этилди. Танловнинг вилоят ва туман босқичларида 1-ўринни қўлга киритган 28 нафар отахон ва онахонлар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар ҳамда санаторийларда дам олишлари учун бепул йўлланмалар билан тақдирланди.

Нуронийлар жамоатчилиқ кенгашлари ва “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари аъзолари томонидан савдо шахобчаларида, деҳқон бозорларида нарх-наволарни барқарорлигини таъминлаш бўйича 15 мингдан ортиқ жамоатчилиқ назорати ўрнатилди.

Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этишга қаратилган 34 минг 467 маротаба тарғибот тадбирлари ўтказилди, тадбирларга 81 652 нафар кекса авлод вакиллари ҳамда 1 млн. 703 минг 3 нафар ёшлар жалб этилди, ёшларга 16 102 номдаги китоблар совға қилинди, 589 та маҳаллаларда китоб-савдо ярмаркалари ўтказилди.

1 млн. 338 минг 571 нафар ота-онаси хорижга кетган ёшларга 135 минг 575 нафар васийлар бириктирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим муассаларида 5 нафардан, мактабларда 3 нафардан фаол нуронийлар бириктирилиб, таълим муассасаларида ёшларнинг тарбияси ва ўқув сифати устидан жамоатчилиқ назорати ўрнатилди;

Болалар боғчаларининг ҳар бирига “Бувижонлар мактаби” кенгашларининг бир нафардан фаол аъзолари бириктирилди.

Ҳақли равишда таъкидлаш керакки, биз нуронийлар яратиб берилаётган чексиз имконият ва имтиёзлар, ғамхўрлик ва юксак эътиборга жавобан, ёшларимизни Янги Ўзбекистонга муносиб фарзандлар сифатида тарбиялаш йўлида бор билим-тажрибамиз, куч-ғайрат ва шижоатимизни аямаймиз. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги 3 млн. нафарга яқин нуронийлар маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, ўғил-қизларимиз таълим-тарбияси сифатини оширишда маҳалла ходимларига

камарбаста бўлиб, кенг жамоатчилик вакиллари сифатида ўз маҳалласидаги муаммоларни ҳал этишда бор имкониятларини сафарбар этаверадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-81-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-4602-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги ВМ-220-сонли Қарори.



Қодиров Камолiddин Ботирович
*Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини профессори, психология фанлари
доктори (DSc)*

МАҲАЛЛА ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ШАХСИЙ-КАСБИЙ ВА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ

Бошқарув кадрларини танлаш, раҳбар ходимлар захирасини шакллантириш бўйича танловлар ўтказиш доирасида кўпинча шахсий-касбий компетенцияларни баҳолаш зарурияти вужудга келади. Психодиагностик воситалардан малакали фойдаланиш тегишли касбий ва психологик компетенцияларга эга бўлган ходимларни баҳолаш (номзодларни танлаш) вазифасини осонлаштиради, улардан фойдаланиш ташкилотдаги бошқарувга оид вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради [1].

Шахсий-касбий ва бошқарув компетенцияларининг мазмун-моҳияти С.В.Рижкова ва ҳаммуаллифлари томонидан ўтказилган тадқиқотларда очиб берилган [4]. Хусусан, муаллифлар қуйидаги компетенция туркумларини тавсифлайдилар: касбий, ишбилармонлик, бошқарув (бошқарув функцияларини ўз ичига олган лавозимлар учун), коммуникатив, интеллектуал ва бошқа шахс хусусиятлари [2].

Касбий компетенциялар туркумига қуйидагилар киради:

- касбий билим ва кўникмалар (фаолият соҳаси бўйича махсус билимлар);

- фаолиятни тартибга солувчи расмий ҳужжатларни билиши;
- касбий тажрибани тўплаш ва уни янгилаш қобилияти;
- эгаллаб турган лавозимида тажрибани амалга ошириш даражаси;
- касбий тажрибани ижодий қўллаш қобилияти.

Ишбилармонлик компетенциялари туркумига қуйидаги турлар киради:

- амалий фаолиятда тартиб-интизомлилик;
- масъулиятлилик ва меҳнатсеварлик;
- ташаббускорлик ва тадбиркорлик;
- иш сифатини таъминлаш қобилияти;
- ходимларнинг ишини ташкил этиш қобилияти.

Бошқарув компетенциялари туркумига қуйидагилар киради:

- жамоада ишлаш кўникмалари;
- ваколатларни тақсимлаш қобилияти;
- қарор қабул қилиш қобилияти;
- бошқаларга таъсир қилиш, таъсир ўтказиш қобилияти;
- тизимда бошқарув функцияларини амалга ошириш қобилияти (вазиятни таҳлил қилиш, ҳаракатларни режалаштириш, масъулият ва ресурсларни тақсимлаш, натижани кузатиш ва баҳолаш).

Коммуникатив компетенциялар туркумига қуйидаги турлар киради:

- ҳамкорлик қилиш қобилияти;
- оғзаки ва ёзма мулоқот кўникмалари, нутқ маданияти;
- низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш қобилияти;
- хушмуомалалик, мулоқот этикасига риоя қилиш;
- одамларни ўзига жалб этиш қобилияти.

Интеллектуал компетенциялар туркумига қуйидаги турлар киради:

- фикрлашнинг мослашувчанлиги ва динамиклиги;
- тизимли фикрлаш;
- таҳлил қилиш ва прогноз қилиш қобилияти;

- ижодий фикрлаш қобилияти;
- диққат ва хотира.

Бошқа шахс хусусиятлари сифатида белгиланган компетенциялар туркумига қуйидагилар киради:

- бағрикенглик, бошқа одамларнинг фикри ва манфаатларини ҳурмат қилиш;
- ҳамкасблар ва қўл остидагилар билан муносабатларда адолатлилик;
- ўз-ўзини танқид қилиш;
- стрессга чидамлилик ва мослашувчанлик, иш қобилияти;
- ўз-ўзини ривожлантириш ва ўрганиш истаги.

Умуман олганда, юқоридагига ўхшаш шахсий-касбий ва бошқарув компетенциялари таснифи, уларнинг илмий-методологик асослари кўплаб муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда улардан психологик амалиётда кенг фойдаланилмоқда [3].

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти “Бошқарув кўникмалари ва етакчилик маҳорати” кафедраси профессор-ўқитувчиларидан иборат илмий жамоаси томонидан шахсий-касбий ва бошқарув компетенцияларини ташхис этиш масалалари бўйича қатор илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йил давомида 4 ойлик қайта тайёрлаш ва 1 ойлик малака ошириш курсларининг 500 нафардан ортиқ тингловчиларида шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини аниқлаш ва ҳар бир тингловчининг психологик портретини ишлаб чиқиш мақсадида қуйидаги психодиагностик тестлардан фойдаланилди:

1. И.Г.Сенин томонидан тақдим этилган Қадрият йўналишлари саволномаси (80 саволлик);
2. Эмоционал интеллект даражасини аниқлаш тести (30 саволлик);
3. Ходимнинг ўз меҳнат фаолиятидан қониққанлик даражасини баҳолаш сўровномаси (16 саволлик);
4. Элерснинг муваффақиятга эришиш мотивациясини аниқлаш тести (41 саволлик);

5. Элерснинг мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш тести (30 саволлик);

6. Раҳбарлик социометрияси (8 саволлик);

7. Бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларини аниқлаш тести (51 саволлик);

8. Бошқарувчиликка йўналганликни аниқлаш тести (35 та);

9. Шахс йўналганлигини аниқлаш тести (81 саволлик);

10. Русаловнинг темперамент хусусиятларини аниқлаш тести (105 саволлик);

11. Ассертивликни аниқлаш методикаси (20 саволлик);

12. Вақтдан унумли фойдаланишни аниқлаш тести (20 саволлик);

13. Томаснинг низоли вазиятлардаги хулқ-атвор услубларини аниқлаш тести (40 саволлик);

14. Г.Айзенкнинг индивидуал-психологик хусусиятларни аниқлаш тести (51 саволлик);

Мазкур психодиагностик воситалар ёрдамида жами бўлиб 624 нафар тингловчидан барча тест саволлари бўйича маълумотлар тўпланди ва ҳар бир саволга берилган жавоблар асосида факторли таҳлил амалга оширилди. SPSS for Windows статистик методлар пакети ёрдамида амалга оширилган мазкур факторли таҳлил натижасида шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини ифода этувчи қуйидаги 12 та туркумдаги жами 120 та савол ажратиб олинди:

– Ўзини бошқаришга интилиш (10 та савол).

– Шахсий кадриятларнинг аниқлиги (10 та савол).

– Шахсий мақсадларнинг аниқлиги (10 та савол).

– Ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш (10 та савол).

– Муаммоларни ҳал қилишга йўналганлик (10 та савол).

– Креатив ёндашув (10 та савол).

– Бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилияти (10 та савол).

– Бошқарув фаолиятининг хусусиятларини тушуниш (10 та савол).

– Раҳбарлик қобилияти (10 та савол).

– Таълим-тарбия бериш қобилияти (10 та савол).

– Гуруҳий фаолиятни ташкил этиш қобилияти (10 та савол).

– Самимийлик (10 та савол).

Мазкур туркумларнинг ҳар бирига тегишли деб топилган 120 та савол асосида шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини аниқлашга қаратилган алоҳида янги тест саволномаси тузилди. Ҳар бир туркумга тегишли бўлган саволлар (жумлалар) бошқа туркумдаги жумлалар билан ўзаро таққослашга, яъни текширилувчи томонидан иккита жумладан биттасини танлашга мўлжалланган. Бунда, янги ишлаб чиқилган тест йўриқномасига биноан текширилувчилар ўзларини бир ташкилот ёки бўлим раҳбари эканликларини фарз қиладилар ва ҳар хил туркумга тегишли бўлган иккита жумлани бир-бирига таққослаб, улардан қайси бири ўзларидаги вазиятга, ўзларидаги фазилатларга яқинроқ эканлигини аниқлашлари сўралади. Яъни саволномадаги ҳар бир қаторда келтирилган иккита жумладан фақат биттаси – текширилувчига мос келадигани белгилаб чиқиши лозим бўлади. Шу аснода 12 та туркум таркибига кирувчи 120 та саволнинг ҳар бири бошқа савол билан таққослангангани учун 60 та саволлар жуфтлиги шакллантирилди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида 60 жуфт жумладан иборат қилиб янгидан тузилган мазкур “Шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини аниқлаш” тестидан фойдаланилди. Тестнинг валидлиги, ташхис учун яроқлилиги ва ишончлилигини таҳлил этиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотда Хоразм ва Бухоро вилоятларининг барча туманларида фаолият олиб бораётган 279 нафар мактаб директорлари ҳамда Бухоро вилоятининг барча туманларида фаолият юритаётган 520 нафар маҳалла ёшлар етакчилари иштирок этдилар.

Мактаб директорлари ва маҳалла ёшлар етакчиларининг касбий ва бошқарув компетенциялари ўртасидаги тафовутларни таҳлил этиш мақсадида бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки танлама орасидаги фарқни ўрганишга мўлжалланган Манн-Уитни статистик мезонидан фойдаланилди (1-жадвал).

Шахсий-касбий ва бошқарув компетенциялари бўйича маҳалла ёшлар етакчилари ва мактаб директорлари ўртасидаги тафовутлар (Манн-Уитни мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Ранглар ўртачаси		U	p
	Мактаб директорлари (N=279)	Маҳалла ёшлар етакчилари (N=520)		
Ўзини бошқаришга интилиш	302,2	452,5	45264	0,000**
Шахсий кадриятларнинг аниқлиги	394,9	402,7	71116	0,639
Шахсий мақсадларнинг аниқлиги	401,4	399,3	72159	0,900
Ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш	376,8	412,5	66061	0,033*
Муаммоларни ҳал қилишга йўналганлик	390,8	404,9	69968,5	0,398
Креатив ёндашув	387,0	407,0	68910	0,232
Бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилияти	422,3	388,1	66331,5	0,042*
Бошқарув фаолиятининг хусусиятларини тушуниш	420,1	389,2	66922	0,063
Раҳбарлик қобилияти	489,6	351,9	47528,5	0,000**
Таълим-тарбия бериш қобилияти	438,3	379,4	61841,5	0,000**
Гуруҳий фаолиятни ташкил этиш қобилияти	371,5	415,3	64589,5	0,009**
Самимийлик	380,7	410,3	67162,5	0,075

Изоҳ: * - $p < 0.05$; ** - $p < 0.01$.

Таҳлил натижаларига кўра “Ўзини бошқаришга интилиш” ($p < 0.01$), “Ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш” ($p < 0.05$) ва “Гуруҳий фаолиятни ташкил этиш қобилияти” ($p < 0.01$) шкаллари бўйича маҳалла ёшлар етакчиларининг кўрсаткичлари мактаб директорларининг кўрсаткичларига нисбатан ишонч даражасида юқори эканлиги аниқланди. Аксинча, “Бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилияти” ($p < 0.05$), “Раҳбарлик қобилияти” ($p < 0.01$), “Таълим-тарбия бериш қобилияти” ($p < 0.01$) шкаллари бўйича мактаб директорларининг кўрсаткичлари маҳалла ёшлар етакчиларининг кўрсаткичларидан статистик ишонч даражасида юқори эканлиги аниқланди.

Келтирилган рақамлар мактаб директорлари бошқаларга таъсир кўрсатиш, раҳбарлик қилиш ҳамда тажрибали педагог сифатида таълим-тарбия бериш қобилиятлари бўйича маҳалла ёшлар етакчиларига нисбатан анча устун эканликларини кўрсатади. Маҳалла ёшлар етакчилари эса ҳали анча ёш ва кам иш тажрибасига эга бўлган контингент сифатида кўпроқ ўзларини ривожлантиришга, бошқаларни эмас, балки ўзларини бошқаришга интилишга ҳамда бевосита ёшлар билан гуруҳий фаолиятни ташкил этиш жараёнларига кўпроқ эътибор беришлари маълум бўлди.

Барча шкалалар орасидаги ўзаро муносабатлар ва уларнинг мазмунан ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш учун факторли таҳлил усулидан фойдаланилди. Бунда факторларни ажратиш усули сифатида “асосий компонентлар” таҳлили (principal component analysis) ҳамда ротация усули сифатида Кайзер нормализацияси бўйича варимакс (varimax with Kaiser normalization) усули татбиқ этилди. Факторли таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турганидек, факторли таҳлил натижасида “Ўзини бошқаришга интилиш” (0,646), “Самимийлик” (0,590), “Шахсий мақсадларнинг аниқлиги” (0,563), “Таълим-тарбия бериш қобилияти” (-0,526) шкалалари юқори даражадаги юкламалар билан биринчи фактор таркибига кирган. Мазкур шкалаларнинг мазмуни ҳамда фактор юкламаларининг мусбат ва манфий ишораларини ҳисобга олган ҳолда ушбу шахс хусусиятларининг асосини ташкил қилувчи умумий омилни “Ўз фаолиятини назорат қилиш – бошқалар фаолиятини назорат қилиш” тарзида номлаш мумкин.

2-жадвал

“Шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини аниқлаш” тести шкалалари кўрсаткичларининг факторли таҳлили натижалари (N=799)

Кўрсаткичлар	Факторлар		
	1	2	3
Ўзини бошқаришга интилиш	0,646	-0,167	-0,006
Самимийлик	0,590	0,037	0,052
Шахсий мақсадларнинг аниқлиги	0,563	0,157	-0,263
Таълим-тарбия бериш қобилияти	-0,526	0,376	-0,192

Гуруҳий фаолиятни ташкил этиш қобилияти	0,105	0,595	0,162
Муаммоларни ҳал қилишга йўналганлик	0,054	-0,532	-0,014
Раҳбарлик қобилияти	-0,340	0,531	0,052
Креатив ёндашув	-0,059	-0,500	0,011
Ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш	0,028	0,017	0,741
Бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилияти	-0,290	-0,091	-0,458
Бошқарув фаолиятининг хусусиятларини тушуниш	-0,360	-0,128	0,427
Шахсий қадриятларнинг аниқлиги	0,180	-0,250	-0,420

Иккинчи фактор таркибига “Гуруҳий фаолиятни ташкил этиш қобилияти” (0,595) ва “Раҳбарлик қобилияти” (0,531) шкалалари мусбат юкламалар билан, “Муаммоларни ҳал қилишга йўналганлик” (-0,532) ва “Креатив ёндашув” (-0,500) шкалалари эса, аксинча, манфий ишорали юкламалар билан кирган. Ушбу рақамлар мазкур хислатларни ўз ичига оловчи умумий омилни “Одамларни самарали бошқаришга йўналганлик – топшириқларни самарали бажаришга йўналганлик” деб номлашга имкон беради.

Учинчи факторнинг мусбат ишорали компонентларини “Ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш” (0,741) ва “Бошқарув фаолиятининг хусусиятларини тушуниш” (0,427) шкалалари ташкил этган бўлса, манфий ишорали юқори юклама қийматлари “Бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилияти” (-0,458) ҳамда “Шахсий қадриятларнинг аниқлиги” (-0,420) шкалаларида қайд этилган. Мазкур натижалардан келиб чиқиб учинчи факторнинг асосини ташкил этувчи умумий омилни “Демократик бошқарув услуги – авторитар бошқарув услуги” деб номлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, “Шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини аниқлаш” тести Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти мутахассислари томонидан кўплаб машҳур олимларнинг бошқарув кўникмалари ва лидерлик маҳоратини аниқлашга доир психологик тестлари ва сўровномалари асосида махсус ишлаб чиқилган бўлиб, маҳалла ёшлар етакчиларининг муҳим касбий хусусиятларини баҳолашда самарали психодиагностик восита сифатида хизмат қилиши мумкин.

Статистик таҳлиллар натижасида “Шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини аниқлаш” тестининг валидлик ва ишончлилик даражаси анча юқори эканлиги аниқланди. Жумладан, мактаб директорлари ва маҳалла ёшлар етакчиларидан олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили мазкур тестнинг шахсий-касбий ва бошқарув компетенцияларини объектив баҳолаш имконини бериши ҳақида хулоса қилишга асос бўлиши мумкин. Таҳлил натижаларига кўра маҳалла ёшлар етакчилари ўзини бошқариш, ўз-ўзини ривожлантириш, кичик гуруҳларда фаолиятни ташкил этиш қобилияти билан ажралиб турсалар, мактаб директорларида бошқаларга таъсир кўрсатиш, раҳбарлик қилиш ҳамда таълим-тарбия бериш қобилиятлари сезиларли даражада кўпроқ ривожланганлиги аниқланди.

Факторли таҳлил натижаларининг гувоҳлик беришича, “Шахснинг касбий ва бошқарув компетенцияларини аниқлаш” тести маҳалла етакчиларидаги ўзининг/бошқаларнинг фаолиятини назорат қилиш қобилияти, одамлар билан самарали ишлаш/топшириқларни самарали бажаришга йўналганлик, шунингдек, демократик/авторитар бошқарув услубидан фойдаланишга мойиллик билан боғлиқ бўлган жами 12 та психологик хусусиятни объектив ва ишончли тарзда аниқлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Данилова А.С., Здрестова-Захаренкова С.В., Фёдорова О.М. Основы профессиональной компетенции: учебное пособие / М-во образования и науки РФ, Сибирский федеральный ун-т, [Торгово-экономический ин-т]. – Красноярск: СФУ, 2016. – 135 с.

2. Синягин Ю.В. Новые подходы к оценке управленческого потенциала руководителей // Акмеология. 2009. № 4. С. 6370.

3. Синягин Ю.В. Оценка руководителя: компетентности и ресурсы // Воспитание детей и молодежи. 2009. № 4. С. 4853.

4. <https://hrtime.ru/material/model-upravlencheskikh-kompetentsiy-s-urovniami-i-shkaloy-otsenki-28839/>.



*Абдуразаков Шавкатжон
Шокирджанович
Наманган вилояти ҳокими*

МАҲАЛЛА ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА НАМАНГАН ТАЖРИБАСИ

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев президентлик фаолиятининг бошиданоқ ёшларга катта ишонч билан имтиёз, шароит, имконият эшикларини очиб бермоқда.

Ҳокимлар, вазирлар, сектор раҳбарларини ёшлар билан учрашиб, улар билан ҳамнафас яшаб, муаммоларини ечиб, таклифларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича янгича тизим яратиб берилди.

2022 йил 19 январь куни Президентимиз томонидан “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92 сонли Қарор тасдиқланди.

Ушбу қарор билан маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг яхлит вертикал “маҳалла – туман – вилоят – республика” бошқарув тизими яратилди.

Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Бу тизим узоқ ўйланиб, йиллар давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб яратилди.

Давлат бошқарув тизимида вертикаль ўсиш илк маротаба жорий қилинди. Авваллари горизонталь ўсиш кузатилган яъни вазирлик, агентлик, уюшма ва ҳаказо...

Энди эса маҳаллада 2 та давлат ходими, яъни бири хоким ёрдамчиси, иккинчиси ёшлар етакчиси лавозимлари жорий қилинди. Уларга давлат ходими сифатида давлат номидан гапириш ва иш юритиш ҳуқуқи берилди.

Ўтган йили 9 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир маҳаллада Ёшлар етакчилари лавозимини жорий этиш бўйича топшириқ берганидан сўнг, ноябрь ойида барча сектор раҳбарлари Ёшлар ишлари агентлиги вакилиги номзодига ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди.

Наманган вилоятида Президент Администрацияси масъул ходимлари бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи, вилоятдаги 56 та сектор раҳбарлари тегишли ҳамкор ташкилот ходимлари иштирокида 4 минг нафарга яқин ёшлар билан учрашиб, улар орасидан 780 та маҳаллага муносиб номзодларни танлаб олинди.

Жорий йилнинг январь-февраль ойлари мобайнида вилоят ҳамда туман (шаҳар) сектор раҳбарлари томонидан шаҳар ва туманларда ёшлар етакчилари билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг фаолиятидаги мавжуд муаммолар ўрганилди ҳамда уларга амалий ечим топилди.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг ҳар бири Республика бўйича биринчилардан бўлиб моддий-техник базаси ҳамда замонавий планшетлар билан таъминланди.

Наманган вилоятидаги 780 та МФЙларига 2022 йил 21 январдан 780 нафар ёшлар етакчилари тайинланди.

Жумладан:

Ёшлар етакчиларининг 508 нафари олий маълумотли, 95 нафари тугалланмаган олий, 170 нафари ўрта-махсус, 4 нафари ўрта маълумотга эга.

Ёшлар етакчиларининг 226 нафари йиллик, 272 нафари ойлик ҳарбий хизматни ўтаган.

780 нафар ёшлар етакчиларининг барчасига замонавий планшет, компьютер жамланмаси, мебель жиҳозлари (стол ва стул) етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 92-сонли қарорида Ёшлар етакчисининг энг асосий вазифаси сифатида “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш” этиб белгиланган. Ушбу вазифа Наманган вилоятидаги ёшлар етакчилари томонидан самарали ташкил этилди. Жумладан, жорий йилнинг февраль-март ойларида маҳаллаларда Ёшлар етакчилари томонидан уйма-уй юриб, “хонадонбай” ўрганиш орқали хатлов ўтказилди.

Хатлов натижасида 2 млн 931 минг 527 нафар аҳолининг 621 минг 788 нафари 16-30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил қилиши аниқланди. Шундан, уларнинг 329 минг 970 нафари аёллар ҳисобланади.

Хатлов жараёнида ёшларни муаммо ва таклифлари ўрганилиб ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ёшлар дафтари”га киритиб борилди. Хатлов натижасида 7 080 нафар ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар “Ёшлар дафтари”га кириш учун тавсия этилди.

Наманган вилоятида маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолиятини йўлга қўйишда бевосита “Ёшлар дафтари” тизими орқали амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга қадар вилоят бўйича 6 867 нафар ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилди. 1 665 нафар (24,1%) ёшларга манзилли ва мақсадли ёрдам кўрсатилиб дафтардан чиқарилди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан ишлашда бевосита ёшлар етакчиларини фаоллигини ошириш орқали ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш натижасида маҳаллада ёшлар етакчиларининг ўрни ва эътиборини

юксалтириб борилмоқда. Бу эса маҳаллада Ёшлар етакчисининг чинакам етакчига айланишига хизмат қилади.

Ёшлар етакчилари томонидан маҳаллаларда Беш муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни юқори савияда ўтказишлари учун моддий қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилмоқда. Ўтган давр мобайнида вилоятдаги 750 дан ортиқ маҳаллаларда бевосита Ёшлар етакчисининг ташаббуси билан “Маҳалладаги ёшлар етакчисининг бир куни” шиори остида намунавий беш ташаббус тадбирлари ташкил этилиб, 410 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

2022 йилнинг 1-чораги мобайнида ёшларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган тадбирларга жами 4 млрд. 252 млн. сўм маблағ ажратилиб жами 3 389 нафар иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ёшлар етакчилари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 22 минг 812 та тадбир, лойиҳа, мусобақа, кўрик-танловлар, маданий тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларга жами 1 132 минг 203 нафар ёшлар қамраб олинди.

Жумладан:

Маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида – “Мен санъатни танлайман”, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича “Ёшлар куйлаганда”, “Ёш мусаввирлар”, Санъатим-саодатим, “Янграсин менинг созим”, “Рақс жилоси”, “Гулбазм”, “Ғазалхонлик”, “Хуш кайфият”, тадбирлари ва болалар ижодиёт фестивали каби мавзуларда 3 496 та лойиҳа ва тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларга жами 230 минг нафар ёшлар қамраб олинди.

Соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда “Мен спортни севаман”, “Чемпион ёшлар учрашуви”, “Соғлом хаёт учун” каби 10 150 та лойиҳа ва тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларга жами 492 минг нафар ёшлар қамраб олинди.

Ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш борасида – “Идетон”, “Мен дастурчи бўламан”, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси, киберспорт чемпионати, “Ахборот технологиялари билимдони” танлови, “Дастурлашга биринчи қадам”, “Хакатон” каби 2 029 та лойиҳа, тадбир ва семинарлар ташкил этилиб 67 минг нафар ёшлар қамраб олинди.

Маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш борасида - “Заковат” мусобақаси, “Қувноқлар ва зукколар”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Хорижий тиллар билимдони” ва “Ёш полиглот” , “Мунозара”, миллий халқ ўйинлари, шунингдек, “Онлайн китобхон”, “Энг намунали китобхон оила”, “Бувим бобом ва мен китобхон”, “Менинг севимли китобим”, “Мен севган адиб” каби 4 035 та лойиҳа ва тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларга жами 197 минг нафар ёшлар қамраб олинди.

– Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича 2 минг 059 та тадбирлар ташкил этилиб, 112 минг 623 нафар,

– Тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш йўналишида 1 043 та турли лойиҳа ва тадбирлар 32 минг 034 нафар ёшлар қамраб олинди.

“Ҳар бир нуронийга 10 нафар ёш” лойиҳаси доирасида:

Наманган вилоятида тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ёшларни фахрий нуронийларга номма-ном бириктириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ўртасида меморандум имзоланган. Ҳозирга қадар “Бир нуронийга 10 нафар ёш” лойиҳаси доирасида вилоятдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 420 нафар нуронийларга 4 минг 220 нафар ёшлар бириктирилди.

Лойиҳа доирасида маҳаллаларда “Нуроний ва ёшлар” учрашуви, “Китоб – маънавият хазинаси” номли давра суҳбати, “Уч авлод учрашуви” ўтказилди. Тадбирлар доирасида 22 минг нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

“Ай-Ти” ва рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида 14 та туман (шаҳар)ларда рақамли технологиялар ўқув марказлари

билан ҳамкорликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 322 минг 903 нафардан ортиқ ёшлар компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилмоқда. Шундан, 151 минг 570 нафар ўқишни муваффақиятли тамомлаганларга махсус сертификат берилди. 19 нафар ёшларнинг компьютер харид қилиш билан боғлиқ кредитлари фоизи тўлаб берилди.

Ёшлар етакчиларининг бевосита ташаббуси билан ёшларнинг муаммо ва таклифлари ўрганиш ҳамда уларга амалий ечим топиш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳафтанинг маълум кунида тасдиқланган режа-график асосида “Сектор раҳбари ва ёшлар” учрашувлари ўтказилиб келинмоқда.

Бугунги кунга қадар вилоят ва туман (шаҳар) сектор раҳбарларининг ёшлар билан 512 мартаба учрашувлар ташкил этилиб ўтказилган учрашувларда жами 16 438 нафар ёшлар иштирок этди. Учрашувларда ёшлар томонидан 2 517 та мурожаатлар келиб тушган.

Ушбу мурожаатларнинг 1 373 таси ижобий ҳал этилган бўлиб, 839 таси кўриб чиқиш мақсадида туман, шаҳар сектор раҳбарларининг “Йўл хариталари”га киритилиб, назоратга олиниши белгиланган, 305 тасига тушинтириш берилган.

Мурожаатларда 563 та иш билан таъминлаш, 609 та кредит ажратиш, 571 та ер (уй-жой, экин майдонлари ва бино иншоотлар) ажратиш, 183 та моддий ёрдам, 89 та ижтимоий нафақа, 197 та бошқа масалалар кўтарилган.

Маҳаллаларда ёшлар етакчилари томонидан хонадонбай ўрганиш жараёнида мурожаат қилган 6 нафар ногиронлиги бўлган ёшларнинг 50% миқдорида контракт тўловлари, 8 нафар ногиронлиги бўлган ёшларга “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам, 16 нафар ёшларнинг даволаниши, соғлиғини тиклаши учун маблағлар, 10 нафар ногиронлиги бўлган ёшларга ногиронлик аравачалари ва бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, 8-март Халқаро хотин-қизлар куни, “Наврўз” байрами муносабати билан маҳаллалардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган 221 нафардан ортиқ ёшларга

Ёшлар етакчилари томонидан совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўқув қуроллари берилиб, алоҳида эътибор кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги ПҚ-96-сонли “Заковат интеллектуал ўйинини аҳоли орасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва аҳоли орасида илм, китобхонлик, заковатни кенг тарғиб қилиш мақсадида 2022 йилнинг 12-19 март кунлари Наманган вилоят ҳокими соврини учун Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан маҳалладаги ёшлар жамоалари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.

Наврўз айёми арафасида уч босқичда (сектор, туман (шаҳар) ва вилоят) ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйинида жами 5 200 нафардан ортиқ маҳаллада истиқомат қилаётган ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Яшил йиллик” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ёшлар етакчилари ташаббуси билан жами 6 200 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтларнинг кўчатлари экилди.

Бундан ташқари, маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг алоҳида ташаббусларини ҳам мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Наманган вилояти Чуст туманидаги “Чустнон-Дўстларобод” маҳалласидаги ёшлар етакчиси М.Ходжебеков тумандаги Камарсада маҳалласида ўтказилган ёшлар фестивалида ўзининг чизган расм ва суратлари кўргазмасини ташкил этди. Ҳозирда ўзининг маҳалласида ёш қаламкашлар тўғрагини ташкил этиш бўйича ишларни амалга оширмоқда.

Поп тумани “Юксалиш” МФЙ ёшлар етакчиси Б.Мамажанов “Юксалиш” МФЙ Ёшлик кўчасида кўп йиллардан буён қаровсиз ва ташландиқ ҳолатда турган бир гектардан ошиқ майдондаги ўйингоҳни қайта тиклаш ва ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил

этиш юзасидан туман хокимига таклиф билан чиқиши натижасида ҳозирда ушбу ҳудуд ёшларни бў вақтини мазмунли ўтказадиган ўйингоҳга айланди.

Уйчи тумани, “Дехқонобод” МФЙ ёшлар етакчиси Р. Дедаханов “Дехқонобод” МФЙ Дехқонобод-2 кўчасида бўш турган 0.4 га ер майдони мазкур маҳалла ёшлар етакчиси ташаббуси билан ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт иншооти қуриш таклифи билдирилиб ҳозирги кунда “openbudget” очиқ танловида ғолиб деб топилиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Поп тумани “Навбаҳор” МФЙ ёшлар етакчиси “Навбаҳор” МФЙда 1 гектардан зиёд жой аввал ўйингоҳ бўлган кейинчалик кўп йиллардан буён ташландиқ бир жойга айланган. Ёшлар етакчисининг ташаббуси билан туман ҳокимлигига мурожаат билан чиқилди. Туман ҳокими ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ушбу қаровсиз қолиб кетган стадион эндиликда замонавий замонавий спорт комплексига айлантирилмоқда.

Ҳозирда катта бир спорт комплекси – 90×45 футбол майдони, 18×9 волейбол майдони, 28×15 баскетбоол майдони ҳамда Workout спорт турларини ўз ичига оладиган мажмуа барпо этилиш арафасида. Ҳозирда ушбу спорт комплексида тозалаш ва ўрнатиш ишлари кетмоқда.

Мингбулоқ тумани “Ойбек” МФЙ ёшлар етакчиси Т. Эркинбоев Мингбулоқ тумани “Ойбек” МФЙда яшовчи фуқароларнинг мурожаатларини онлайн қабул қилиш ва уларнинг вақтини зоя кетказмаслик мақсадида “Oybek murojaat bot” телеграм боти яратилди. Бундан кўзланган мақсад ҳар қандай ҳолатда фуқоролар уйдан турган ҳолатда ҳар қандай қизиқтирган саволларини қолдиришлари, жавобини тўлиқ ва аниқ ҳолда қонунларга асосланиб жавоб олишлари таъминланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелидаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6208-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 132-сонли Қарори.



*Ғаниев Мухаммадамин Авазбек ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси
бошлиғи*

“ЁШЛАР ДАФТАРИ” ВА “ЁШЛАР БАЛАНСИ” БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Мамлакатимизда йиллар давомида ёшлар масалалари давлат сиёсатининг устувор вазифалари қаторидан ўрин олган. Айниқса, сўнгги йилларда ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тенденцияси кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли Қарори қабул қилинди. Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қарорга асосан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси

лавозими жорий этилди. Қарорга кўра, маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари ва ваколатлари белгилаб берилди.

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш етакчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Биргина Фарғона вилоятида жорий йилнинг 24 январидан ёшлар етакчилари 1 055 та МФЙларга тўлиқ таркибда тайинланди. Жумладан:

- маълумотига кўра: олий – 777 нафар, тугалланмаган олий – 156 нафар, ўрта-махсус – 122 нафар;

- ҳарбий хизмат: муддатли (бир йиллик) – 293 нафар, сафарбарлик чақируви резерви (бир ойлик) – 391 нафар, ўтамаганлар – 371 нафар;

- жинси: эркаклар – 966 нафар, аёллар – 89 нафар.

Ёшлар етакчиларининг 844 нафари МФЙ биносида, 211 нафари мактаб, профессионал таълим, олий таълим ва хусусий биноларда алоҳида хоналарга жойлаштирилган. Барча (1 055) нафар ёшлар етакчилари зарур компьютер жамланмаси, мебел жиҳозлари (стол ва стул) ҳамда планшетлар (Samsung galaxy Tab A7) билан таъминланди.

Ёшлар етакчилари эндиликдаги долзарб вазифалари “Ёшлар баланси” ни шакллантириш бўлиб, улар томонидан уйма-уй юриб, анкета сўровномалари орқали 747 589 нафар (16-30 ёш) ёшлар хатловдан ўтказилиши асосида “Ёшлар баланси” шакллантирилди.

Бандлик ҳолати бўйича (16-30 ёш) давлат секторида расмий бандлар – 76 351 нафар, хусусий секторда расмий бандлар – 139 031 нафар, муддатли ҳарбий хизматга кетганлар – 2 844 нафар, ЖИЭМдаги ёшлар – 648 нафар, норасмий бандлар – 187 179 нафар, ишлаш истаги йўқлар – 86 399 нафар, меҳнатга лаёқатсизлар – 5 441 нафар, ишсиз ёшлар – 32 233 нафарни ташкил этади. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича мутлақо янги — “Темир дафтар”, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизимлари ҳаётга татбиқ этилди. Ёшлар етакчилари томонидан “Ёшлар баланси” ни шакллантириш жараёнларида уйма-уй юриб, анкета сўровномалари тўлдирилиб, электрон платформага жойлаштирилиши натижасида “Ёшлар дафтари” шакллантирилди. Вилоятда 768 725 нафар (18-30 ёш) ёшлар мавжуд бўлиб, 2022 йилда ёшлар дафтарига киритилганлар – 13 266 нафар, ёшлар дафтарида чиқарилганлар – 6 089 нафар, ёшлар дафтарида мавжудлар 7 168 нафарни ташкил этади.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ёшлар етакчиларининг 13 турдаги тавсияси асосида 1 622 нафар ёшларга 6,6 млрд. сўмлик ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан:

- таълим тўлов-контракти – 1 032 нафар (3,2 млрд. сўм);
- сафарбарлик чақирuvi резервига – 77 нафар (200 млн. сўм);
- ҳайдовчилик курсларида ўқитиш – 166 нафар (224 млн. сўм);
- даволаниш билан боғлиқ – 28 нафар (184 млн.сўм);
- бир марталик моддий ёрдам – 361 нафар (334 млн. сўм);
- тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилганлар учун асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари ҳаридига субсидия – 277 нафар (1,5 млрд. сўм).

Ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда 3 152 нафар ёшлар доимий ва жамоат ишларига ишга жойлаштирилган, 1 991 нафар ёшларга имтиёзли кредит маблағлари, 7 688 нафар ёшларга экин ер майдонлари ажратилишига кўмаклашилди. Савдо-саноат палатаси ва касбга ўқитиш марказларида 2 094 нафар ёшларни тадбиркорликка ва 1 132 нафар касб-хунарга ўқитилди, “1+1” дастури асосида 1 602 нафар ёшлар тадбиркор ва хунармандларга бириктирилди.

Бундан ташқари, юқоридаги қарорда белгилаб ўтилган 6 та йўналиш бўйича ёшлар етакчилари томонидан жорий йилнинг

январь-март ойлари давомида маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологиялардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш йўналишларида жами 75 мингдан зиёд турли хил лойиҳа ва тадбирлар ташкил этилиб, уларга 2 млн. нафарга яқин ёшлар жалб этилди.

Юқорида санаб ўтилган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни амалга оширишда бевосита маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари”га киритиш ва мазкур электрон платформани ҳаққоний, шаффоф юритишни етакчининг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” иборасини ўзларига шиор қилган ҳолда фаол ва ташаббускорлик билан меҳнат қилиб бормоқдалар.

Биз ишонамизки, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишда ёшлар етакчилари узоқ ва самарали фаолият олиб борадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил, 30 июнь. ПФ-6017-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь.
ПҚ-92-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш
ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда
буш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида. 2021 йил, 20 апрель, ПФ-6208-сон.



*Назиров Абдулазиз Абдурасул ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси
бошлиғи*

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР НАМУНАСИ

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.

Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Шулардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январь куни имзоланган “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарорига асосан, ёшлар етакчиларининг асосий вазифаси этиб, маҳаллалардаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликни ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш, ёшларни илм-фанга қизиқтириш ҳамда барча соҳадаги муаммоларини ҳал этиш вазифаси юкланди.

Шу қарор орқали Тошкент шаҳрида 579 та маҳаллада ёшлар етакчилари ўз фаолиятини бошлади. Маҳалладаги ёшлар етакчиларининг билим кўникмаларини ошириш, янги жорий этилаётган тизимнинг туб моҳиятини ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 9-17 март кунлари “Ёшлар оромгоҳи”да семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар-тренингда “Ёшлар баланси”ни ва “Ёшлар дафтари”ни шакллантириш, ижтимоий лойиҳалар билан ишлаш, тайм менежмент, психологлар билан тернинглар, “Mfaktor” резидентлари билан очиқ мулоқотлар ташкил этилди.

Ёшлар етакчиларининг услубий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Етакчи йўриқномаси” услубий қўлланмаси ишлаб чиқилиб, ҳар бир етакчига етказилди. Бу қўлланмада ёшлар етакчиси учун иш фаолиятида таалуқли бўлган маълумотлар киритилган бўлиб, доим ёнида олиб юриш учун қўлай қилиб тайёрланган.

Шунингдек, 2022 йилда ёшлар билан ишлашнинг “Маҳаллабай” ишлашнинг янгича тизимини яратишга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, 6 та йўналишга бўлинган. Жумаладан,

1. Маҳалладаги ёшлар етакчиларининг фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш. Ушбу йўналишида 39,7 млрд сўм ажртилади.

2. Маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш. Ушбу йўналишга 48,6 млрд сўм ажратилади.

3. Ёшларнинг ички ва ташқи меҳнат миграциясини мувофиқлаштириш. Ушбу йўналишга 8 млрд. сўм ажратилади.

4. Умумий ўрта таълим мақаблари ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари билан ишлаш. Ушбу йўналишга 10 млрд сўм ажратилади.

5. Олий таълим муассасаларидаги талабалар билан ишларни тизимли ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Ушбу йўналишга 110,2 млрд сўм ажратилади.

6. Меҳнат жамоаларидаги ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касб малакасини ошириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш. Ушбу йўналишга 1,3 млрд сўм ажратилади.

Тошкент шаҳрида йўналишлар бўйча ҳар бир маҳаллада ёшлар ўратасида ташкил этиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирларининг ҳафталик, ойлик ва йиллик календар-режаси ишлаб чиқилди. Мусобақа ва танловлар кўчалар, маҳаллалар ҳамда туманлар ўртасида босқичма-босқич ва тизимли ташкил этилмоқда.

Шунингдек, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш учун зарур бўлган жиҳозларга (кўчма овоз кучайтиргич мосламалари, футбол, волейбол, баскетбол тўрлари ва коптоклари, стол тенниси, бадминтон жамланмаси ва бошқалар) маҳаллий бюджетдан 12 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Ёшлар етакчиларига услубий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидаги ташкилотлар масъул қилиб бириктирилди;

– Маҳаллада маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ишларига маданият ва санъат йўналишидаги олий ўқув юртлири, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ва Ўзбекистон давлат филармонияси.

– Ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш ва улар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ташкил этиш ишларига – Ўзбекистон Миллий гвардияси.

– Маҳаллаларда ва таълим муассасаларида илм-фан, маданият, санъат ва ахборот технологиялари каби йўналишларда тўғарақлар ташкил этиш ишларига – Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлири.

– Ёшларни китобхонликка кенг жалб этиш ишларига – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бириктирилган.

Тошкент шаҳрида маҳаллаларда ёшлар етакчиларига кўмаклашиш мақсадида ёшлардан иборат “Фидокор ёшлар” гуруҳлари тузилиши режалаштирилган.

Буларга Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ва ёшлар дафтарига киритилган ҳамда тўлов шартномасининг 50% тўлаб берилган 1 121 нафар ёшлар ва 2020-2021 ўқув йилида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида имтиёзли равишда ўқишга кирган ва шартномасининг 35% тўлаб берилган 671 нафар ёшлар қамраб олиниб, маҳаллаларда ёшлар ўртасида бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда жинойтчиликни олдини олиш учун самарали ишлар олиб боади.

Биз ишонамизки, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишда ёшлар етакчилари узоқ ва самарали фаолият олиб борадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги расмий веб-сайти www.yoshlar.gov.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси lex.uz.
3. Ziyo.uz электрон кутубхонаси.
4. “Беш ташаббус олимпиадаси” веб-сайти www.beshtashabbus.uz.
5. Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти www.stat.uz.



Йўлдашев Бектурсун Олимбой ўғли
*Хоразм вилояти Гурлан тумани бўлимнинг
“Нукус” маҳалла фуқаролар йиғини
ёшлар етакчиси*

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ФАОЛИЯТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли амалга ошириш, ёшларнинг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи ягона давлат органи – Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Бу эса барча тизимларда ёшлар билан ишлаш, уларнинг таклиф ва талабларини эҳтиёжга чиқариш имконини берди. Шундай бўлса-да, ёшларнинг энг муаммоли гуруҳи - маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан ишлаш борасида бўшлиқ вужудга келганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Уюшмаган ёшларни маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан қамраб олиш, уларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш борасида бир қатор муаммолар ҳам вужудга келган эди.

Маълумки, Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарорига мувофиқ, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал

тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида республикамиздаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Қарорга мувофиқ, қуйидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

– маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

– ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топиши ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Қарорга биноан, юртимиздаги ҳар бир маҳаллада “ёшлар етакчиси” лавозими жорий этилди. Эндиликда миллий, республика, ҳудуд, туман (шаҳар) даражаси билан чекланибгина қолмай, балки маҳалла даражасида ҳам ёшлар масалалари бўйича масъуллар пайдо бўлди. Бундан кўзланган пировард мақсад – ёшларнинг билим олиши, замонавий касб-хунарларни эгаллаши, ўз истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариши, меҳнат билан банд бўлишида маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада ошириш ҳамда ёшларнинг муаммоларини

маҳалладан чиқмай ҳал қилишдир. Хусусан, Хоразм вилояти, Гурлан тумани “Нукус” маҳалласида ҳам ушбу қарор ижроси таъминланмоқда. “Ёшлар баланси”ни шакллантириш борасида маҳаллалар Ёшлар етакчилари томонидан онлайн ҳамда анкета асосида хатловлар ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра: “Нукус” жами 4 335 минг нафар аҳоли мавжуд бўлиб, шунингдек 0-6 ёш 657 нафар, 7-17 ёш 823 нафар ҳамда 18-30 ёш 906 нафарни ташкил қилди.

а) Бандлик ҳолати: Шулардан, давлат секторида 72 нафар ҳамда хусусий секторда 135 нафар банд бўлган ёшлар мавжуд. Маҳаллада ЖИЭМдаги ёшлар мавжуд эмас, миграцияга кетганлар 67 нафар ёшларни ташкил қилади.

Маҳаллада таълимда бандлар 1615 нафар, бошқа расмий тармоқларда 86 нафар, норасмий бандлар 37 нафар, ишлаш истаги йўқлар 210 нафар, меҳнатга лаёқатсизлар 6 нафарни ҳамда ишсиз ёшлар 102 нафарни ташкил қилади.

б) Таълим маълумоти ҳолати: Мактабгача таълим соҳасидаги болалар (МТМларга ҳамда уй таълимига қамраб олинганлар) 931 нафар, умумий ўрта таълим соҳасида (тугалланган ва тугалланмаган) 1004 нафар, профессионал таълим ўқувчилари 325 нафар, олий таълим ўқувчилари 74 нафар ёшлар мавжуд.

с) Оилавий ҳолати: Турмуш қурмаганлар 1 859 нафар, турмуш қурганлар 478 нафар, ажрашганлар 1 нафарни ташкил қилади.

д) Ижтимоий ҳолати: Хоразм вилояти, Гурлан тумани “Нукус” маҳалласида кам таъминланган оила фарзандлари 6 нафар, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари 0 нафар, уй-жойга эҳтиёж борлар 15 нафар, боқувчисини йўқотганлар 4 нафар ҳамда ногиронлиги бор ёшлар 6 нафарни ташкил қилади.

е) Саломатлик ҳолати: Касалликка чалинмаган соғлом ёшлар 1 244 нафар ҳамда саломалик йўналишидаги касалликлар бўйича доимий рўйхатда турган ёшлар 32 нафарни ташкил қилади. Хатлов давомида маҳаллада 26 банддан иборат Ёшлар дастури ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

Дастур доирасида Хоразм вилояти, Гурлан тумани “Нукус” маҳалласида 23 тадбирлар ўтказиш белгиланиб, 1 нафар ёшларга тўлов-

контрактини тўлаш, 4 нафар ёшни тадбиркорлик бўйича касбга ўқитиб, кредит олишга амалий ёрдам бериш, 1 нафар ёшларга сафарбарлик ҳаражатларини, 2 нафар ёшларни ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда амалий ёрдам кўрсатиш, 1 нафар ёшнинг соғлигини тиклашда амалий ёрдам кўрсатиш, 50 та замонавий китобни мактаб (маҳалла) кутубхонасига тақдим этиш, 1 та спорт тўғараги ташкил этиш, Workout спорт майдончаси ташкил қилиш белгиланган.

Хоразм вилояти, Гурлан тумани “Нукус” маҳалласида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш бўйича: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПК-92-сонли қарорига асосан ҳар куни уюлмаган ёшлар иштирокида 16:00 дан 23:00 гача спортнинг “Ёшлар соғлом тармуш тарзи тарафдори” шиори остида волейбол, баскетбол, стол теннис, футбол мусобақалари ташкил этилди.

Ўтказилган мусобақаларда 1000 дан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Ҳар ҳафта 29 ҳамда 41-умумтаълим мактаб ўқувчилари, маҳалла ёшлари иштирокини “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилиб, 80 нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинади.

Маҳаллада ички ишлар бўлими профилактика инспектори билан биргаликда қўшма чора тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳар пайшанба куни “Профилактика куни” деб эълон қилиниб, профилактика тадбирлари фаол ташкил этилиб келинмоқда. Ташкил этилган рейдларда соат 22:00 дан кейин ота-она қаромоғисиз юрган вояга етмаганларни аниқлаб, улар билан тушунтириш ишлари амалга оширилди. Хоразм вилояти, Гурлан тумани “Нукус” маҳалласида 26 нафар (19 нафари “Ёшлар дафтари”) ёшларга аукцион орқали 3,9 гектар ер майдонлари ажратилди, 4 нафар ёшга кредит ажратилиб, 2 нафар ёшга ўзини ўзи банд қилиш мақсадида субсидия ажратилди, 4 нафар ёш тадбиркорлик бўйича касбга ўқитилди.

Юқоридаги қарорнинг қабул қилиниши маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасидаги ишларга ҳам катта туртки беради.

Умуман олганда, ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши бир қатор муаммоларга ечим топишга хизмат қилади. Бу биринчи навбатда маҳаллаларда ёшларнинг балансини тўғри шакллантириш, муаммоли ва оғир ижтимоий шароитдаги ёшлар билан манзилли ишлаш имкониятини яратади. Бундан ташқари, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, интеллектуал жиҳатдан камол топиши, маънавий ривожланишини такомиллаштириш борасида кўплаб ташаббусларни амалга ошириш, тадбирларни ташкил этиш тизими шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 460 б.

2. “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 92-сон Президент қарори <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

4. <https://uza.uz/uz/posts/mahalla>.



*Умурзаков Ислам Илхом ўғли
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани
“Олимлар” маҳалла фуқаролар йиғини
ёшлар етакчиси*

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарорлари мамлакати-миз ёшлари ҳаётида туб бурилиш бўлди. Чунки ёшларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни жойида ҳал этиш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш маҳалла даражасида етарли ваколатлар доирасида амалга оширилиши белгилаб берилди.

Мазкур қарор мамлакатимизда ёшлар оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг комил инсон бўлиб етишишлари учун яратилаётган барча зарур шарт-шароитлар, шунингдек, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасида муҳим ўрин эгалламоқда.

Дунёдаги ҳар бир инсон ўз ҳаёт йўлини болалик ва ёшлиқдан бошлайди. Бу даврда инсоннинг олган тарбияси, билими, ҳаётдаги қадриятлари унга бутун умри давомида ўзининг таъсирини ўтказди. Албатта, умр биносини қуришда болалиқда ва ёшлиқда қўйиладиган пойдеворнинг мустаҳкамлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунда эса оила

институти, таълим даргоҳлари, жамият ва давлатнинг ўрни катта ҳисобланади.

Мазкур лавозимга тайинланган ёшлар Президент вакиллари сифатида маҳаллаларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъулдирлар. Шунингдек, ёшлар етакчилари ўз фаолиятлари давомида маҳаллаларда ёшларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий, психологик ва бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш ҳамда бешта муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш учун барча қонуний-ҳуқуқий асосларга эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сонли қарорига асосан ҳар бир туманларда “Васийлик кенгашлари” ташкил этилиб, ёшларнинг муаммоларини тизимли ҳал этишга эришилмоқда.

Давлатимиз Раҳбарининг 2021 йил 11 декабрда Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманига ташрифлари давомида “Олимлар” маҳалласида жойлашган IT-park биноси ҳудудида ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари лавозимларига танлаб олинган номзодлар билан суҳбат бўлиб ўтди. Мазкур учрашув давомида “Олимлар” маҳалласи ёшлар етакчисининг “Ёш мақомчилар ансамбли”ни ташкил этиш бўйича берган таклифлари Давлат Раҳбари томонидан қўллаб-қувватланиб, тегишли вазирлик ва идораларга ушбу ансамблни ташкил этиш бўйича кўмаклашиш вазифалари юклатилди.

Бугунги кунда 12 нафардан иборат “Ёш мақомчилар ансамбли” ташкил этилиб, уларга 45 млн. сўмдан ортиқ бўлган мусиқий чолғу асбоблари харид қилинди ва ансамблнинг фаолияти самарали йўлга қўйиб борилмоқда. 2021 йилдан бугунги кунга қадар мазкур ансамблнинг 3 та концерт дастурлари, 16 та бадиий-ижодий тадбирларда ва 10 тадан ортиқ учрашувларда мақом санъатини тарғиб этишга улгурдилар. Давлатимиз Раҳбарининг ташаббусларига биноан, ҳар бир умумтаълим мактабларнинг битирувчилари битта мусиқа чолғу асбобини чалишни билиши лозимлиги белгилаб берилди.

Ушбу ташаббуснинг туб моҳияти мусиқа инсонни таҳлил қилишга, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ва ноталар орқали аниқ фанларни ўрганишга ёрдам беради.

Шунингдек, 2017 йил 3 август куни Давлатимиз Раҳбари мамлакатимизнинг зиёлилари, олимлар, санъат ва маданият вакиллари билан ўтказган учрашувларида, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигини тенг даражада муҳим экани, Мудофаа вазирлиги юртимизнинг чегараларини, ҳавфсизлигини ва ёвуз кучлардан ҳимоя қилса, Маданият вазирлиги, ушбу соҳа вакиллари ёшларимизни четдан кириб келаётган “оммавий маданият”дан ва турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиши кераклигини таъкидлаб ўтганлар.

Шундан кўриниб турибдики, юртимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг ўз юртига содиқ ва керакли фарзанд бўлиб етишишларида санъат ва маданиятнинг ўрни беқиёсдир. Мусиқа эса ҳам санъат, ҳам маданиятдир. “Олимлар” маҳалласидаги фаолиятим давомида “Ёш мақомчилар ансамбли”ни ташкил этиш билан бирга, Давлатимиз Раҳбарининг бизга яратиб берган вертикал тизимларининг тўғри ва оқилона эканлигини маҳалла ёшлари билан чуқур англаб бормоқдамиз.

Жорий йилда маҳалладаги 3 нафар бандлиги таъминланмаган ёшлар ишга жойлаштирилиб, муайян даромад манбаига эга бўлдилар, 2 нафар ёшларнинг олий таълим муассасаларидаги тўлов-контракт пулларининг 50 фоиз тўлаб берилди, 1 нафар ёшга бичиш-тикиш билан шуғулланиш учун субсидия ажратилиб, тикув машинаси харид қилинди, 1 нафар ёшнинг истеъдодини қўллаб-қувватлаш мақсадида “гитара” чолғу асбоби харид қилинди, маҳалла идорасида “Park study” инглиз тили ўқув курси ташкил этилиб, ҳозирда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини бепул ўқитиш учун алоҳида рўйхатлар шакллантирилмоқда.

Ушбу кўрсаткичлар сўнгги 3 ой давомида ёшларнинг бандлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилган бўлса, ёшларни маданият, санъат, спорт, IT-технологиялар ва бошқа маънавий-маърифий тадбирларга жалб этиш бўйича 14 та йирик гала-концертлар,

30 та маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, шунингдек, 11 та очиқ мулоқотлар ташкиллаштирилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар “Олимлар” маҳалласида амалга оширилган бўлиб, Давлатимиз Раҳбари ёшлар сиёсатиغا устувор вазифа сифатида қарашлари, ҳар бир ёшнинг дард-у ташвишларини ўрганиш, уларни тизимли равишда ҳал этиш, ёшларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш ва келажак авлоднинг комил инсон бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш зарурлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4862-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли Фармони.

4-ШЎЪБА: ЁШ ЛИДЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МИЛЛИЙ КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



Салиев Эргаш Алибекович
Жиззах вилояти ҳокими

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Ёшлик – инсон келажагини белгиловчи имкониятлар даври. Умрининг шу босқичида ёшлар миллий ва умумбашарий қадриятларнинг мазмун-моҳиятини идрок этиб, уларни амалда қўллаш кўникмаларини ўзлаштиради. Инсон ҳаётининг шу палласида ўз келажаги ҳақида фикр қила бошлайди, у фуқаролик паспортини илк бор қўлига олади, мактабни тугаллаш арафасида “Қайси касбни эгалласам экан?” деган мураккаб саволга жавоб излайди. Ўзи тўғри деб билган қарорини амалга ошириш учун техникум ёки олий ўқув юртига кириб ўқийди ва ўзининг тадбиркорлик субъектини ташкил этиб, катта ҳаёт остонасига қадам қўяди.

Ёшларни айна шу даврида қўллаб-қувватлаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, турмушнинг катта-кичик сўқмоқларида чалкашиб қолишларига йўл қўймаслик ота-оналарнинг, ёши улуғ инсонларнинг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 30 июнида қабул

қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ёшлар ҳаётида йўлчи юлдуз бўлди, десам янглишмаган бўламан.

Тўғри, Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёшларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Таълим, кадрлар сиёсатига оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар мавжуд эди. Аммо ёшлар ҳаётида жиддий ўзгаришлар амалга ошмади, коллеж ва лицейни тугаллаган ёшларни ишга жойлаштириш ҳақида кўптомонлама шартномалар тузилардию, ёшларнинг кейинги ҳаёти билан қизиқувчилар кам эди. Хорижга иш излаб кетувчилар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил этаётганини кўриб туриб кўрмасликка олиш одат тусига кирди.

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганидан кейин бу соҳада амалий ишлар бошланиб кетди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев биринчи марта ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумига ташриф буюриб, нутқ сўзлади. Давлат раҳбари ўз нутқида Учинчи Ренессанс, ёш волонтерлар фаолияти, ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент тажрибаси, “Ёшлар: 1+1” дастури, Ёшлар кичик саноат зоналари, “Ёшлар мурожаати” электрон платформаси, тадбиркорликка ўқиган ёшларга 4 фоизлик кредитлар, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ва бошқа мавзуларга алоҳида тўхталди. Юртбошимизнинг ёшларга яратиладиган имкониятлар ҳақидаги гаплари шунчаки ваъда эмаслигини ва ўз ҳаётларида туб бурилишлар даври яқинлашганини мамлакатимизнинг миллионлаб ўғил-қизлари дил-дилидан ҳис этганди ўшанда.

Юртбошимизнинг “Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!

Сизлар мустақиллик фарзандларисиз. Ота-боболарингиз кўрган тўсиқ ва қийинчиликларни кўрмай, озод Ватанда эркин нафас олиб вояга етаяпсизлар. Юксак мақсадлар йўлида сиз – ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак. Мен сизларнинг зиммангизга юкланган ана шундай улкан масъулиятни, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этишингизга қатъий ишонаман”, – деган сўзлари ёшлар қалбига олов ёқди.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида ёшларни жамиятимизда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ҳақиқий иштирокчисига айлантириш, улар қалбида Ватан тақдири, Янги Ўзбекистоннинг барпо этилишига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, малакали таълим-тарбия олишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ёшлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва бошқа соҳалар бўйича кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалалари бўйича илғор халқаро тажрибалар асосида барча ҳудудларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди. Жиззах шаҳрида “IT park” ташкил этилиб, унда келажак дастурчилари таълими йўлга қўйилди. Айни пайтда чекка туманларда ҳам “IT park” филиаллари ташкил этилмоқда. Бу масканларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилади, “стартап” лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, 2021 йилда барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, босқичма босқич амалга оширилди. Янги ташкил этиладиган компьютер ўйинлари марказлари ёш авлоднинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган тест, викторина, ривожлантириш стратегиялари ва бошқа фойдали дастурлар билан таъминланди.

Вилоятимиз ҳудудида 299 та маҳалла, 553 та мактаб, 32 та профессионал ва 4 та олий таълим муассасасида “Ёшлар баланси” шакллантирилиб, унинг асосида “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури”

ижроси йўлга қўйилди. Ёшлар муаммолари устида ишлашда бундай тизимнинг яратилиши 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган 327 734 нафар ёшларни аниқлаб, улар яшаётган маҳаллалар уч ҳудудга ажратилди. Қизил ҳудудга 48 та маҳалла (16,1 фоиз), сариқ ҳудудга 196 та (65,6 фоиз) ва яшил ҳудудга 55 та (18,4 фоиз) киритилиб, тоифаларга ажратиб чиқилди. Ёшлар билан учрашувлар, яқка тартибдаги суҳбатлар натижасида 6004 нафар ишсиз, ёрдамга муҳтож ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилиб, уларнинг муаммолари билан алоҳида шуғулландик.

“Ёшлар дафтари”да рўйхатга олинган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож 1 922 нафар ёшни касб-хунарга ўқитиш, меҳнат қуроллари, томорқаларини даромад манбаига айлантириш, уруғлик, кўчат харид қилиш учун субсидиялар ажратиш, контракт тўловларини тўлаш учун 1,8 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Амалга оширилган хатлов натижасида доимий иш билан таъминланмаган 21 330 нафар ёшларнинг 8 715 нафари бандлиги таъминланди. 1 786 нафар ёшга ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун 47 млрд. 571 млн. сўм банк кредитлари ажратилди. Уларнинг 4 979 нафарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 0,10 дан 1 гектаргача экин ерлари ажратиб берилди. Ер майдонлари ажратиб бериш тажрибаси ёшлар учун ўзига хос тадбиркорлик мактаби бўлмоқда. Чунки, ўз ерида меҳнат қилган ёш деҳқон етиштирган маҳсулоти ўтмай қолиши ёки арзонгаровга сотилмаслиги учун бозорни, истеъмолчилар талаб ва истагини ўрганади. Қандай маҳсулотга талаб катта эканлигини аниқлаб, кейин экишни бошлайди. Албатта, оладиган фойдаси ҳам шунга яраша бўлади. Шунинг учун улар орасидан деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, оилавий тадбиркорликни йўлга қўяётган ёшлар чиқаётгани бизни қувонтирмоқда. Ҳалол меҳнат нафақат кишини пиштади, балки ақлини ҳам пешлайди.

Улуғ ҳаким Ибн Сино айтганидай бола тарбиясини бешиқдан бошламоқ лозим. Биз фарзандларимизнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш орқали онгига миллий қадриятларимизни сингдириш, маънавий дунёқарашини ўстириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб

чиқдик. Таълим муассасалари баланси асосида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 778 нафар кам таъминланган, 47 нафар чин етим, 8 394 нафар ижарада, 1 507 нафар ётоқхонада яшовчи, 1 363 нафар ишловчи талабалар билан самарали иш олиб бориш учун олий ўқув юртлари раҳбарлари ва ёшлар етакчилари ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Мактабларда ҳам шундай таҳлиллар амалга оширилиб, 9 659 нафар ўқувчи-ёшлар аниқланди.

Ўтган давр мобайнида “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳаллаларда олти йўналиш бўйича ҳар куни тадбирлар, танлов ва мусобақалар, лойиҳалар ташкил этилди. Фаол ва ташаббускор ёшларни рағбатлантириб бориш учун “Ёшлар дафтари” жамғармасидан 897 млн. сўм молиялаштирилди.

Бугунги кунга қадар жами 13181 та тадбирлар орқали 750 956 нафар ёшлар қамраб олинди. Жумладан, маданият ва санъат соҳасида 2 476 та, спорт бўйича 5 002 та, IT соҳасида 661 та, китобхонлик, адабиёт ва публицистика йўналишларида 3706 та, ҳарбий ватанпарварлик йўналишида 921 та тадбир, танлов ҳамда мусобақалар ташкил этилди. Масалан, спортнинг “Мини футбол” ва “Street workout” турлари бўйича “Вилоят ҳокими кубоги” мусобақалари ўтказилди. Беллашувларда маҳаллалар, секторлар, шаҳар ва туманлар босқичлари ўтиб, шу йилнинг 29 мартида вилоят босқичи якунланди. Ғолиблар 40,0 млн. сўмлик совғалар билан тақдирланди. Бундай тадбирларнинг аҳамиятли томони шундаки, уларнинг барчасига ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари бош бўлишмоқда, уларнинг ташаббускорлиги иккиланиб турган ёшларни қатъиятли бўлиб, мақсад сари олға интилишга даъват этмоқда.

Ёшлар етакчиларининг саъй-ҳаракатлари билан вилоятдаги 393 та спорт зали, 457 та кутубхона, 697 та компьютер хоналарида ҳар куни соат 16 дан 23 га қадар ёшларга шуғулланиш имкони яратилди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳамда “Ватан ҳимояси муқаддас бурч” тамойили асосида “Ёш ватанпарварлар йиғини” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тарбияси оғир, ишсиз 400 нафар ёшларга ўн кунлик дастур асосида касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ҳарбий қисмларда

ташкил этилди. 10 кун давомида ёшлар ҳарбий кийимда, ҳарбий интизом остида етук мутахассислардан таълим-тарбия олмоқда. Лойиҳа “Жиззах тажрибаси” номи билан мамлакатимиз миқёсида амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Ёшларни ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишида маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун аксарият жиддий тадбирлар бевосита маҳаллалар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. 1 253 нафар ёшлар иштирок этаётган “Қалқон” ёшлар гуруҳи, фарзандларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган “Жасорат дарслари” лойиҳалари доирасида ташкил этилаётган камондан ўқ отиш, от спорти каби беллашувлар ҳам маҳаллалар миқёсида ташкил этилмоқда.

Маҳаллалардаги 299 нафар ёшлар етакчилари самарали фаолият кўрсатишлари учун барча шароитларни яратиб бериш вилоят ҳокимлигининг биринчи галдаги вазифасидир. Зеро, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари ҳамкорлигида маҳаллаларда тадбиркорлик йўналишида 75 дан ортиқ лойиҳалар ишлаб чиқилди. Шунинг учун ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари маҳаллаларда алоҳида иш жойлари, компьютер жамланмалари билан таъминланди. 299 нафар ёшлар етакчиларининг барчасига ишда фойдаланиш учун планшетлар берилди.

Шу йилнинг май ойида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) сайлови бўлиб ўтди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркиблари, овоз бериш бюллетенлари шакли халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари томонидан тасдиқланди. Жойларда ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Маҳалла раислари (оқсоқоллари) лавозимига энг муносиб номзодларни танлаш ва тавсия этиш жараёнлари бошланиб кетди. Номзодларни танлашда ёш кадрлар заҳирасига ҳам мурожаат этмоқдамиз. Чунки, аксарият ҳоким ёрдамчилари олий маълумотли ёшлардир. Ёшлар етакчилари вазифасига ҳам олий маълумотли ташаббускор, ташкилотчи ёшлар тайинланган. Демак, маҳалла раҳбарининг маълумоти ва ташкилотчилик салоҳияти уларникидан паст бўлиши керак эмас. Биз маҳаллани тараққиёт, ташаббуслар

масканига айлантиришни мақсад қилганмиз ва унда ёшлар ҳал қилувчи етакчи куч бўлиб қолади.

Умуман, ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Чунки, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шу боис Ўзбекистон жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшлар қатламига “муаммо” деб эмас, балки юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қарамоқда. Натижада бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб борапти.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонун.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январда “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМ-250-сонли Қарори.



Жалилов Ақтам Ташназарович
*Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини
ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини директори, сиёсий фанлар
доктори, профессор*

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январда қабул қилинган ПҚ-92-сонли Қарори уч ой давомида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу фаолиятга жалб этилган барча ташкилот ва идоралар ўз йўналишида тадбирларни бошлаб юбордилар. Ўтказилаётган тадбирлар борасида вазирлик идоралар ўзларининг дастлабки ҳисоботларини шакллантирган ҳолда Республика комиссиясига тақдим этдилар. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилган ҳолда дастлабки хулосаларга кўра, маҳаллаларда ёшлар етакчилари тизимини жорий этиш зарур ташаббус эканлиги ўз исботини топди.

Бугунги кунда ушбу ташаббуснинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, уни ёшларга, давлат идораларига тўғри етказиш ва бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш йўналишида янги методологияни ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда. Зеро, бугунга қадар амалга

оширилган ишлар саломоғи қанчалик муҳим бўлмасин, бу тадбирларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, вазирлик ва идоралар фаолиятини бу йўналишда ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишларига эришиш зарур. Ўтказилган ўрганишлар натижасида айтиш мумкинки, дастлабки ойларда шу фаолиятга жалб этилган вазирлик ва идоралар томонидан маҳалла етакчиси фаолиятини йўлга қўйиш борасида тадбирларга жиддий муносабат кузатилди. Тез орада ойлик ва йиллик режалар қабул қилиниб тадбирлар бошлаб юборилди. Баъзи ҳудудий ижро ҳокимияти вакиллари эса, бу ташаббуснинг аҳамиятини тўғри тушуниш ва тўлиқ баҳо бериш борасидаги муносабатини ўзгартириш талаб этилмоқда.

Бундай ҳолатларни тўғри йўналтириш учун энг аввало, маҳалла етакчиси тизимининг яқин ва узоқ истиқболдаги стратегияси борасида мулоҳаза юритиш зарур. Бу ташаббус муваққат ташаббусми ёки узоқ даврга мўлжалланган стратегик режами, мана шу масалани тўғри баҳолаш ва барча бўғинларга тушунтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий тузилишидаги энг муҳим белгилардан бири мамлакат маҳаллаларга бўлинганлиги, бошқача айтганда бутун мамлакат маҳаллалардан иборат. Ўзбекистонда бирор-бир киши маҳалла институтидан ташқарида истиқомат қилмайди. Маҳалланинг ривожини, туман ёки шаҳарнинг ривожини, туман/шаҳарнинг ривожини эса, ўз-ўзидан вилоят ва ўз навбатида, мамлакат ривожини ижтимоий тараққиётини таъминлайди. Бу оддий мантиқ бўлиши билан бирга, ижтимоий тараққиётнинг муҳим бўғини эканлигини мунтазам ёдда тутиш керак. Ижтимоий қатламнинг иқтисодий ёки молиявий хусусиятидан қатъий назар барчанинг маҳаллада истиқомат қилиши, маҳаллани ривожлантиришга эътибор қаратишдан барча манфаатдор эканлиги ўртага чиқади. Ўзбекистон ёшларга эътибор бериш борасида дунёдаги етакчи давлатлардан бири экани назарда тутилса, маҳаллада амалга оширилаётган тадбирлар, маҳалла етакчиси фаолиятини ривожлантириш келажакда Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришга бўлган давлат сиёсатини англайди.

Яқин истиқболда бу тизим берадиган самара борасида айтиш мумкинки, ўтказилаётган турли тадбирлар мунтазамлик касб этган

тақдирда, маҳалла ёшлари ўртасида турли йўналишларга қизиқишни вужудга келтиради. Ёш авлод вакиллари турли соҳаларда танловлар, мусобақалар ва маънавий-маърифий тадбирларга ўргатиш касбий йўналишларни аниқлашига хизмат қилади.

Узоқ истиқболда эса, жамиятда ёшларда муваффақиятга интилиш, мақсадни белгилаш, ғалабага йўналиш каби кўникмалар шаклланади. Бу эса ижтимоий муносабатларда янгича жараён, мусобақа руҳиятини вужудга келтириб ғалабага тинимсиз ҳаракат, меҳнат ва интилиш орқали эришиш тўғрисидаги ишончни мустаҳкамлайди. Орадан йиллар ўтгач, ўзбек жамияти глобал жараёнлар ва тенденциялар билан ҳамнафас, дунёдаги илмий-техник тараққиёт, инновацион янгиланишлардан бохабар ва ҳатто уларга интеграция бўлишга тайёр авлодни тарбиялайди.

Маълумотларга қараганда бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари маҳалла етакчисининг фаолияти маҳалладаги ижтимоий ҳаётга, ижтимоий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатадиган омил бўлишига ишонч ҳосил қилишмоқда.

Маҳалла етакчисининг давлат хизматига қабул қилиниши ёшларда янгича руҳиятни вужудга келтирмоқда. Давлат бошқаруви тизими вертикали марказдан энг қуйига ва жамиятнинг энг қуйи бўғинидаги вазият борасида тўлиқ маълумотга эга бўғин орқали самарали қайтма алоқа шакллана бошлади. Маҳалла етакчиси дастлабки ойдан бошлаб ўзини давлат хизматчиси сифатида ҳис қила бошлади. Худудларда ишчи гуруҳи фаолияти давомида амалга оширилган ўрганишлар натижасида ёшлар етакчиларининг янги фаолиятга тайёргарлик даражаси ҳам ўрганилди.

Ўрганишлардан маълум бўлишига қараганда маҳалла етакчилари билан ўтказилган ишончли суҳбатлар давомида уларнинг аксарияти мулоқот қобилияти юқори, умумий ижобий кайфият, юқори турувчи ташкилотлар билан “жадал ва ностандарт иш режими” да ишлаш кўникмаси мавжуд. Илгари маҳалла ва ёшлар тизимида ишлаш тажрибасига эга бўлган етакчиларда юқори ишчанлик кузатилиб, руҳий таранглик ва тушкунлик кайфияти сезилмайди.

Сухбатлар давомида етакчиларнинг аксарияти бугунги кунда илгари сурилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини тўғри тушуниб, ўз фаолиятини самарали йўлга қўйишдаги мураккабликларни енгиб ўтиш иштиёқи юқори. Шу билан бирга, айрим етакчилар тафаккурида уларга юкланган масъулиятни тўлиқ англамаслик, ижрода мавҳумлик ва бамайлихотирликка олиб келмоқда. Уларда, етакчилик – серқирралик, жадаллик, ташаббускорлик, шиддат талаб этадиган фаолият эканлигини англаш етишмайди. Бошқача қилиб айтганда, етакчилик бошқа лавозимлар қатори, фақат топшириғи кўп навбатдаги бир лавозим деган тушунча мавжуд. Ушбу фаолиятнинг ғайриоддийлиги, ёшларни жипслаштириш, етаклаш ва натижага эришиш учун мулоқот қобилиятининг ўзи етмаслигини алоҳида таъкидлаш керак.

Тадқиқотлар натижасига кўра, кўпгина вилоятларда ёшлар серҳаракат, маълум бир ижтимоий фойдали фаолият билан машғул. Халқимизга хос меҳнаткашлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бўш вақтнинг камлиги аксарият ҳудудлар аҳолиси, жумладан, ёшлар ўртасида ижтимоий тарангликни пасайтирувчи омил сифатида хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, етакчилар фаолиятини йўлга қўйишни осонлаштиради, уларнинг тажриба орттириши, қолаверса фаолияти самарадорлигига хизмат қилади.

Бугунги кунда, “Ёшлар баланси”ни шакллантириш мақсадида аксарият ҳудудларда хатлов ишлари якунига етган, етакчилар қўлида ёшларга оид асосий кўрсаткичлар мавжуд. Айни вақтда таъкидлаш керакки, статистикани шакллантириш жараёнида – ёшлар бандлиги, хорижга чиқиш, жиноятчилик ва ажримларга оид кўрсаткичларда табиий равишда ноаниқликлар кузатилмоқда.

Етакчилар орасида ўз ваколати ва вазифаларини тўлақонли тасаввур қилиш, унинг масъулияти ва аҳамиятини тушуниш борасида бир қатор махсус ўқувларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, баъзи жойларда етакчилик лавозимини қандайдир ёндош фаолиятни ривожлантиришда восита сифатида фойдаланишга интилиш ҳам мавжуд. Бундай етакчиларда, давлат хизматчиси руҳияти масаласида муаммолар кузатилиб, уларни том маънодаги давлат

хизматчиси руҳиятига эга бўлган, ўз келажагини давлат тизимларида кўрадиган ходимлар билан алмаштириш масаласи юзага келмоқда. Ушбу фаолиятнинг мезонларини мустақкамлаш, самарадор тизим ҳолатига келтириш мақсадида етакчиларининг психологик қиёфаси ва фаолият самарадорлигини доимий ўрганиб бориш талаб этилади.

Бугунги кунда барча вилоятлар ва туманларда йўлга қўйилган штаблар фаолияти секторлар раҳбарлари томонидан назоратга олинган. Маҳаллаларни секторлар кесимида ўрганиш жараёнида штабга бириктирилган ташкилотлардан олинган аксарият статистик маълумотлар реал ҳолатга тўғри келмаслиги ҳам кузатилади. Бунинг сабаби, идоралараро маълумот алмашинувида номувофиқлик мавжуд. Бу борада ташкилотлардан маълумотлар олиш ва улардан фойдаланиш борасида маҳалла етакчиларида норматив даражада ваколат мавжуд эмас. Қолаверса ҳужжатлар айланмасини ташкил этиш борасида кўникма ва тажриба ҳам ҳали етарлича шаклланмаган бўлиб, улар тўплаган маълумотларнинг аниқлиги борасида қатор саволлар туғилади.

Вилоятларда ташкилотлар раҳбарлари ўз туманларини имкон қадар “яшил” ҳудудга ўтказишга интилиш, маълумотларни имкон қадар ижобий ракурсда тақдим этишга интилиш мавжуд. Шунингдек, штаб аъзолари (ташкилотлар) билан етакчилар ўртасида мунтазам алоқани ўрнатиш зарур. Бу эса етакчиларда ташкилий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли Қарори ижросини таъминлаш жадал суратларда амалга оширила бошланди. Айни вақтда, баъзи бир масалалар ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, ёшлар етакчилари фаолиятини йўлга қўйиш ўзига хос ташкилий мураккабликлар, бу борада идоралараро фаолиятни мувофиқлаштириш, маълумотларни тўлиқ тақдим этиш борасида саволларни келтириб чиқармоқда.

Маҳаллаларнинг “қизил”, “сарик” ва “яшил” категорияга бўлиш борасида мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини кучайтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Маҳалладаги етакчиларга юклатилган

вазифаларнинг серқирралиги ва мураккаблиги нафақат етакчилар, балки Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлинмалари учун ҳам улкан сафарбарликни тақозо этмоқда.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан маҳалладаги ёшлар етакчиларини бошқа ташкилотлар билан ишлаш, бўш вақтни мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва шахсий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида махсус тренинглар, семинарлар ташкил этилиши лозим. Мазкур ўқувларда ёшлар етакчилари учун тайёрланган қўлланмада иштирок этган вазирлик ва идораларнинг вакиллари, туман/шаҳарларнинг штаб вакилларининг иштироки ҳам муҳим.

Ёшлар орасида норасмий меҳнат фаолияти улушининг жиддийлиги, хорижга чиқиш жараёнининг чекловсизлиги туфайли бандликка оид маълумотлар аниқ манзарани акс эттирмайди. Маҳалла етакчиси фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, рақамлаштириш билан боғлиқ билими ва “Ёшлар дафтари” платформасига маълумотларни мунтазам киритиш тажрибаси ошган шароитдагина бу борада нисбий аниқ статистикага эга бўлиш мумкин.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан социологик тадқиқотлар воситасида ҳар бир шаҳар/туман маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижтимоий, психологик қиёфасини шакллантириш ва шу асосда маҳалла етакчиси учун илмий асосланган мезонларни ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, маҳалла етакчисига нисбатан маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва бошқа идораларнинг ижобий муносабатини шакллантириш учун секторлар йиғилишларида алоҳида қайд этиш талаб этилади. Бунда маҳалла раислигига сайлов жараёнида янгича дунёқарашга эга, ташаббускор раислар билан янгилашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бундан ташқари, маҳаллаларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” ҳудуд сифатида таснифлашда туман/шаҳарлар сектор раҳбарлари имзоси ва тасдиғи билан маълумотлар олиниши ва Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тўпланиши зарур.

Ёшлар етакчилари фаолиятини йўлга қўйиш ва кўмаклашиш мақсадида жалб этилган вазирлик, идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати ўртага чиқмоқда. Барча вазирлик идоралар ўз йўналишларида тадбирларни ўтказишмоқда, бу борада юксак натажалар кўзга ташланмоқда.

Ёшлар ўртасида ўтказилаётган тадбирлар, мусобақалар, танловлар натижасида ёшлар ўртасида вужудга келаётган янгича мусобақа руҳи борасида муҳим бир жиҳатни ҳам эслатиш зарур. Доимий кураш табиат қонуни ва унинг аҳамияти инсон тараққиёти учун ҳам муҳим. Ҳар бир киши юксак ютуқларга эришишни ҳоҳлар экан, албатта ўз меҳнати натижасини кўриш учун янада юқори марралар ва янги ғалабалар сари интилиб яшайди. Ҳар қандай танлов ва мусобақа ёшларни ҳаракатга, илмга, ютуққа йўналтирар экан, келажакда Ўзбекистон халқининг интилувчанлигини кучайтиришга хизмат қилиши зарур. Бунинг учун, мусобақа ва танловларда адолатни таъминлаш асосий мезон бўлиши даркор. Бу билан ёшларга оид давлат сиёсатида натижадорлик кучаяди. Акс ҳолда, навниҳол ёшлар онгида келажакка ишончсизлик туйғуси шаклланади, бу эса ижтимоий норозилик куртакларини урчилади. Давлатимиз раҳбари ёшларга бераётган эътиборини парваришлаш бугунги кунда барчанинг бурчи ҳисобланади. Етакчи ёшлар маҳалладаги ёшларни турли мусобақа ва танловларга жалб этар экан, келажакда уларнинг стратегик кучга айланишига пойдевор яратади. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан

ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6017-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4862-сонли Қарори.



Эшов Хуршид Хуррамович

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси

бошлиғи ўринбосари

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Янги Ўзбекистон “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимиغا ҳам ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда. Юртимизда кейинги йилларда таълим соҳасида педагогларнинг моддий-маънавий шароити тубдан яхшиланиб, таълим сифатини оширишнинг замонавий технологиялари жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан халқимизга эълон қилинган “Янги Ўзбекистон стратегияси”да ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича белгиланган устувор масалалардан келиб чиқиб, “Ёшлар билан янгича ишлаш” тизимини яратиш мақсадида 2022 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга доир Ҳукумат қарори ва “Ёшлар миллий дастури” ишлаб чиқиш бўйича бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда асосий таянчи ва суюнчи бўлган шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда

Ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада ёшларни илғор ғоя ва ташаббуслари билан яқиндан танишиш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ёшлар билан учрашувлар (Худудларда “Ҳоким ва ёшлар” ҳамда “Сектор раҳбари ва ёшлар”) учрашувларини ташкил этиш ва мавжуд муаммоларни маҳалланинг ўзида бартараф этиш имкониятини яратишдан иборат.

Маҳалладаги ёшлар билан туман (шаҳар) мутасаддиларининг учрашувларини (“Ҳоким ва ёшлар” ҳамда “Сектор раҳбари ва ёшлар”) ташкил этиш қуйидаги вазифалари мавжуд:

- ёшларга оид давлат сиёсатининг маҳаллаларга кириб боришини таъминлаш ва янада самарадорлигини ошириш;
- ёшларнинг мавжуд муаммоларини вақтида ва жойида самарали ҳал этиш;
- ёшларнинг илғор ғоя, таклиф ва ташаббуслари билан яқиндан танишиш;
- маҳалладаги ёшларнинг фаоллигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6260-сонли фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг тегишли бандида Ёшларнинг илғор ғоя, таклиф ва ташаббуслари билан яқиндан танишиш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш белгиланган. Мазкур бандда белгиланган “Вазир ва ёшлар”, “Ҳоким ва ёшлар” ҳамда “Сектор раҳбари ва ёшлар” учрашувлари юқори савияда ташкил этилмоқда.

“Ёшларни илғор ғоя, таклиф ва ташаббуслари билан яқиндан танишиш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар” ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Ёшлар ишлари агентлигида республика штаби фаолияти йўлга қўйилиб, ҳафталик мониторинг юритиб борилмоқда.

Учрашувларда ёшлар томонидан илғор ғоя, таклиф ва ташаббуслари ҳамда бандлик, тадбиркорлик, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида кўтарилган муаммо ва таклифлар жойида ҳал этилмоқда.

Шунингдек, ёшлар мурожаатлари ва таклифларининг ҳал этилиши устидан тизимли назоратни таъминлаш ҳамда кўтарилган масалаларни самарали таҳлил қилиш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда республика миқёсида “online мурожаатлар мониторинг назорат платформаси”ни Ёшлар портали негизида яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур тартиб асосида учрашувлар ўтказилди, бир қатор ёшларнинг муаммолари ўз вақтида ҳал этилди.

Президентимизнинг фикрларига кўра, ёшларимиз учун инновация, маърифат, илм-фандан самарали фойдаланиш, инсон капиталини фаоллаштириш қисқа давр ичида тараққиётга энг тез эришишнинг ягона йўли ва айнан шу йўл рақамли фаолиятга ўтиш ва ишлаш йўли ҳамдир.

Маҳаллада ёшлар билан ишлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестивалларини ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш;

– ёшларнинг тегишли соҳа раҳбарлари билан мулоқот ва учрашувларини ташкил этиш, кўтарилган масалалар бўйича манзилли чора-тадбирлар ижроси мониторингини юритиш.

– имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш, Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари, васийлик ва ҳомийлик органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

– “Ёшлар баланси”ни яратиш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ахборот тизимида киритиб бориш;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббусларини рағбатлантириш ва ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

– маҳалладаги ёшлар билан индивидуал тарзда ишлаш ва уларнинг муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш;

– ёшларнинг тегишли соҳа раҳбарлари билан мулоқот ва учрашувларини ташкил этиш;

– ёшлар сиёсати йўналишидаги мавжуд муаммолар юзасидан Халқ депутатлари маҳаллик кенгашлари сессияларига кўриб чиқилиши бўйича масалалар киритиш;

– ҳудудий сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклишиш чораларини кўриш.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига қарамай, келгусида мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш устувор мақсад бўлиб қолаверади. Бу, бир томондан, мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва ватанимиз манфаати йўлида фойдаланиш ҳуқуқини бергани Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шу олий неъматдан баҳраманд бўлаётгани, иккинчидан, мустақиллик йилларида ана шу муқаддас қадрият ва миллий анъаналарга таянган ҳолда яшаш ҳуқуқини ҳам бермоқда. Маълумки, мустақилликкача миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этилган. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби муқаддас миллий байрамлар таъқиқланган эди. Амир Темур, Имом Бухорий , Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинган. Мустақиллик туфайли уларнинг номлари, миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиб, ўзлигимизни чуқурроқ англаб бормоқдамиз.

Бугун ёшлар ўз миллий тарихини ўрганмоқда. Она тили, маданият, урф-одат ва анъаналарининг қайта тикланиб бораётгани уларни ўзлигини англашга шарт-шароит яратиб бераётгани ҳам муҳим ютуқдир. Бугунги ёшлар миллий-маънавий қадриятларни шунчаки ўрганиб қолаётгани йўқ. Улар дунё халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлмоқда. Хорижий давлатларда ўқиш, билим олиб, фан-техника ютуқлари, илғор технологияларни эгаллаб жамиятимиз ижтимоий ҳаётига жорий этиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори бу борада концептуал асос вазифасини ўтайди.

Тарихий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари, 2030 йилгача мўлжалланган “Ёшлар стратегияси”, Ёшлар манфаатлари бўйича бутунжаҳон ҳаракатлар дастури, 2020 йил декабрь ойида ташкил этилган “Ўзбекистон ёшлари” форумида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилганлиги диққатга молик.

“Ёшлар сиёсатининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар”, деб номланган Концепция 3-бобида қуйидаги факт ва далиллар келтириб ўтилган: “Мамлакат аҳолисининг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади. Ёшларнинг 9,5 миллиони эркак, 9,4 миллиони эса аёл жинсига мансуб. Республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2017-2020 йилларда 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, 30 июнь – “Ёшлар куни” деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар натижасида миллий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқарув органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлис Сенати қошида 100 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат “Ёшлар парламент”лари, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди.

“Таълим муассасалари Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаолари, миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислох қилишга ниҳоятда катта эътибор қаратилди.

Ғоявий тарбия мақсадларидан бири ёшларда масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдир. Масъулият одамнинг ҳар бир иши, фаолияти натижасини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун нима қила олишини, ўз бурчини англай олиш хусусиятидир. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган инсон, энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти равнақини ўйлайди.

“Маҳаллабай” ўрганишлар орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш, шунингдек, улар ўртасида маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китобхонликни ривожлантириш мақсадида янгича тизим асосида барча туман (шаҳар)ларда “Ёшлар дастурлари”ни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга

эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар киритиладиган “Ёшлар дафтари” тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Худудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади. Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном берилди.

Республикада ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган 830 дан ортиқ нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда”.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бу кенг имкониятлардан ёшларимиз имкон қадар кўпроқ фойдаланиши керак, деб ҳисоблаймиз. “Жамият ёшлар онгида маънавий қадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб ўз истиқболига эриша олмайди. “Айниқса, куни кеча Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шижоатни, билимга ташналик ва янгиликка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим. Ибн Сино бобомиз айтган довюрак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим. Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз”, деди президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатномасида.

Халқимиз мустақиллик ўз ҳаётида ва тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этганини теранроқ англаб етмоқда. Бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ёш мустақилликнинг берган неъматидан баҳраманд бўлмоқда, деб айта оламиз. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ёшлари ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистон бировга қарам эмас, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаб, мустақил ички

ва ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ёшлар кўз ўнгида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ўзгармоқда. Мулкнинг хилма-хиллигига ўтилгани ҳар бир ёшга ўз хоҳишига кўра тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятини берди. Бир томонлама, режали иқтисодиёт ўрнида бозор иқтисодиётига асосланган эркин меҳнат фаолияти шаклланмоқда. Тадбиркорлик, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугун Ўзбекистон ўзига қарашли бўлган, халқнинг меҳнати билан яратилган бойликни ўзи ўз ихтиёри билан тасарруф этмоқда. Унга ўзи эгалик қилмоқда. Изланувчан, тадбиркор, янгича фикрлайдиган ёшларнинг ҳаёт тарзи ўзгараётганига шоҳид бўлмоқдамиз. Мустақиллик миллий ўзликни англашнинг муҳим шарти сифатида қадрланмоқда ҳамда ўзлигини намоён этиш омили, деб баҳоланмоқда.

Шарқ давлатларида жамият иқтисодий оёққа тургандан кейин модернизацияга ва сиёсий ислоҳотларга қўл уришади. Ҳар бир мамлакат нафақат ўзининг тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, имкониятлари, интеллектуал имкониятлари, балки ўз халқининг менталитети, турмуш тарзи, урф-одат ва қадриятлари билан ҳам фарқ қилади. Ўтиш даврида давлатнинг муҳим вазифаси жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдир. Ўзбекистонда давлат ва жамият ўртасида ижтимоий консенсус ўрнатилгани сабабли, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Сиёсий фанлар доктори Ш.Пахрутдинов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда “демократия ва сиёсий тартибот ўртасидаги табиий уйғунлик мавжудлиги” муваффақиятларимиз омилига айланмоқда.

Айни пайтда, дунёда глобаллашув жараёни тезлашмоқда. Жамиятда ёшлар тарбияси муаммолари эндиликда биринчи даражали мавзуга айланди. Дунё халқлари ва давлатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучаймоқда. Ўзбекистон ҳам ундан четда тургани йўқ. Турли халқларга хос бўлган қадриятлар мамлакатимиз ёшлари ҳаётига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бундай муҳит халқаро ахборот тизими, интернет, ОАВ, реклама, турли хил кино, кўрсатувлар билан боғлиқ асарлар ёшлар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатиши, турли хил қадриятларнинг кириб келишига шароит ҳозирлайди. Аммо унинг қайси жиҳатларидан

фойдаланиш ёки фойдаланмасликни ёшлар яхши билиши лозим. Қадриятларни бир-биридан фарқлаш жуда муҳимдир.

Аслини олганда, глобаллашувни инсоният тараққиётининг янги босқичи, унинг ақл-заковатининг маҳсули, деб аташ мумкин. Шу маънода ҳам уни объектив жараён сифатида қабул қилса бўлади. У инсоният ва мамлакатлар тараққиётига ўзининг таъсирини ўтказмоқда, жумладан, фан, техника ва технологиянинг ривожланиши, уларнинг жаҳонда кенг оммавийлашувига, инсон моддий фаровонлигининг ошишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказувчи омилга айланмоқда. Муаммо глобаллашувнинг ўзида эмас, балки унинг бошида кимлар турганлигида ва ундан асосий манфаатларни кимлар кўраётганлигидадир. Унинг бошида юксак тараққиётга эришган мамлакатлар турганлиги, уларнинг моддий ва интеллектуал имкониятлар билан шакллантирилаётганлиги, асосий манфаатни ҳам уларнинг ўзлари кўраётганликлари, тараққиёт йўлидан бораётган ва тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатларнинг иқтисодий, техник ва технологик жиҳатдан уларга боғланиб қолаётганлиги глобаллашувнинг умуминсониятга хизмат қилиш функциясининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда, айрим ёшларнинг хатти-ҳаракатларида миллий қадриятларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатларни ҳам кузатамиз. Баъзи ёшларнинг диний экстремизм, ақидапарастлик ғояларининг тарафдори бўлиб содир этган қилмишлари билан миллий қадриятларимиз ўртасида ўзаро тўғри келмайдиган ҳолатлар мавжуд. Тошкент, Бухоро, Андижонда содир бўлган воқеалар ёшлар дунёқарашига миллий қадриятларимизни сингдириш зарурлигини кўрсатди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳон ахборот майдонида, глобаллашув таъсирида ёшларни миллий қадриятларга қарши тарбиялашга уриниш кучаймоқда. Қадриятларга муносабатни ўзгартирмасдан демократик жамият куриб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрлар остида қандай яширин мақсадлар ётгани тобора аён бўлмоқда. Бундай ҳаракатлар ёшларни ўз халқи, она ватани ва миллий қадриятларига нисбатан беписанд руҳда тарбиялашга қаратилган

бўлиб, уларда кўпроқ ғарбона кадриятларга мойилликни уйғотишга бўлган яширин мақсадлар ётибди.

Ёшлар ҳаётида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрни салмоқли бўлиб, миллий кадриятларни яхши билмаган ёшларнинг хатти-ҳаракатларида носоғлом ақидапарастлик ҳолатлари намоён бўлади. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳада олиб борилган чуқур ислоҳотлар натижасида кадриятлар тизимига, миллий-маданий мерос ва анъаналарга таянишда янги имкониятлар эшиги очилмоқда.

Ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий кадриятларни мустақкамлашдан кўзланган мақсад уларни фақат ўз кадриятларига таяниб яшашга ўргатиш эмас, балки умумбашарий кадриятларни ҳам ўзлаштириб, мамлакатнинг ўзига хос тараққиёти унга боғлиқлигини ҳисобга олиб яшашга, ишлашга даъват этиш лозим. Бундан ташқари, миллий-маънавий кадриятларни чуқур билиш ёшлар томонидан мустақилликни асраб-авайлаш, уни ҳимоя қилиш ва мустақкамлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида миллий ва умуминсоний кадриятлар ўзининг ҳаққоний мазмунига эга бўлмоқда. Ёшларнинг янгича қарашлари ва муносабатлари шаклланиб, миллий-маънавий кадриятларга умуминсоний кадриятнинг негизи сифатида қаралаётгани муҳим ютуғимиз сирасига киради.

Ҳозирги даврда қўлга киритилган муҳим ютуқларимиздан бири таълим-тарбияда миллий, маънавий кадриятларнинг устуворлигига эришганимиз, деб ҳисоблаймиз. Бу ёш авлодга бой тарихий, миллий, маънавий меросни сингдириш ҳамда асрлар давомида шаклланган халқ педагогикаси анъаналари асосида таълим-тарбия беришни билдиради.

Чиндан ҳам, ота-боболаримиз илм ўргатиш билан фарзандларига авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий маънавий, ахлоқий кадриятларни сингдириб боришган.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёнида кечаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри талқин қила олиш, ҳар бир воқеликни миллий манфаатларимиз ва кадриятларимиз асосида таҳлилдан ўтказишимиз, тадқиқот ишларида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун аввало,

миллий ғоя ва мафкурамиз пишиқ-пухта ва мустаҳкам бўлмоғи лозим. Зеро, халқимиз, хусусан, ёш авлод онги ва тафаккурига сингдирилган миллий ғоя ҳар қандай ёт ғояларнинг таъсирига берилиб қолмасликни таъминлаши билан бирга, уларга муносиб жавоб қайтариш кўникмасини шакллантиради, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишга ва уни асраб-авайлашга ундайди.

Шу нуқтаи назардан, ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда миллий қадриятлардан, илғор тараққиётга хизмат қилувчи диний қадриятлардан фойдаланиш, уларни замонавий демократик қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш масаласига бугун юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Айни пайтда, ёшларни маънавий ҳимоялаш тизимининг механизмини ишлаб чиқишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Чунки, ҳозирги глобаллашув шароитида, бир томондан, миллий қадриятга, иккинчи томондан, замонавий қадриятларга асосланган маънавий-ҳуқуқий янгиланиш жараёнларини амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқининг узоқ асрлик қадриятлари, айниқса, ёшларни тарбиялашда катта таъсир эта оладиган урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари ва маросимлари борки, буларни бугунги кунда оилада болалар онгига, кундалик ҳаёт тарзига сингдириш ёшларнинг маънавий таҳдидлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда муҳим босқич бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Молодежь. Глобальные вопросы повестки дня//<https://www.un.org/ru/global-issues/youth>.

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи// <https://uza.uz/uz/posts/o'zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни. 2016 й. 14 сентябрь// Қонунчилик маълумотлари

миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон).

4. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси//<https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 2021 йил 20 апрель // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 06/21/6208/0357-сон; 06.05.2021 й., 06/21/6221/0428-сон).

6. Население Земли//<https://countrymeters.info/ru/World>.

7. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: Академия, 2001. – Б. 155.

8. Возрастная структура населения стран мира// https://www.yestravel.ru/world/people/age_structure/.

9. Как будут решаться проблемы молодежи в Узбекистане. 25.01.2021.// <https://uz.sputniknews.ru/20210125/Kak-budut-reshatsya-problemy-molodezhi-v-Uzbekistane-15858930.html>.

10. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.



*Худайшукуров Дилмурод Холмуродович
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси
бошлиғи*

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларимизни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс, комил инсон сифатида тарбиялаш масаласига бугунги замонавий усуллар асосида ёндашилмоқда, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, имконият ва манфаатларини ҳимоя қилишда ташкилий-ҳуқуқий асослар замон билан ҳамнафас такомиллашиб бормоқда.

Юртимиз бахтиёр ёшлар мамлакати бўлиб, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Албатта бу, давлатимиз зиммасига улкан масъулият юклашини кўз олдимизга келтирсак, жуда катта эътибор, ғамхўрликни талаб этади. Иккинчи томондан ёшларимизга кўрсатиладиган эътибор, эртага улкан ютуқ ва натижаларини ҳам беради. Шу боис ҳам, ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этиб келинган.

Шарқ Уйғониш даврида ҳам, жаидлар фаолиятида ҳам, жамиятнинг янгиланишида ёшларнинг ўрни беқиёс бўлган. Шу жиҳатдан мунтазам шаклланиб боровчи бу қатлам доимий

йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туришни талаб этади. Бу эса, давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатини англатади. Шу боис, мамлакатимизда энг катта эътибор мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялашга қаратилган бўлиб, Ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуслари ва кўмаклари билан оҳирги йилларда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш мутлақо янги тизим асосида йўлга қўйилмоқда.

2020 йилда ҳам Ҳурматли Президентимиз томонидан “2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади” деб таъкидлаб, янги давлат ташкилоти Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилган эди.

2021 йилда эса ушбу соҳада бошланган ислохотлар янада жадаллаштирилиб, мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинганлиги, Ёшлар билан ишлашнинг янги тизими жорий этилиб, туман (шаҳар) ҳокимлари ва сектор раҳбарларига иккита муҳим йўналиш, ёшлар бандлиги ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш вазифаси белгилаб берилди.

Мазкур изчил ислохотлар давом эттирилиб, Давлат раҳбари томонидан жорий йил 19 январь куни “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарорининг қабул қилиниши орқали Ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Жорий йилнинг 28-30 март кунлари Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг Жиззах вилоятига ташрифи давомида ҳудуддаги

ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш юзасидан манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди. Биринчи, 299 та маҳалла, 553 та мактаб, 32 та профессионал таълим ва 4 та олий таълим муассасасида “Ёшлар баланси” шакллантирилиб, унинг асосида “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” ижроси йўлга қўйилди.

“Ёшлар баланси” асосида вилоятда 16-30 ёшдаги жами 327 734 нафар ёшлар аниқланиб, 299 та маҳаллада ёшлар билан ишлаш ҳолати баҳоланди ва 48 та маҳалла қизил (16,1 фоиз), 196 таси сариқ (65,6 фоиз), 55 таси яшил (18,4 фоиз) тоифага ажратилди.

Баланс асосида, ҳар бир маҳаллада 7-30 ёшдаги 531 955 нафар ёшларнинг бўш вақтини кўчама-кўча мазмунли ташкил этиш,

21 минг 330 нафар ёшлар билан “Ёшлар дафтари” тизими орқали ишлаш, ёшлар инфратузилмаларини ташкил этиш бўйича “Ёшлар дастури” ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди.

Шунингдек, 6 минг нафар (28,1 фоиз) ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилди ҳамда дафтардаги 1 922 нафар (32 фоиз) ёшларга касб-хунарга ўқитиш, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчат харид қилишга субсидия ажратиш, контракт тўловини тўлаш учун 1,8 млрд. сўм йўналтирилди.

Хатлов натижасида аниқланган 21 330 нафар ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилдан бугунги кунга қадар жами 7 217 нафар ёшларни бандлиги таъминланди. Хусусан:

– 1 645 нафар доимий ва жамоат ишларига жойлаштирилди (бўш иш ўринларига жойлаштириш ҳисобига 1 039 нафари, янги лойиҳалар ташкил этиш ҳисобига 175 нафари, вақтинчалик жамоат ишларига 431 нафар);

– 1 144 нафар ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти учун 30 млрд. 804 млн. сўм кредитлар ажратилди;

– 4 374 нафар ёшларга деҳқончилик учун 2 021 га ер майдони ажратилди;

– 30 нафар ёшларга субсидиялар ажратиш орқали бандлигига кўмаклашилди (111,0 млн.сўм);

– 24 нафар ёшлар қонуний меҳнат миграцияси орқали бандлиги таъминланди.

Ёшлар етакчилари ва мактаб директори ўринбосарлари томонидан мактабларда 8 206 нафар кам таъминланган, 231 нафар чин етим, 910 нафар тарбияси оғир, 312 нафар дарсдан бўш вақтда ишлайдиган ўқувчилар билан манзилли ишлаш белгилаб берилди.

Иккинчи, ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир маҳаллада намунали тадбирлар ташкил этилиб, “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳаллаларда 6 та йўналишда ҳар куни тадбир ва лойиҳалар, танлов ва мусобақалар ўтказилиши тизимли йўлга қўйилди. Маҳаллаларда тадбирлар ўтказиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан 897 млн. сўм молиялаштирилиши белгилаб олинди. Бугунги кунга қадар, жами 11 222 та тадбирлар орқали 655 156 нафар ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилди. Жумладан, маданият ва санъат бўйича 151 минг нафар ёшлар иштирокида 2 147 та, спорт бўйича 215 минг нафар ёшлар иштирокида 4,3 мингта, ИТ бўйича 20,5 минг нафар ёшлар иштирокида 577 та, китобхонлик бўйича 323 минг нафар ёшлар иштирокида 3,3 мингта, ватанпарварлик бўйича 35 214 нафар ёшлар иштирокида 758 та тадбирлар ташкил этилди. Мисол учун, спортнинг “Мини футбол” ва “Street workout” бўйича “Вилоят ҳокими кубоги” мусобақасининг маҳалла, сектор ва туман/шаҳар босқичлари ўтказилди.

Шунингдек, мактаблардаги 393 та спорт зали, 457 та кутубхона, 697 та компьютер хоналари моддий-техник базаси (10 145 та компьютер, 450 та инвентар, 59 мингта китоб) мустаҳкамланиб, улардан ҳар куни соат 16:00 дан – 23:00 га қадар самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Вилоятдаги 19 та спорт мактабининг 755 нафар тренер мураббийлари, мактаблардаги 299 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари маҳаллаларга бириктирилиб, етакчи билан ҳамкорлик тизими белгилаб берилди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касб-ҳунар ва тадбиркорлик соҳасига ўқитиш учун шароит яратиб бериш мақсадида маҳаллаларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшлар иштирокида “Ёш ватанпарварлар йиғини” лойиҳаси Жиззах тажрибаси асосида йўлга қўйилган. Ҳозирга қадар 400 нафар уюлмаган, тарбияси

оғир ва ишсиз ёшлар мазкур лойиҳага жалб этилиб, 10 кунлик дастур асосида касб-ҳунар ва тадбиркорлик соҳасига ўқитилиб, ҳаётда ўз ўринларини топишига замин яратди. Шу каби, профилактик ҳисобда турувчи 100 нафар ёшларни 3 кунлик “Ёш ватанпарварлар оромгоҳи 2022” лойиҳа доирасида йирик тадбирлар ўтказилди.

Бундан ташқари, имконияти чекланган ёшлар ўртасида Паралимпия спорт турларини оммалаштиришнинг “маҳаллабай” тизими татбиқ этилиб, 8 та параспорт туридан спорт мусобақалари дастури ижроси йўлга қўйилди.

“Бир нурунийга 10 нафар ёш” лойиҳаси доирасида вилоятда 9 609 нафар тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ёшлар 1 303 нафар фахрий нурунийларга бириктирилди. Маҳаллаларда 1 253 нафар ёшлардан иборат “Қалқон” ёшлар гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳарбий қисмларда “Очиқ эшиклар куни” ўтказилиб, 400 нафар тарбияси оғир ёшлар билан индивидуал ишланди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг маҳаллаларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган “Жасорат дарслари” режаси ишлаб чиқилиб, камондан ўқ отиш бўйича 54 та, от спорти бўйича 13 та тадбирлар намунали ташкил қилинди. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга шароит яратиш мақсадида жами 818 та (658 та 1-типдаги, 98 та 2-типдаги, 62 та 3-типдаги объектлар) ёшлар объектларининг жойлашув майдонлари аниқланиб, уларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш бўйича ташаббускор тадбиркорлар белгилаб олинди.

Учинчи, вилоятдаги ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари, мактаб директорлари ва сектор раҳбарлари (жами 1 203 нафар) билан бирма-бир мулоқот қилинди ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми белгилаб берилди. Вилоятдаги жами 299 нафар етакчиларнинг 172 нафари (57,5 фоиз) олий маълумотли, 206 нафари (68,8 фоиз) ҳарбий хизматни ўтаган, 8 нафари (2,6 фоиз) хотин-қизлардан иборат. Барча етакчиларнинг алоҳида хона, мебель жиҳозлари, компьютер жамланмалари ва планшетлар билан тўлиқ таъминланиши якунига етказилди.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан ҳар бир етакчи билан психологик тест ва суҳбатлар ўтказилиб, шахсий хусусият ва касбий малакасига кўра гуруҳларга ажратилди ва улар учун систематик тренинглари ташкил этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2021 йил, 20 апрель, ПФ-6208-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил, 30 июнь. ПФ-6017-сон.



Тўхтаев Хусен Мирзаевич
*Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси
бошлиғи*

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ

Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарорида ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган.

Мазкур қарордан келиб чиқиб Республикадаги барча маҳаллаларда Ёшлар етакчилари жорий этилди ҳамда етакчилар ўзига бириктирилган маҳаллалардаги фаолиятининг асосий йўналишлари ва ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга бериладиган 13 турдаги ёрдам турлари белгилаб берилиб, бу орқали ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашишдан иборат эканлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, муҳтарам Президентимиз томонидан яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилиб, Ёшлар етакчиларига фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, рағбатлантириш механизми ҳам яратиб берилди. Хусусан:

– ҳар чорак якуни бўйича энг илғор 100 нафар Етакчиларни бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш;

– фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган Етакчиларни “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш;

– ҳар чорак якуни билан ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда мукофотлаш;

– миллий кадрлар захирасига киритиш, бунда ушбу Етакчилар танловсиз тўғридан-тўғри юқори лавозимларга ўтказилиши;

– бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган Етакчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қоплаб берилиши;

– йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган Етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия бериш каби бир қатор имтиёзлар белгилаб қўйилди.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам ёшлар сиёсатини маҳаллабай амалга ошириш борасида бир қатор ишлар қилинди.

Умуман олганда, Самарқанд вилоятида жами 2 млн 314 минг 93 нафар ёшлар бўлиб, шундан 533 минг 498 нафар 0-6 ёшдагиларни,

634 минг 756 нафари 7-15 ёшдагиларни, 863 минг 239 нафарини 16-30 ёшдагилар ташкил этади. Хусусан, 2021 йилда “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари”нинг жорий этилиши ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига замин яратди. Маҳаллабай ўтказилган хатловлар асосида ёшларнинг 73 минг 303 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ва туманларда молиявий манбалари аниқ белгиланган “Ёшлар дафтари” жамғармалари ташкил этилиб, маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисми 15 фоиз ва ижро ҳужжатлари ҳисобидан 43,7 млрд сўм маблағ шакллантирилди.

Жамғармалар ҳисобидан ишсиз ёшларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчат харид қилиш учун субсидиялар ажратиш, нотурар жойлар ижараси ва бошқа йўналишларда 17 минг 137 нафар ёшларга 33 млрд сўм миқдорда амалий ёрдам кўрсатилди. Ёшларга ер ажратиш орқали илк маротаба 35 минг 251 нафар ёшларга шундан, 27 минг 251 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган, 7 960 гектар экин майдонлари ажратилиб, 30 минг нафарга яқин иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг 24-28 март кунлари Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг Самарқанд вилоятига ташрифи давомида вилоятдаги ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш юзасидан манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Вилоятдаги 1 120 та маҳалла, 1 267 та мактаб, 81 та профессионал таълим ва 13 та олий таълим муассасасида “Ёшлар баланси” шакллантирилиб, унинг асосида “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” ижроси йўлга қўйилди. Шакллантирилган “Ёшлар баланси” ва “Ёшлар дафтари” асосида вилоятдаги 1 120 та маҳаллада ёшлар билан ишлаш ҳолати баҳоланиб, 265 та маҳалла қизил (24 фоиз), 698 таси сариқ (62 фоиз), 157 таси яшил (14 фоиз) тоифага ажратилди. Баланс асосида ҳар бир маҳаллада 7-30 ёшдаги 1 миллион 200 минг нафар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, 21 минг 330 нафар ёшлар билан “Ёшлар дафтари” тизими орқали ишлаш, ёшлар инфратузилмаларини ташкил этиш бўйича “Ёшлар дастури” ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди.

Бугунги кунга қадар, жами 26 минг 839 та тадбирлар орқали 1 миллион 200 минг ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилди. Таълим муассасалари баланси асосида, олий таълимдаги 1 минг 65 нафар кам таъминланган, 131 нафар чин етим, 20 минг 80 нафар ижарада, 7 360 нафар ётоқхонада яшовчи, 13 453 нафар ишлайдиган талабалар бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, биринчи проректорлар, ёшлар етакчилари ва тьюторлар ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди. Ватанпарварлик бўйича 41 минг 600 нафар ёшлар иштирокида 1211 та тадбирлар ташкил этилди. Ёшлар балансини шакллантириш бўйича жорий йилнинг 9 феврал куни ҳолатига 1 126 та МФЙда 936 505 нафар ёшлар хатловдан ўтказилди, МФЙларда ёшлар баланси шакллантирилиши давом этмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги барча етакчилар учун яратилган меҳнат шароитлари ва моддий-техник базаси бўйича 1 120 та маҳалла ёшлар етакчиларига хизмат хоналари ажратилди, 1 120 та етакчи хоналари мебел жиҳозлари ва 1 120 та компьютер жамламалари билан таъминланди. 1 120 та интернет тармоғига уланди, жами 16 та туман шаҳар ёшлар етакчилари 1 120 та планшетлар билан тўлиқ таъминланди.

Қувонарлиси қисқа фурсатлар ичида етакчиларимиз маҳаллаларда ёшларнинг муаммоларини ҳал эта олди ва уларнинг вақтини мазмунли ўтказишга ўз ҳиссасини қўша олди. Натижалар ҳақида гапирадиган бўлсак ўтказилган тадбирлар бўйича маданият ва санъатни тарғиб қилиш йўналишида 10 минг 731 мартаба тадбирлар ташкил қилиниб, 266 минг 765 нафар ёшлар қамраб олинди. Соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш йўналишида 13 минг 764 мартаба спорт мусобақалари ташкил қилиниб, 398 минг 424 нафар ёшлар қамраб олинди.

Ахборот технологиялардан самарали фойдаланишни ташкил этиш йўналишида робототехника ва компьютер саводхонлиги бўйича 5 минг 567 мартаба мусобақалар ташкил қилиниб 153 минг 493 нафар ёшлар қамраб олинди. Ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида вилоятдаги барча маҳалла фуқаролар

йиғинларида 5 минг 52 мартаба очиқ суҳбатлар, семинар тренинглари ташкил қилиниб 124 минг 679 нафар ёшлар қамраб олинди.

Ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда жами 796 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. 549 нафар ишсиз ёшлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги касб-хунарга ўқитиш маканларига ўқитишга жалб етилди. 145 нафар ёшларга имтёзли кредитлар ажратилди.

Ёшлар етакчилари томонидан маҳаллаларда ўтказилиши лозим бўлган тадбирлар ҳамда иш фаолиятлари ҳафтанинг ҳар бир кунига белгилаб қўйилган. Бунда душанба куни ёшлар муаммоларини ўрганиш, сешанба кунида китобхонлик ахборот технологиялари тадбирлари, чоршанба куни тадбиркорлик бўйича, пайшанба профилактика тадбирлари жума ҳарбий ватанпарварлик ҳамда шанба куни маданий тадбирларни ўтказишдан иборатдир. Эндиликда ушбу ишларни доимий равишда амалга ошириш бўйича барча чора-тадбирларни давом эттирган ҳолда эртаминг эгалари бўлмиш ёшларимизни қўллаб-қувватлашда давом этаминг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил, 13 октябрь. ПҚ-4862-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, 2020 йил, 30 июнь. ПҚ-4768-сон.



*Мингбаева Нозимахон Исматилла қизи
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
таянч докторанти*

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАҲАЛЛАДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолининг турмуш тарзини ривожлантириш учун барча соҳаларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий – маданий ислоҳотлар жамиятга жорий этилмоқда. “Ёшлар келажагимиз бунёдкори” ҳисобланганлиги боис, ҳукумат барча эътиборини ёшларнинг тараққиётига, уларнинг манфаатига доир кўплаб фаолиятлар олиб борилмоқда. Бу – юртимиз тарихида янги бир босқич яъни Президентимиз айтганидек “Учинчи Ренессанс” – Уйғониш даври бошланишидан дарак беради. Бу даврда, ёшларнинг ҳаёти янада жўшқинроқ тус олиниши, бўш вақтларини мазмунли ва мақсадли ташкиллаштириши муҳим роль эгаллайди. Бу янгиланишларнинг натижаси сифатида жамият ва давлат бошқаруви тизими ҳамда жамоатчилик билан ишлаш институтларининг фаолиятини ўзгаришларидан баҳраманд бўлмаган фуқаролар керак.

Ҳозирда бутун давлат тизими сифатини юқори поғонага кўтариш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли, Президентимиз жамият тараққиётини таъминлашда ижтимоий

омилларнинг ўрни юқори эканлигини ва энг қуйи поғонани қўллаб-қувватлашнинг ўрни катта эканлиги бўйича таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йилдаги 152-сонли “«Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ҳудудларда муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этишда “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этди. Ҳозирги кунда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг шаффофлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институти маҳалла раисларининг мавқеини оширди ва жамоатчилик фикрини қўллаб-қувватлаш учун аҳоли пунктларига кириш муҳим роль эгаллайди. “Маҳаллабай” ишлаш тизими бошқарув кадрлар билан жамият ўртасидаги муносабатларни яхшилашда бевосита боғлиқ эканини ҳам тан олиш керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, давлат раҳбари Ш.Мирзиёевнинг ҳам фаолиятларида ёшларга бўлган эътиборларини нечоғли юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг мисолида 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини кўришимиз мумкин. Ушбу қарорда, ёшлар билан ишлаш механизмларининг янгича талқини, замонавий бошқарув тизими, ёшлар масалаларини маҳалладан чиқмаган ҳолда вертикал кўринишда ечиш, уларнинг таълим тарбияси билан узвий ишлар олиб бориш ва маънавий-маърифий бойитиш бўйича чора-тадбирлар киритилган.

Ўтган 2021 йил айна вақтларда, жамиятдаги ўзгаришлар давлат бошқарувида катта аҳамият касб этиб, аҳолининг айниқса ёшларнинг бандлигини таъминлашда, уларни шахсий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 6 триллион сўм имтиёзлик кредитлар ажратилган. Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ маҳаллаларда олиб борилаётган ёшларнинг ўз бизнесини кучайтириш мақсадида, тижорат банклар билан ҳамкорликда “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этиши ва ҳар бир маҳаллага ажратилаётган кредит унинг иқтисодий салоҳияти

ва “драйвер” соҳаларидан келиб чиқиб ажратилиши амалга оширилиб келинмоқда.

Давлат бошқарувида ёшлар билан ишлаш тизимини жорий этишдан мақсад ўз ҳудудининг пешқадамлари сифатида кўрилган ёшлар етакчилари ўзларининг ҳудудий хусусиятларини яхши билганлиги сабабли улар бошқарувчи яъни “медиаторлик” вазифасини бажариш зиммасига юклатилди. Бу тизимни ва ислоҳотни амалга оширишда айнан шу тизимда ишлайдиган ишчи гуруҳ вакиллари ва ёшлар етакчилари масъул этиб тайинланди. Бу эса маҳалладаги ёшларнинг кадриятлари, манфаат-эҳтиёжлари, ҳаётий мақсадларига алоҳида эътибор қаратишни талаб этди. Зеро, бу стратегиялар натижасида уч тараф: ҳам жамият, ҳам давлат, ҳам ёшлар фойда ва манфаат топиши керак. Айниқса, фуқаролар яъни келажагимиз қурувчилари ёшлар давлат бошқарувидаги ижобий ўзгаришларни, давлат идоралари фаолияти самарадорлиги ортганини ҳис қилишлари лозимдир.

2017 йилнинг 19 сентябрида Президент Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Одамлар биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” деб билдирган фикри, мамлакатимизда ёшларни кўллаб-қувватлашга ва уларга бўлган эътиборнинг юқори эканлигини исботлади. Бунинг натижаси сифатида, юртимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларда ёшларни эътибордан қолмаётганлиги, уларнинг фаолиятини доимий равишда давлат томонидан назоратда ушланиши ва тадбиркорлик режаларини амалга оширишда ёрдам берилаётгани тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритилиб борилмоқда.

Анча йиллардан бери мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган “Ижтимоий фикр” ЗЖФЎМнинг тадқиқотларидан шу маълум бўлдики, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий олиб борилаётган ислоҳотлар жамоатчилик фикрининг сўнги йилларда мамлакатимиз фуқароларининг онгида, умуман, уларнинг кадриятлари тизимида катта ўзгаришлар юз бераётганлигини маълум қилди. “Ижтимоий фикр”

РЖФЎМ директори Н.Х.Рахимова ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай деди: – “Сўров иштирокчиларидан 86,6 фоизининг фикрига кўра, Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар фуқаролар ва айниқса, ёшлар қадриятларининг тизимига таъсир кўрсатмоқда”.

Бугунги кундаги ўзгаришлар, “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этилиши фақат моддий тарафлама эмас, балки миллий маданиятни тикланиши ва ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ёшлар онгида асосий қадриятлар фақатгина моддий эҳтиёжларни қондириш эмас, уларни юксак қадриятлар сифатида ҳаётни севиш, соғлом турмуш тарзида яшаш, бахтли оила барпо этиш ва ўзидан элга муносиб фарзанд қолдириш тамойилларини ҳам шакллантириб ҳамда бу борасида жамоатчилик фикрида ижобий қарашларнинг пайдо бўлишида хизмат қилмоқда.

Келажагимиз гарови бўлган ёшларнинг фаолияти албатта муҳим роль эгаллайди. Бу бўйича маҳалла раислари ва ёшлар етакчилари томонидан жамоавий фаолият ёшларни иш жойи билан таъминлаб беришда, ҳукумат томонидан ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитларни кенг кўламда тарғибот қилинишда ҳамда давлат бошқаруви тўғрисида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантиришига асос бўлмоқда. Жамиятда “маҳаллабай” ишлаш натижасида шаклланган жамоатчилик фикрининг таъсири юқори бўлиши барчага маълум, тенгдошининг давлат яратиб берган имкониятдан оқилона фойдаланаётгани ўзини жамиятдаги ўрнини топганини эшитган ҳар қандай ёш албатта ўзининг фаолиятини бошлашга ва бу имкониятдан фойдаланиш учун ўзи бизнес режасини шакллантириб, келажаги учун пойдевор қуришида мотиватор вазифасини бажаради.

Бу борада ёшлар етакчилари олдига қўйилган вазифаси сифатида масъулият билан маҳаллалардаги ёшларнинг моддий, маънавий ва ижтимоий кўмак керак бўлганларини аниқлайди. Шунингдек, улар бўйича икки томонлама мақсадий фаолият юритиши асосий роль эгаллайди. Уларнинг фаолиятидан ҳам жамият, ҳам давлат манфаатдор бўлиши керак. Маҳалладаги ёшлар етакчиларининг фаолиятини

самарадорлиги шу ҳудуднинг келажаги ва равнақини белгилаб беради. Шу боисдан ҳам, уларга берилаётган имкониятлар аслида келажагимизни қуриб берувчи ёшлар учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 152-сонли Қарори 2021 йил 19 март. <https://lex.uz/docs/5353246>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли Қарори 2022 йил 19 январь. <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

3. Рахимова Н. Х. Жамоатчилик фикри социологиясини ўрганишнинг замонавий тенденциялари ва тадқиқий стратегиялари, Социологияни ўқитиш ва социал тадқиқотларни таҳлил этишнинг долзарб масалалари – мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент: 2021 й. 14-бт.

4. Маликова Г. Маҳалла институти ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий масалалари, Тошкент: 2017 йил.



*Хусанов Турсунқул Муратбекович
Сирдарё вилояти Сирдарё тумани
“Ҳикматли” маҳалла фуқаролар йиғини
ёшлар етакчиси*

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ФАОЛИЯТИ ("ҲИКМАТЛИ" МФЙ ТАЖРИБАСИ)

Ўзбекистон Республикасида ёшларга бўлган эътибор юксак даражада бўлиб, мамлакат тараққиёти ва фаровонлигида ёшларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳар бир маҳаллада жорий этилган ёшлар етакчиси лавозимининг ҳам ўрни муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат маҳаллаларнинг тараққий этишида ва ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

“Ҳикматли” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам маҳалла етакчиси фаолияти жорий этилган бўлиб, “Ёшлар баланси”ни шакллантириш борасида маҳаллалар Ёшлар етакчилари томонидан онлайн ҳамда

анкета асосида хатловлар ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра: “Ҳикматли” МФЙда жами 3715 аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 0-6 ёш 537 нафарни, 7-17 ёш 658 нафарни ҳамда 16-30 ёш 840 нафарни ташкил қилади. Шулардан, давлат секторида 21 нафар ҳамда хусусий секторда 35 нафар банд бўлган ёшлар мавжуд. Маҳаллада ЖИЭМдаги ёшлар мавжуд эмас, меҳнат миграциясидаги ёшлар 23 нафарни ташкил қилади. Ишсиз ёшлар 18 нафарни ташкил қилади.

Маҳалла етакчиси ўз фаолияти давомида туман ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ва Ёшлар ишлари агентлиги лойиҳаларини амалда қўллаш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб, уларнинг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли ташаббусларига эътибор қаратиш лозим. Айниқса, уларни муносиб иш билан таъминлаш масаласи бугун ҳар қачонгидан долзарб ҳисобланади.

Ёшлар бандлиги йўналиши бўйича 4 нафар ёшга 129 млн сўмлик (3 та паррандачилик, 1 та чорвачилик бўйича) кредит ажратиш, 2 нафар ёшни корхона ва ташкилотга ишга жойлаштириш, “Ёшлар жамғармаси” ҳисобидан 1 нафар ёшга контракт тўлови, 1 нафар ёшга ҳайдовчилик гувоҳномаси, 1 нафар ёшга асбоб-ускуна учун субсидия ажратишга тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, “Ҳикматли” маҳалласининг 60 га яқин ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида инглиз тили ва компьютер технологиялари бўйича бепул ўқув курслари йўлга қўйилди. Маданият вазирлиги билан ҳаморликда “Ҳикматли” маҳалласига бир қатор маданият ходимлари ташриф буюриб ижодий учрашувлар ташкил этилди, учрашувда 200 дан ортиқ ёшлар иштирок этди.

“Ҳикматли” маҳалласида спортнинг турли йўналишлари бўйича тадбирлар ташкил этилди. Хусусан, “Зукко китобхон”, “Заковат” интеллектуал ўйини ва бошқа 100 дан ортиқ маданий-маърифий, спорт тадбирлари ташкил этилди ва унда барча маҳалла ёшлари иштирок этдилар ҳамда фаол иштирок этган ёшлар ҳомийлик маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилди. “Беш ташаббус” олимпиадаси доирасида “Ёшлар овози” кўрик-танловига “Ҳикматли” маҳалласидан 84 нафар

санъатга қизиқувчан ёшлар рўйхатдан ўтишди ва маҳалланинг саралаш босқичи ўтказилди. Ногиронлиги бўлган 13 нафар ёшларни тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма олишига кўмак берилиб, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан уларга совғалар тарқатилди.

Шунингдек, маҳаллада 100 дан ортиқ хайрия, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилиб, сўнгги уч ойда 650 нафар ёшларнинг мазкур тадбирларга жалб этилишига эришилди. Маҳалла ёшлари орасида “Оммавий маданият”нинг турли иллатларидан ҳимоя қилиш, миллий ва диний анъаналаримизни тарғиб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида “Қулликка рози бўлманг”, “Наркотик моддаларнинг аянчли ва оғир оқибатлари”, “Буюк сиймолар издошимиз”, “Аждодлар мероси – келажак пойдевори”, “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” мавзуларида сўнгги уч ойда 80 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилиб, ушбу тадбирларга жами 500 нафардан зиёд ёшларни иштирок этди. “Ҳикматли” маҳалласида 30 дан ортиқ фан ва спорт тўғараклари ташкил этилган бўлиб, ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2022 йилда маҳаллада “Интерактив ва интерфаол таълим усулларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш” ҳамда “Қарияларни эъзозлаш азалий одатларимиз” мавзуларида семинар, учрашувлар ўтказилди. 2022 йилда маҳалланинг 78 нафар ёшлари билан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”га саёҳат уюштирилган. Мазкур оромгоҳда ёшларнинг билимдонлик ва зукколигини ошириш мақсадида “Заковат” интеллектуал ўйинлари ташкил этилиб, юқори савияда ўтказилган. Шунингдек, маҳалланинг ўзида 90 нафардан ортиқ ёшлар иштирокида ҳафтанинг ҳар жума кунлари “Заковат” интеллектуал ўйинлари ташкил этилиб, ўтказилган ўйинларда ёшлар фаол қатнашишмоқда.

2022 йил март ойида ёшлар орасида санъат ва маданиятни кенг тарғиб қилиш мақсадида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар мусиқали драма театрига 150 нафар ёшлар бошчилигида саёҳат уюштирилди. Маҳаллада маънавият ва маърифат йўналишида таълим беришнинг замонавий усуллари изчил ва тизимли равишда татбиқ этиб келинмоқда. Шунингдек, маҳаллада ёшлар ўртасида ҳуқуқий ва тиббий

маданиятни ошириш, ёшларни ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича бўйича тадбирлар ташкил этилди.

Сирдарё туманидаги Бахт шаҳрида ёғингарчилик оқибатида кўплаб аҳоли хонадонларга етган талофатларни бартараф қилиш бўйича ўтказилган ҳашарда “Ҳикматли” маҳалласининг 30 дан ортиқ волонтер ёшлари фаол иштирок этган. Менга қисқа муддатли самарали меҳнати, юртимиз ривожига қўшаётган катта ҳиссам учун “Келажак лидерлари” клуб аъзоси сафига киритилиб, лидерлик нишони тақдим этилган. Шунингдек, “Ҳикматли” маҳалласида доимий равишда ўтказиб келинадиган барча жамоатчилик тадбирларида, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида волонтер ёшлар доимо кўмак бериб келмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалладаги ёшлар етакчиси ёшлар таянчи ва ифтихори бўлиши, ёшларга энг тўғри йўл кўрсатиш кўникмасига эга бўлган шахс бўлиши лозим. Мамлакатда тинчлик ва фаровонликнинг таъминланишининг қуйи бўғини айнан маҳаллада бошланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6208-сон Фармони.

5-ШЎЪБА: ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ



*Икрамов Азизбек Исроилович
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири ўринбосари*

МАҲАЛЛАДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Маҳалла – Ватан ичра кичик бир Ватан. Дунёнинг бошқа мамлакатларида учрамайдиган, ўзининг қадимий илдизларига эга бўлган, асрлар давомида сайқалланиб қадрият даражасига кўтарилган маҳалла институти мустақиллик йилларида халқнинг чинакам кўмакдошига айланди. Маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлиги эса юрт тинчлиги, халқ осойишталиги ва фаровонлиги, мамлакат қудратини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Маҳалла институтини янада ривожлантириш, уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, маънавият бешиги сифатидаги нуфузини ошириш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли

ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани айтиш ҳақиқат.

Сўнгги беш йилда муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида республикада маҳаллаларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни жиноятлардан холи ҳудудга айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш, уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифалар сифатида белгилангани бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Айтиш жоизки, эндиликда ҳуқуқбузарликлар оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг барвақт олдини олиш масаласига муҳим ҳаётий тамойил сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда содир этилган ҳар бир жиноятни маҳаллада муҳокама қилиш, унинг асл сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, бу борада ажралиш ёқасида турган оилаларни сақлаб қолиш, тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ҳимоя ордерларини бериш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар алоҳида эътиборга моликдир.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ва аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида «маҳаллабай» ишлаш тизимининг амалиётга жорий этилгани алоҳида эътирофга сазовордир. Мазкур тизим айтиш чоғда юртимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини яхшилашга самарали хизмат қилмоқда. Қолаверса,

“маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳолининг маънавий-ҳуқуқий дунёқарашини кенгайтириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятларимизни тарғиб этишда аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллаларда халқ билан мулоқотни манзилли амалга ошириш, аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда “Хотин-қизлар билан ишлаш”, “Ёшлар билан ишлаш”, “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати”, “Жиноятдан холи маҳалла” сингари концепциялар амалиётга татбиқ этилди. Мамлакатимиздаги барча маҳаллалар криминоген ҳолатига қараб “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилиб, жиноятчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди. Жойлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва «илмий диагноз» қўйиш орқали жиноятчилик кўрсаткичларини прогнозлаш ва унинг олдини олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Соҳадаги изчил ислохотлар натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” ишлаш тизими жорий этилиб, ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оила, аёллар, ёшлар ва вояга етмаганлар масалалари бўйича жамоатчилик тузилмалари билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб бориши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва вақтинча ишсиз қатлам вакиллариغا ҳар томонлама кўмаклашиш, ёшлар масалаларини ҳал этиш, эҳтиёжманд оилалар ва аёллар билан манзилли ишлаш мақсадида ташкил этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва “меҳр дафтари” сингари янгича тартибда манзилли ишлашда ички ишлар органларининг роли кучайтирилди.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда, ҳудудий профилактика инспекторларининг ўрни катта. Шу боис ҳам мамлакатимиз ички ишлар органларида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида маҳалла профилактика инспекторларининг мақоми ва сони кескин оширилиб, уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ масалалар ҳал этилиб, моддий-техник таъминоти яхшиланди, профилактика инспекторларига зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Хусусан, республикамизнинг ҳар бир маҳалласида профилактика инспекторлари фаолиятининг йўлга қўйилишига эришиш баробарида бугунги кунда уларнинг сони 11 минг нафардан ортиқни ташкил этиб, уларнинг бириктирилган маъмурий ҳудудда хизмат уйлари, имтиёзли кредитлар асосида автотранспорт воситалари билан таъминланишига эришилди.

Шу билан бирга ҳар бир маҳаллада профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси каби жамоатчилик тузилмалари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориши йўлга қўйилганлиги аҳолини, айниқса унинг ёшлар ва аёллар қатламини қийнаётган муаммоларни жойида аниқлаш ҳамда бартараф этиш, жиноятчиликни жиловлash ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш имконини бермоқда. Биргаликдаги ишлар самарасини ҳудудларда криминоген вазият таҳлил қилиниб, кўрилган манзилли ва мақсадли чоралар натижасида 2021 йилда 9314 та маҳалланинг 2639 таси (28,3 %)да жиноятлар содир этилмагани ва 3628 таси (39 %)да уларнинг содир этилиши ҳолатлари камайишига эришилганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш учун қулай имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишидаги иштирокини янада кенгайтириш,

бу борадаги ижтимоий-иқтисодий янгиликлар ҳам давлат аҳамиятига молик устувор йўналишлардан бирига айланди. Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бугунги кунда жамият тараққиётининг ҳар қандай соҳасига оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда ёшларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истаклари, таклиф ва ташаббусларини инобатга олиш ва уларга устувор жиҳат сифатида қараш муҳим ҳаётий принципга айланди.

Биргина 2017–2020 йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил этилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди.

Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва етук шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 5 муҳим ташаббус доирасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда ташкил этилаётган янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, замонавий IT-парклар, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари, мутлақо янги намунадаги таълим масканлари – “Президент мактаблари”, “Темурбеклар мактаби”, “Ижод мактаблари” бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда улар ўртасида манзилли

профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Ўрганишлар натижалари жиноятчиликни «маҳаллабай» жиловлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ёшлар ўртасида айрим турдаги жиноятлар содир этилаётганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, 2021 йилда ҳар учинчи қотиллик (426 тадан 144 та), оғир тан жароҳати етказиш (1319 тадан 472 та), номусга тегиш (383 тадан 121 та), қарийб ҳар иккинчи безорилик (3024 тадан 1197 та) ва босқинчилик (341 тадан 166 та) ёшлар томонидан содир этилганлиги аниқланган. Жиноятга қўл урган ёшларнинг ҳар тўртинчиси (27931 нафардан 7265 нафар, 26 фоиз) уюшмаган, ишсиз эканлиги ачинарли ҳолдир.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва таҳлилларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, ёшлар ўртасида жиноятларнинг содир этилиши асосан ижтимоий ҳаётда учраётган қуйидаги омиллар:

- а) 39088 нафар ёшлар нотинч оилаларда истиқомат қилиши;
- б) 368 нафар ёшлар турли зарарли ноформал гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушиб қолганлиги;
- в) республикада алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар болалар мавжудлиги;
- г) 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз ёки 844 минг нафарни ташкил этаётганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Шу боис мамлакатимизда ёшлар ўртасида жиноят содир этилишини тақозо этувчи омилларни бартараф этиш мақсадида маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 25 декабрда ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида ёшлар билан боғлиқ барча масалаларни атрофлича таҳлил қилиб, олдимизда турган долзарб вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, Давлатимиз раҳбари анжуманда: «Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача – ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур. Ҳар қайси ҳоким, ҳар бир вазир, ҳар қайси маҳалла раиси “Бугун мен ёшлар учун нима иш қилдим? Эртага

фарзандларимиз манфаати учун яна нима иш қилишим керак?» деган саволларга жавоб берадиган, шундай эътиқод билан яшайдиган вақт келди», дея таъкидлади. Шунингдек, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш энг устувор вазифалардан бири бўлиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Белгилаб берилган ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси” ҳамда «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021–2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртимизда ёшлар билан ишлашда мутлақо янги ва ҳаётбахш тизимни яратиб берди. Мазкур Қарор ёшлар билан ишлашнинг янгича механизмларини жорий этиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал қилиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қарор билан ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилганлиги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, айниқса, профилактик ҳисобда турувчи ёшлар, жумладан, уларнинг ичкиликка ружу қўйган, гиёҳванд, руҳий касал тоифалари билан “фуқаробай” ишлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида тизимли ва изчил чоралар кўриш имконини берди.

Қуйидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон

платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

– маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

– ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Эътироф этиш керакки, ҳозирда ёшлар етакчилари зиммасидаги ушбу вазифалардан келиб чиқиб, маҳаллаларда профилактика инспекторлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда қизғин ва самарали фаолият олиб боришмоқда. Айниқса, илғор ва ташаббускор ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш борасида қилинаётган амалий ишлар табиийки ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бу борада маҳаллаларда ҳамкорликда олиб борилаётган тизимли ва манзилли ишлар ёшларни, хусусан уларнинг уюлмаган қатламини иш билан таъминлашга, пировард натижада эса, ёшлар жиноятчилиги профилактикасини самарали ташкил этишга самарали хизмат қилмоқда.

Бироқ жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз

фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Шундай экан, маҳалларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва ёшлар ўртасида жиноятчилик профилактикаси самарадорлигини кучайтириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўртасида электрон ахборот алмашиш тизимини яратиш;

– ички ишлар органлари, давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг самарали ҳамкорлигини аниқ объектга манзилли йўналтиришга қаратилган замонавий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

– “ижтимоий профилактика” чора-тадбирларини кучайтириш, аҳоли, шу жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар қатламини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органларининг масъулиятини ошириш;

– тарбияси оғир, мустақил меҳнат қилиш ёки касб эгаллаш истаги бўлмаган, енгил ҳаёт кечириш тарзига ўрганиб қолган ёшлар билан маҳаллада ёки таълим муассасаси манзилли индивидуал профилактик чораларни қўллаш, бунда, ёшларнинг “хонадонбай” рўйхатларини тузиб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш бўйича ёшлар етакчиларининг профилактика инспекторлари ва инспектор-психологлар билан ҳамкорликдаги “фуқаробай” ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

– ҳудудларда ёшлар ўртасида жиноятчиликни жиловлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда “илмий диагноз”га таянган ҳолда илғор хорижий тажрибаларни доимий равишда ўрганиш ҳамда улар асосида замонавий механизмларни амалиётга тадбиқ этиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва ёшлар

жиноятчилиги профилактикасини самарали ташкил этиш борасидаги ишлар ўзининг натижасини бераётгани баробарида, ушбу соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга доир ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Ушбу жараёнда ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишнинг янгича ёндашувларини амалиётга татбиқ этиш, бу борада профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари ва бошқа ваколатли субъектларнинг узлуксиз ҳамкорлигининг самарали механизмларини жорий этиш тизимдаги ислоҳотларнинг натижадорлигини кучайтиришни хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон Қарори // <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4880189>.



Қудратхўжаев Шерзод Таджиддинович
*Ўзбекистон электрон оммавий ахборот
воситалари миллий ассоциацияси
бошқаруви раиси*

ЁШЛАР – УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ЯРАТУВЧИЛАРИ

Биз бугун “Учинчи Ренессанс – Уйғониш даври” остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистоннинг кейинги беш-олти йилида ҳаётимизнинг биргина йўналиши, яъни маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлар, тасдиқланган Давлат дастурлари, илгари сурилган янгидан-янги ташаббусларнинг маъзини тўла чақиб кўрсак ҳам, навбатдаги Маърифат Ренессансини яратиш йўлида эканимизга ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

Албатта, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни ўн-ўн беш йил эмас, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, аввало, минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида китобхонлик маданиятига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар замирида ўз фикри ва дунёқараши, фаол фуқаролик позициясига эга билимли ва маънавиятли ёшларни, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш вазифаси ётади.

Шу боисдан ҳам юртбошимизнинг 2017 йил 12 январдаги фармойиши ва 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори, “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши халқимиз ва ёшларимиз маънавий дунёсини бойитиш, китобхонлик маданиятининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим ҳужжатлар экани билан аҳамиятлидир. Уларда халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадий эстетик талабларига мос келадиган китобларни сифатли чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ҳамда мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини таржима қилиш, уларни ижтимоий тармоқларда тарғиб этиш, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб адабиётга ошно этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Менимча, адабиёт инсон қалбининг юксакликка интилиши натижасида ҳосил бўлган. Шунинг учун ҳам эҳтимол аввал сўз пайдо бўлгандир. Ҳатто инсонни қутқариш учун бу оламга юборилган воситаларга қарасак ҳам унда муқаддас китобларни кўрамиз. Яна ўша китоб ва яна ўша сўз, инсон онги ва дунёни англаши такомиллашиб боргани сайин адабиёт ҳам такомиллашиб, сўз санъати сифатида шаклланиб борди. Айнан адабиёт муқаддас бўлган туйғуларни инсониятга эслатиб туради. У одамни азал ва абад билан бирлаштириб туради. Ладеннинг жуда машҳур гапи бор: “Миллатнинг кимлиги у ўқиган асарлар сони билан белгиланади”. Чунки китоб биринчи навбатда инсоннинг эркинлигини англадиб туради, иккинчидан, ўзининг озод, ҳур инсон, шахс эканлигини, ҳиссиёти, муҳаббати ҳамда ҳақ-ҳуқуқи борлигини эслатиб туради. Адабиётсиз яшаган эл ғафлат уйқусида ётган эл. Уйғонганида эса “қул” бўлган бўлади.

Чўлпон ижодида ҳам адабиётсиз миллат аҳволига куйинишларни кузатамиз. У “Адабиёт надур?” мақоласида, биринчи навбатда,

адабиётнинг ижтимоий моҳияти тўғрисида фикр юритади. Унинг фикрича, адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, унинг маънавиятини таъминлайдиган омил. Чўлпон бу хулосанинг чинлигига шу қадар ишонганки, мақолада ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда “адабиёт яшаса – миллат яшар” дея тасдиқлайди. Тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув ва ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса – миллат яшар. Адабиёти ўлмаган ва адабиётининг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур”. Мана шу ҳолатдан хулоса чиқара олсак, адабиётнинг инсоният олдидаги ўрнини билиб оламиз.

Адабиёт ва журналистикада нисбатан узвий боғлиқлик бор, деб қаралса-да, аслида иккаласининг функцияси доим ҳам мос келавермайди. Ўтган 20-30 йил мобайнида журналистикада ҳам, адабиётда ҳам бўронлар сезилмагандек бўлди гўё, аммо тез ёғган ёмғир тез тинади. Гарчанд бўрон бирдан турмаган бўлсада, унинг шиддати, давомийлиги учун замин ҳозирлангандек. Бугунги журналистика ана ўша жимликларни енгиб, вулқондек отилишга тайёрлигини кўриб турибмиз. Адабиёт ҳақида гапирадиган бўлсак аслида адабиёт икки қисмга бўлинади. Биринчиси – (беллетристика) ҳамма билган, ҳамма учун тушунарли, ҳамма учун қизиқарли, яъни истеъмолчининг талабидан келиб чиқиб ёзилган асарлар. Иккинчиси – миллатнинг, халқнинг эртасини ўйлаб ёзилган, унинг тафаккури ва кўнглига хизмат қиладиган ҳақиқий адабиёт. Мана шу икки адабиёт ўртасидаги кураш бари бир беллетристикага қараб кетди. Ва ҳақиқий адабиётга бўлган эҳтиёж бутун дунёда сусайди. Буни ҳам назаримда сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.

Бу саёзлик бутун дунёда ҳукмронлик қилмоқда аслида. Бу телевидение ўзининг кўнгилочар функциясини бошқа функцияларига нисбатан кўпроқ бажараётганидан далолат. Биз ҳозир шундай даврда яшайпмиз-ки, одамлар онги шоу-бизнес вакиллари бугун нима кияди, нима ейди, футболчиларнинг кун тартиби

қандай деган ҳаёллар билан банд. Одамларнинг қолган барча муҳим воқеликларга бўлган қизиқиши ўлиб бораётгандек. Бунда журналистларнинг ҳам камчилиги бор.

Биз ёзган материалларимизни улар каби қизиқарли қилиб етказиб бера олмаяпмиз. Аудитория журналистик материалларимиздан ўз муаммолари ечимини тополмаяпти, орзуларини кўрмаяпти. Оммавий маданиятнинг суқилиб кириши оқибатида ҳам бу каби савиясизлик тарғиб қилиняпти. Бу инсон тафаккурининг шу даражага етиб келаётганидан далолат. Бу ҳам фалсафий, ҳам диний ва дунёвий нуқтаи-назардан баҳо берилиши керак бўлган масала. Асарларимиз ёки журналистик материалларимиз орқали одамларга, уларнинг эртасига дахлдор эканлигини етказиб бера олганимизда эди, оддий одамларнинг диққати адабиётга, ёлғон хабарлардан кўра муҳимроқ масалаларга қаратилган бўлар эди. Бошқа томондан олиб қаралса, бунинг асосий сабаби омманинг ўзи шуни истаётганида, айнан шундай лойиҳалар ҳозир анча катта даромад келтираётганида экани ҳам сир эмас. Нодавлат телеканаллар эса кўп ҳолларда шу даромад, шов-шув ортидан қувмоқда, бу ҳам табиий жараён, бозор иқтисодиёти даврида яшамоқдамиз, ахир. Келажакка келсак, бу лойиҳалар тез орада инсонлар меъдасига тега бошлаши аниқ. Шунда қизиқарли, фойдали лойиҳаларга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлади. Телеканаллар ҳам йўналишларини ўзгартиришга, енгил-елпи шов-шувлардан қочиб, мазмунли лойиҳалар тайёрлашга ўтади, албатта. Телевидение бу жараённи, шундай даврни ҳам бошдан ўтказиши керак аслида. Бу билан мени саёз кўрсатувларга ҳеч қандай қаршилигим йўқ демоқчи эмасман асло, лекин уларни танқид қилавериб, тақиқлаб қўйиб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Халқ ўзи тушуниб етиб, бу лойиҳаларни телеканаллардан сиқиб чиқарилишига ўзи асос яратиши керак. Биздан эса бироз кутиш талаб этилади.

Менимча, адабиёт ва санъатдан ташқари инсонни савиясизликдан қутқаришда таълим ҳамда тарбиянинг ўрни беқиёс деб ҳисоблайман. Бу икки нарсада кўринади яъни бири оилада олинган тарбия ва иккинчиси бугун ниҳоятда долзарб мавзуга айланган ахборот алмашинувининг жадаллигида деб ўйлайман. Биринчисига шарқда

доим катта эътибор қаратилган бўлсада охириги йилларда бу масала ҳам оғриқли нуқтамизга айланиб борапти. Инглиз файласуфи Г. Спенсер “Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказди” деган фикрни илгари сурган. Лекин, бизнинг фарзандларимиз ўқув даргоҳларида ахлоқ ва одоб дарсларини ўрганишмаяпти назаримда. Биз мактаб, лицей, коллежларни таълим ва тарбия масканлари деб атаيمиз-у, лекин уларда фақат таълим дарслари мавжудлигини биламиз.

Ахлоқ ва тарбия деган дарсларни эса учратмаймиз. Дарс ўтадиган фан ўқитувчилари ўқувчиларга таълим бериш билан бирга тарбия беришни ҳам баб-баравар олиб боришга мажбур бўлиб қолишмоқда. Иккинчисига эса етарлича эътибор қаратмаяпмиз. Жаҳон педагогикасида ўтган асрнинг 70-йилларидан ўрта мактабларда тарбия фан сифатида жорий этилган бўлса бизда журналистик таълим берадиган билим юртларида бу бир семестргина фан сифатида ўқитилади. Бунинг ўзигина етарли бўлмайди. Хар бир Университетда, хар бир мактабда узлуксиз ўрганилиши керак.

Перес Торнеронинг “Медиа саводхонлиги ва янги гуманизм” китобида медиа таълимнинг ҳар қандай саёзлик ва манипулятив характерга эга бўлган ахборотларни саралай олишни ўргатиши айтилади. Таниқли ҳинд фотожурналисти Пабак Саркарнинг фикрига кўра, медиа саводхонлик сари ташланган илк қадам, бу тўғри савол бера олишдир. Бугунги дунёда медиа сиғими ва ахборот оқимлари шиддатли равишда кўпаётган замонда медиа таълимнинг мақсади ҳар бир медианинг устуворликлари ва камчиликларини тушунган ҳолда улар томонидан тарқатилаётган ахборотни саралай билиш ва зарурини қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш бўлса, асосий вазифаси инсонлар томонидан истеъмол қилинадиган ҳар қандай ахборотнинг манипулятив кучини англаган ҳолда ундан чегараланишдир. Шунингдек, одамларга ОАВ ҳамда фуқаролик, журналистика ролини тушунишга ёрдам беришдир. Биз таълим тизимимизда медиа таълимни тўлиқ жорий эта олсакки турли саёзликларни ва онгимизда медиа орқали кирадиган баъзи бўшлиқларни тўлдира олган бўлар эдик.

Аммо, кейинги вақтларда айрим ўқувчи ёшлар китоб мутолаа қилиш ўрнига бўш вақтларини кўпроқ компьютер воситалари ҳамда интернет тармоқларидан нотўғри тарзда фойдаланиш билан банд бўлмоқда. Бундай муаммоларни олдини олишда аввало, оилада ота-оналар, кейинчалик мактабларда ўқитувчи ва кутубхоначилар ташаббускор бўлмоғи зарур. Болаларда китобхонлик маданиятини шакллантириш авваламбор, оилада ота – оналарга боғлиқ. Бунинг учун бола мансуб бўлган жамият, муҳит китоб ўқишга мойил бўлиши зарур. Китобхонликни тарғиб қилиш учун ўқитувчилар томонидан синфлар кесимида болалар ёшига мос асарлар рўйхати тузилиб, ота-оналарга тарқатилиши зарур.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга ҳудудлардаги кутубхоналар ҳақида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, улар билан ҳамкорликда тадбирлар уюштириш ва тадбирларда доимий фаол иштирок этиб келаётган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш, китобхонликни тарғиб қилишда янги нашр қилинган асарлар тарғиботини кенг йўлга қўйиш, мутолаани оммалаштириш, мактабларда ёш китобсеварлар тўгараклари ташкил этиш зарур. Шундай ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан китобхон ўқувчилар сафини янада кенгайтириб боришимиз мумкин.

Бугунги ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқаряпти. Бугунги мураккаб ҳамда таҳликали замонда одамларни эзгуликка, инсоф диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган асарларга эҳтиёж катта. Бу борада ёшларга мўлжалланган, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол авлод бўлиб улғайишларига таъсир кўрсатадиган китобларни нашр қилиш, қисқача айтганда, китобхонлик, мутолаа маданиятини болалиқдан бошлашга эътибор қаратиш замон талабидир.

Чоп этиладиган китобларни нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими сустр ривожланган, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишда

электрон китоб шаклларида кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган. Таълим ва маданият муассасалари учун китоб харид қилишга маблағлар етарли даражада мавжуд бўлган манбалар ҳисобидан жалб этилмаяпти, китоб сотишга ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирлар етарли эмас.

Китоб ўқиш маданиятини шакллантириш жуда кенг тушунча. Демак, бу матбуот олдига ҳам юксак масъулият юклайди. Шунинг учун китобхонлар билан доимий равишда савол-жавоблар, кўргазма олдида суҳбат ва энг асосийси ОАВ билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этиш орқали тарғибот ишларининг янада таъсирчанлигини оширишимиз керак. Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан, бадиий, маърифий, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш айти куннинг долзарб вазифаси ҳисобланиб, ёшлар ўртасида китобхонликни юксалтиришда энг таъсирчан омиллардандир.

Бир нарсага эътиборларингизни қаратмоқчиман, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш биринчи мақсад қилиб белгиланган. Унга кўра, аҳоли ва айниқса республикамиздаги ёшлар қатлами бандлигини таъминлаш, ёшларнинг соғлом вояга етишлари ҳамда спорт ва жисмоний тарбия масалалари билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам қамраб олинган ва уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш ҳақидаги долзарб масалалар алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Маҳалла қадриятлар бешиги, фарзандларимиз ана шу ерда камол топади. Шу боис асосий эътибор маҳаллага, уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Маҳаллада спортни ривожлантириш масаласи янги гап эмас. Бу қадриятимиз. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик

эпоси "Алпомиш" достонини эсланг. Унда кураш, мерганлик ва чавандозлик мусобақаларига катта эътибор берилган. Достонда ёзилишича, қизлар Алпомишдек олдиларига қўйилган шартларни бажарган йигитларнигина куёвликка лойиқ қўришган.

Жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом ёшларни тарбиялаш бутун бир жамиятнинг вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир инсон, оила, маҳалла, ота-она жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни одат даражасига чиқариши билан бирга, қадрият сифатида эъзозлаши жамиятнинг узлуксиз равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига олиб келади. Ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммавий ривожлантириш бўйича ҳамкор ташкилот ва бошқармалар рўйхатини шакллантириш (оила, маҳалла, ҳар бир тумандаги сектор раҳбарлари, ёшлар иттифоқи, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, муҳофаа бўлимлари, спорт федерация ва клублари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва бошқалар) улар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) аъзолари штат таркибида маҳаллалар ёшларининг қатламини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш учун олий маълумотга эга жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини, маҳалла спорти етакчиларини иш билан таъминлаш керак, деб ўйлайман. Маҳаллалар ҳудудларида маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда бир нечта спорт турларига ихтисослаштирилган универсал спорт майдонларини кўпайтириш, ушбу майдонлардан мақсадли фойдаланишни ташкиллаштириш лозим. Ёшлар билан ўтказиладиган машғулотларга спорт федерациялари ва клублар билан ҳамкорликда тажрибали мураббийларни жалб этиш, тўй ва давлат байрамларида оммалашган спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этишни ва ўтказишни янада оммалаштириш, уюлмаган ёшлар ўртасида оммавий спорт турлари бўйича маҳаллалар, туман секторлари, туманлараро ва вилоят босқичи мусобақаларини узлуксиз ўтказиш керак бўлади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари, мактаб, коллеж жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, спорт клуб ва федерацияларни маҳалла спортга кўмаклашишини

ташқил этиш, ўрта мактабларнинг 10-11 синф ўқувчиларини мактабдан ташқари маҳалла спорти машғулотларига қамраб олиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш зарур.

Бу ишларни оммалаштиришга матбуот ҳам қаттиқ киришиши керак. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташқил қилишини инобатга оладиган бўлсак, маҳаллаларда ёшларнинг китобхонлик ва спортга ошнолигини мустаҳкамлаш масаласига умуммиллий масала сифатида қараш бугуннинг талабидир. Бу матбуот вакилларида ҳам катта меҳнат талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги расмий веб-сайти www.yoshlar.gov.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси lex.uz.

3. Ziyo.uz электрон кутубхонаси.

4. “Беш ташаббус олимпиадаси” веб-сайти www.beshtashabbus.uz.

5. Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти www.stat.uz.



Мамаюсупов Сарвар Дехканович
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
қўмондонининг ўринбосари, полковник

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАРНИ ВАТАНГА САДОҚАТ, МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ҳозирги глобаллашув даврида ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис, ёшлар ва бўлажак ҳарбий хизматчилар онгида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, уларни Она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, жисмонан бақувват бўлиб улғайишларига замин яратиш учун маҳаллалар билан тизимли равишда ишларни ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “Ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим” .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январь кундаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори

ҳамда 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимида ҳам “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

“Йўл харитаси”да: маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёшлар масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда маҳаллалар тоифасидан келиб чиқиб, ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, уларнинг сиёсий онгини ўстириш ва мафкуравий иммунитетини шакллантириш, ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва бандлигини таъминлаш, улар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларни такомиллаштириш ҳамда миллий қадриятларга зид бўлган салбий тенденциялар шаклланишининг олдини олиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Белгиланган вазифаларни самарали ташкил этиш учун “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда, таълим муассасалари раҳбарлари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва профилактика инспекторларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қарор билан ҳар бир туман ва маҳаллаларда жорий этилган ёшлар етакчилари лавозимлари мамлакатимизда ёшлар, айниқса уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг яхлит тизимини яратилишига, олиб борилаётган ишларимизни янада самарали ташкил этишга ёрдам бериб келмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ёшлар билан ишлашнинг янги тизими тузилди.

Хусусан:

Миллий гвардия кўмондонининг ва ҳудудий бошқарма бошлиқларининг “Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари” лавозимлари ҳамда марказий девонда “Ёшлар ўртасида ҳарбий-

ватанпарварлик ва спорт ишларини ташкиллаштириш” бошқармаси жорий этилди.

Янги тизимнинг кадрлар захирасини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетидида “Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” кафедраси ташкил этилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 12 та туманидаги 579 та маҳаллаларида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими “Тошкент тажрибаси” яратилиб, ҳафтанинг душанба куни “Маънавий-маърифий тайёргарлик машғулоти ва маънавий соати”, сешанба куни “Маҳаллаларда уюлмаган ва профилактик рўйхатда турувчи ёшлар билан психологик ишлар, тренинг ва психологик маслаҳатлар бериш”, чоршанба куни “Китобхонликни кенг тарғиб қилишга бағишланган китобхонлик кечалари”, пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар”, жума куни “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни” доирасида ҳарбий қисмларда очиқ эшиклар куни, шанба куни “Оммавий спорт тадбирлари” кунларини ўтказиш бўйича ҳафталик ишлаш механизми жорий этилиб, тадбирларни умумлаштирувчи ҳамкорликда штаб фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳаллалар тоифасидан келиб чиқиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳи шакллантирилди. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳар бир маҳаллада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бунда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилди:

– маҳаллаларда уюлмаган ва тарбияси оғир ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича - маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан биргаликда ҳар ҳафтада манзилли учрашувлар ташкил этиш;

– ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали мотивация берувчи тарбиявий учрашувларни ташкил этиш;

– ҳарбий қисмлар ва полигонларга режа-жадвал асосида маҳалладаги ёшларнинг ташрифини белгилаш;

– жойлардаги ҳарбий қисм ва муассасаларни маҳаллаларга бириктириш ҳамда йил давомида ёшлар билан ишлаш механизмини йўлга қўйиш;

– маҳаллалардаги ҳар бир кўчада Ёшлар етакчисига кўмаклашувчи “Кўча сардори” ва “Қалқон гуруҳлари” тизимини шакллантириш орқали ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни кескин камайтиришга эришиш;

– маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда ишлаш учун ҳар бир туманга 2 нафардан Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимларини бириктириш;

– манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда Миллий гвардия тизимида, ёшлар ўртасида “Ватанпарвар ёш гвардиячилар” клубларини ташкил этиш;

– мусиқа академик лицей ва мактабларнинг ўқувчилари ўртасида “Санъат ғунчалари” ҳамда мактаб ўқувчилари ўртасида “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақасини 4 босқичда (маҳалла, туман, вилоят ва республика) ташкиллаштириш;

– ёшларни, айниқса уюлмаган ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имкониятлар яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда, Миллий гвардия сафларида 19 мингдан зиёд ёшлар хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда Миллий гвардия сафларига хизматга қабул қилинган 3,5 минг нафар кадрларнинг 2,5 минг нафарини ёшлар ташкил этади. Шунингдек, Миллий гвардиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Фарғона минтақавий ўқув марказларида профилактик ҳисобда турувчи ёшлар билан Республика Ёшлар агентлиги ва вилоят Ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда 3 кунлик “Ҳарбий ватанпарварлик” ўқув йиғини жорий йилнинг 28 февралдан 2 март кунлари ўтказилди. Ўқув йиғинида 100 нафардан жами 300 нафар ёшлар Миллий гвардия минтақавий ўқув марказларига жойлаштирилди ҳамда ёшлар билан

3 кун давомида алоҳида кун тартиби ва режага асосан тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори билан Республикамиздаги 9 309 та маҳаллаларга “Ёшлар етакчиси” лавозими жорий этилди. Миллий гвардия тизимида хизмат фаолиятини олиб бораётган 36 нафар ҳарбий хизматчилар очиқ танлов асосида ушбу лавозимга тайинланди. Бу эса, ўз навбатида Миллий гвардия тизимида ёшларга катта эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Хусусан, Миллий гвардия тизимида 2021 йилда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва 5 муҳим ташаббус лойиҳаси доирасида маҳалла ва таълим муассасаларида жами 19 238 та тадбирлар ўтказилиб, унда 1 594 235 нафар ёшлар (шундан 192 495 нафари уюшмаган ёшлар) иштирок этди. Шунингдек, ёшлар билан 755 мартаба “Очиқ эшиклар куни” ва “Ҳарбий қисмда бир кун” шиори остидаги тадбирлар ташкил этилиб, 75 615 нафар ёшлар (шундан 47 274 нафари уюшмаган ёшлар) жалб этилди.

Жорий йилнинг 7-10 апрель кунлари Миллий гвардия бўлинмалари томонидан Тошкент шаҳрида маҳалла ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда “Уч авлод учрашуви”, “Шунқорлар”, “Ёш қутқарувчи”, “Ёш чегарачи”, “Тўмарис маликалари”, “Қувноқ стартлар”, “5 км марафон югуриш” бўйича намунавий тадбирлар ўтказилди. Республикадаги 360 та musiқа ва санъатга ихтисослаштирилган академик лицейлар ва musiқа мактабларининг 4 мингдан ортиқ ўқувчилари иштирокида икки босқичли “Санъат ғунчалари” кўрик-танлови ўтказилди.

Миллий гвардияга бириктирилган 56 та умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида илк мартаба “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақаларининг худудий ва республика босқичлари ташкил этилиб, унга 5 000 нафардан зиёд ўқувчи ёшлар жалб этилди.

2021 йилда, ёшларнинг тизимли равишда спорт билан шуғулланишлари учун масъул идора ва ташкилотлар билан

ҳамкорликда республикада жами 80 мингдан ортиқ спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 2,3 млн. нафардан зиёд ёшлар жалб этилди (300 минг нафари уюлмаган ёшлар).

Ҳозирги кунда Миллий гвардия томонидан маҳаллалар кесимида спорт тадбирларини ташкиллаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда жами 925 455 нафардан зиёд ёшлар иштирокида спортнинг мини футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва бошқа турлари бўйича 12 784 та оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалари ўтказилди.

Шу билан бирга Миллий гвардияга бириктирилган федерациялар билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган тизимли ишлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

Спортнинг “Қўл жанги” тури бўйича 781 та спорт секцияси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 26 минг нафардан зиёд ёшлар жалб қилинди.

Мамлакатимизда От спорти турларини оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида мавжуд секциялар сони 2,5 баробарга оширилиб, секциялар 67 тадан 163 тага етказилди, уларга 3 000 нафардан зиёд спортчи ва ҳаваскор ёшлар жалб этилди. Худудларда 692 та от спорти бўйича мусобақа ва кўргазмали машғулотлар ташкиллаштирилиб, унда 500 минга яқин ёшлар ва от спорти ишқибозларининг иштироки таъминланди.

Спортнинг “Камондан отиш” турини ривожлантириш ва аҳоли орасида оммалаштириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилиши натижасида мавжуд секциялар сони 31 тадан 358 тага, шуғулланувчилар сони 370 нафардан 5 124 нафарга етказилди. Ушбу спорт тури бўйича 628 маротаба мусобақа ва кўргазмали машғулотлар ўтказилиб, уларда 50 522 нафар ёшлар (уюлмаган ёшлар) ва спортчилар иштироки таъминланди.

Бугунги кунда “Функционал кўпкураш” спортнинг янги турини мамлакатимиз худудларида татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида пойтахтимизда 10 дан ортиқ секциялар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 120 га яқин ёшлар жалб этилди. Мазкур

спорт тури бўйича 40 дан ортиқ мусобақа ва кўргазмали тадбирлар ташкиллаштирилди.

Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда, “Ёш гвардиячи”лар ҳарбий-спорт мусобақасининг маҳалла кесимида ўтказиш бўйича янги низом ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 28 январь куни Миллий гвардия Тошкент “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи базасида Тошкент шаҳрининг маҳаллалари ёшлари, айниқса уюшмаган ёшлари ўртасида “Ёш гвардиячи”лар ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилди.

Айни вақтда, “Ёш гвардиячи”лар ҳарбий-спорт мусобақасининг ёшлар айниқса, уюшмаган ёшлар ўртасида 4 босқичда (маҳалла, туман, вилоят ва республика) ўтказиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб борилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг март ойида республикамизнинг барча маҳалла ва туманларида “Ёш гвардиячи”лар ҳарбий-спорт мусобақасининг маҳалла ва туман босқичлари бўлиб ўтди. Жорий йилнинг апрель ойида вилоят босқичи ва май ойида республика босқичи ўтказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, “Ёш қутқарувчи”, “Ёш чегарачи” ҳарбий-спорт мусобақалари ҳам манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда 4 босқичда ўтказилмоқда.

Маҳалла ёшларини, мактаб ўқувчиларини от спортга қизиқтириш, мамлакатимизда от спортини оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича ҳам алоҳида режа асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойдан бошлаб Миллий гвардия тизимида жами 14 та Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 1 тадан “Чавандозлар мактаблари” фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳар бир маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар, уюшмаган ёшлар ва ўқувчилар (талабалар)ни жалб этган ҳолда от спорти бўйича тадбирлар, маҳорат дарслари ташкил этиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар от спорти бўйича жами 932 та тадбир ўтказилди. Ўтказилган тадбирларнинг 636 таси от спорти мусобақалари ва 296 таси маҳорат дарслари ҳисобланади. Бундан ташқари, асаб касалликлари, руҳий нуқсон билан туғилган ёшларни от ёрдамида даволаш бўйича

ҳар бир вилоятдаги тадан “Чавандозлар мактаблари”да иппатерапия марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда жами 165 нафар носоғлом ёшлар от спорти бўйича шуғулланмоқда. Ёшларни от ёрдамида даволаш бўйича амалга ошириб келинаётган ишларимизни йил якунига қадар камида 2 баробарга ошириш режалаштирилмоқда. Тошкент шаҳри ва республиканинг барча ҳудудларида умумий ўрта ва ихтисослаштирилган мактабларда, ўрта, махсус касб-ҳунар коллежлари ва техникумларда, шунингдек олийгоҳларда Миллий гвардия ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар бир спорт секциялари ҳар куни 16:00 дан 22:00 га қадар фаолият юритмоқда. Ҳар бир мактабда камида 5 та спорт турлари бўйича секциялар очилган бўлиб, ҳар куни секция фаолияти Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимлари томонидан назорат қилиб борилмоқда.

Ёшларни спортга қизиқтириш билан бирга уларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ҳам амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш ҳамда дин ниқоби остидаги гуруҳларнинг ёт ғояларига қарши курашиш бўйича маҳалла Ёшлар етакчилари учун машғулотлар ташкил этилмоқда. Ёшларнинг диний ва дунёвий билимларини мутаносиблигига эришиш борасида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ўтказилаётган барча тадбирлар ва амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида маҳалла ёшларини Ватанга садоқат, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги йўлида ўз бурчини фидокорона бажариши лозим бўлган ёшлар дунёқарашида фуқаролик позицияси шакллантириш, бузғунчи ғоя ва таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, руҳан тетик, жисмонан бақувват, жасур, фидойи инсонлар этиб тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

олдидаги энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Тарбия ва таълимни бири-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, юксак маънавиятли, шу билан бирга, билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш, тафаккур ва замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради”.

Маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, жисмоний ва руҳий соғломликнинг ўрни жуда муҳимдир. Айниқса, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг юқоридаги хусусиятларга эга бўлишлари уларда ижтимоий фаоллигини ошишида, жамият олдида фуқаролик масъулиятини англаш кўникмаларини қарор топишида ҳамда соғлом турмуш тарзини шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистоннинг стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2021.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли Қарори //lex.uz/uz/docs/5831865.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони //lex.uz/ru/docs/5841063.



Юнусов Алишер Бобомуродович
Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини директори ўринбосари

МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш ва аҳолининг оғирини енгиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлардан иборат. Хусусан, аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини қондириш, уларнинг муаммоларини жойида аниқлаш ва уларга мақбул ечимларни топиш, муаммони бартараф этиш ушбу ислохотларнинг асосий ўзагини ташкил қилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда асрий анъаналаримизга мос равишда “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилди.

Бу бежизга ташкил қилинмаган эди. Махсус ўрганишларнинг кўрсатишича, инсон ўзини тўла бахтли ҳис қилиши учун қондирилиши лозим бўлган эҳтиёжларининг 90 фоизгачаси ҳокимиятнинг бирламчи бўғинлари томонидан ҳал қилиб бериладиган, маиший эҳтиёжлар билан боғлиқ. Турар жойини иситиш, сув ва газ, электр энергияси билан

таъминлаш, уйининг атрофи – таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига, иш жойига борадиган йўлларининг ҳолатлари яхши бўлса, инсон деярли давлат органларини эсга олмайди. Бу муаммоларни ҳал қилиб берувчи ҳукумат вакиллари фуқарога қанча яқин жойлашган бўлса ва у ўз ваколатлари доирасида ушбу муаммоларни қанчалик муваффақиятли ҳал қилиб бера олса, фуқаро ҳокимиятнинг юқорироқ органларига, марказий ҳокимиятга мурожаат қилмайди.

Буни тўғри тушунган Ш. М. Мирзиёев 2016 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайлангандан кейин давлат бошқарувининг вертикал тизимида амалга ошириб келаётган сиёсати айнан давлат ҳокимияти вакиллари имкон қадар фуқарога яқинлаштиришдан иборат бўлиб келмоқда. Бошқарувнинг секторлар тизимида ўтишининг мазмун-моҳияти ҳам, Президентликнинг иккинчи муддатида жорий қилина бошлаган “маҳаллабай” ишлаш тизими ҳам, айнан ушбу мақсадга, фуқароларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишлари учун лозим бўладиган барча давлат хизматларини уларнинг яшаш жойларига имкон қадар яқинлаштиришга қаратилгандир .

Бугунги кунгача амал қилиб турган Маҳалла фуқаролар йиғини тузилмаси давлат органи бўлмаганлиги сабабли, уларга давлат бошқарувининг бирламчи бўғини сифатидаги барча ваколатларни юклаш қийин бўлиб турибди. Шу боисдан, 2022 йилдан бошлаб, бевосита маҳаллаларда фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал қилиб бериш билан ишлайдиган давлат органларининг иккита расмий вакиллиги жорий қилинди. Булар ҳоким маслаҳатчилари ва ёшлар етакчиларидир.

Иккала тузилма вакиллари ҳам маҳаллада яшовчи фуқароларни чуқур ўрганиш, уларнинг ҳар бирининг муаммоларини, ташвиш-ўйларини яхши билиш, муаммоларини имкон қадар ҳал қилиб бериш орқали бахтлироқ яшаш имконини яратиб бериш кабилар уларнинг асосий вазифалари қилиб белгилаб берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январда қабул қилинган ПҚ-92-сонли Қарорида маҳалла етакчиси лавозими “ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита

маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида” киритилиши белгилаб қўйилган.

Давлат бошқарувининг вертикал тизими бошланғич нуқтасини таъминловчи вакил сифатида ҳоким маслаҳатчилари ва маҳалла етакчиларидан бугунги кунда ўзлари масъул бўлган маҳалланинг ижтимоий қиёфасини яхши билишлари жуда муҳим. “Ижтимоий қиёфа” социологиядаги асосий тушунчалардан бири бўлиб, бадий санъат ва адабиётда кўп қўлланиладиган “портрет” (французча “portrait” – бирон бир буюмни бадий воситалар ёрдамида аниқ тасвирлаб бериш) сўзидан олинган бўлиб, ижтимоий гуруҳнинг умумлаштирилган белгилари мажмуаси, яъни тасвирланган гуруҳнинг математик ва компьютер усуллари ёрдамида эришиш мумкин бўлган умумий ва барқарор хусусиятларини англатади.

Ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг хусусиятлари бир-бирларидан фарқ қилади ва шу сабабли, бир ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий қиёфаси иккинчи бир гуруҳнинг ижтимоий қиёфасидан фарқланади. Маҳаллалар ҳам турли тоифадаги инсонлар бирлиги сифатида ижтимоий гуруҳни ташкил қилади ва ижтимоий гуруҳ сифатида ўзига хос ижтимоий портретига эга бўлади. Гуруҳнинг асосий белгиларига унинг жинс, ёш, миллий, диний хусусиятлари, маълумот даражаси, касби, қизиқишлари ва шу каби белгилар киради. Маҳаллада яшовчи аҳолининг ҳам мана шу белгилари маҳалланинг ижтимоий қиёфасини белгиловчи асосий хусусиятлари ҳисобланади. Шу ўринда айтиш лозимки, маҳалла етакчилари томонидан шакллантирилаётган “Ёшлар баланси” ҳам қайсидир маънода маҳалланинг ижтимоий қиёфасини шакллантиришга ёрдам беради.

Аҳолининг ҳаётга муносабати ҳам жамият ижтимоий портретининг кўрсаткичи бўлиб, барча муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва маданий воқеалар бўйича тахминий позицияларини акс эттиради. Бу жамиятнинг ақлий кучлари захирасининг ўзига хос кўрсаткичидир, унинг кўрсаткичлари ижтимоий фаровонликнинг барча спектрларини акс эттирувчи ўта ижобийдан кескин салбий муносабатгача ўзгариши мумкин. Бу сиёсий партиялар

ва ҳаракатлар фаолиятига баҳо беришда, ҳокимият органлари, мавжуд тузум ва жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар ва ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш даражасида намоён бўлади. Ҳаётга муносабат ижтимоий портретнинг яна бир муҳим таркибий қисми - мафкура ва сиёсатнинг энг муҳим масалалари бўйича ижтимоий гуруҳнинг бирлашишида ҳам ўз аксини топган. Шахслараро ва гуруҳлараро ўзаро муносабатларда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги, гуруҳ онгида ҳар қандай мафкуранинг устунлиги гуруҳнинг ижтимоий қиёфасини белгиловчи элементлар бўлиб, ижтимоий-сиёсий имтиёзлар векторини аниқлашга имкон беради.

Маҳалланинг ижтимоий қиёфаси асосий кўрсаткичларига қуйидаги хусусиятларни киритиш мумкин:

- аҳолининг ижтимоий тузилиши (ижтимоий гуруҳлар, уларнинг сони, фарқловчи белгилари);
- демографик жараёнлар ва оила ва никоҳ муносабатлари (туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари, ўртача умр кўриш);
- миграция (миграция даражаси, ҳудудий ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари);
- аҳолининг иқтисодий фаоллиги;
- маҳалла аҳолисининг меҳнат бозоридаги иштироки;
- маҳалладаги сиёсий ҳаёт ва аҳолининг сиёсий маданияти (сайлов фаоллигининг хусусиятлари, сиёсий институтларга ишонч даражаси);
- ижтимоий зўриқиш ва жамоатчилик фикри (фаровонлик даражасини субъектив баҳолаш, турли ижтимоий гуруҳларни ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар учун интеграциялашуви ва бошқалар);
- турмуш даражаси;
- жиноят ва ижтимоий девиантлик (маҳаллада жиноят даражаси, динамикаси, девиант хулқ-атвор шакллари);
- маҳалладаги маданият, маданий истеъмол ва маданий ҳаёт (қадриятлар, турмуш тарзи, субмаданиятлар);
- таълимни ривожлантиришнинг ижтимоий муаммолари;
- аҳолининг бўш вақтини ўтказиш хусусиятлари;

- миллатлараро муносабатлар;
- аҳолининг ижтимоий фаровонлиги (жумладан, ижтимоий кескинлик даражаси, жамоатчилик фикрининг хусусиятлари, ижтимоий кайфият).

Социологияда ижтимоий қиёфанинг яхлит хусусиятларини шакллантириш қўйидаги асослар бўйича амалга оширилиши тавсия этилади: 1) мазмун; 2) ташкилий.

Ушбу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, шакллантирилган ижтимоий қиёфага таянган ҳолда, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, жумладан Ёшлар дастурларини ҳам шакллантириш мумкин. Бу дастурнинг айнан ушбу маҳаллага мослигини таъминлаш, унинг ўзига хос ривожланиш йўлини белгилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 132-сон Қарори.



Жўрақулов Фурқат Норйигитович
Республика Маънавият ва маърифат
маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

Ёшлар - мамалакатимизнинг келажаги, эртанги кунимизнинг эгаларидир. Уларни ҳар томонлама оқил, ўз ватанига нисбатан садоқатли, одил қилиб тарбиялаш бугунги кун тартибида турган энг долзарб масала ҳисобланади. Давлатимиз Раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”, - деган гаплари бугун ҳар биримиз учун дастур ул амал бўлмоғи жоиз.

Тараққий этган кўпгина давлатлар, халқлар тарихи, ривожланиш йўлини ўрганадиган бўлсак, бир-бирига ўхшаш битта жиҳатни кузатиш мумкин. Яъни ёш авлод таълим-тарбиясига жуда катта эътибор қаратиш, сармоя киритиш, уларни ҳар томонлама комил шахслар сифатида вояга етказиш ҳамда тараққиёт йўлида уларга суяниш барча ривожланган давлатлар, халқлар ҳаётида устувор жиҳат бўлган.

Ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб олган, кундан кунга олға одимлаб, тобора янгиланиб бораётган Ўзбекистон ҳам катта куч ва салоҳиятини ёшлар камолоти йўлида сарфлашдек стратегик мақсадни амалга оширишга киришган.

Бугунги кунда ёшлар камолоти, уларнинг етук кадрлар бўлиб шаклланишига давлат ва жамият ҳар қандай даврдагидан-да муҳим – устувор масала сифатида қарамоқда. Бу эътибор, ғамхўрлик ва ёшларга оид давлат сиёсатидаги изчил ислохотлар ташаббускори бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистонни билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз” деган даъвати юқори давлат амалдорларидан тортиб, энг қуйи бўғиндаги давлат хизматчиси онгига сингиб, бу фикрнинг нечоғлик ҳақлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бормоқда.

Давлатнинг ёшлар сиёсати кенг кўламда, турли йўналиш ва жабҳаларда олиб борилмоқда. Ундаги муҳим йўналишлардан бири – ёшлар тарбияси ва маънавий камолоти саналади. Ёшлар сиёсати, аввало, тарбиядан бошланади, десак ҳам муболаға бўлмайди. Негаки, барча даврларда болалар ва ёшларга биринчи навбатда “тарбияланадиган қатлам” сифатида қараб келинган. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаммамизга маълумки, маҳалла ёшлар учун энг катта тарбия майдони ҳисобланади. Айнан шу бўғинда ёшлар ижтимоий ҳаётга адаптация бўлади. Халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақл бежиз айтилмаган. Тарихан ёшлар тарбияси учун маҳалладаги ҳар бир шахс масъул ва жавобгар бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам ушбу қадрият кўпгина маҳалларимизда сақланиб қолган. Аммо маҳалла кишилари қалбида ушбу қадриятни тиклаш, уйғотиш ва ҳаммани ёшлар тарбияси йўлида бирлаштириш саъй-ҳаракатларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишнинг турли усулларидан фойдаланар эканмиз, маънавиятга йўл китобдан бошланишини эсда тутмоғимиз лозим. Зеро, Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек,

“Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди”.

Давлатимиз Раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 92-сонли қарори асосида Республикадаги 10 мингдан ортиқ маҳаллаларда “Ёшлар етакчиси” лавозими жорий қилинди.

Ёшлар етакчиларининг фаолиятини тизимли ташкил этиш мақсадида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим ва бўлинмалари томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, маҳалла ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларни ватанпарварлик, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, таълим муассасаларида маърифий, тарбиявий тарғибот ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида жойларда бир қатор ишлар амалга оширилди ва яна давом этмоқда.

Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда “Заковат” мусобақаси, “Қувноқлар ва зукколар”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Хорижий тиллар билимдони”, “Ёш полиглот” ва “Мунозара” интеллектуал ва миллий халқ ўйинларини ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди.

Ёшлар етакчиси маҳалла ёшларига нафақат сардор, кўмакчи, балки маънавий йўлбошчи бўлиши ҳам лозим. Шу нуқтаи назардан республикадаги 200 дан ортиқ туман ва шаҳарларда маҳалладаги ёшлар етакчилари учун “Маҳаллада маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш усуллари” мавзусида ўқув семинарлар ташкил қилинди.

Маҳалладаги ёшлар етакчиларига маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил қилишда амалий ёрдам бериш мақсадида Халқ таълим вазирлиги билан ҳамкорликда мактаблардаги ижодий маданий масалалар бўйича тарғиботчилар етакчига маънавий кўмакчи сифатида бириктирилди.

Марказнинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда 5 320 дан ортиқ маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Марказ томонидан ёшлар етакчилари учун “Маҳалла ёшлари ўртасида маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш” номли услубий қўлланма тайёрланди.

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси билан ҳамкорликда Республиканинг 50 дан ортиқ туман ва шаҳарларда маҳалла етакчилари учун намунавий тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Ушбу тадбирлар давомида 15 мингдан ортиқ турли номдаги китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият юритишга кўмаклашишга ҳамда моддий-маънавий рағбатлантириш мақсадида “Фидойи ёшлар етакчиси” республика кўрик танлови” эълон қилинди. Ҳозирда ушбу кўрик танловни ўтказиш юзасидан Низом ишлаб чиқилди, тайёргарлик жараёнлари бошланди.

Ёшлар етакчиларига амалий ёрдам бериш, уларнинг маҳаллаларда маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил қилиш борасида амалга ошириладиган ишларимизни кўплаб давом эттиришимиз мумкин, бироқ ҳаммамизга маълумки ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳали олдимизда бажарилиши лозим бўлган бир қатор ишлар мавжуд.

Таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида кўп миллатли ва элатли фуқароларимиз истиқомат қилади. Маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ташкил этиш

ва ўтказишда, унинг таъсирчанлигини оширишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини, этник таркибини, аҳолининг руҳи ва кайфиятини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Битта нарсани унутмаслигимиз лозим, бугунги ёшлар кечаги ёшлар эмас, уларнинг онгу-тафаккури, ҳаётга муносабати ва ёндашувларида кескин ўзгаришлар бор. Бугунги ёшлар теран фикрловчи, бир эмас, бир неча тилларда сўзловчи, ўзига хос характерли қатлам сифатида шаклланди. Эскича усул ва воситалар билан, тарбиянинг бир хилдаги технологияларидан фойдаланиш биз кутган натижани бермаслиги аниқ. Бу эса ўз навбатида, ёшлар билан ишлашни замон талаб қилаётган янги форматда ва айни пайтда миллий қадриятларни сақлаган ҳолда ишлашни ташкил қилишимиз кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Албатта, маҳаллада ёшлар тарбияси биргина Ёшлар етакчисига ташлаб қўйилмайди, бу борада ҳамма ўз масъулиятини чуқур англаб, биргаликда ҳаракат қилиши орқали мақсадга эришилади. Етакчидан эса янги, интерфаол, инновацион ташаббуслар, фаолликлар кутилади. Янгича фикрлайдиган, ўз ишини пухта билган кадр орқали эса юксак марраларни эгаллаш осон кечади. Ёшлар етакчиси шундай қимматли кадрлар қаторига чиқишига, маънавият йўлида ишга отланган ҳамкасбимиз ёшларга кўмакчи бўлишига ишонамиз.

Сиёсатда “Сен ухлаганда душманинг уйғоқ бўлади” деган гап бор ёки Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда “Ёшларнинг бўш вақти душманнинг иш вақти”. Шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан ғофил бўлишликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лоқайдликни бас қилиш, мудрок ҳолатдан уйғониш керак. Бунинг учун эса аввало илм сари ҳаракат қилиш, оила, боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла, мутасадди ҳамда жамоат ташкилотлари тизимли равишда ҳамкорликда иш олиб бориш зарур.

Умуман олганда, ёшлар етакчисининг маҳаллада том маънодаги етакчига айланиши учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ёшлар ишлари агентлигига маънавий жиҳатдан кўмакчи бўлиши, амалий ёрдам бериши лозим бўлади

ва бу бўйича марказ томонидан бир қатор саъи ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан,

биринчидан, республика ишчи гуруҳи томонидан жойларга чиқиб ўрганишлар давомида шу нарса аниқ бўлдики, маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг аксарияти уюлмаган ёшлар билан тизимли, режали ишни ташкил қилиш борасида етарлича тажрибага эга эмас. Етакчида ёшларни ишонтира олиш, уларни бошқариш ва йўналтириш қобилиятини ривожлантириш лозим. Шу мақсадда республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан етакчига амалий кўмак бериш мақсадида икки босқичли ривожлантириш ишлари олиб борилади. Яъни,

биринчи босқичда, услубий қўлланмалар тайёрланади ва барча ёшлар етакчилари ушбу қўлланмалар билан таъминланади. Ушбу қўлланмаларда ёшлар етакчиларининг мақсад ва вазифалари, ишлаш тамойиллари, услуб ва методлари, ёшлар билан ишлашнинг психологик жиҳатлари ҳақида батафсил маълумотлар, йўл-йўриқлар кўрсатилади;

иккинчи босқичда, Марказ томонидан онлайн шаклда барча ёшлар етакчилари учун ўқув-семинарлари ташкил қилинади. Ушбу семинарларда ёшларга лидерлик, ёшларни ишонтириш, бошқариш ва йўналтириш маҳоратлари юзасидан илғор, замонавий тренинглар ташкил қилинади.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев таъбири билан айтганда ёшлар билан ишлаш фақатгина Ёшлар ишлари агентлигининг вазифаси эмас, балки барчамизники. Республика Маънавият ва маърифат маркази Юртбошимизнинг бу чақириқларига лаббай деб жавоб берган ҳолда, қуруқ сўз билан эмас, балки амалда, услубий қўлланмалар яратиш, ёшларни мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ватанпарварлик туйғуларини жўш урдиришга қаратилган манзилли ишларни ташкил қилиш билан маҳалладаги ёшлар етакчисига кўмак беради. Зеро ёшлар барчамизники ва уларнинг бегонаси бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил, 3 май. ПҚ-4307-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида. 2021 йил. 26 март. № ПҚ-5040.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада янги тизим яратиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш бўйича Республика экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2021 йил. 4 март. № АФ-213.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил, 18 феврал. ПФ-5938.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар етакчилари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил 19 январь. ПҚ-92.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 31 декабр, 820-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2019 йил, 31 декабр. 1059-сон.

8. Раҳимов С., Хусанов Б., Ташметов Т. Маҳалла – тарбия маскани. – Тошкент: ЎЗР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси, 2021. – Б. 80.



Алимов Акмалбек Абдумажидович
*Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги бўлим бошлиғи*

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЕТАКЧИЛАРНИНГ ЎРНИ

*“Қонун устувор, адолат барқарор
бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди”*

Ш. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон Қарори асосида ёшлар билан ишлашнинг маҳалла – туман – вилоят – республика тизими яратилди.

Ушбу тизим асосида энг биринчи ўринда ёшлар етакчилари томонидан уйма-уй юриб, “Ёшлар баланси”ни тўлиқ шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни “Ёшлар дафтари”га киритиш ҳамда маҳаллаларда уюлмаган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича “Ёшлар дастур”ларини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб бир қанча ишлар амалга оширилди.

Республикадаги 9 349 та маҳалла, 10 130 та мактаб, 721 та профессионал таълим ва 159 та олий таълим муассасасида “Ёшлар баланси” тўлиқ шакллантирилди.

Шакллантирилган “Ёшлар баланси” асосида 16–30 ёшдаги жами 7 миллион 446 минг 730 нафар ёшлар билан маҳаллаларда ишлаш ҳолати баҳоланиб, 2 364 та маҳалла қизил (25,4 фоиз), 5 474 таси (58,8 фоиз) сариқ, 1 471 таси яшил (15,8 фоиз) тоифага ажратилди ва маҳаллаларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, ресурсларни сарфлаш тизими йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда 630 минг нафар ёшлар билан “Ёшлар дафтари” тизими орқали ишлаш, ёшлар инфратузилмаларини ташкил этиш бўйича маҳаллалар кўрсаткичларини яхшилаш учун 3 та асосий йўналишда жами 232 минг банддан иборат “Ёшлар дастури” ишлаб чиқилиб, ижроси йўлга қўйилди.

Ўтган вақт давомида 131 минг 510 нафар ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 32 350 нафарини (24,5 фоиз) касб-ҳунарга ўқитиш, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчат харид қилишга субсидия ажратиш, контракт тўловини тўлаш учун 65,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Бу тоифадаги ёшларни деҳқончилик қилиши учун ер майдонлари билан таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу йилнинг ўзида 61 мингдан зиёд ёшларга ер майдонлари ажратилган бўлса, шундан 22 мингдан зиёди “Ёшлар дафтари”даги йигит-қизлардир.

Таълим муассасалари баланси асосида, олий таълимдаги 4 649 нафар кам таъминланган, 995 нафар чин етим, 133 минг 385 нафар ижарада, 91 минг 374 нафар талабалар турар жойида яшовчи, 80 минг 712 нафар ишлайдиган талабалар бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, биринчи проректорлар ва ёшлар етакчиларининг ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида ҳар бир маҳаллада намунали тадбирлар ташкил этилиб, 6 та йўналишда ҳар куни тадбир ва лойиҳалар, танлов

ва мусобақалар ўтказилиши тизимли йўлга қўйилди. Айни пайтда 9 349 та маҳаллада ҳар куни ўртача 300 минг нафар ёшлар иштирокида 8,5 мингга яқин тадбирлар ўтказилмоқда.

Бажарилган ишларнинг салмоғи кўпайганлиги ижобий бўлганлиги билан, бироқ, сўнгги вақтларда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан, кўрсаткичлар ҳолати ижобий эмаслиги кузатилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 3 ойи якуни бўйича республикада жиноят содир этган жами 16 744 нафар шахсларнинг 5 667 нафари ёки 33,8 фоизи ёшларни ташкил этади.

Республика бўйича 4 448 та ёшлар жиноятчилиги содир этилган бўлиб, ўтган йилнинг 1-чорагига нисбатан 30,8 фоизга ошган ҳамда умумий жиноятчиликнинг 19 фоизи (23 297 тадан 4 448 таси) ёки деярли ҳар бешинчи жиноят ёшлар ҳиссасига тўғри келган.

Худудлар кесимида Тошкент вилоятида 100 фоиз (636/318), Қорақалпоғистон Республикасида 76,8 фоиз (164/126), Қашқадарёда 44,9 фоиз (256/141), Сурхондарёда 39,4 фоиз (395/239), Тошкент шаҳрида 35 фоиз (268/174), Самарқандда 26,9 фоиз (353/258), Навоийда 25,8 фоиз (213/158), Сирдарёда 21 фоиз (52/41), Жиззахда 19,3 фоиз (160/129), Фарғонада 10,2 фоиз (955/857) ҳамда Андижонда 2,4 фоизга (410/400) ошган.

Жиноят содир этган ёшларнинг 17,6 фоизини (1 002 нафар) ишламайдиган ва ўқимайдиганлар ташкил этиб, шундай тоифадаги жиноятга қўл урган ёшлар Тошкент вилоятида 87,9 фоиз (267/227) ва Тошкент шаҳрида 17,6 фоизга (186/99) ошган.

Шунингдек, спиртли ичимлик таъсирида маст ҳолда жиноят содир этиш кўпайган бўлиб, Тошкент шаҳрида (0 тадан 2 тага), Тошкент (17 тадан 21 тага), Самарқанд (20 тадан 21 тага), Андижон (0 тадан 10 тага), Сурхондарё вилоятларида (7 тадан 8 тага), Қорақалпоғистон Республикасида (11 тадан 16 тага) кўрсаткичлар салбий бўлиб қолмоқда.

Илгари судланган ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг асосий салмоғи (77,5 фоиз) 4 та худудда (Фарғона

(139 та), Тошкент вилояти (59 та), Андижон (71 та), Сурхондарё (46 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ёшлар жиноятчилиги ҳолати туман (шаҳар)ларда ҳам қониқарли эмаслиги кузатилди.

Мисол учун, ёшлар жиноятчилиги Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида 58 тага (135/193), Олтиариқ тумани 19 тага (36/55), Тошлоқда 12 тага (39/51), Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида 16 тага (31/15), Бўстонликда 11 тага (29/18), Қибрайда 28 тага (49/21), Ангрен шаҳрида 41 тага (62/21), Олмалиқ шаҳрида 42 тага (57/15), Пискентда 19 тага (23/4), Бекобод шаҳрида 17 тага (25/8), Бекобод туманида 13 тага (29/16), Тошкент туманида 18 тага (37/19), Янгийўл шаҳрида 18 тага (27/9), Зангиотада 36 тага (52/16), Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида 22 тага (87/55), Нарпайда 12 тага (17/5), Пахтачида 11 тага (21/10) кескин ошган.

Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан жорий йилнинг 3 ойида жами 402 та жиноятлар содир этилиб, ўтган йилга нисбатан 139 тага (65,4 фоиз) ошган.

Хусусан, Тошкент шаҳрида (47/6), Тошкент (49/26), Самарқанд (21/19), Сирдарё (9/5), Жиззах (9/7), Навоий (7/5), Фарғона (149/97), Сурхондарё (28/18), Қашқадарё (13/9), Хоразм (8/5) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (6/4) кўпайган.

Жиноят турларидан ўғирлик (20/17) ва безорилик (33/27) кўпайган.

Мактаб ўқувчилари ўртасида содир этилган жиноятлар сони Фарғона (132/78), Самарқанд (15/7), Тошкент (57/23), Сирдарё (5/3) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (58/7) ошган.

Жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари вояга етмаганлар томонидан содир этилиши кўпайётганлиги ташвишланарли ҳол.

Жиноят турлари бўйича Тошкент (4 та), Самарқанд (5 та) ва Андижон (4 та) вилоятларида қасддан одам ўлдириш, Тошкент (10 та), Фарғона (17 та) ва Қашқадарё (12 та) вилоятларида қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш, Тошкент (121 та), Бухоро (61 та), Фарғона (154 та) вилоятларида ўғирлик, Тошкент (42 та), Наманган (27 та), Сурхондарё (60 та) вилоятларида безорилик, Тошкент (81 та),

Фарғона (252 та), Сурхондарё (77 та) вилоятларида фирибгарлик жиноятлари бошқа ҳудудларга нисбатан ошганлиги кузатилди.

Юқоридаги камчилик ва муаммолардан келиб чиқиб:

Биринчидан, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш, айниқса, мигрантларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори ва ёшлар етакчилари ҳамкорлигида мақсадли ва манзилли ишларни ташкил этиш;

Иккинчидан, Республиканинг 9 349 та маҳаллаларида “Қалқон” ёшлар гуруҳи ташкил этилиб, 18 мингдан зиёд ёшлар жалб этилган ва жойларда маҳалла инспекторлари билан профилактик тадбирларни олиб бормоқда. Бироқ, жамоа ёшларини рағбатлантириш механизми мавжуд эмаслиги сабабли ушбу гуруҳга ёшларнинг ишончи йўқ.

Шундан келиб чиқиб, “Қалқон” ёшлар гуруҳининг ишлаш тизими, ундаги ёшларни рағбатлантириш ва бу борадаги барча масалаларни ҳал этиш бўйича ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш;

Учинчидан, ҳудудлардаги тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил бўлган ёшларни жойлардаги ҳарбий қисмларга, оромгоҳларга олиб бориб, “Ҳарбий ватанпарварлик оромгоҳ”лари доирасида манзилли ватанпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар жиноятчилигини олдини олишда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ўзаро ҳамжиҳатликда, комплекс дастурларни шакллантирган ҳолда ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб чора-тадбирларни амалга ошириши, салбий кўрсаткичларни кескин камайишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон Қарори // <https://lex.uz/uz/docs/5831865>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4880189>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидан // <https://president.uz/uz/lists/view/2237>.



Ражабова Феруза Шоди қизи
*Бухоро вилояти Ғиждувон тумани
“Саидкент” маҳалла фуқаролар йиғини
ёшлар етакчиси*

МАҲАЛЛАДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли

Қарорида ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган.

Шу боисдан, ёшлар дастурларини шакллантириш ва уларнинг ижросини таъминлаш, маҳалладаги ҳар бир ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, “Ёшлар дафтари”ни юритиш, Беш муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда унинг касб кўникмаларини шакллантириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада – ёшлар етакчилари лавозими жорий этилди.

Шунингдек, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам жамият ҳаётида ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларни келажакда ўз ўрнига эга, ватанмиз учун чинакам фидойи фарзандлар бўлиб етиштириш билан боғлиқ жараёнларни ташкил этиш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Ўзида юзта устувор мақсадни мужассам этган Тараққиёт стратегиясининг 70-мақсади “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” дея номланди ва унда бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ёшлар сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишларини таъминлаш бугунги ислохотларнинг мезони ва фаолиятимиздаги устувор вазифалардан биридир.

Маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти ва уларнинг лавозим нуқтаи назардан қуйидаги вазифалар белгилаб берилган:

– маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестивалларини ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган

ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш;

– ёшларнинг тегишли соҳа раҳбарлари билан мулоқот ва учрашувларини ташкил этиш, кўтарилган масалалар бўйича манзилли чора-тадбирлар ижроси мониторингини юритиш.

– имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш, Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари, васийлик ва ҳомийлик органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

– “Ёшлар баланси”ни яратиш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ахборот тизимига киритиб бориш;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббусларини рағбатлантириш ва ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

– маҳалладаги ёшлар билан индивидуал тарзда ишлаш ва уларнинг муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш;

– ёшларнинг тегишли соҳа раҳбарлари билан мулоқот ва учрашувларини ташкил этиш;

– Ёшлар сиёсати йўналишидаги мавжуд муаммолар юзасидан Халқ депутатлари маҳаллик кенгашлари сессияларига кўриб чиқилиши бўйича масалалар киритиш;

– Худудий сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклишиш чораларини кўришдан иборат.

Ёшлар орасига чуқурроқ кириб бориш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда ранг-баранг тадбирлардан фойдаланиш самарали восита ҳисобланади. Аслида ҳам Ёшлар етакчиси томонидан олиб бориладиган ишларнинг асосий қисмини тадбирлар ташкил этади. Ташкил этилаётган тадбирларнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти қуйидагилардан иборат:

– илм-фанга жалб қилиш ва мотивацион кўмак бериш;

– ёшларнинг истеъдод ва қобилиятлари ривожланади;

– ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтади;

– ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ошади;

– ёшлар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик, дўстлик алоқалари кучаяди;

– ёшларнинг турли соҳалар бўйича билим-кўникмалари мустаҳкамланади;

– ёшларнинг маънавий савияси, дунёқараши ривожланади;

– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи қарор топади.

Республикмиз бўйича жами 9 349 та маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимга номзодлар кўриб чиқилиб, улар орасидан ёшлар билан ишлаш салоҳиятига эга кадрлар танлаб олинди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида маҳаллада “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар баланси” муаммолари бўйича ўқувлар ташкил қилинди.

Йил бошидан “Ёшлар дафтари”га 83 минг 446 нафар ёшлар киритилиб, “Ёшлар баланси” яқунлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар дафтарга тўлиқ қамраб олинади.

Бугунга қадар, дафтардаги 2 минг 673 нафар ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, талабаларнинг контракт тўловлари ва муддатли сафарбарлик чақируви резерви бадалини қоплаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиб, субсидия ажратиш орқали меҳнат қуроллари билан таъминлаш учун жамғармалар ҳисобидан қарийб 30 млрд. сўм маблағлар йўналтирилди.

“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган 234 мингта кунлик тадбирлар ўтказилиб, 7,4 млн нафар ёшлар қамраб олинмоқда. Шунингдек, мактабларнинг спорт ва фаоллар залида ҳар куни соат 16:00 дан 23:00 гача тўғарак ва машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилиб, ҳар куни ўртача 300 мингга яқин ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тадбиркорларга, айниқса, қизларимизга ҳунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда”. Бу эса, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини

юксалтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш масалаларида уларнинг иштироки беқиёслигидан далолат беради.

Маҳалладаги таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар ҳамда таълим билан банд бўлмаган ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинлар ташкил этиш муҳим вазифалар қаторига киради. Бунда, албатта, “Заковат”, “Мунозара”, нотиклик маҳоратини оширишга қаратилган “Ёшлар минбари”, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчи-ёшлар ҳамда фан олимпиадалари ғолибларини кенг жамоатчиликка танитиш ва улар томонидан ишлаб чиқилган ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида “TED kids” лойиҳасини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, ёшлар муаммолари билан ишлаш, уларнинг камол топиши ва билим олишига эътибор бериш, шунингдек, илмий, касбий ривожланиши, саломатлиги ҳамда иқтисодий имкониятларининг кенгайтирилиши, технология ва инновацияларни ривожлантиришга ажратиладиган сармоялар “демографик дивиденд”га эга бўлишига, яъни мамлакатнинг қисқа муддатда юқори иқтисодий тараққиётга эришишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. 2016 йил, 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил 19 январь. ПҚ-92-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони.

4. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.



Юлдашев Ойбек Баходир ўғли
*Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
агентлиги Андижон вилоят бошқармаси
бошлиғи*

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Ҳар қандай давлат ва жамият барқарорлиги ва унинг фаровонлиги энг аввало ёшларга бўлган муносабат билан ўлчанади. Шундай экан уларни бугунги кун талаби даражасида нафақат билим бериш шунинг баробарида уларни тўлақонли шу юртнинг фарзанди, халқпарвар, элпарвар қилиб тарбиялаш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб масаладир.

Миллат генафондининг олтин захираси, дея тарифланаётган ёшлар учун деярли ҳар куни янги имкониятлар таклиф этилмоқда. Бу эса, барпо этилаётган Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди. Шу мақсад йўлида мамалакатимизда ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизми жорий этилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли Қарорига кўра, маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг яхлит вертикал

бошқарув тизими яратилиб, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Ёшлар муаммоларини маҳалланинг ўзида ўрганиб, уни тўрт босқичда: маҳалла-туман-вилоят-республика даражасида ҳал этадиган яхлит вертикал бошқарув тизими яратилди.

Андижон вилоятидаги 887 та маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозимига 10 минг 192 нафар ёшлар саралаш танловларида иштирок этди. Танлов натижасига кўра номзодлар орасидан 887 та маҳаллаларга муносиб, садоқатли, фидойи, ватанпарвар, номзодлар танлаб олинди.

Сараланган ёшлар сифат таркиби:

Жинси: Эркаклар – 830 нафар, аёллар – 57 нафар.

Ёш тоифаси бўйича: 20 ёшгача – 29 нафар, 21-25 ёшилилар 294 нафар, 26-30 ёшлилар – 412 нафар, 31-35 ёшлилар – 10 нафар, 35 ёшдан юқори 11 нафар.

Маълумоти бўйича: 452 нафари олий, 227 нафари ўрта махсус, 190 нафари тугалланмаган олий, 18 нафари ўрта маълумотли.

Маҳаллада ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаоли лавозимларининг жорий этилиши ўзини ўзи бошқаришнинг миллий шакли бўлган маҳалла институтига янги қиёфа, мазмун бахш этди. Президентимиз ташаббуси билан асос солинган бу 3 та лавозимга бир-бирини тўлдирувчи алоҳида функциялар бириктирилган. Мисол учун, Ёшлар етакчилари ёшлар сиёсати ва маҳаллада ёшлар балансини шакллантиради. Шу аниқ механизм орқали ҳар бир ёшнинг хонадонига кириб, улар билан дўстона самимий алоқа ўрнатиб, ҳар бир ёшнинг тақдирига дахлдорлик шаклланади. Маҳалладаги аҳолининг 50-60 фоизни ёшлар ташкил қилади. Иш меҳнат ва ўқиш билан банд бўлмаган ёшлар ҳам бор. Айниқса, ёшлар етакчиси улар билан ишлаш учун бошқа касб эгаларида бўлмаган фазилатлар: киришувчанлик, ёшларни йўналтира олиш, мотивация бериш, ортидан эргаштириш салоҳиятига эга бўлиши керак. Чунки маҳалла ёшлари етакчи билан эркин, муаммоларига ечим топиш оҳонгида мулоқот қилиши лозим.

Бундай фазилатларни ривожлантиришга талаб борлиги сабабли, ёшлар етакчилари ўз устида ишлаши ва доимий малака ошириб

боришга эҳтиёжни оширди. Шунинчун Андижон вилоятидаги барча маҳалладаги ёшлар етакчилари билан тезкор ахборот алмашиш, самарали тажрибаларни оммалаштириш ва фаолияти мобайнида дуч келаётган муаммоларга тезкор муносабат кўрсатиш мақсадида ижтимоий тармоқда махсус саҳифалар фаолияти йўлга қўйилди. Барча шаҳар ва туманларида 1 тадан наъмунали маҳалла танлаб олиниб, шу маҳалла мисолида ёшлар етакчилари нима иш қилишлари, қандай қилиб иш ташкил қилишлари бўйича семинар-тренинглари ўтказилди.

Андижон вилоятидаги 887 нафар Етакчиларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформалари билан ишлаш, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференц алоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имкониятини берувчи энг замонавий компьютер жамланмалари билан таъминланди.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига ҳудуддаги ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари учун 16:00 дан кейин умумтаълим мактаблари, спорт мактабларни эшикларини очиб қўйилиб, фойдаланиш имконияти берилди. Ёшлар етакчиларининг масофавий малака оширишлари учун Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ilm.argos.uz электрон порталидан самарали фойдаланиш кўникмалари шакллантирилди. Ёшлар етакчилари “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида фаолиятини олиб бориш учун кўмак берувчи “Ёшлар штаби” фаолияти йўлга қўйилди. Ёшлар етакчилари томонидан мазкур йўналишдаги тадбирлар учун аниқ молиявий маблағлар ажратиш механизми яратилди.

Маҳалладаги ёшлар етакчисининг энг асосий вазифаларидан бири “Ёшлар баланси”ни шакллантириш бўлиб, “Ёшлар баланси” 6 та (5+1) йўналишда юритилади. Жумладан, 16-30 ёшгача бўлган ёшларнинг таълим маълумотлари, бандлик, саломатлик, оилавий ва ижтимоий ҳолатлари ўрганилади. Қўшимча 1 та йўналиш бўйича маҳаллаларда зарур инфратузилма ва ижтимоий объектлар мавжудлиги, ҳолати ва қамрови юзасидан маълумотлар шакллантирилади. Дастлабки ўрганиш натижалари айти кунда вилоят бўйича 602 516 нафар ёшларнинг дастлабки маълумотлари шакллантирилди. 115 584 нафар

ёшлар давлат ва хусусий секторда расман иш билан банд, 54 767 нафар ёш тадбиркор, фермер, хунарманд ва ўзини ўзи банд қилган. 126 915 нафар ёш таълим билан қамраб олинган, 93 668 нафар ёш бошқа турли соҳа ва тармоқларда банд, 12 944 нафар ёш эса ишсиз эканлиги аниқланган.

“Ёшлар баланси” асосида ҳар бир маҳаллада “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастури” шакллантирилди. “Ёшлар дафтари орқали ишсиз, ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож ҳамда иқтидорли ёшларга тизимли ёрдам кўрсатилади. 2021 йилда вилоят бўйича “Ёшлар дафтари”га 44 минг 854 нафар ёшлар киритилган бўлса, шундан 43 минг 415 нафарига ёрдам кўрсатилиб, дафтардан чиқарилди. 1 минг 439 нафар ёшларни 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида бандлиги таъминланиб, “Ёшлар дафтари” дан чиқариш чоралари кўриш чоралари белгиланган. Ёшларни қўллаб-қувватлаш учун “Ёшлар жамғарма” сидан 25 млрд 543 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, бугунги кунга қадар 9 минг 721 нафар ёшларга 24 млрд 689,3 млн сўмлик ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 1 минг 7 нафар ёшларга 3 млрд. 909,8 млн. сўмлик контракт пули, 1 минг 129 нафар ёшларга 2 млрд. 484 млн. сўмлик ҳайдовчилик гувоҳномаси, 304 нафар ёшларга 1 млрд. 404 млн. сўмлик тиббий ёрдам, 673 нафар ёшларга 3 млрд. 438,5 млн. сўмлик маблағлар тўлаб берилди.

Шакллантирилган “Ёшлар баланси” натижасида ишлаб чиқилган “Ёшлар дастури” вилоятимиздаги ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёшлар объектларини зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминлаш, ёшларни ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилади. Биринчи навбатда, 16-30 ёшдаги аҳоли қатлами билан тизимли ишлар ташкил этилади.

Андижон вилоятидаги ёшларни ҳаётини яхшилаш, жамиятда ўз ўрнини топиш, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлиб шаклланиши, истеъдод ва иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятларни ишга солиш учун қуйидаги вазифаларини бажаришни муҳим деб ҳисоблаймиз.

1. Маҳаллаларга ишга қабул қилинган Ёшлар етакчилари билан биргаликда маҳаллалардаги ёшларнинг умумий балансини шакллантириш.

2. Ёшлар баланси асосида ҳар бир маҳаллани ижтимоий-маърифий ривожлантиришга қаратилган “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиш.

3. Ҳар бир маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кундузги ва кечки тадбирлар режаси соатма-соат ишлаб чиқиш ва амалий жараёнларда фойдаланиш.

4. Олий таълим муассасаларида Ёшлар балансини шакллантираиш. Натижада олий таълим муассасалари талабаларининг ижтимоий-маънавий ҳолати бўйича умумий тахлилий маълумотларга эга бўлиш. Талабалар ҳақидаги 9 хил маълумотларни яъни умумий статистик маълумотлари, ёшлар сони, талабаларнинг ижтимоий ҳолати, ёшларнинг маънавий рағбатлантириш ҳолати, беш муҳим ташаббус лойиҳасига талабаларнинг жалб этилганлик ҳолати, талабаларни моддий рағбатлантириш ҳолати, талабаларнинг оилавий ҳолати, битирувчиларнинг бандлик ҳолати, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчилик ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар шакллантирилади. Олий таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректорлари ушбу баланс асосида ишларни ташкил этади.

5. “Ёшлар дафтари” ни қайтадан шакллантириш. “Ёшлар дафтари”га 45 минг 73 нафар ёшлар киритилиб, бугунги кунга қадар уларнинг 43 минг 433 нафарига ёрдам кўрсатилиб, дафтардан чиқарилди, дафтарда мавжуд 1 минг 640 нафар ёшларни бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда).

6. Ёшлар учун энг зарур 13 та йўналишдаги 100 та имкониятлардан онлайн тарзда фойдаланиш имконини берувчи Ёшлар портални тарғиботи билан шуғулланиш.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан “Ёшлар портали” сайти ишга туширилган бўлиб, ушбу портал орқали ёшлар учун энг зарур бўлган 13 та йўналишдаги 100 та имкониятдан онлайн тарзда фойдаланишлари мумкин.

Бу эса ёшларнинг ташкилотларга бирма-бир бориб, навбат кутиб, вақт сарфлашларини олдини олади. Шунингдек, ушбу порталда ёшлар янги лойиҳалар билан танишишлари, ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоб олишлари, янги таклиф ва мулоҳазаларини қолдиришлари мумкин).

7. Ёшлар ҳаётига офлайн (лойиҳа ва тадбирлар орқали) ва онлайн (Ёшлар платформалари орқали) кириб бориш.

Маҳаллалардаги ёшлар вакиллари ёшларнинг ҳаётига кундалик ташкил этиладиган лойиҳа ва тадбирлар орқали офлайн тарзда кириб боради, ҳар бир ёшни ўз қизиқишидан келиб чиқиб, тадбир ва лойиҳаларга жалб этади. Ёшлар дафтари платформаси, Ёшлар портали орқали ёшлар ҳаётига онлайн тарзда кириб борилади.

Ёшларимизни турли ёд ғояларга берилиб кетишини олдини олиш учун аввало, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистон ёшлари ўз фикри, дунёқараши, билим салоҳияти, энг асосийси, халқаро миқёсида ўз сўзи ва ўрнига эга шахслар бўлиб вояга етмоқда. Мамлакатимизда ёшларга яратилиб берилаётган улкан имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда ватан тараққиёти йўлида хизмат қилиш уларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6017-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли Қарори.



*Умарова Гулнора Абдурашидовна
Андижон вилояти Жалақудуқ тумани
“Дўнғишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини
ёшлар етакчиси*

МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЕТАКЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатида тарихий ўзгаришлар амалга оширилаётган бўлиб, буларнинг асоси сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлар дастурининг энг биринчи ва устувор йўналиши ёшлар масаласи этиб белгиланганлигини таъкидлаш жоиз. Мамлакатда яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ёшлар сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши барқарорлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашда ғоят муҳимдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати янги тус олди. Ёшларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш долзарб бўлиб, бу каби йўналишларга эътибор бериш лозим. Мамлакатимизда маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши, мавжуд муаммоларни маҳалла кесимида ҳал қилиш имконини яратди. Бу тизимнинг яратилгани маҳалладаги ёшлар билан тизимли ва манзилли ишлаш, улар дуч келаётган

муаммоларни ва турли камчиликларни жойида ҳал қилиш имкониятини юзага келтирди. Маҳалладаги ёшлар билан бевосита мулоқот қилиш ва дўстлик алоқаларни ўрнатишда, уюлмаган ёшлар билан ишлаш механизмини тизимлаштиришда етакчининг ўрни беқиёсдир.

2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан йил бошидан Жалакудуқ туманидаги “Дўнгқишлоқ” маҳалласи ёшлар етакчиси лавозимига тайинландим. Ушбу масъулиятли вазифа ҳаётимда туб бурилиш ясаганини алоҳида таъкидлаш зарур. Маҳалладаги етакчининг олдида қўйилган вазифалардан бири маҳалладаги ёш йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, касб-ҳунар ўргатишга йўналтириш ва бандлигига кўмаклашиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборат. Шу мақсадда фаолиятимни маҳаллада “хонадонбай” хатлов ўтказишдан бошладим.

Мазкур вазифаларни бажаришдан олдин маҳалламиздаги ёшларга оид барча кўрсаткичларни таҳлил қилиб, “Ёшлар баланси”ни шакллантирдим. Ҳозирда маҳалламизда 16-30 ёшгача бўлган 802 нафар ёшларнинг маълумотлар базаси бор. Мазкур “Ёшлар баланси” орқали ёшлар билан манзилли ишлаш имкони, муаммоларини ечими учун “Ёшлар дастурини” туздим.

Дастурда белгиланган вазифаларимга доир “Ёшларни бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида кўчама-кўча тадбир ва лойиҳалар, танлов ва мусобақалар, тўғараклар ташкил этилди.

Хатлов жараёнида аниқланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилди, ёшлар билан манзилли ишлашда бир қатор механизмлар жорий этилди.

Шунингдек, “Ёшлар дафтари”га киритилган талаба ёшларни тўлов шартнома тўловини тўлаб бериш, 1 нафар ёшга соғлиғини тиклаш учун маблағ ажратиш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқдаман. Юртимизда ёшларнинг таклиф ва ташаббусларини рўёбга чиқаришнинг

аниқ механизми яратилди. Тумандаги сектор раҳбарларининг ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратгани, уларнинг ёшлар томонидан билдирилган ҳар қандай мулоҳазаларга тезкор муносабатининг мавдждудлиги, тизимнинг нақадар тўғри йўлга қўйилганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, “Бир нурунийга – 10 нафар ёш” тамойили асосида профилактик рўйхатда турган, тарбияси оғир, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда балоғат ёшидаги ёшларни маҳалламизнинг ўн нафар нуруний оқсақолларига кўчалар кесимида бириктирилди. Маҳаллада Ҳоким ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтиб, унда мамлакатимизда ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

“Дўнгқишлоқ” маҳалласида хотин-қизларга бўлган эътибор ҳам юксак даражада бўлиб, 8-март “Халқаро хотин-қизлар” куни муносабати билан маҳалламизда истиқомат қилаётган кекса онахонлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, шунингдек, оиласида ногиронлиги бўлган ёшларнинг хонадонларига турли совғалар улашилди.

Мазкур маҳаллада 4 та сектор раҳбарлари бошчилигида мусобақалар ташкиллаштирилиб, спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар, “Заковат” интеллектуал ўйинлари, китобхонлик ва санъат йўналишлари бўйича тадбирларда 500 нафар ёшларимиз иштирок этди. Маҳалламизда ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда, хусусан, жорий йилнинг 19 март куни “Маҳалла ёшлари бирлашайлик” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Бунда мини-футбол бўйича юқори ўринни эгаллаган жамоа қатнашчилари махсус совғалар билан тақдирланди. “Заковат” интеллектуал ўйинида ғолиб бўлган жамоанинг 6 нафар қатнашчисига ҳам совринлар топширилди.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтларини спорт майдонлари, кутубхона, санъат саройлари, ахборот-ресурс марказларида мазмунли ўтказиш бўйича зарур инфратузилма шакллантириш лозим. Маҳалла ёшлари ўз етакчисига ишонса, етакчи

орқали муаммо ва ташаббуслари тегишли мутасадди вакилларга етказилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. “Дўнгқишлоқ” маҳалласида таълим соҳасини ривожлантириш, малакали устозлар билан биргаликда ўқув марказларини ташкил этиш асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Ҳар бир ёш замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган янги мактаб, олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ёшларга нисбатан берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар ёшларимизнинг порлоқ келажаги учун замин яратади, маҳалла тараққиётининг энг юқори чўққига эришишида асосий восита ва кўмак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил, 13 октябрь. ПҚ-4862-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида. 2018 йил 7 июнь, ПҚ-3777-сон.